

Янги жамоатлар ташкил қилиш

Биринчи қўлланма
Январ 2003 й.



“Рұхий уйғониш“
Иттифоқы



Барча жойда жамоат ташкил
қилиш уюшмаси

Сиз бу материалдан көнг имкониятларда фойдаланишингиз, уни қайта босмадан чиқаришингиз, тарқатишингиз мумкин. Биз умид қиласизки, бу материал яна кўплаб хизматчиларни доимий жамоатларни ташкил қилишда қатнашишда ва уларни тайёрлашда ёрдам беради. Январ 2003 йил.

БИРИНЧИ ҚҮЛЛАНМА

Мундарижа

Курс учун сўз боши	5
Таълим бериш режаси	7
1-Кисм: НИЯТ (Мақсад)	8
1-ДАРС “Якуний Мақсад”- фикрлаш	9
2-ДАРС Буюк Топшириқ ва жамоатлар ташкил қилиш	15
Илова: “Буюк Топшириқ” мавзуси бўйича машқлар.....	22
3-ДАРС Жамоатлар ташкил қилиш даври	24
Илова: Янги жамоатлар ташкил қиласидаган одамларни энг кўп берадиган саволлари	31
4-ДАРС Тадқиқот ишининг принциплари.....	33
Илова: Жамоат тузишдаги тадқиқот ишлари.....	40
5-ДАРС Янги жамоатлар ташкил қилиш намуналари	45
2-Кисм: ЖАМОАТ	53
1-ДАРС Жамоатнинг Муқаддас Китоб бўйича асослари	54
2-ДАРС Жамоатнинг вазифаси	61
3-ДАРС Шакллари ва вазифалари	69
Илова: Шакл ва вазифалар концепцияларини амалда қўлланилиши.....	76
4-ДАРС Жамоатнинг таърифи	77
Илова: ҳаворий Павлуснинг Жамоат ҳақидаги нияти (мақсади)	82
5-ДАРС Мақсад таърифини тузиш	83
3-Кисм: РУХИЙ ЎСИШ.....	87
1-ДАРС Имон билан оқланиш.....	88
2-ДАРС Хушхабар бўйича ҳаёт	93
3-ДАРС Имонлининг ҳаётида хочнинг роли	98
4-ДАРС Гуноҳнинг ҳокимятидан озод бўлиш	103
5-ДАРС Рухий ўсиш кундалиги	109
4-Кисм: МУҚАДДАС КИТОБНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ.....	115
1-ДАРС Худонинг Каломини тушуниш	116
Илова: Каломшунослик	120
2,3-ДАРСЛАР Муқаддас Китобни индуктив усулда ўрганишни I	126
4-ДАРС Муқаддас Китобни индуктив усулда ўрганишни II	132

5-Кисм: ХУШХАБАР АЙТИШ	135
1-ДАРС	
Хушхабар айтишга сүз боши	136
Илова: Хушхабарни түшүнүш	143
Илова: Ибодат учлиги	146
Илова: Күпприк тасвири	148
2,3-ДАРСЛАР	
Шахсий гувоҳликни таёrlаш	149
6-Кисм: ИБОДАТ	153
1-ДАРС	
Ибодатга даъват	154
2,3-ДАРСЛАР	
Ибодатда бирлашиш	159
Мазкур Кўлланма бўйича топшириқлар	163

Курс учун сўз боши

Бу ўқиши материали ҳақида

I. Бу материални тайёрлашдан мақсад

Танланган ва жамоат ташкил қилиш учун хизматга юбориладиган шогирдлар тайёргарликка муҳтожидирлар. Жамоат раҳбарлари учун эса, хизматдаги қийинчиликларга қарамасдан Худонинг аниқ иродасини билиш зарур. Афсуски кўплар семинариялар, коллежларга бориш имкониятидан маҳрумдирлар.

Бу кўлланмаларнинг мақсади — миссионерлар ва жамоат раҳбарларига хизматлари учун Худо иродасини очиб, уни Муқаддас Китоб асосида амалга тадбиқ этишда ёрдам беришдир. Унда жуда кўплаб фойдали маълумотлар бор, бундан ташқари бу кўлланмалар фақатгина ”таништириш программаси“ бўлиб чегараланиб қолмаган. Ундан фойдаланиш тўлиқ Муқаддас Китобга асосланган ва жамоатда хизмат қилиш учун, яна янги жамоатларни ташкил қилиш учун зарур бўлган билимларга эга бўлишда ёрдам беради.

Бу кўлланмалардан икки йўлда фойдаланиш мумкин:

1. Амалий таълим олиш ва янги жамоатларни ташкил қилиш учун хизматчиларни тайёрлашда.
2. Масих Танасида жамоатларга асос солиш ҳаракатини бошлаш учун.

Ривожланган бу даврда биз кўплаб мамлакатлар: Бразилия, Руминия, Филиппинда, Нигерия ва бошқа давлатларда янги жамоатларга асос солишининг ривожланишини кўришимиз мумкин. Биз ишонамиз, Худонинг бутун дунёга хушхабарни етказиш учун керак бўладиган қуроли, бу маҳаллий жамоатлардир ва кўпайиш асосида ташкил қилинган янги жамоатлар Буюк Топширикни амалга оширишининг энг самарали йўли бўла олади. Янги жамоатлар бошиданоқ янги жамоатларни ташкил қилишни мақсад қилган ҳолда бунёд этилиши керак. Бундай ҳаракат бошланганидан кейин, бутун мамлакатда кўплаб одамларнинг ҳаётини ўзгартириб юборадиган уйғониш, янги жамоатлар ташкил қилиш бошланади.

Янги жамоатларни ташкил қилиш ҳаракатида Масихийликнинг ҳамма ”даражасидаги“ одамлар — янги имонга келганлар ҳам, доноликка тўлган бошқарувчилар ҳам, ҳамма-ҳамма иштирок этиши керак. Хушхабар тарқатувчилар ёлиз бир ўзи янги жамоатларни ташкил қилиш ҳаракатини бошлай олмайдилар. Шунинг учун бизнинг бу кўлланмалар фақатгина янги жамоатларни ташкил қилишга чақирилган хизматчилар учунгина эмас. Фойдаланиш осон бўлган ва жамоатлардаги ҳаммага янги жамоат ташкил қилишда кўлланма бўла оладиган ва кўплаб жамоатларда самарали ишлатиляётган бу кўлланмалар, ҳар бир янги жамоатни ташкил қилиш имкониятига ва ҳоҳишига эга бўлган одамлар учун ажойиб кўлланма бўла олади.

II. Кўлланмадаги маълумотлар

Бутун материал умумий 125 та бир соатлик дарслардан ташкил топган бўлиб, ўз ичига янги жамоатни ташкил қилиш учун қилинадиган ишлар, мақсад, уй гурухларида хизмат қилиш, устозлик, жамоат тузилиши, воизхонлик, Муқаддас Китобни ўрганиш, йўлбошчилик, ибодат, ваъзхонлик, руҳий ўсиш, оиласа тегишли саволлар, руҳий жанг, бошқариш ва бошқаларни ўз ичига олган бешта кўлланмага бўлинган.

Кўлланмаларга бўлишдан мақсад таълим жараёнида ”илгарила борадиган“ яни ривожланиб борадиган характер кўзланган. Ҳар бир кўлланма курси тугаганидан кейин, ўргангандарни амалда ишлатиб кўриш учун танаффус қилиш зарур. Кейинги курслар эса кўпинча аввалги дарсларда ўргангандарни амалда ишлатиб олинган тажрибаларга асосланиб тузилган.

Шундай қилиб, материал бир вақтда ҳам таълим олиш, ҳам амалда ишлатиб жамоатда хизмат қилиб бориш давомида ўрганиш имконини беради. Янги жамоатни ташкил қиласар экан хизматчи керакли тажриба ва билимнинг етишмаслиги, бундан ташқари турли хил саволларни ҳал қилишда дуч келадиган қийинчиликлар билан тўқнашади. Янги жамоатни ташкил қилишда керак бўладиган тажриба ва билим биринчи кўлланмага киритилган, ундан кейин туғилиши мумкин бўлган муаммо ва саволларга жавоблар эса кейинги кўлланмаларда берилиган. Ҳар бир

кўлланма хизматчиларга жамоат ташкил қилишда дуч келадиган аниқ муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берадиган қилиб тузилган.

Дарслар мавзулар асосида группаланган, ва ҳар бир кўлланма турли хил дарсларни ўз ичига олган бўлимлардан иборат. Бир неча мавзулар эса, мисол учун "Ният" ёки "Жамоат" кабилар, ҳамма беш кўлланмада ҳам берилган. Бошқалари эса мисол учун "Устозлик", "Бошқариш" каби мавзулар охирроқда, яни ўрганувчи учун энг керак бўладиган даврларда берилган. Бу бўлимнинг охирида бешта кўлланмага кирадиган дарсларнинг жадвали берилган.

III. МАТЕРИАЛДАН ФОЙДАЛАНИШ

A. Қатнашчилар учун

Ҳар бир кўлланмани тайёрлаш учун кўплаб куч, вақт сарфланиб, ибодатлар қилинланган. Улардаги маълумотлар, миссионерлик принциплари, янги жамоатлар ташкил қилиш хизмати тажрибалари иложи борича юқори даражада беришга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ўрганишни биринчи кўлланмадан бошлаб, тартиб асосида, қолганларини ҳам ўрганишингиз зарур бўлади. Мана шу йўл билан ҳар бир дарснинг мазмуни диққат билан танланган ва жамоат ташкил қилишда фойдали, қулай ва зарур бўлган қурол бўла олишига ҳаракат қилинган. Дарсларни қолдириб кетиш сиз учун фойдали бўлмайди.

Эсингизда бўлсин, ҳақиқий таълим фақатгина сиз ҳаётингизда ва хизматингизда уни ишлатганингиздагина амалга ошади. Кўплаб дарсларнинг охирида топшириқлар берилган. Улар, сиз ўрганган дарсингизни амалда кўллашингизда ёрдам бериш учун берилган ва уларни кейинги кўлланмани бошламасдан олдин бажариш тавсия қилинади. Бу амалий машғулотни бажараётганингизда сизга устоз, ёки ўқитувчига эга бўлиш ва у сизнинг ўрганганларингизни ҳаётингизда ва хизматингизда амалда қўллаётганингизни кузатиб туриши жуда муҳим.

B. Ўқитувчилар учун

Бу материалдан ҳар қандай таълим жараёнларида фойдаланиш мумкин – библия мактабларида, семинарларда, жамоат семинарларида. Бундан ташқари у фақатгина ўкув дарслиги эмас. Бу кўлланмалардан фойдаланишдан мақсад – амалий йўл билан жамоат ташкил қилиш учун хизматчиларни тайёрлашдир. Материал билан ишлашда ўкувчига фақатгина маълумот беригина қолмай, балки унда Муқаддас Китобга асосланган хизматга қизиқиш уйғотиш ҳамдир. Бу кўлланмалар—"бажарувчилар" учундир.

Сиз ҳар бир материални шароитингизга қараб, қандай ўқитиш ва ишлатишни танлашингиз мумкин, биз фақатгина маслаҳат берамиз, ҳар бир кўлланмани семинарда бир ҳафта давомида ўрганиш жуда ҳам фойдали хисобланади. Ўқитаётганда кўпроқ дарслар охирида берилган топшириқларни кейинги дарсгача бажарилганлигига алоҳида аҳамият бериш керак бўлади. Таълим бериш даврлари орасидаги фарқ — тўрт ойдан олти ойгача хисобланади. Бундай таълим беришнинг афзаллиги шундаки, ўрганилган билим, топшириқлар орасида амалда кўллаш орқали тажриба ошиб боради.

Ўқитиш давомида ҳар бир бўлимнинг ҳар бир абзасига эътибор бериш шарт эмас, чунки ўқитувчилар ўзлари кейинроқ бу нарсаларни ўқиб олишлари мумкин. Энг яхши ўқитиш усули бу ўқитувчилар авал ўзлари материални ўқийдилар ва ўз тажрибалари асосида дарсда уни муҳокама киладилар. Баъзан эса ўрганилаётган мавзуда кўплаб тажрибага эга бўлган кишининг фақатгина ваъзи фойдали бўлиши мумкин. Бу ўзингизга боғлиқ, сиз яратувчан бўлинг, материалларда берилган принцип ва билимларни турлича йўллар билан бошқаларга етказиб беринг.

Таълим Бериш Режаси

Биринчи Кўлланма					
Жамоат	Ният (Мақсад)	Рұхий ўсти	Муқаддас Китобни юрганини усуллари	Xуу хабар айтши	Ибодат
1 Дарс: Жамоатнинг М.К. бўйича асослари фикрлаш	1 Дарс: "Я.М" –	1 Дарс: Имон билан оқланиш.	1 Дарс: Худонинг Каломинни тушуниш IA: Каломинуослик	1 Дарс: Хуш хабар айтишга сўз боши. IA:Хушхабарни тушунни	1 Дарс: Ибодатга давват
2 Дарс: Жамоатнинг вазифаси	2 Дарс: Буюк Топширик ва жамоатлар ташкил килиш.	2 Дарс: Хушхабар бўйича хаёт	2,3 Дарс: Муқаддас Китобни индуктив усулда ўрганиш I	1Б:Ибодат училиги IB: "Куприк " масавири	2 Дарс: Ибодатда бирлашиб.
3 Дарс: Шакллари ва 2A.Буюк Топширик бўйича машклар	3 Дарс: Шакллари ва 2A:Шакл ва вазифалар	3 Дарс: Имонлининг хаётида хочнинг роли I	4 Дарс: Муқаддас Китобни индуктив усулда ўрганиш II	2,3 Дарс: Шахсий гувоҳликни тайёрлаш.	
3А:Шакл ва концепциясини амалда кўллаш	3 А: Жамоат ташкил килинганлар берадиган саволлар	4 Дарс: Гунохнинг хокимиятидан озод бўлиш	5Дарс: Рухий ўсиш кундатиги		
4 Дарс: Жамоатнинг тарьифи,	4 А: Тадқикот ишининг принциплари	4 Дарс: Тадқикот ташкил этиидаги 4А: Жамоат ташкил этиидаги	4 Дарс: Тадқикот ишининг принциплари		
4А:Хав.Павел нинг жамоат хакидаги нияти	5 Дарс: Максад тарьиини тузиш	5 Дарс: Янги жамоатлар ташкил килиш намуналари	5 Дарс: Кўзатувчалар		
5	5	6	4	3	2

Умумий дарслар вакти: 30 (4 соатлик-бошланиш, хулоса, топширикларни ҳам ўз ичита олган)

Бутун курсдаги соатлар: 148

1 Қисм: Ният (Мақсад)

Ният (Мақсад)

1 Дарс

Якуний Мақсад-фикрлаш

Дарс мақсади:

Янги жамоатлар тузиш жараёнида асл мақсадни ният қила билиш катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш.

Кутиладиган натижадлар:

Дарс мавзусини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Дунёга, ўз халкига, ўзининг вилояти, нохияси, шахри, қишлоғи аҳолисига хизмат қилиш ниятига эга бўлиши керак
- Ҳар бир инсон, у соҳа эркак, соҳа аёл, соҳа ёш бола бўлсин, Худонинг Хушхабарини эшлиши, унинг маъносини тушуниши ва Исо Масихни ўзининг Рабби ва Нажоткори деб қабул қилиши Худонинг иноятли хоҳиши эканлигини билиши керак.
- Янги жамоатларни тузиш жараёнининг асл мақсадини англомоги керак (“Якуний Мақсад”-фикрлаш). Бизнинг яқин ва узоқ келажакда қутиладиган ишларимиз, асл мақсадимизга мос келиши қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниши керак.

Дарс режаси:

- I. “Якуний Мақсад”-фикрлаш учун сўз боши
- II. Маҳаллий жамоатлар тузиш
- III. “Якуний Мақсад”га олиб борувчи йўлдаги муҳим нарса
- IV. “Якуний Мақсад”-фикрлаш нимада ўз аксини топади

Ўқитувчиларга кўрсатмалар:

“Якуний Мақсад”-фикрлаш бизга Худонинг Ўзи яратганларига нисбатан асл мақсадининг гоясини тушунтиради, яъни мамлакатлар учун, вилоят, шаҳар ва қишлоқлар учун, ундаги ҳар бир одам - эркак, аёл, гўдак, Инжил Хушхабарини эшлиши ва Унинг маъносини тушуниши ва шу тарзда Исо Масихни ўзининг Рабби ва Нажоткори деб қабул қилиш имкониятига эга бўлиши керак. Сиз яшаб турган жой шароитларида ушбу гояни одамларга қандай қилиб оддийроқ шаклда тушунтириш мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўринг.

I.”ЯКУНИЙ МАҚСАД” – ФИКРЛАШ УЧУН СЎЗ БОШИ

Агар масиҳий жамоатларининг раҳбарлари ўзларига шундай савол берсалар: “Мен хизмат килаётган жойдаги одамларга нисбатан Худонинг хоҳиши қандай?”, бу нарса уларнинг хизматларига қандай таъсир кўрсатади? Уларнинг жамоат хизматидаги мақсад ва вазифаларини белгилашларини ва ниятларини ифода этиш бу саволга энг тўғри ва тўлиқ жавоб беради.

Муқаддас Китоб аниқ таъкидлайдики, Худо ҳамма одамларнинг нажот топишларини хоҳлайди. Ҳаворий Павлус Тимўтийга ёзди: “Бу ҳайрли иш бўлиб, нажоткоримиз Худога мақбулдир. У бутун инсонлар ҳақиқатни билиб олиб, нажот топишларини истайди” (1Тим.2:3,4). Худди мана шу нарса Худонинг асл мақсадидир ва бу нарса халқ учун, вилоят, нохия, шаҳар, маҳалла ва қишлоқлар учундир. Бу йўналишдаги иш “Якуний Мақсад”-фикрлашнинг мазмунини англашади. Ҳаворий Бутрус ўз навбатида ёзди: “Баъзилар ўйлагандек, Раббимиз берган ваъдасини амалга оширишга имилламаяпди. Аксинча, У ҳеч кимнинг ҳалок бўлишини истамай, ҳамма тавба қилсин, деб сабр-тоқат билан кутиб турибди” (2Бутр.3:9).

Агар Худонинг хоҳиши шундай экан, унда Унинг фарзандлари буни ўзгаларга ҳам исташлари керак. Самовий Отамизнинг хоҳиш-иродасини бошқалар билан бўлишишимиз ва шунинг учун меҳнат қилишимиз керак эмасми? Биз ўзимизни Худога тақдим этдикими? У бизни Ўз мақсадини амалга ошириш йўлида хизмат қилишимиз учун ишлатиши мумкинми? Худо Ўз хоҳиш-иродасини амалга ошириш учун биз орқали бошқаларни ҳам хизмат қилишга ундаши мумкинми? Агар мамлакатдаги, вилоятдаги, ноҳия ва қишлоқлардаги барча масиҳийлар, ўзлари яшаётган жойдаги ҳар бир одам Уни билиши ва ёнида Исо Масих каби ҳаёт кечирадиган масиҳийни кўриши, Худонинг хоҳиши эканлигига тўла ишонсалар нима бўлади? Бу нарса масиҳийларни ўз ҳаётларини ва ўша жойда яшовчи одамларнинг ҳаётларини ўзgartирадими?

Дарснинг кейинги бўлимига ўтишдан аввал ўзингиздан сўранг:

- Худонинг менинг(юртим, вилоятим, ноҳиям, шаҳрим, қишлоғим ва ҳ. з) га нисбатан хоҳиши қандай. Қисқача жавоб беришга ҳаракат қилинг.
- Бундан олдинги саволнинг жавоби менинг хизматимга қандай таъсир этади (таъсир этиши мумкин)? Менинг хозирги қилаётган ишларим Худонинг мақсад ва хоҳишини қай даражада акс эттиради?

Кўриниб турибдики, “Якуний Мақсад”-фикрлаш жамоатдаги бутун хизмат ниятини етарли даражада яхши акс эттиради ва жамоатдаги ҳар бир хизмат тури учун мақсад ва вазифаларни аниқлаб беради.

II. БАРЧА ЖОЙДА ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ

“Якуний Мақсад”га- эришиш учун “тўйинтириш” келиши керак. “Тўйинтириш”ни жамоатга хизмат қилиш деб қабул қилсан ҳам бўлади, бунда маҳаллий жамоат Масих тўғрисидаги Хабарни “ҳар бир одамга”, “ҳаммага” ва “ҳар бирига” етказадилар, бу ҳақда Биринчи Тимўтий мактубида ва Бутруси Иккинчи мактубида ҳам гапирилади. Ушбу лавҳалардан кўриниб турибдики, ҳар бир инсон - ҳар бир эркак, ҳар бир аёл, ҳар бир гўдак - Хушхабарни эшитиши, унинг маъносини англаши ва Исо Масиҳни Раббим ва Нажоткорим деб қабул қилиш имкониятига эга бўлиши Худонинг иноятли хоҳишидир. Бундан шуни тушунса бўлади, ўзи имон келтирган, Худонинг Каломини ва уни ўрганаётган жамоатнинг бир бўлаги бўлиш масиҳий ҳаёт учун муҳимдир.

Янги жамоатлар ташкил қилиш жараёни (“тўйинтириш”тacha бўлган) ўзида асл мақсадга эришишнинг Муқаддас Китоб йўлни ифодалайди. Бошқача айтганда - бу ният, стратегия ва хизмат қилишдир, бунинг натижасида эса мамлакатлар, вилоятлар, ноҳиялар, шаҳар ва қишлоқларда, Хушхабарни ҳар бир одамга, уларнинг ўз тилларида, уларнинг маданияти ва удумларига мос тарзда тушунтира оладиган жамоатларни кўпайиб боришидир.

A. “Якуний Мақсад”ни Худодан келишини кутиш ҳақида тўғри?

Худо “Якуний Мақсад”ни келишини биздан кўра кўпроқ кутади, чунки бу Унинг хоҳиши, Унинг режаси деган фактдан ташқари, Муқаддас Ёзув ҳам унинг келиши ҳақида аниқ ва очиқ ваъда берганлиги қувонарли хол эмасми!? Худонинг дунёни Ўзи ҳақидаги маърифати ва шон-шухрати билан тўлдириш ваъдаси Иш.11:9 да ўз аксини топган : - “...сувлар дengizlарни тўлдиргани каби, Худонинг иродаси бутун дунёни тўлдиради”, ва Мат. 24:14 да ҳам айтилган: - “Худо салтанати тўғрисидаги Ижил Хушхабари ҳамма халқларга далолат бўлиши учун жаҳон бўйлаб тарғиб қилинади ва ўшандантина сўнг охирзамон бўлади”.

B. “Якуний Мақсад” ҳақида Худо нима дейди?

Отаси билан бўлган энг яқин ва нозик мулоқотларининг бирида, Исо Масих “Якуний Мақсад” учун ибодат қиласи, Унга имон келтирганлар орасида бирлик бўлишини сўрайди: “...муқкамал бирликка эришсинглар. Натижада, дунё Мени Сен юборганингни тан олсин, Мени қандай севсанг, Меникиларни ҳам шундай севганингни дунё билсин” (Юх.17:21-23). Тасаввур киляпсизми?! Худонинг Ўғли Отаси билан гаплашаётганда “Якуний Мақсад”ни муҳокама қилмоқда. Бу эса шуни билдирадики, “Якуний Мақсад”нинг келиши Худо учун муҳим аҳамиятга эгадир.

В. Масих Ўзининг шогирдларига “Якуний Мақсад” келиши ҳақида таълим беради

Исо Масих Ўз шогирдларига: “Якуний Мақсад” - тўлдирувчи келади, Унинг ерга келишидан асл мақсади дунёни У ҳақидаги хабар билан тўлдириш бўлади - деган; Унинг ерга иккинчи маротаба келишидан олдин, “аввал ҳамма халқларга Хушхабар тарғиб қилиниши

көрек” деб вада берган (Марк.13:10). У яна Мат.24:14 ва Лук. 24:45-47 да ҳам вада беради, Инжил Хушхабари ҳамма ҳалқларга далолат бўлиши учун бутун жаҳонга тарғиб қилинади.

III. АСОСИЙСИ “ЯКУНИЙ МАҚСАД” ГА ОЛИБ БОРУВЧИ ЙЎЛ

“Якуний Мақсад”га олиб борувчи йўл - биз ўз хизматларимиз орқали “Якуний Мақсад” келишига имкон яратадиган барча ишларимиздир. Ёзувлар бизга баъзи бир асосий тушунчаларни, “Якуний Мақсад” йўлидаги асосий кўрсамаларни беради, буларсиз “Якуний Мақсад”нинг келиши етарли даражада натижа бермайди. Куйида келтирилганларнинг барчаси “Якуний Мақсад” элементларига бевосита боғлиқ эканлигига эътибор беринг. Агар биз ҳар доим “Якуний Мақсад” фикрлаш бўйича иш кўрсак, унда бу бизнинг асл мақсадимиз йўлидаги стратегик танлашни енгиллаштиради.

A. Ибодат

- Агар Худонинг ҳалқи кераклигича ибодат қилса, “Якуний Мақсад” бошланади (2Пар.7:14).
- Худо ҳалқига, Худонинг хизматчилари “Якуний Мақсад”нинг яқинлашишида фаол қатнашишлари учун ибодат қилишлари амр қилинган (Мат.9:38).
- Худо ҳалқи “Якуний Мақсад” келишига шароит яратилиши учун ибодат қилишлари керак. Ҳаворий Павлус, ўз навбатида Тимўтийга ёзадики, жамоатлар Хушхабарнинг янада кенгрок тарқалиши учун жамиятда қулай шарт-шароит вужудга келишини сўраб ҳам ибодат қилишлари лозим (1Тим.2:1-4).
- “Якуний Мақсад”- бу “азизларнинг дуо-ю ибодатлари” жамланмасининг натижасидир (Вах. 5:8-10).

B. Бирлик

“Бутун дунё билсин...” деган даъватни амалга ошиши, барча имонлиларнинг, Масих билан Худо бирлашгандек, бирлашишларини талаб қиласди. Қачонки, Масих Ўзининг Худо билан бирлиги ҳақида гапирса, У албатта Улар ўртасидаги севги ва узилмас ришталарни таъкидлаб ўтади. У бизнинг бирлигимиз, Худо билан Масих бирлигининг яққол наъмунаси ва дунё учун гувоҳлик бўлсин, шунингдек, биз ҳар доим У билан, Худойимиз билан алоқада бўлишимизни хоҳлади ва ана шу нарса учун ибодат қилган.(Юх.17:21-23).

B. Севги

Исо Масих: “Ҳамма шундан билиб олади...” деганда, У масихийлар орасидаги севгини назарда тутган эди (Юх.13:35). Масих аниқ қилиб тушунтирди, “Якуний Мақсад” келиши учун имонлилар орасидаги муносабатларда ўзгача сифатлар талаб қилинади. Қачонки имонлилар бир-бирларини севсаларгина, одамлар бизларни Масихга тегишли эканлигимизни билишади. Бизнинг сафимиз кўпайгани билан орамизда биродарлик севгиси бўлмаса, бу нарса бизни одамлар кўз ўнгидаги навбатдаги оддий диний ҳаракат бўлиб қолишимизга олиб келади.

Г. Ният

Куйида келтирилган оятлардан шундай хулоса чиқарамиз, демак, “Якуний Мақсад” - бу умумбашарий масала ва унинг ечими ҳар бир миллатга ва барча вилоятларда яшовчи одамларга ҳам тегишлидир. Маълум бир жой учун “Якуний Мақсад”-фикрлаш, худди Худо сингари, бутун дунёни кўраолиши талаб қиласди, яъни биз Худонинг дунёкарашига эга бўлмогимиз лозим.

- Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди,”токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин” (Юх. 3:16).
- Масих “бизнинг гуноҳларимизнигина эмас, балки бутун дунёниг гуноҳларини ювиш учун курбон бўлди” (Юх. 2:2).
- Муқаддас Рух “келиб, гуноҳ, адолат ва хукм хусусида дунёниг хато қилганини фош қиласди”(Юх. 16:7-11).
- Муқаддас Рух масихийларга “дунёниг энг олис ерларида ҳам” гувоҳлик беришлари учун куч-кувват беради (Хав.1:8).
- Масих Ўз шогирдларига “...бориб, барча ҳалқларни ўргатинглар” деб амр киласди (Мат. 28:18-20).

Д. Хушхабарни тарғиб қилиш

Жамоат ўз воизхонларини (яни Хушхабар тарқатувчилар) имонлилар кам бўлган ёки умуман бўлмаган жойларга юборишлари керак. Ҳар бир одам Хушхабарни эшитиб Исо Масихга имон келтириш имкониятига эга бўлиши учун у одамларга Хушхабарни тарғиб қилувчи воизхонларни юбориш лозим. “Якуний Мақсад” учун шу нарса муҳимки, имонлилар, Хушхабарни эшитмаганлар олдига боришлари ва уларга нажот ҳақидаги хабарни етказишилари керак. Акс холда Павлус айтганидек бўлади: “...улар инонмасдан туриб, Уни қандай чақирадилар? Тарғиб қилувчи бўлмаса, қандай эшитадилар? Юборилмасдан туриб, Каломни қандай тарғиб қиладилар?” (Рим. 10:14-15).

Масиҳийлар тадқиқот ишларини давом эттиришлари ва Инжил Хушхабари етиб бормаган жойларни аниқлашлари, Инжил Хушхабарини эшитмаган шаҳар, махалла, қишлоқлардаги одамлани топишлари керак. Сўнг, Хушхабар имкониятларидан келиб чиқсан холда жойларда янги жамоатлар ташкил қилиш ҳақида ўйлашлари керак, “Ундан хабарсиз бўлганлар кўргайлар, У ҳақда эшитмаганлар англайдилар”. (Рим.15:21).

Худо Инжил Хушхабарини тарғиб қилиш зарурлигини гапириб, Павлусга кечаси вахийда кўриниб: “Кўрқма, лекин тинмай гапиравергин” - деб даъват қилган.

Е. Моддий хизматнинг зарурлиги

“Якуний Мақсад” - фикрлаш бизнинг қурбонликка бўлган муносабатимизни ўзгартиради. Муқаддас Китоб бизга шуни ўргатадики, Буюк топшириқни амалга оширилишини моддий томондан таъминловчилар, бевосита воизхонлик ишлари билан шуғулланувчилар каби мукофотга лойиқдирлар. Масиҳ Буюк топшириқни амалга ошишида моддий ёрдам берадиганларни, уни бевосита амалга ошираётганлар билан ўзаро тенг деб билган. “Ким пайғамбарни пайғамбар деб қабул қилса, у пайғамбарга яраша эҳсон олади...” (Мат.10:37-42).

Павлус Эфес жамоати оқсоқолларини Милитга таклиф қилиб, Исо Масиҳ сўзини келтиради: “Олишдан кўра беришнинг баҳтиёrlиги каттадир” (Ҳав. 20:35).

Моддий хизмат имонлилар жамоатидаги хизматнинг муҳим қисмини ташкил қиласи. Бу ҳақда ҳаворийлик нуфузига эга бўлган Павлус Коринф жамоатига қўйидагиларни айтади ва таъкидлайди: “Сизлар ҳамма нарсада мўлсиз - имонда, каломда, билимда, гайрату тиришқоқликда, бизга кўйган меҳрингизда... Шундай экан, бу хайрли ишда ҳам мўл бўлинглар” (2Кр. 8:7).

Берувчи жамоат Худога мақбулдир. У “Ўзининг улуғвор бойлиги билан” ҳамманинг ёхтиёжини кондиради. Ерда ҳам, осмонда ҳам эҳсонга бой бўлган Худо, “Якуний Мақсад” - фикрлашга эга бўлган жамоатга, ўзига юклатилган вазифаларни бажариш чоғида барча молиявий муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради (Флп. 4:15-19).

Ж. Жамоатлар ташкил қилиш

“Якуний Мақсад” келиши учун имонлилар жамоати ҳамма ерда бўлиши ва ҳаммага кўринмоғи лозим. Имонлилар жамоати орқали кўринмас (диний муҳит) ва кўринадиган дунё Худонинг ҳар тарафлами доно эканлигини билади (Эф.2:8-11). Имонлилар жамоати орқали, Ўзининг Танаси орқали Исо Масиҳ ерда ҳозир ва нозирдир. Исо Масиҳ Жамоатнинг Боши бўлганлиги учун энг муҳим ва энг юқори мавқега эгадир ва Жамоат ҳаётида муҳим ўрин тутади. Бутун дунё билиши керакки, Худо “Бутун борлиқни Унинг оёқлари остига тобе қилди. Уни борлиқдан юқори қилди” (Эф. 1:22), “ҳар қандай раҳномолик ва хукмронлик, куч ва салтанатдан, у дунёю бу дунёда айтиладиган ҳар қандай номдан юқори қўйди”(Эф. 1:21). Имонлилар жамоати эса - “Масиҳнинг бадани ва У каби тўқис-тугалликка эга” (Эф.1:23).

Исо Масиҳнинг хочда тўқилга қони эвазига одамлар Худо билан тинчликка эришдилар. Ўзининг жамоатида Исо Масиҳ одамларни бирлаштиради, акс холда адovat девори уларни муқаррар ажратиб ташлаган бўлар эди. Шунинг учун яқингача бир-бирларига адovatda яшаган одамларга нисбатан Унинг мақсади: “Хочда ўлиб адovatни бартараф, тинчликни эса барқарор қилиш, хоч орқали икки умматни бир бадандай қилиш, ҳамда Худо билан яраштиришдир”(Эф. 2:13-16).

Эркак билан аёл орасидаги муҳаббат ва ишончни улар билан бевосита яқинда яшовчилар кўрганлари каби, Исо Масиҳ ва Унинг жамоати ўртасидаги умумийлик ва яқинлик ҳам яққол намоён бўлади (Эф. 5:22-30).

Имонлилар жамоатида, инсон танаси каби “бутун бадан алоҳида-алоҳида ҳаётий паю бўғинлар ёрдамида ўзаро уланади ва бирикади” (Эф.4:16). Жамоат Баданинг иши ва фаолияти ҳар доим ҳамма одамлар Масиҳни билишига қаратилган. Қачонки бу нарса содир

бўлса, у холда имонлилар жамоати “хизматга керак бўладиган таъминотни оладилар”. Лекин, жамоат баркамол Тана бўлиши учун барча миллат ва халқ вакиллари имонда яқдил бўлишлари лозим (Эф. 4:11-13).

IV. “ЯКУНИЙ МАҚСАД”- ФИКРЛАШ НИМАГА АСОСИЙ ДИҚҚАТИНИ ҚАРАТГАН

“Якуний Мақсад” - фикрлаш барча жойда жамоатлар ташкил қилишга алоҳида эътибор беради, факат Жамоат орқали ибодатларни олиб бориш, яқдилликни таъминлаш, бир-бирларни севиш, асл мақсадни ният қиласилиш каби масалаларни ҳал қилиш мумкин; факат Жамоат орқалигина бутун дунёга ёрдам бериб, воизхонларни йўналтириш ва моддий хизмат олиб бориш мумкин. Модомики, Жамоат ҳар бир одамга етиб бориши керак экан, у холда янги тузиладиган жамоатлар ўз хизматларининг энг бошиданоқ “Якуний Мақсад”- фикрлаш бўйича иш юритишлари лозим. Бу Худога мақбулдир, демак, жамоат Унинг иродаси бўйича иш юритса, барча жойда жамоатлар ташкил қилиш ишлари анча тезроқ ва муваффақиятли боради. “Тўйиниши” ёки мамлакатни имонлилар жамоатига тўлиши асл мақсадга мос келади, яъни ҳар бир одам Инжил Хушхабарини эшлиш имкониятига эга бўлади.

Мисол: “Якуний Мақсад”- фикрлашнинг Руминияда кўриниши

Нелу Софрак, бу одам Альба-Юлия шаҳрида тўртта имонлилар жамоатини тузган, кўрдики, Худо бу жой учун, тўртта имонлилар жамоати жойлашган шаҳарга қараганда кўпроқ нарсани хоҳладиди. Бундай олиб қараганда, у тўртта жамоат тузган, унинг фам-ташвишлари етарли эди. У имонлилар жамоатидаги ўзининг чўпонлик хизмати билан чегараланиши мумкин эди, лекин “Якуний Мақсад”- фикрлаш унга ҳеч тинчлик бермас ва янги ишларга ундар эди.

Нелу кўрдики, бутун Альба-Юлий вилоятини ёлғиз ўзи жамоатлар билан тўлдира олмайди, лекин вилоятни жамоатлар билан тўлдириш ва келувчиларни Муқаддас Ёзувлар асосида ўқитиши Худога мақбул эканлигини у билар эди. Бунинг учун эса камида 500та имонлилар жамоатини ташкил қилиш керак эди.

Нелу Софрак ишни ўзига 15та шогирд танлашдан бошлади, уларни ўзининг уйидаги жамоатидан ва ўзи ташкил қилган жамоатларидан танлаб олди. Унинг хотини Дорина уч аёлдан ташкил топган ибодат гурӯҳи билан ишлай бошлади. Нелу ўз фикрини бошқа чўпонлар билан ўртоқлашди, бошида улар бу ҳақида эшишишни ҳам хоҳлашмади. Лекин, Нелу қатъият билан ишонардики, модомики “Якуний Мақсад” Худога мақбул ва Альба Юлияда кўпроқ имонлилар жамоати бўлишини хоҳлар экан, демак, У Нелуни ташлаб кетмайди ва хизматининг охиригача у билан бирга бўлади. Хозирда унинг хотини Дорина янги имонлилар жамоатлари ташкил килинишини Худодан сўраб duo қилаётган аёлларнинг 15та кичик гурӯхига бошчилик қилмоқда. Нелунинг ўзи эса “ЕВАНГАЛЬБА” номли мазҳаблар аро миссионерлар жамияти уюшмасига бошчилик қилмоқда. Бу уюшма ўзининг фаолиятини кучайтиromoқда, барча ва ҳозирда мавжуд бўлган имонлилар жамоатлари ва жамоаларни эътиборини янги жамоатлар тузиш жараёнинг жалб қилмоқда. Шу билан бирга улар, асосан ибодатга йиғилишлар, келувчиларга таълим бериш, инжилшунослик ва янги имонлилар жамоатлари тузиш ишлари билан шугулланишади.

Альба-Юлия имонлилари ибодат қилишяпти, бирлашмоқдалар, севги ва хизматда ўсиб боришипди, воизхонлар ва миссионерларни энг ичкари жойларга юборишимоқда, ўз вилоятларида янги имонлилар жамоатларини ташкил қилишмоқда. Уларнинг жамоати ҳайрия ишлари билан ҳам шуғуллана бошлашди. Жамоа бой ҳисобланмайди, аксинча камбағал бўлса ҳам бу ишларни қатъият билан давом эттиряпди.

“Якуний Мақсад”- фикрлаш Нелни бутун Руминияга танитди. Хозирда у янги жамоатлар ташкил қилувчиларни тайёрлайпди ва Руминиянинг бошқа вилоятларида имонлилар жамоати раҳбарларини, маҳаллий жамоатлар тузища асл мақсадни ният қилиш мухим аҳамиятга эга эканлигига ишонтиromoқда.

САВОЛЛАР

- Сиз бутун бир халқ учун, вилоят, шаҳар ва қишлоқ учун ибодат қиляпсизми?
- Сиз Худонинг ҳосили учун хизматчилар кўпайишини сўраб ибодат қиляпсизми? Агар Масих бизга шу учун ибодат қилишимизни буюрган бўлса, У бизни ибодатларимизга жавоб берадими? Нима учун бизда хизматчилар жуда кам?

- Сиз бошқа мазҳабдаги ва “Якуний Мақсад”-фикрлашга нисбатан асосий қарашлари сизницидан унча фарқ қилмайдиган, фарқы фақат иккинчи даражали саволларга тегишли бўлган, биродарингизни севишга ва у билан ишлашга тайёрмисиз? Масиҳнинг бирлашиш ҳақидаги ибодати амалга ошадими ёки Унинг бу ибодати беҳуда эдими? Сиз Унинг ибодатига жавобнинг бир бўлғаги бўла оласизми?
- Четдан қараган одамлар сизнинг жамоатингизни нима деб билишади - диний бирлашма дебми ёки бир-бирини севувчи одамлар биродарлиги дебми?
- Сиз ўз жамоатингизда моддий хизматнинг (қурбонлик) муҳим эканлигини тарғиб қиляпизми? Сизнинг жамоатингиз муҳтожларга ёрдам беришда мўлми? Агар йўқ бўлса, нега? Ахир Муқаддас Ёзув бизни беришга ўргатган-ку?
- Сизнинг Инжил Хушхабарини тарғиб қилишдаги асл мақсадингиз, фақат жамоатингизни сон жиҳатдан кўпайтиришми ёки янги имонлилар жамоатларини ташкил қилишми?

ТОПШИРИК

Барча жойда жамоатлар ташкил қилиш иш услубини ишлаб чиқинг, бунда қуйидагиларни, яъни, ибодатни, жамоат аъзоларини бир-бирларига нисбатан севгисини ва яқдиллигини, жамоат аъзоларининг ҳар бири учун хизмат тасаввурини, моддий хизматни, Инжил Хушхабарини ва шунингдек, янги жамоатлар ташкил қилиш ишларини ўз ичига олсин, сўнг буни Худога ва ўзингизга яқин бўлган камида иккита биродарингизга айтинг.

Ўз кўшниларингиз, ўз юртингиз, шахрингиз ва қишлоғингиз ҳақида ўйланг.

“Худо учун _____ нимани хоҳлади?” деган саволга бўлган жавобингиз ҳақида ўйлаб кўринг.

Ўз жойингизда “Якуний Мақсад” га эришиш учун шахсан сиз нималар қилмоқчи эканлигингизни ёзинг (комида учта аниқ ҳаракатни санаб ўтинг).

Ният (Максад)

2 Дарс

Буюк Топшириқ ва Жамоатлар ташкил қилиш

Дарс мақсади:

Дарснинг мақсади - Буюк Топшириқнинг бажарилиши барча жойда жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати орқали амалга ошишини ўқувчиларга етказиши.

Кутиладиган натижалар:

Дарс мавзусини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Нима учун Мат. 28:18-20 Буюк Топшириқ деб аталишини билиши керак.
- Имонлилар жамоати барча халқлардан шогирдларга эга бўлиб, қай тарзда ҳаракатланиши ва кўпайишини тушуниши керак.
- Ўз юртида (вилоятида, нохиясида) маҳаллий жамоатларни ташкил қилиш ниятига эга бўлиши керак.

Дарс режаси:

- I. Буюк Топшириқ нималигини тушуниш
- II. Буюк Топшириқ ва барча жойда жамоатлар ташкил қилиш

Илова:

2А. “Буюк топшириқ” мавзуси бўйича машқлар

СЎЗ БОШИ


Мат. 28:18-20 оятларида биз олдимизга қўйилган улкан вазифа, яни Исонинг Имонлилар Жамоатига берган Буюк Топшириги ҳақида ўқиймиз. Буюк Топшириқнинг бажарилиши имонлиларнинг ҳар бир авлоди учун мўлжалланган. Исо Масих бизга Унинг амри охиригача бажарилгунча биз билан бирга бўлишга ваъда берган. Биз бу топшириқни Буюк Топшириқ деб атаемиз, чунки Масихнинг Ўз издошлари олдига қўйган Буюк Топшириги катта миқёсдаги вазифадир.

I. БЮЮК ТОПШИРИҚ НИМА ЭКАНЛИГИНИ ТУШУНИШ

Буюк Топшириқ Исо Масихнинг Ўз Жамоати олдига қўйган мақсадини аниқ ифодалайди. Бу оятлардаги ҳар бир сўз муҳим аҳамиятга эга ва синчиклаб кўриб чиқишимизни талаб киласди. Қуйида Мат. 28:18-20 оятининг асл нусҳасидан сўзма сўз қилинган таржимаси келтирилган.

“Исо уларга яқинлашиб шундай деди: Менга осмонда ҳам, ерда ҳам ҳамма ҳокимият берилган. Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд ортиинглар/тарбияланглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўмдириб имонга киритинглар. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар; мана Мен ҳар куни, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан. Омин” (Мат. 28:18-20).

2.1расм: Буюк Топшириқ



Буюк Топшириқдаги энг асосой ва мухим сўз - “шогирд орттиинглар/тарбияланглар” (мотевсате). Ушбу сўз лавҳада буйруқ оҳангига айтилган бўлиб, бу сўз Исо Масиҳни шогирдларига нисбан амрини кўпроқ даражада ифодалайди. Буюк Топшириқнинг негизи - шогирд орттиришдир. Қолган икки феъл “сувга чўмдириш” (баптизонтес) ва “ўргатиш” (диасконтес) равишдош шаклида ишлатилган. Бу шуни билдирадики, ушбу сўзларни бу ерда қўлланилиши асосий ҳаракатни, яъни шогирд орттириш маъносини кенгроқ тарзда тушунтиради. Сувга чўмдириш ва ўргатиш орқали содир бўладиган ҳаракатларга обьект сифатида “ҳамма халқлар” (танта тезнта) кўрсатилган. Топшириқ, шогирд орттириш учун ҳаракат қилган одам “боради” деб таъкидлайди. Фақат Худо шогирд орттиради, лекин Унинг даъватини эшитганлар олдига У устоз ва ўқитувчиларни юборади. Ва улар боришади. Оят Исонинг ушбу топшириқни бажарувчилар билан доим бирга бўлиши ҳақидаги ваъдаси билан яқунланади - “мана Мен ҳар куни, дунёнинг оҳиригача сизлар билан бирга бўламан”.

A. Вазифа: шогирд орттириш/тарбиялаш

Шундай қилиб, асосий буйруқ “шогирд орттириш/тарбиялаш”. Бундан келиб чиқиб, имонлилар жомоатининг вазифаси фақат келувчиларгина эмас, шу билан бирга шогирд орттириш ҳамдир. Шогирд орттириш/тарбиялаш жараёнининг иккита мухим аспекти қўйидаги кўшимчаларда ўз ўз аксини топади:

1. Сувга чўмдириш

“Сувга чўмдириш” - бу одами ошкора тавба қилиб, Исо Масиҳга имон келтиришидир. Бу-кайта туғилиш белгиси, яъни чўмувчининг Инжил Хушхабарини қабул қилишидир. Исо Масиҳнинг издоши бўлмоқ учун тавба қилиш ва Унга имон келтириши керак (Мк.1:15; Ҳав. 20:21). Сувга чўмиш бу, юқоридан туғилганлик муҳри ва белгиси, гуноҳларнинг кечирилганлиги ва Масиҳдаги янги ҳаётга эга бўлганлиқдир (Тим.3:5; Мк.1:4; Рим. 6:3-4).

2. Ўргатиш

Янги инсонга айланган одам Исонинг шогирдига айланиши керак. Янгидан туғилиш - бу тирик ва бор Худо билан алоқа қилишнинг бошланишидир, бизга эса янгидан туғилганларни Масиҳ каби яшаш ва Ундан таълим олишга ўргатиш буюрилади. Биз одамларни Унинг Каломларини бажаришга ўргатишимиш керак.

Масиҳга бўйсенишни ўргатиш - имонлилар жомоатининг вазифасидир. Эътибор беринг, оят бизга фақат Каломни билишнигина эмас, балки Исо буюрган ҳамма нарсага риоя қилишни ҳам

ўргатиши буюрган. Каломни билиш билан Унга риоя қилиш ўртасида катта фарқ бор. Одамларга Исо Масихнинг хоҳиш-иродаси тўғрисида фақатгина гапириш, Худо мақсадини амалга ошириш учун етарли эмас. Имонлилар жамоати одамларга таълим беришлари ва Худога итоатда бўлишларида уларга ёрдам бериб, уларни рағбатлантиришлари керак.

Яна “Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага” риоя қилишни ўргатиши зарурлигига ҳам эътибор беринг. Демак, имонлилар жамоати одамларга Масихнинг ҳамма хоҳиш-иродасига ҳеч қандай исътиносиз амал қилишларини ўргатишилари керак. Қисман итоатда бўлиш етарли эмас, афсуски бунга осонгина одатланиб қолиш мумкин. Биз Каломни ҳар доим ўрганишимиз лозим, доимо ўзимизга “Бу ерда ёзилганларни ҳаммасига амал қиляпманми?”, “Мен қандай қилиб Масихнинг хоҳиш-иродасини тўғри ва тўлиқроқ бажара оламан?” деган саволларни беришимиз керак.

Б. Масштаб: ҲАММА

Буюк Топшириқ - бу факат ҳаворийлар учун тузилган вактинчалик режа эмас, оятдаги “ҳамма” сўзининг кетма-кет ишлатилиши - ҳамма ҳокимят, ҳамма ҳалқлар, ҳамма (Мен сизларга буюрган), ҳар куни - бу фаолият узоқ муддат давом этишини кўрсатяпди.

1. Топшириқнинг асоси - Масихнинг хоҳиш-иродаси

Исо Масих шогирдларига топшириқ беришдан олдин, Ўзининг бутун борлиқ устидан олий ҳокимиютини эълон қилди. Юқори лавозимга эга бўлган одам бирор топшириқ беришдан олдин ўз лавозимини айтади ва шундай қилиш орқали берилган топшириқ муҳим эканлигини таъкидлайди. Бу эса, Буюк Топшириқ Исо Масихга имон келтирган барча имонлилар томонидан амалга оширилиши лозимлигини билдиради.

2. Топшириқ “бориб” амалга ошириллади

Грекча асл нусхада равищдош бўлиб келган бу сўз, грекча “*πορεωμαί*” феълидан келиб чиққан ва “бормоқ, йўл юрмоқ, саёҳат қилмоқ; ҳаёт кечирмоқ, ўзини тутмоқ, ҳаёт тарзини олиб бормоқ” маъноларини билдиради. Бу эса Буюк Топшириқни бажарадиган одамлар юрадилар деб ишора қилмоқда. Эски Аҳд давридагидек Куддусдаги Маъбадни “зиёрат” қилиб, Худонинг улуғворлигига эришишдан фарқли ўлароқ, биз бу улуғворлик билан ҳаракат қиляпмиз ва ҳаёт кечиряпмиз (2Корф. 3:18). Исо Ўз шогирдларини ўқув масканларининг қулай шароитларида ўқитмади ва шу каби жойларни изламади, лекин У ҳақиқий дунёда фаол ҳаракат қилди. Шу каби, имонлилар жамоатининг хизмати ҳам фаол бўлиши, Масих тўғрисида гувоҳлик бериб, Инжил Хушхабарини ҳаётда тарғиб қилиши, дунёни уни олдига келишини кутмасдан, аксинча, нажот ҳақидаги Хабарни ҳалок бўлаётган дунёга олиб бориши керак.

Исо Инжил Хушхабари ер юзининг барча ҳалқларига етказилишини хоҳлашини бир неча маротаба мутлақо аниқ қилиб кўрсатди. У “Худо салтанати тўғрисидаги Инжил Хушхабари ҳамма ҳалқларга далолат бўлиши учун жаҳон бўйлаб тарғиб қилинади” деган (Мат.24:14). Буюк Топшириққа параллел бўлган оятларда (Лк. 24:47 ва Ҳав. 1:8), имонлилар Жамоати Куддусдан бошлаб тарқалиши кераклигини ўқиймиз. Бироқ, даслабки имонлилар Жамоати “дунёning чеккаси” ҳақидаги эслатмани эътиборга олишмади, факат Куддус ҳақидаги қисми билан кифояланиб қолишиди. Ҳаворийлар Китобининг 8-бобигача, Масихнинг топширигини олган ҳаворийлар, улар билан бирга эса бутун имонлилар Жамоати Куддусда қолишиди, улар ҳали ҳеч қандай миссионерлик ишларини амалга ошириш ниятига эга эмас эдилар.

Кувгин сабабли келиб чиққан ҳаракат. Исо керак бўлганда, имонлилар Жамоатини Ўзининг бекиёс ҳокимиютидан фойдаланиб ҳаракат қилишга ундаиди. Кувгин бошланиши ва Стефаннинг ўлимидан сўнг, имонлилар Жамоати Инжил Хушхабарини тарғиб қилишни бошлайди. Ҳаворийлар 8:1 оятида: “Ўша куннинг ўзида Куддусдаги Имонлилар Жамоатига қарши кескин қувгин даври бошланди. Ҳаворийлардан бошқа ҳамма Яхудия ва Самариянинг ҳар хил жойларига тарқаб кетдилар” деб гапирилади. Кувгин қилинган айрим масиҳийлар кўшни вилоятлар ва ерларга қочиб бориб, у ерларда Инжил Хушхабарини тарғиб қилишни давом эттиришиди. Биз Ҳав.11:19-20 ояtlарида кўйдагиларни ўқиймиз: “Стефаннинг ўлдирилиши билан бошланган қувгин оқибатларида тарқалиб кетган имонлилар шу орада Худонинг каломини яхудийлардан бошқа ҳеч кимга билдирамай, Финикия, Кипр ва Антиохиягача етиб борган эдилар. Антиохия шаҳрига келган баъзи бир кипрлик ва киринеялик кишилар эса Раббимиз Исонинг Хушхабарини у ердаги юонолларга ҳам етказдилар”. Худо ушбу танг холатдан

масиҳийларни Ўзи томонидан берилган Топшириқни тўла-тўқис бажаришга мажбур қилиш учун фойдаланди.

Итоат орқали қилинган харакат. Ҳав.1:13 оятида биз, Антиохия имонлилар Жамоати Исо Масиҳинг Буюк Топширигини изчилик билан бажарганлигини ўқиймиз. Муқаддас Рух буйруғига кўра имонлилар Жамоати Павлус ва Барнабони Кипрга жўнатишади, у ерда улар “яҳудийларнинг ибодатхоналарида Худонинг қаломини тарғиб қиласидилар” (Ҳав. 13:4-5). Кипрдан Антиохияга келишдан олдин Павлус ва унинг ҳамроҳлари Инжил Хушхабарини тарғиб қилиб, бутун оролни кезиб чиқадилар (Ҳав.13:6 ва кейингилари).

Худо имонлилар Жамоатига Инжил Хушхабарини тарғиб қилиш вазифасини юклатади. Ҳаворий Павлус Коринф имонлилар Жамоатига қўйидагиларни ёзади: “Буларнинг ҳаммасига *Худо сабаб бўлди. У Масиҳ орқали бизни Ўзи билан яраштириди ҳамда одамларни Худо билан яраштириш хизматини бизга берди. Ҳа, Худо Масиҳ вужудида бўлиб дунёни Ўзи билан яраштириди, одамларнинг гуноҳларини ҳисобга олмади. Бу ярашиш тўғрисидаги хабарни етказишни бизга топшириди*” (2Корф.5:18-19). Ушбу оялардагидек, бизнинг замонимизда ҳам имонлилар Жамоатлари Инжил Хушхабарини барча ҳалқларга екашилари лозим, агар улар бунга бўйсинмасалар Масиҳ Ўз ниятини амалга ошириш учун тант холатлардан фойдаланади.

3. Топшириқ “ҳамма ҳалқлар” мўлжалланган

“Ҳамма ҳалқлар” жумласи, Исонинг олдинги кўрсатмаси, яъни У шогирдларини фақат адашган кўйларга ўхшаган Истроил ҳалқи олдига юбориш тўғрисидаги кўрсатмасига мутлақо зиддир (Мат.10:5-6). Энди эса мақсад - ҳамма ҳалқлар, Масиҳ Ўз қони эвазига “ҳар бир қабила, тил, ҳалқ миллатига” нахот берди (Вах. 5:9), ва бу биз Инжил Хушхабарини ҳамма ҳалқларга етказишга давват этилганимизни билдиради. Ҳаворий Юҳанно Худо томонидан юборилган ваҳийда буни амалга оширилганлигини, яъни Арши аълода ҳамма ҳалқлар Унга сажда килаётганликларини кўриш шарафига мұяссар бўлди (Вах. 7:9).

“Ҳалқ” - бу нима дегани? Матннинг асл нусҳасида грекча “этнос” сўзи ишлатилган. Бу сўз ўзбек тилига ҳам кирган (этнос, миллат, ҳалқ). Этник гурух, мисол учун, тиллари, маданияти, урф-одатлари бир бўлган одамлар гурухига айтилади. Бир мамлакатда бир вақтнинг ўзида бир неча этнослар ёки этник гурухлар истиқомат қилишлари мумкин. Бирор бир мамлакатда янги имонлилар Жамоатларини ташкил қилиш жараёнининг муваффақиятли кечиши учун, аҳолининг бир неча гурухлари (этнослари) орасида иш олиб бориш мухимdir. Бутун бир мамлакатда янги Жамоатларни ташкил қилиш ҳаркати, Инжил Хушхабари одамларнинг ўз она тилларида, уларнинг маданияти ва урф-одатларини ҳисобга олган холда тарғиб қилинаётган аҳолининг ҳар бир этник гурухлари орасида иш олиб бормасдан туриб амалга ошмайди.

4. Топшириқнинг амал қилиш муддати - “дунёнинг охиригача”

“Дунё тугагунча” деган жумла билан Исо шуни билдирияпдик, ушбу топшириқ У қайтиб келгунича ўз кучида қолади ва бу нафақат ўн икки шогирдга, балки барча имонлилар Жамоатларига ҳам тегишлидир. Биз бу топшириқни бажаришни “дунёнинг охиригача”, яъни У Ўз умматларини олиб кетишга келгунигача давом эттиришимиз керак. Бу вақтгача: “Худо салтанати тўғрисидаги Инжил Хушхабари ҳамма ҳалқларга далолат бўлиши учун жаҳон бўйлаб тарғиб қилинади” (Мт. 24:14).

В. Буюк ваъда

Ҳамма ҳалқларга Инжил Хушхабарини тарғиб қилиш ҳаддан ташқари мушкул вазифадек туюлиши мумкин. Лекин, Исо имонлилар Жамоатларига нафақат амалга ошириш вазифасини юклатиپди ва нафақат муддатни белгилаб қўйяпди, яъни- Ўзининг қайтиб келгунигача, шу билан бирга У муваффақиятларни кафолатловчи Буюк ваъданни ҳам беряпди.

Биз сўнги муваффақиятга ишонамиз, чунки Масиҳ ҳозирда бутун ҳокимиятга эга ва дунёнинг охиригача, хар куни биз билан бирга бўлишга ваъда берган. Бизнинг муваффақиятимиз гарови - Масиҳнинг Ўзидир, фақат биз ҳар доим У билан алоқада бўлсан, Унинг қудратига таянсан ва Унга содик қолсан бўлди(Юх. 4:15-17га қаранг).

Кейинроқ Янги Аҳдда, айниқса Павлуснинг мактубларида биз бу Топшириқни энг аввалги имонлилар Жамоатлари ҳам бажарганини кўрамаз. Ҳаворий қамоқдалиги даврида Филиппи имонлилар Жамоатига ёзади: “*Худо сизларда бошлаган хайрли ишини то Исо Масиҳ келадиган кунигача тамом қилишига аминман*” (Филп. 1:6). У ўз ишлари беҳуда эмаслигини билар эди,

чунки у имонлиларда ва маҳаллий жамоаларда Худо құдратининг таъсирини ва Унинг Рұхи улар билан бирга эканлигини күрди. Буюк Топшириқни бажарилиши учун ўз иштирокимизни режалаштиришда биз ҳам бундан руҳланишимиз мүмкін.

II. БЮОК ТОПШИРИҚ ВА БАРЧА ЖОЙДА ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Буюк Топшириқнинг мақсади ва вазифалари янги Жамоатларни ташкил қилиш орқали амалга оширилади. Мат. 24:14, Мк. 13:10, Лк. 24:45-47 ва Ҳав. 1:8 оятларига кўра, Буюк Топшириқ қачонки, ҳар бир халқда садоқатли шогирдлар пайдо бўлсагина амалга ошади. Агарда ҳар бир халқлар орасида маҳаллий имонлилар Жамоатлари ташкил қилинса, албатта шогирдлар ҳам пайдо бўлади.

A. Буюк Топшириқ ва имонлилар Жамоатининг вазифаси

Буюк Топшириқни амалга ошириш - ИМОНЛИЛАР ЖАМОАТИ олдидағи вазифадир. Жамоат фақат ўзи гаҳи хизмат қилиш учун ёки ўзининг шахсий дастурларини бажариш учунгина мавжуд эмас. Унинг мавжудлигининг мақсади - Инжил Хушхабарини ҳамма халқларга тарғиб қилишади. Шунингдек, Хушхабарни тарғиб қилиш имонлилар Жамоатининг қўпқиррали хизматларининг биригина эмас, балки бу унинг мавжудлигининг мазмунидир. Имонлилар бор кучлари билан Хушхабарни тарғиб қилиш ва янги жамоатлар ташкил қилиш орқали кўпайишга интилишлари лозим, токи кўпроқ одамлар Исо Маҳиҳнинг шогирдларига айланиссин. Имонлилар Жамоатининг барча дастурлари ва хизматлари ушбу мақсадга эришиш йўлида қанчалик хизмат қилаётганингига қараб баҳоланиши керак. Исо Маҳиҳ топшириқни берәтиб айтганидек, улар одамларга Маҳиҳнинг шогирди бўлишлари учун ёрдам беришадими?

Имонлилар Жамоати Буюк Топшириқни амалга оширувчи шогирдларни тайёрлашлари керак, уларни имонга кирмаганларга гувоҳлик беришга ўргатишлари, уларга миссионерлик хизматида содир бўлаётган ишлар ҳақида гапириб беришлари ва уларни Худонинг ҳосили учун ибодат қилишга ва молиявий қўллаб-қувватлашга руҳлантиришлари керак. Кўп холларда раҳбарлар ўз хизматларига шунчалик киришиб кетишади, натижада бошқаларни ҳам хизматга тайёрлаш муҳим эканлигини эсларидан чиқариб қўйишиди. Лекин, шогирд ортириш орқали бир мунча вакт ўтганидан кейин, жамоат хизматида бир кишининг ўрнига кўп одамлар қатнаша бошлиди. Бу эса Қосилни бир неча маротаба кўпайтиради. Исо Маҳиҳ осмонга чиқиб кетишидан олдин, бу хизматни Ўз шогирдларига ишониб топшириди ва Ўз ишининг натижаларни бир неча маротаба кўпайтиришга эришиди.

B. Буюк Топшириқ ва жамоатлар ташкил қилиш

Маҳиҳнинг шогирдларини ҳамма халқлардан таёrlаш - бу Буюк Топшириқнинг марказий қисмидир, биз ҳар доим ушбу вазифани бажаришнинг энг яхши усууларини қидиришга ҳаракат қилишимиз керак. Ҳозирда бу Буюк амр кўп одамларни ўз ҳаётларини имонлилар Жамоатига хизмат қилишга, миссионерлик фаолиятига, янги жамоатлар тузишга ва ҳ.к. ларга баҳшида қилишга ундан. Ақлли ва доно хизматчи ҳар хил усууларни баҳолашда, уларни Буюк Топшириқни амалга оширишга қанчалик хисса қўшиши нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳолаши керак. Бу усуулар Буюк Топшириқнинг принципларини ўзларида акс эттирадими? Қайси усуулар Буюк Топшириққа мос тарзда Маҳиҳнинг шогирдларини таёrlашнинг энг яхши йўлини кўрсатади? Шу каби саволларга жавоб топиш учун биз Буюк Топшириқнинг амалга оширишга қўшадиган ҳиссалари жиҳатидан учта усулни кўриб чиқиб, уларни бир бирига солишириб кўрамиз.

Биринчи бўлиб кўриб чиқадиган усулимиз барқарор имонлилар жамоати хизматига тегишли бўлади. Берилган машгулотда қулай бўлиши учун биз уни ўн йилдан ошиқроқ вақтдан бери мавжуд деб фараз қиласиз. Иккинчи усулни “жамоатдан ташқари бўлган миссионерлик фаолияти” деб атаемиз. Бу усулага маълум бир имонлилар жамоатига алоқаси бўлмаган ҳар қандай инжилчилар фаолиятлари киради, мисол учун: инжилчи миссионерлар гурухлари, инжилчи радиоэшиттиришлар ва бошқалар. Уларнинг асосий фарқи шуки, бундай хизмат маҳаллий имонлилар жамоатилари орқали бошланмайди, уларнинг хизмати маҳаллий имонлилар жамоати билан биргаликда олиб борилмайди. Кўриб чиқиладиган усуулардан учинчиси, бу янги имонлилар жамоатлари ташкил қилиш бўлади. Янги жамоатлар тузиш усули,- одамлар билан алоқа ўрнатиш, тавба қилишларида уларга ёрдам бериш, янги имонга келганларга таълим бериш, уларни сувга чўмдириш, Худога хизмат қилишни бирга бошлаш ва шундан сўнг бўлажак

раҳбарлар тайинлаш ва уларни хизматлари бошланадиган жамоатларга бирлаштириш ишларини ўз ичига олади.

Расм 2.2. Буюк Топшириқ ва янги жамоатлар ташкил қилиш.

Буюк Топшириқ	Хушхабар етказиш (чўмдириш)	Устозлик (амалий таълимоти)	Натижа: Ўқувчиларни пайдо бўлиши
Барқарор жамоат	Ҳар доим барқарор жамоатларда кам имонга келишяпти	Ҳа барқарор жамоатларда Масихнинг топширигини бажарилиши ҳақида одамларга яхши таълим бериляпти	Имонлиларнинг устозлиги
Жамоатдан ташқаридаги миссионерлик ҳаракатлари	Ҳа Бу усул орқали Масихга кўплар келади	Ҳар доим эмас Кўпинча Хушхабар тарқатувчилар хеч қандай иш олиб бормайдилар	Имонга келганларни эгаллаш
Янги жамоатларни ташкил қилиш	Ҳа Самарали Хушхабар етказиш	Ҳа Янги ташкил қилинган жамоатлар янги имонга келганларни имонда ўсишига табиий имконият беради	Ўқувчиларга эга бўлиш

Бу учта усулни бир-бирига солишириб кўриш шуни кўрсатяпди, барқарор жамоат ўзининг кўп кучини имонлиларга устозлик қилишга сарфлаяпди. Жамоатдан ташқаридаги миссионерлик фаолияти эса, Масихга имон келтиришларида одамларга ёрдам беради, бироқ кейинги қилинадиган ишлар тўғрисида уларга ўргатишмайди (албатта, бу иккала холда худди шундай бўлмаслиги мумкин). Янги жамоатлар ташкил қилиш эса, одамларни имонга киритиш ва уларни руҳан ўсишлари учун ҳақиқий муҳит яратиб беради. Албатта, Буюк Топшириқни амалга ошириш учун бошқа усуллардан ҳам фойдаланилади ва уларни ҳар бирини ҳам бу жадвалга киритишимиш мумкин. Юқорида келтирилган мисол яна бир марта ўша фактни таъкидламоқда, яни Хушхабар айтиш ва устозлик қилиш орқали Масихнинг шогирдларини пайдо қилишдан кўра, янги жамоатлар тузиш, Буюк Топшириқнинг принципларини ва кўрсатмаларини тўлиқ ўзида гавдалантируммоқда. Қолган усуллар ҳам муҳим, лекин янги жамоатлар ташкил қилиш усули энг зўр диққат эътиборга лойиқ, чунки у Худо томонидан бизга берилган Буюк Топшириқни амалга оширишни энг яхши усулидир.

ХУЛОСА

Буюк Топшириқ - бу янги имонга киргандарни сувда чўмдириб, уларни Масихга итоат қилишга ўргатган холда янги шогирдлар таёrlаш амридир. Бу вазифа шуни таъкидлайдики, биз дунёни олдимизга келишини кутмасдан, аксинча, ўзимиз Инжил Хушхабарини дунёнинг барча халқларига (этник гурӯҳларига) етказишимиш керак. Асл мақсадга эришишимизда бизнинг қудратимиз ва ишончимиз, бу Топшириқ тўлиқ бажарилмагунигача биз билан бирга бўлишга ваъда берган Масихнинг Ўзидир.

Имонлилар Жамоати, Масих томонидан берилган Топшириқни ҳамма халқларни шогирд қилиш орқали бажариш учун мавжуддир. Хизматнинг ҳар қандай дастурлари ва усуллари бу мақсадни амалга оширишда ўз хиссасини қўшмоғи лозим. Агар, Исо Масихнинг ҳокимиятига бўйсунган имонлилар Жамоати, ўзларига топширилган Топшириқни тиришқоқлик билан бажарсаларгина Буюк Топшириқ амалга ошади. Янги жамоатлар тузишдаги хизмат “шогирд орттириш” вазифасини тўлиқроқ бажаради, чунки бу хизмат Хушхабарни тарғиб қилишга ҳам, одамларга руҳий ёрдам (одамларни имонга киришларига ёрдам бериб) беришга ҳам ва янги имонга киргандар билан ишлаб, уларга бундан кейин ҳам устозлик қилишга ҳам муҳим аҳамият беради. Янги жамоатлар тузишда миссионерлар ва умуман шу иштирок этувчи ҳамма

одамлар, Буюк Топшириқ вазифаларига түлиқ жавоб берувчи, мұхим хизмат олиб борадилар. Янги жамоатлар ташкил қилиш - Буюк Топшириқни амалга оширишнинг ажойиб усулидир.

САВОЛЛАР

- Буюк Топшириқни амалга оширишда сиз Масиҳнинг ҳокимиятига түлиқ бўйсуниб иш кўрятпизми?
- Сизнинг жамоатингиз Худонинг “Бориб, ҳамма ҳалқлардан шогирд орттииринглар” деган амрини жуда мұхим эканлигини тушунишадими? Бу мақсад жамоатингизнинг барча хизматларининг асосими?
- Шахсан сиз жамоатингизнинг бошқа аъзоларини Буюк Топшириқни амалга оширишда иштирок этишга қандай қилиб ундаи оласиз?
- Сизнинг жамоатингиз Худонинг амрига бўйсуниб, ўз ҳалқларидан ва бошқа мамлакатларда шогирд орттириб, уларни таёrlашяпдими?
- Сиз нима деб ўйлайсиз Исо имонлиларни Буюк Топшириқни бажаришга мажбур қилиш учун қувғинлар, иқтисодий кризис ва шу кабилардан яна фойдаланиши мумкинми?
- Шахсан сиз бунга бўйсунмоқчимисиз ёки қувғинлар келишини кутяпзизми?
- Сиз ва сизнинг шогирдларингиз барча ҳалқлар орасидаги миссионерлик ишлари хақида ниятга әгами?
- Сиз одамларга насиҳат қилиш орқали, уларни Масиҳга амалда итоат қилишга ўргатяпзизми ёки сизнинг насиҳатларингиз фақат назарий билим бўлиб қолмоқдами?

ТОПШИРИҚЛАР

- Бир гурӯҳ одамларни тўпланг ва уларни ўз юртлари ва бошқа ҳалқлар учун ибодат қилишга ўргатинг,
- Илова 2А даги “Буюк Топшириқ” мавзуси бўйича машқлар” топширигини бажаринг.

Ният (Мақсад)

Илова
2А

"Буюк Топшириқ" Мавзуси бўйича машқлар

I. БУЮК ТОПШИРИҚНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН ҚУЙИДАГИ БЕШТА ЛАВҲАНИ ЎҚИБ ЧИКИНГ:

- Мат. 28:18-20
- Мк. 16:15-20
- Лк. 24:45-53
- Юх.20:19-23
- Хав. 1:1-11

II. БУ ЛАВҲАЛАР ҲАҚИДА ФИКР ЮРИТИБ, ҚУЙИДАГИ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИНГ:

- Мат.28:18-20
 1. Исо Масиҳ айтган “ҳамма ҳокимият” сўзидан биз қандай тасалли топамиз?
 2. Бутун ҳокимият эгаси бўлган Исо бизга нимани амр қиляпди?
- Мк. 16:15-20
 3. Бу ерда имонга келмаган одамлар учун қандай огоҳлантиришлар ёзилган?
 4. Имонлиларга қандай аломатлар ҳамроҳ бўлади?
 5. Исо Масиҳ осмонга чиқиб кетганидан кейин имонлиларга қандай қилиб ёрдам берар эди?
- Лк. 24:45-53
 6. Шогирдлар нима ҳақида гувоҳлик беришлари керак?
 7. Исо Масиҳ бизга қандай ваъда берган?
- Юх.20:19-23
 8. Исо Масиҳ “сизларга тинчлик бўлсин” деганда нимани назарда тутган эди?
 9. Унинг 22-23 оятларда айтган гапларига буни қандай боғлиқлиги бор?
 10. “Юборилган” нима дегани?
- Хав. 1:1-11.
 11. Муқаддас Рух биз орқали ишлаётган бўлса, бунинг натижалари нималарда кўриняпди?
 12. Инжил Хушхабари қаерларгача етиб бориши керак?

III. ҚЎЛЛАНИЛИШИ

- Масиҳнинг ҳокимиятини ўзимда тўлиқ хис қилганимдан кейин, қандай қўрқувларни енгишим керак? Нима қилсан «шогирд орттириш/тарбиялаш» да энг яхши йўл тутган бўламан?
- Охиратда бўладиган хукмни (имонга кирмаганлар учун) англаш менинг хизматимга қандай таъсир қилиши керак?
- Инжил Хушхабарини тарғиб қилиш жараёнида ”мўжиза ва аломатлар”ни кўришим учун имонда қандай ўсиб боришим керак?
- Ўз хизматимни бажарётганимда Худо кучини ўзимда хис қиляпманми?
- Бу куч Худони улуғлаш учун менда янада кучлироқ ишлиши учун мен яна нималар қилишим мумкин?
- Адашган одамлар ҳақида мен қай даражада ташвишланяпман? Тузилаётган жамоатга раҳбарлик қилишимда бу қандай таъсир қилиши мумкин? Бу нимани ўзгартиради?

"Буюк Топшириқ" мавзуси бүйінча оятлардан лавҳалар

		Бүйрүқ	Ваъда
Мат. 28	“Менга осмонда ҳам, ерда ҳам бутун ҳокимият берилганды...” (8-оят)	“Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттириңглар. Уларни Ота, Үғил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўмдириңглар...” (19, 20 оятлар)	“Мен ҳар куни, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан” (20-оят).
Мк. 16	(Тирилганлиги ҳақида гувоҳлик). (9-оят)	“...Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар” (15-оят)	“Ким ишониб сувда имон келтирса најот топади. Ишонмаган маҳкум бўлади” (16-оят)
Лк. 24	“...Мана шу ёзилганларга кўра, Масих азоб чекиши ва учинчи куни қайта тирилиши керак эди...” (46-оят)	“Шунингдек, Куддусдан бошлаб, барча халқлар Унинг номи билан тавбатазарруга чақирилмоғи, гуноҳлари кечирилиши эълон қилинмоғи лозим. Сизлар эса бу ишларга гувоҳ бўлажаксиз” (47, 48-оятлар).	“Энди Мен Отамнинг берган вадасини сизларга юбораман. Аммо юқоридан бу курдатни олмагунча Куддус шахрида қола туриңглар” (49-оят).
Юх. 20	“...Шу пайт Исо келиб қолди. У ўртага туриб шогирдларига: Сизларга тинчлик бўлсин деди. Сўнг қўл-оёқларини, биқинини уларга кўрсатди. Шогирдлар, Раббимизни кўрдик, деб жуда севиндилар” (19-20 оятлар)	“...Отам Мени қандай юборган бўлса, Мен ҳам сизларни шундай юборяпман...” (21-оят)	“...Муқаддас Рухни олинглар...” (22-оят)
Хав. 1	“...Кўп ишонарли исботлар билан Ўзини барҳаёт килиб кўрсатар эди.. ...Отам Ўз эрки билан белгилаб қўйган вақту фурсатни билиш сизларнинг ишингиз эмас” (8-оят)	“Куддусда, Яхудия билан Самариянинг барча ерларида, ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шоҳидларим бўласиз” (3,7-оятлар)	“...сизлар эса кўп ўтмай Муқаддас Рухга чўмдириласизлар” (5-оят); “Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганда, сизлар қувват оласиз (8-оят).

**Ният
(Мақсад)**

3 Дарс

ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади, “Жамоатлар ташкил қилиш даври” ҳақида тушунтириш, ундаги маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш жараёни ва маҳаллий жамоатлар тузиш ҳаракатларини ташкил қилишининг энг муҳим асосларини тушунтиришdir.

Кутиладиган натижалар:

Дарс мавзусини ўрганган ҳар бир ўқувчи:

- Жамоатлар ташкил қилиш жараёнини ва бу хизматда иштирок этадиган одамларни таёrlашнинг умумий кўринишини тушуниши керак.
- Жамоатлар тузиш жараёнининг олтига энг муҳим босқичини билиши керак.
- Маҳаллий жамоатлар тузишдан мақсад - нафақат яна битта жамоа бунёд қилиш, шу билан бирга кўпайадиган жамоат ташкил қилиш ва янги жамоатлар тузиш ҳаракатини ҳар бир давлатда ривожлантириш эканини англаши керак.

Дарс режаси:

- I. Асослар
- II. Эгаллаш
- III. Мустаҳкамлаш
- IV. Тайёрлаш
- V. Кўпайтириш
- VI. Маҳаллий жамоатлар тузиш ҳаракати

Илова:

ЗА. Янги жамоатларни ташкил қилиш билан шугулланувчи одамларнинг энг кўп берадиган саволлари.

СЎЗ БОШИ

Архитектурада фоялар проектлар воситасида ифода қилинади. Бундай проектга чизмалар, тасвирлар ва ҳ.клар киради. Чизмага қараб архитектор бино конструкциясининг турли элементларини, уларнинг хисобини, бир-бирига қандай боғлик эканлигини ва ҳ.кларни олдиндан кўра олади. Шу билан бирга проект курилиш ишларининг асосий қўлланмаси бўлиб хизмат қилади, яъни у бинонинг барча қисмларини жойлаштириш кетама-кетлигини аниқ кўрсатиб туради.

Янги жамоат ташкил қилиш бу - ҳаракатлар ва воқеаларнинг тасодифий йиғиндиси эмас, бу- олдиндан ўйланган ва аниқ мақсад сари йўнлтирилган жараёндир. Бу жараённинг мақсадлари, олдимиға кўйилган вазифаларга бевосита боғлиқ бўлган холда, ҳар хил бўлиши мумкин. Одамларнинг Исога имон келтиришлари, мана шу вазифаларнинг биридир. Бошқа вазифалардан бири, бу - тавба қилганларга таълим бериш ва уларни жамоатга бирлаштириш. Яна бир бошқа вазифа, лидерларнинг жамоатларни бошқаришлари ва уларни ривожланишига ёрдам беришларидир. Кейинги вазифа, бу - тузилган жамоатнинг янги жамоалар ташкил қилиб, кўпайишидир. Вилоятларни ва миллатларни ҳақиқий ва кўпая оладиган жамоатлар билан тўлдириш, бу - янги жамоатлар тузиш ҳаракатининг асосий мақсадидир. Асл мақсад эса, Масих Келинини Худо учун тайёрлашдир.

Буларнинг барчасини амалга ошириш учун, кучларнинг бирлашиши, ишнинг қўзини билишлик, хизматга ёндашишда бирлик, раҳбарлик қилишда донолик каби сифатлар талаб қилинади. Жамоат ташкил қилувчиларни таёrlаш, мана шу муҳим сифатларни билишга қаратилган.

“Жамоатлар ташкил қилиш даври” (3.1 расм)- бу жамоатлар тузиш жараёнининг диаграммаси ва унинг “муҳим” принциплари ва босқичларини яққол кўрсатувчи кўргазмадир.

3.1 расм. Жамоатлар ташкил қилиш даври



I. АСОСЛАР

А. Муқаддас Китобдаги “муҳим” оятлар:

“Худо берган иноят асосида мен доно курувчи каби пойdevор қўйдим. Бошқа киши эса унинг устидан нимадир бунёд этади. Хар ким қандай қураёттанига дикқат этсин. Чунки ҳеч ким қўйилган пойdevор, яъни Исо Масихдан бошқа пойdevор қўя олмайди” (1Кор. 3:10-11).

Б. Мақсад ва ҳаракат:

Мақсад: Ўз-ўзини тайёрлаш, шахсий ниятга эга бўлиш, жамоат тузишдаги ўзининг фаолият йўналишини аниқлаш.

Ҳаракат:

1. Ибодат қилиш
2. Аҳолининг этник гуруҳини ўрганиш
3. Имонда шахсан мустаҳкам бўлиш
4. Муқаддас Китобни мунтазам ўқиб бориши.
5. Жамоат тузиш йўлини ва стратегиясини аниқлашни бошлаш.

В. Тасвиrlаниши:

Жамоат ташкил қилиш учун одам етарлича руҳан етук ва билимли бўлиши керак. Тузмоқчи бўлган жамоат ҳақида аниқ ниятга эга бўлмаслик ҳам ишга ҳалақит беради. Шунинг

учун бу босқичда аниқ ниятга эга бўлиш ва жамоат тузишида аниқ стратегия ишлаб чиқиш жуда мухимдир.

Стратегия ишлаб чиқиш, мақсад учун танлаб олинган ноҳияни ўрганиб чиқиш учун ёрдам беради.

Бундай тадқиқот ишидан мақсад - сиз жамоат ташкил қилмоқчи бўлган ердаги одамларни яхшироқ тушуниш ва уларга қандай йўллар билан хизмат қилиш мумкинлигини билиш.

Г. Саволлар:

- Одамларга нисбатан Худонинг иродаси қандай? Унинг иродасини бажариш учун Жамоат нималарга даъват қилинганди?
- Сизнинг мўлжаллаган жойингиз (сизнинг ҳосил ерингиз) дегани нима? Ана шу жойда хизмат қилиш учун Худо сизга қандай хизмат берган?
- Сизга Худо қандай инъомлар ва ният берган?
- Ниятга мос келиши учун маҳаллий жамоат қандай бўлиши керак? У кўпая оладиган бўлиши керакми?
- Кўпая оладаган жамоатлар ташкил қилишдаги асосий тўсиқлар нималардан иборат?
- Сизга ким ёрдам беради? Сизнинг ҳамкорингиз ким бўлади? Тадқиқот ишларини сиз қандай олиб бормоқчисиз?

II. ЭГАЛЛАШ (ИМОНГА КЕЛМАГАНЛАРНИ ХУДО УЧУН)

A. Муқаддас Китобдаги “муҳим” оятлар:

“Заифларни эргаштирай деб, улар учун заиф бўлдим. Ҳеч бўлмаса баъзиларни куткарай деб, ҳаммага ҳамма нарса бўлдим. Буларнинг ҳаммасини Инжил учун қиляпман, токи унинг кут баракасида менинг ҳам ҳиссан бўлсин” (1Кор. 9:22-23).

Б. Мақсад ва ҳаракат :

Мақсад: Мўлжаллаган жойда яшовчи одамлар билан мулоқот ва Хушхабарни айтиш.

Харакат:

1. “Муҳим” одамлар билан танишиш ва улар билан муносабат ўрнатиш.
2. Адашганларга Хушхабар айтиш.
3. Муқаддас Китобни ўрганувчи одамлар гурӯҳини ташкил қилиш.
4. Янги имонга келганларни ўзининг намунаси орқали ўргатиш.
5. Янги имонга келганларни тўғри йўлга йўналтириш.

В. Тасвирланиши:

Жамоатда Инжил Хушхабарини ваъз қилиш ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, бироқ ушбу босқич даврида жамоат тузувчи бунга ўзининг кўп кучини ва диққатини қаратади. Бу давр мобайнида жамоат тузувчи ўзини намуна қилиб кўрсатиши, бошқаларни тайёrlашнинг кейинги жараённида ва бу хизматни жамоатда бажаришида мухим ўрин тутади.

Инжил Хушхабарини мунтазам тарғиб қилмасдан, жамоат тузишининг иложи йўқ. Жамоат тузувчилар кўпинчи ўз кучларини Хушхабарни тарғиб қилишга қаратиш ўрнига, ўзларининг янги жамоатларига бошқа масихийларни жалб қилишга қаратишади. Улар имонга келмаганларни янги жамоатга Худонинг Ўзи олиб келади, деб умид қилишади, миссионерлик ҳаракатларисиз эса ҳақиқий ҳосил камдан-кам бўлади.

Жамоат тузувчилар биринчи навбатда хушхабарчи одамларнинг алоҳида-алоҳида кичик гурӯҳларини ташкил қилишлари керак, уларнинг дикқат марказида эса, одамлар орасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, уларга ўз ҳаётларида Муқаддас Китобдан қандай фойдаланишлари мумкинлигини ўргатиш, шахсий эҳтиёjlари ва гурӯҳ азолари учун ибодат қилиш кабилар туриши керак. Агар одамлар очиқ шахсий муносабаттага ўрганмаган бўлсалар, бу нарса вақт ўтиши билан йўқолиб кетади. Ўша гурӯҳ одамлари билан кўпроқ вақт бирга бўлишга ҳаракат қилинг, шунда борган сари улар билан муносабатингиз янада дўстона ва чукурорқ бўлиб боради. Гурӯҳ бошликлари мумкин қадар тезрок шогирд (бўлжак лидерларни) тайёrlашга ҳаракат қилишлари лозим. Йиғилишларни мумкин қадар оддий шаклда ўтказиш керак, чунки шогирд ҳам ўзининг гурӯҳида шундай йиғилишни бемалол ўтказа олсин. Агар

йиғилишлар бошлиқнинг шахсий муроқот услуби, тажрибалари, ва билимлари асосида юқори даражада ўтказилса, кейинчалик янги гурухларга лидерлар топиш қийин бўлади.

Г. Саволлар:

- Мақсадингизга эришиш нуқтаи назаридан олиб қараганда, сизнингча Хушхабарни айтишнинг қайси усули кўпроқ натижага келтириши мумкин?
- Сиз “муҳим” одамлар билан муносабатни қандай ўрнатмоқчисиз? Бу одамлар ким? Уларни қаердан излаш керак?
- Янги имонга келганлар Хушхабарни ўз оила аъзоларига ва дўстларига ҳам айтишлари учун сиз уларни қандай ўргатмоқчисиз?
- Сиз уларга насиҳат қилишни ва уларни хизматга таёrlашни қандай бошламоқчисиз?
- Сиз “ойкослар” аъзолари билан қандай танишасиз ва уларга Хушхабарни қандай айтасиз?
- Имонлиларнинг кичик гурухларини Худо хизмати учун бирлаштиришдан олдин, шундай гурухлардан нечтасини ташкил қилиш керак?

III. ТАН ОЛИНИШ (МУСТАҲКАМЛАНИШ)

A. Муқаддас Китобдаги муҳим оятлар:

“Бир- биримизга эътибор берайлик ва муҳаббатга, хайрли ишларга рағбатлантирайлик. Баъзиларнинг одатидек, йиғилишларни қолдирмайлик. Аксинча, Раббимиз келадиган кун яқинлашиб қолганини билиб, бир-биримизга янада кўпроқ далда берайлик” (Ибр. 10:24-25).

Б. Мақсад ва ҳаракат:

Мақсад: имонлиларни ва гурухни бошқа аъзоларини Худога хизмат қилиш учун йиғиш.

Харакат:

1. Имонлиларга насиҳат қилиш
2. Бўлажак лидерларни таёrlаш ва уларга кейинчалик ҳам устозлик қилиш.
3. Хушхабарни тарғиб қилишни гуруҳ аъзоларининг “ойкослари” орқали янада кенгайтириш.
4. Кичик гурухларни кўпайтириш.
5. Мунтазам Худо хизматини олиб боришни бошлаш.

В. Тасвирланиши:

Бу босқичга тайёрланиш учун одатда бир йил (баъзида кўпроқ) вақт кетади. Имонлиларнинг кичик гурухдан янги жамоатга айланиш жараёни ўзининг индивидуал динамикасига эга. Бу вақтгача кичик гурухлар ўсишлари ва кўпайишлари керак, чунки айнан улар, бошида вақти-вақти билан, кейинчалик эса мунтазам олиб бориладиган Худо хизматини бажарувчи одамларнинг асоси бўладилар. Агар шароит кўтарса, маълум бир бинони ижарага олиш мумкин, бироқ бунинг учун асло шошилмаслик керак. Бинони ижарага олишдан олдин, аъзолари сони 30-40тадан иборат бўлган бир нечта гурухларга эга бўлиш керак.

Устозлик қилиш хизмати - жамоат ҳаётида муҳим аҳамиятга эгадир ва бу хизмат биринчи кунлардан бошлаб, ҳар доим давом этиши керак. Бироқ жамоат тузувчи бу босқичда янги имонга келганларга устозлик қилиш катта аҳамиятга эга эканини англаган ҳолда, бунга кўпроқ эътибор бериши керак ва шу билан бирга ўзининг жамоатида бўлажак устозлар таёrlашга ҳам эътибор бериши керак.

Бу босқида энг кўп учрайдиган муаммо, бу янги имонга келган ҳамма одамларнинг қабул қилиш даражаси бир ҳил эмаслигидир. Миссионерлар янги имонга келганларнинг “ҳаммаси бир ҳил” деб ўйлашади, бошқа ҳолда эса, улар бундай одамларнинг руҳий ўсишларига ёрдам бера олмайдилар. Бошқалар янги имонга келганларга нисбатан қаттиқўллик билан муносабатда бўлишади, улар ҳали руҳан ёш бўлганлардан жуда тез руҳан ўсишни талаб қилишади. Лекин, Исо бизларга одамлар қандай бўлса шундай қабул қилишимизни ва улар билан муносабатда сабрли ва муҳаббатли бўлишимишни ўргатган. Мана шундай қилиш орқали биз ёш масиҳийларни руҳан ўсишларида ёрдам бераоламиз.

Г. Саволлар:

- Гуруҳ бошлиқларини хизматга тайёрлашда сиз қандай йўл тутмоқчисиз?

- Сиз янги имонга келгандарни қачон сувга чўмдирмоқчисиз? Бу маросим қачон ва ким орқали бажарилади?
- Янги имонга келгандар нажот топганларига тўла ишонишлари учун, сиз уларни имонда қандай мустаҳкамламоқчисиз?
- Сиз ўз жамоатингиз ҳаётини қандай бошқармоқчисиз? Янги имонга келгандар сизнинг жамоатингиз ҳаёти билан қандай муносабат қилишлари мумкин?
- Сиз йиғилишларни қаерда ўтказмоқчисиз? Йиғилишларга одамларни қандай таклиф қилмоқчисиз?
- Мақсадга эришишда қайси усуллардан фойдаланмоқчисиз? Худо хизматини амалга оширишда қайси йўлдан бормоқчисиз?

IV. ТАЙЁРЛАШ

A. Муқаддас Китобдаги муҳим оят:

“Кўп шоҳидлар хузурида сен мендан нима эшигтан бўлсанг, бошқаларга ҳам таълим беришга қобилиятли, ишончли одамларга топширгин” (2Тим. 2:2).

B. Мақсад ва ҳаракат

Мақсад: бошқаларни ҳам тайёрлай оладиган жамоат раҳбарларини ва хизматчиларни тайёрлаш.

Ҳаракат:

1. Раҳбарлар учун ҳар бир хизматда зарур бўладиган талаблар рўйхатини тузиш.
2. Имонлиларнинг ҳар бирининг Худо ато этган қобилиятларини аниқлаш.
3. Кичик гурухларнинг раҳбарларини таёrlаш.
4. Янги раҳбарларга вазифаларни бўлиб бериш ва уларни мустақил хизмат қилишга жўнатиш.

B. Тасвирланиши:

Биринчи учта босқич даврида, худди оилада болалар катта бўлгунча асосий ишларни бажарувчи ота-оналар қилгани каби, асосий иш миссионерларга юклатилади. Оилада катта бўлаётган болаларга аста-секин, уларнинг кучига қараб ҳар хил ишлар топширилгани сингари, янги имонга келгандарга ҳам уларнинг руҳан ўсишлиарига қараб қўпроқ мажбуриятлар юклатилиши керак, токи улар қўпроқ ва қўпроқ жамоат хизматида иштирок этсинлар. Ушбу босқичда жамоат тузувчилар Хушхабар айтиш мажбуриятини, устозлик ва лидерлар таёrlаш вазифаларини аста-секин янги раҳбарларга топшириб боришлари керак.

Албатта, биринчи навбатда Худога таяниб, жамоат тузувчилар бошқаларни раҳбар этиб тайёрлашлари учун уларга етарлича ишонмоқлари лозим. Худо ҳар бир имонлига қандайдир руҳий қобилият ато қилган ва ҳар бирига хизмат қилиш мажбуриятини берган. Агар жамоат тузувчи жавобгарликни бошқалар билан бўлишмаса, одамларни хизмат учун тайёрламаса ва уларга хизмат қилишни топширмаса, у ҳолда жамоатнинг ўсиши фақат битта одамнинг чўпонлик хизмати билан чегараланиб қолади. Чўпон бор кучи билан меҳнат қиласи, лекин янги имонлилар жамоатда ўзларини уйларидағидек хис қилмайдилар, уларда ихлос қайтиш туйғуси пайдо бўлиши мумкин. Улар фақат томошабин бўлиб қоладилар, зеро бизларнинг маданий урф одатларимиз бунга жуда мос келади. Айнан топширилган вазифага нисбатан жавобгарликни хис қилиш туйғуси, одамни жамоат ҳаётида фаол иштирок этишга ундовчи кучли восита эканлигини тушуниш жуда муҳим.

Г. Саволлар:

- Одамларнинг Худо ато қилган руҳий қобилиятларини англашлари учун сиз қандай ёрдам бермоқчисиз? Бу билан ким шугулланади?
- Қайси соҳалар бўйича уларга ўргатиш керак? Бу ўргатиш қаерда ва қандай олиб борилади?
- Бошқаларга таъсир ўтказа оладиган “муҳим” одамлар кимлар? Улар ишончлими ва улар бошқаларга хизмат қилишадими?
- Тайёрланган одамлар хизматни қаерда олиб боришади? Уларнинг хизмат олиб борадиган жойларидағи асосий эҳтиёжлар ва муаммолар нималардан иборат? Улар у ердаги хизматларини нимадан бошлашади? Кимга хисобот беришади? Уларга қандай мажбуриятлар юклатилган?

V. КҮПАЙТИРИШ

A. Муқаддас Китобдаги мұхим оят:

“Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келғанда, сизлар қувват оласизлар, Қуддусда, Яхудия билан Самариянинг ҳамма жойларида ва ҳатто дунёнинг эңг олис ерларида ҳам Менинг шоҳидларим бўласизлар” (Ҳав. 1:8).

B. Мақсад ва ҳаракат:

Мақсад: жамоат тузувчилар гурухини шакллантириш учун лидерлар даврасини ташкил қилиш.

Харакат:

1. Бўлажак жамоат тузувчилар гурухининг раҳбарларини тайёрлаш.
2. Ҳар хил хизмат турлари учун хизматчиларни тайёрлаш.
3. Худо сизни қаерга бошлаган бўлса ўша ерда тадқиқот ишларини олиб бориш.
4. Хушхабарни тарғиб қилувчи маросимларни режалаштириш ва ўтказиш.

B. Тасвирланиши:

Кўпчилик жамоат раҳбарлари жамоатни кўпайтириш ўрнига мавжуд жамоатни қўллаб-қувватлаш ва унга янги одамларни олиб келиш керак деган қарашга әгадирлар. Жамоатдаги одамлар сонини кўпайиши уларни тўла қониқтиради ва улар кўпайтиришга унчалик эътибор беришмайди. Ушбу босқичда жамоат тузувчи ўз жамоатини “ҳақиқий” жамоат бўлиши учун шахсий бинога эга бўлишга интилиши, кўп ҳолларда қолган эҳтиёж ва мақсадларни четга суриб қўйишига олиб келади, энг асосийси эса - кўпайиш жараёнини секинлаштиради. Раҳбарлар ўз жамоатлари шаҳарда, вилоятда янада кўпроқ таъсирга эга бўлиши ҳақида ўйлашлари керак. Кўп ҳолларда мавжуд бўлган жамоатлардан этишиб чиқсан янги жамоат раҳбарлари, семинарларда ва Инжил мактабларида таълим олган раҳбарларга қараганда кўпроқ натижаларга эришишади.

G. Саволлар:

- Қандай тадқиқотларни олиб бориш зарур? Буни ким қиласди? Яқин атрофда ҳали Инжил Хушхабарини умуман эшитмаган қандайдир этник гуруҳлар борми? Улар орасида тайёрлаш мумкин бўлган бошқаларга таъсир ўтказа оладиган одамлар борми?
- Янги хизматларнинг барчасини ким ташкил қиласди ва бошқаради? Бу хизматлар учун раҳбарлар ва хизматчиларни ким тайёрлайди?
- Жамоатда қандай мақсадни олға суриш ва етказиш керак? Бу хизмат учун кимлар ибодат қиласидар?
- Мазкур вилоятда бошқа жамоатлар ёки миссиялар ишлайтими? Кучларни бирлаштиришни уларга ким таклиф қиласди? Жамоатлар тузишдаги биргаликдаги ҳаракатга улар қанчалик куч қўшишади?
- Бу ҳаракат (жамоатлар тузиш) учун раҳбарларни турли савияларда тайёрлашнинг жиддийроқ ва маҳсус таълим дастури керакми? Уни ким олиб боради? Молиявий тарафдан у қандай таъминланади?

VI. БАРЧА ЖОЙДА ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҲАРАКАТИ

A. Муқаддас Китобдаги мұхим оялар:

“Менинг бутун муқаддас төғимда гуноҳ қилмайдилар: зеро ер юзи худди дengизни сувлар тўлдиргани каби, Худонинг ваҳийси (нияти) билан тўлиб кетади” (Иш. 11:9).

B. Мақсад ва ҳаракат:

Мақсад: вилоятни, шаҳарни ёки миллатларни жамоатлар билан тўлдириш ва миллатлараро жамоатлар тузишда иштирок этиш.

Харакат:

1. Вилоятнинг ҳар бир этник гурухи орасида жамоат тузиш.
2. Мазкур ҳаракатни ривожлантириш ва тарқалиши режасини ишлаб чиқиши.
3. Вилоятда мавжуд бўлган гуруҳлар томонидан қўллаб-қувватланадиган (ҳомийлик қиласидиган) миллатлараро миссионерлик дастури устида иш олиб бориш.

4. Вилоятдаги барча имонлилар бу ҳаракатда иштирок этишлари учун ибодат қилиш.
5. Вилоят ва (ёки) миллий мақсадларни аниқлаш.
6. Ҳаракатнинг “муҳим” раҳбарларини юқори савияда ўқитишни таъминлаш.

В. Тасвирланиши:

Жамоат ташкил қилишдан мақсад - фақат яна битта жамоа ташкил қилиш эмас, балки ҳар бир вилоятни кўпаядиган жамоатлар билан тўлдиришdir. Жамоат тузиш ҳаракатини, маълум вилоятда Муқаддас Рух бошчилигида фоят тез суръатда янги жамоатлар пайдо бўлиши ва ўсиши деб тасвирлаш мумкин. Жамоатлар тузиш ҳаракати шу вилоятдаги барча имонлиларнинг Худо хизмати учун бирлашишлари ва уларнинг ниятлари ҳам бир бўлиши билан тасвирланади.

Павлус, ҳаворий ва жамоат тузувчи Муқаддас Рух томонидан Асия вилоятига у ерда жамоатлар тузиш ҳаракатини бошлаш ва ривожлантириш учун юборилади. Бошида у биринчи бўлиб Эфесда жамоат ташкил қиласи ва Тиран мактабида шогирдлар тайёрлаш ишлари билан машғул бўлиб, у ерда икки йил қолади. Унинг у ердаги ҳосили шу эдики, “ҳоҳ яхудий, ҳоҳ юнонӣ бўлсин, Асия вилоятида яшаганларнинг барчаси Рabbimiz Исонинг Каломини эшитди” (Хав. 19:10). Ҳаворий Павлуснинг Исонинг Каломини бутун Асия эшитди, деган гапларига тасдиқ ва у ерда жамоалар тузиш ҳаракатининг бошланганлигига гувоҳлик шуки, ўша пайитда у ерларда жамоаларнинг вужудга келишидир (Эфесда, Колоссада, Лаодикияда, Пергияда, Мирахда, Иераполда, Смирнда, Пергамда, Фиатирда, Сардисда, Филадельфияда ва ҳ.кларда).

Жамоат тузувчилар ва раҳбарлар ўз хизматларини жамоатлар тузиш ҳаракати ҳақида тўлиқ ниятга эга бўлган ҳолда олиб боришлари лозим. Ҳозирги замонда ҳам бир қанча мамлакатларда Инжил Хушхабари жамоатлар тузиш орқали тарқалаётганига мисоллар мавжуд. У ерлардаги Муқаддас Китоб принципларига асосланган хизмат жараёнларини ўрганиб, жамоат тузувчилар чексиз ҳосил келтирган ҳолда бошданоқ тўғри йўлдан боришлари мумкин.

Г. Савволлар:

- Сизнинг ҳаракатингиз ўз-ўзидан ривожланувчи, ўз-ўзини таъминловчи ва ўз-ўзини бошқарувчи ҳаракатми? Агар йўқ бўлса буларга эришиш учун нималар қилиш зарур?
- Қайси вилоятларга ва одамлар гурухларига Инжил Хушхабари ҳали ҳам етиб бормаган? Худо сизни қандай миссионерлик дастури устида иш бошлашга ундаяпди?
- Сизнинг ҳаракатингиз учун қандай таълим турлари талаб қилинганди? Улар қандай қўллаб-қувватланади?
- Сизнинг ҳаракатингизда “ҳаворийларга ўҳшаган” лидерлар борми? Улар кимлар? Сиз улар билан қандай ҳамкорлик қилишингиз мумкин? Уларни руҳий ва жисмоний тарафдан қўллаб-қувватлаш керакми? Улар нималарга муҳтож?

САВОЛЛАР

- Ўз вилоятида жамоат тузишнинг аниқ вазиятини биладиган қайси босқич сиз учун энг қийини? 1)Шахсан сизга, инсон сифатида, 2) Сизларга, инсон сифатида.
- Жамоатнинг ривожланиши жараённида тузувчинининг роли қай тарзда ўзгариб боради?
- Жамоатларнинг кўпайиши нима учун зарур?
- Шахсан сизнинг вазияtingизда маҳаллий жамоат тузиш ҳаракатини бошлаш учун сизнингча қанча вақт керак?
- Сизнинг вилояtingизда жамоатлар тузиш даврига кирмаган бошқа хизматлар ҳам (хушхабар айтиш, устозлик қилиш, таълим бериш) мавжудми? Уларни ҳамкорликка қандай жалб қилиш мумкин?

ТОПШИРИК

Жамоат тузишда сиз билан бирга ишлаётган грухингиз аъзолари билан даврнинг ҳар бир босқичидаги саволларга жавоб беринг. Ҳозир сиз бу саволларга ҳақиқий жавоб берадиласлигиниз табиий. Лекин, бу саволлар устида ишлаш сизнинг кейинги хизматингиз учун яхши машқ бўлади.

**Ният
Илова
ЗА**

Янги Жамоатлар ташкил қиладиган одамларнинг ЭНГ кўп берадиган саволлари

Янги жамоат ташкил қилишга бел боғлаган одамларни кўпинча кўйидаги ёки шунга ўхшаган саволлар қизиқтиради:

- Жамоатнинг энг юқори лавозимини ким эгалashi керак (ёки керак бўлади)? Жамоат ким томонидан бошқарилади?
- Раҳбарнинг (раҳбарларнинг) роли нималардан иборат бўлади?
- У (улар) қандай услубда (услубларда) иш юритишлари лозим?
- Жамоанинг ва унинг аззоларининг роли нималардан иборат бўлади?
- Итоат қилишнинг қайси услуби яхши натижа беради (ёки мақсадга мувофиқ бўлади)?
- Мусиқа қандай турда бўлади ва ундан қандай фойдаланилади?
- Жамоат Хушхабарни қай тарзда тарғиб қиласи? Аҳолининг қайси гурухига? Қаерда? Бу билан ким шугилланади? Бунда ким ёрдам бериши мумкин?
- Янги имонга келганларни имонда қандай мустаҳкамлаш мумкин?
- Сувга чўмдириш маросими қаерда ўтказилади? Буни ким амалга оширади? Қачон? Тавба қилувчиларга қандай талаблар кўйилади?
- Жамоат янги лидерларга қандай таълим беради?
- Жамоат қандай тузилмага эга бўлади? Қандай дастурлар амалга оширилади?
- Жамоатнинг умумий ҳажми қандай бўлиши керак? Бу унинг ўсишига қандай таъсир қиласи?
- Жамоатда чўпонга маош бериладими?
- Жамоатда қандай йигилишлар ўтказилади?
- Ҳамма йигилишлар бир ҳил тарзда ўтадими? Агар йўқ бўлса, йигилишларнинг ҳар бир тури нималарда ўз аксини топади?
- Жамоат бошқа жамоалардан имонлиларни қай тарзда қабул қиласи?
- Жамоат жамиятга қандай ёрдам беради?
- Жамоат болаларга диний таълим беришда қандай роль ўйнайди? Бунда оиланинг ўрни қандай бўлади?
- Жамоатда қандай жазо турлари бор ва улар қачон қўлланилади? Бу амалда қандай ижро этилади?
- Масиҳийлар ҳаётидаги баҳсли саволларга нисбатан жамоат қандай муносабатда бўлади? Жамоат қонун-қоидчиликдан қай тарзда узоклашиши мумкин? Буларга нисбатан жамоатнинг реакцияси қандай бўлади?
- Жамоат имонлиларнинг ҳаёт тарзларидаги қарама-қаршиликларга қай даражагача руҳсат беради?
- Жамоатда аёлларнинг ўрни қандай бўлади?
- Жамоат имонлиларни бўлинишига олиб келувчи қандай таълимотларга дуч келиши мумкин? У таълимотларнинг қарама-қаршиликларини қандай ҳал қиласи? Жамоат учун қайси саволлар тўғри ва у қайси саволларда қарама-қарши муносабатда бўлади?
- Жамоатнинг чет эл миссияларига нисбатан муносабати қандай бўлади?
- Янги жамоатнинг, илгаридан шу ерда мавжуд бўлган бошқа жамоатга нисбатан муносабати қандай бўлади?
- Жамоат, ўша жойдаги бошқа мазҳабларга тегишли бўлган жамоаларга нисбатан қандай муносабатда бўлади? Масалан, харизматик жамоатни олиш мумкин.

- Жамоатнинг камбағал-қашшоқларга нисбатан муносабати қандай бўлади? Жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларига-чи?

**Ният
4 Дарс**

ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

Дарс мақсади:

Жамоат тузишда яхши натижа келтирадиган стратегияни ишлаб чиқишида тадқиқотнинг (ахборот йифиш ва таҳлил қилиш) тутган ўрнини аниклаш.

Кутиладиган натижалар:

Дарс мавзусини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Тадқиқотчиларни танлай билишни, уларни ўргатишни ва маълумотлар йифиш ишларида мустаҳкамлашни билиши ва бу билимларидан керак бўлганда атрофдагиларни ҳам жамоат тузишда ҳамкор қила олишда фойдаланиши керак.
- Мўлжаллаган жой ҳақида зарур бўлган ахборотларни тўплаш ишларига тайёр бўлиши керак.
- Жамоат тузишга тайёрланиш босқичида ахборот йифишнинг зарурати ва имконияти даражасини аниклашни билиш керак.

Дарс режаси

- I. Тадқиқот иши ўзи нима?
- II. Тадқиқотни ким олиб бориши керак?
- III. Тадқиқотни каерда олиб бориш керак?
- IV. Тадқиқони қачон олиб бориш керак?
- V. Жамоат тузувчилар нима учун тадқиқотларни олиб боришлари керак?
- VI. Тадқиқотни қай тарзда олиб бориш керак?

Илова:

- 4A. “Жамоат тузишдаги тадқиқот ишлари”

Ўқитувчиларга кўрсатмалар:

Агар имконият бўлса тадқиқот ишларидан мисоллар келтиринг (харитадан фойдаланинг). Бу нарса тингловчиларга ёрдам беради ва уларни руҳлантиради. Талабалар тадқиқот ишлари бўйича берилган 4A Иловадаги топшириқни бажаришлари керак бўлади. Тингловчиларингиз билан бу топшириқни муҳокама қилиш учун вақт ажратинг.

I. ТАДҚИҚОТ ИШИ ЎЗИ НИМА?

A. Тадқиқот иши - ахборотлар йифиш усули

Мазкур контекстда келтирилган тадқиқот иши - бу янги жамоат тузиш учун зарур бўлган ахборотларни йифиш дегани. Айнан тадқиқот иши, янги жамоат ташкил қилмоқчи бўлган худуднинг шароитига баҳо беришимизда бизга асосий ахборотни беради. Мўлжаллаган жойимиз ҳақида тўлиқ ниятга эга бўлиш учун, мақсадимизга мувофиқ тарзда ўша худуд ҳақида демографик, географик ва тарихий маълумотлар йифишимиш ва тадқиқот ўтказилиши керак бўлган жойдаги хозирги жараён: хозир одамлар қандай ўйлашади, нималар қилишяди ва нималарга ишонишлари ҳақида ҳам маълумот тўплаш керак. Тўпланган маълумотларни шундай умумлаштириш лозимки, токи миссионерлар (жамоат тузувчилар), бу маълумоатлар орқали маҳаллий жамоатлар тузишида зарур ва ҳақиқий

ҳолатни кўришсин ва баҳо беришсин. Олинган маълумотларга таяниб мазкур ҳудудда жамоат тузиш усулларини танлаш бўйича тўғри қарор чиқариш мумкин.

Тадқиқотларнинг натижалари “Якуний Мақсад” фикрлашни чегараламаслиги ёки четга сурисиб қўйиши керак эмас. Бизнинг мақсадимиз - бу ҳудудда янги жамоат тузиш керакми ёки керакмаслигини аниқлаш эмас, балки вазиятни ва қийинчилкларни ўрганиш ва баҳолаш орқали бу вазифани бажаришнинг энг яхши йўлини топишдир. Исо Масих Ўз Жамоатини, бу ишларга ўзини фидокорона баҳшида қилувчи имонлилар орқали барпо қиласи. Исо Масих, Ўз Жамоатига кентгайишни ва тарқалишни амр қилган ва жамоат бу вазифани бутун жавобгарлик билан, аниқ ва ишончли маълумотларга таянган ҳолда бажариши лозим.

Ҳосил ери (жамоат тузиладиган ҳудуд) ва ўримчилар (ушбу миссияни амалга оширишда фаол иштирок этувчилар) ҳақидаги тўлиқ ва ҳар томонлама мукаммал бўлган ахборот орқали биз, нимани ва қандай қилишимиз ҳақида аниқ ҳulosага келишимиз мумкин. Бу ҳulosани “пайғамбар башорати” деб аташимиз мумкин, зоро биз Худонинг фарзандларимиз ва Худонинг дунёқарашига эга бўлган ва Унинг иродасини бажаришни хоҳлаган ҳолда, биз олинган маълумотларни таҳлил қилиб, уларни “Якуний Мақсад” фикрлаш нуқтаи назаридан баҳолаймиз. Биз булар ҳақида Худога ибодат қиласи, Ундан бизни бошқаришини ва тўғри йўлдан олиб боришини сўраймиз.

Б. Тадқиқотлар (маълумотлар йиғиши) ҳақида Муқаддас Китоб манбъаларида

Қачонки одамлар Худо улар олдига қўйган вазифани бегона жойларда бажаришлари керак бўлган бўлса, улар аввал маълумотлар тўплашган, бу эса уларнинг имон билан киладиган биринчи қадамлари учун катта ёрдам берган.

Сонлар китобининг 1:1-46 оятларида Истроил ўғиллари жанг қилишга яроқли бўлган ўз одамларини ҳисоблаб чиққанликлари ҳақида баён қилинади. Худо Истроил ўғилларига жанг қилишни амр қиласида ва уларни голиб қилишга ваъда беради. Лекин, шу билан бирга Худо ибронийлардан ўзларининг жангга яроқли одамларини ҳисоблаб чиқиши талаб қиласи. Бу тадқиқот Истроилни тўғри йўлдан боришига ёрдам берди ва улар охир-оқибатда ўзлари учун ваъда қилинган ерни эгаллашга эришдилар. Худди шундай принципни жамоат тузишда ҳам қўллаш мумкин; хизмат учун кимлар тайёр эканлиги ҳақида маълумотларга эга бўлиш, мақсадга эришиш йўлида жуда муҳимдир.

Сонлар Китобининг 13:1-14:36 оятларида айтилишича, Худо Истроилликларга ўзлари эгаллашлари керак бўлган ерга айгоқчилар жўнатишни ва у жой ҳақида ишончли маълумотлар йиғишига буйруқ беради. Айгоқчилардан олинган маълумотларга таяниб Истроил ўғиллари ўша жой ҳолатига баҳо беришлари керак эди, бу дегани Ханон юртини эгаллашда тўғри тактика ва стратегия танлаши ва кейинги енгиш керак бўлган қийинчилклар ва тушкунликларга тўғри баҳо бераолишлапи керак эди. Худди шу каби жамоат тузишда ҳам тадқиқот ишларини олиб бориш орқали тузиладиган жамоатга келадиган одамларнинг қандайлигини, улар билан қандай тўғри муносабат олиб боришини ва енгиш керак бўладиган қийинчилкларни аниқлаш мумкин.

Куддуснинг қала деворларини тиклаш вазифасини бажаришдан олдин, Неемия Куддус атрофини синчиклаб ўрганиб чиққан эди (Неем. 1:3-4; 2:1-6). У қурилиш ишларини бажарувчи халқ оммасининг маънавий ахволини тўғри баҳолай билди, у ўзини ҳам бошқаларни ҳам оғир меҳнатга мослаштира олди. Жаоат тузиш ишларида ҳам биз ўзимизни шундай тутишимиз лозим.

Исо Масих одамларнинг руҳан нималарга муҳтоҷ эканликларини, уларни олдига Хушхабарни тарғиб қилиш учун Ўз шогирдларини юбормасдан олдин билар эди (Мат. 9:35). Бироқ Исо Масих вазият билан шахсан танишиб чиққанидан сўнг ҳосил ҳақида эълон қиласи. Исо Масихнинг одамларни ибодат ва хизмат учун даъват қилишида кузатувлар ёрдам берар эди. Шу каби, жамоат тузишда ҳам вазият билан шахсан танишиб чиқишилик ибодат қилишга ва хизматни бошлашга ундовчи раҳмдиллик ва ачиниш ҳиссини ўйғотади.

Юҳ. 4:35 оятида Исо Масих Ўз шогирдларига экинзорга “қарашни” буюради (одамларнинг руҳий ҳосиллари назарда тутилмоқда); бу оятда “қаранглар” деб таржима қилинган грекча феъл сўз туркуми, грекчада “аниқламоқ, текширмоқ” маъноларида ҳам ишлатилади. Биз гоҳида Худо одамларга қандай қараётганини унугиб қўямиз. Бизчи, шахсан ўзимиз атрофдагиларга қандай қараоямиз? Уларга беписанд назарда бўлмаямизми? Балки уларда бизга ҳалақит бераётган нарсаларни кўраётгандирмиз? Биз кўпинча ишимиизга шу қадар берилиб кетамизки, натижада ўзимизнинг шахсий ишларимиз ва муаммоларимиздан

бошқа ҳеч нарса қизиқтиrmайди. Биз одамларнинг олдига боришимиз ва уларни Исо Масих томон олиб келишимиз, шу билан бирга уларнинг юракларига, орзу-майлларига, қизиқшиларига, имонларига “қарашимиз” (яъни ўрганишимиз, текширишимиз) Худонинг иродаси эканини биз гоҳида эсимиздан чиқариб қўямиз. Исо Масих буларни, ҳосил етилгандан кейин, ўроқчилар бориб ҳосилни ўриб, ер эгасининг олдига олиб келишига ўхшатади (Юх. 4:35-38).

Павлус ва Барнабо ўзлари учун ҳали янги бўлган иш, яъни жамоатлар тузиш учун Кипрга, Барнабонинг ватанига жўнашади. Албатта, Барнабо ўз ватанидаги вазият ва ҳолатни яхши билар эди (Хав. 13:4-5). Агар одамлар бирон бир жойдаги ва у ердаги вазиятни қанчалик яхши билсалар, атрофдаги одамлар уларга қўпроқ ишонч билан муносабатда бўлишади. Жойнинг вазияти ва ҳолатини ўрганиш (ахборот йифиш), маълум бўлган ва ҳали номаълум бўлган нарсалар орасида қўприк воситасини бажарувчи билимни беради. Лекин, ахборот йифишнинг бу услубларини аввал таниш бўлган жойларда қўллаш тавсия қилинади, етарлича тажрибага эга бўлгандан сўнг, бегона худудларда ҳам иш олиб бориш мумкин.

Худонинг иродаси билан жамоат ўсиб ва қўпайиб борди ва биринчи масихийлар жамоати имонга келган ва жамоат сафига қўшилган одамлар сонини ҳисоблаб борган (Хав. 2:41,47; 4:4; 5:14; 9:31). Бу хилдаги ахборот орқали, Худо Ўз ишини одамларнинг ҳаёти орқали, уларнинг қаерда яшашлари ва қаерда бўлишларидан қатый назар амалга оширишини тушуниш мумкин.

Тадқиқотнинг (ахборот ва маълумотлар йифиш) ҳар бир кўриб чиқилган вазияти ўзида Худонинг маълум вактдаги ва маълум жойдаги ишларига боғлиқ бўлган Ўз режасининг бир қисмини намоён қиласди.

II. ТАДҚИҚОТНИ КИМ ОЛИБ БОРИШИ КЕРАК?

A. Ахборотни тадқиқотчилар йигилган маълумотларни қарашуни керак

- Тадқиқотчилар далил ва маълумотларни йигилганга мойил бўлган ва уларни синчиклаб текшириб кўрувчи одамлар бўлишлари лозим. Тадқиқотчи маълумотларни қандай қўлга киритишни билиши ва бир неча манъбаларни бир бирига солишиши орқали, бу ахборотларни текшириб кўриши зарур. Ушбу вазифани аъло даражада бажариш учун тадқиқотчи саволни қандай беришни билиши керак.
- Қўйилган вазифани, яъни маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш вазифасини фидокорона ва жонбозлик билан бажаришлари билан бирга, тадқиқотчилар қайси маълумотлар ўзлари учун зарурлигини ҳам танлай билишлари керак.
- Тадқиқотчилар ўзлари учун зарур бўлган ахборотни олишлари учун, улар қайси саволни ва уни қай тарзда беришни билишлари лозим.
- Тадқиқотчилар статистик ва демографик хусусиятли маълумотларни қандай қилиб олиш мумкинлигини билишлари керак.
- Тадқиқотчилар тўпланган маълумотларни шундай умумлаштиришлари ва тартибга солишлари лозимки, токи бу маълумотлар маҳаллий жамоат тузиш йўлидаги мақсадга мос келсин.

B. Тадқиқотчилар йигилган маълумотларни бошқаларга етказишлари керак

Тадқиқотчилар тўпланган маълумотларни бошқаларга етказишда, бу маълумотларни умумлаштирган ва тартибга солган ҳолда етказишни билишлари керак, токи маълумот олувчилар ўша жойнинг вазияти ва ҳолати ҳақида аниқ-равшан ниятга эга бўлишсин ва бу “экинзор” учун “ҳосил” ва “ўроқчилар” ҳисобини кўз олдиларига келтиришсин. Шу билан бирга маълумотларни шундай кўринишда бериш керакки, токи бу маълумотлар эшитувчida ачиниш ҳиссини уйғотсин ва мазкур босқич даврида Худога мақбул бўлган ишларни қилишга ундашсин. Тадқиқотчи тингловчини руҳлантира оладиган ва унда ишонч ҳиссини уйфота оладиган бўлиши керак ва бу ҳолатда кераксиз деталлар ва тафсилотларни айтиб ўтирмаслиги керак. Маълумотлар ичидан миссионерларни фаолроқ ҳаракат қилишга ундовчи деталларни ажратиб ва эслаб қолинса ҳам ёмон бўлмайди.

Сонлар Китобининг ўн учинчи бобига мурожаат қиласиз. Айғоқчилар сони ўн иккита бўлса ҳам, исроилликлар фақат икки кишининг: Навин ва Холивнинг айтган маълумотларига ишонишли. Барча айғоқчилар бир хил фактларни келтиришди, бироқ ўнта

айғоқчи маълумотларни қайгули оҳангда, Худонинг уларга берган ваъдасини ҳатто эсламасдан, эътиборни фақат қийинчиликлар ва тушкунликларга қаратишади. Навин ва Холив ҳам қийинчиликлар ва муаммоларни инкор қилишмади, лекин шу билан бирга улар Худо Истроилга берган ваъдасини бажаришига асло шубҳа қилишмади.

- Тўпланган маълумотларни баён қилувчи одам, бу маълумотлар ичидан жамоат тузувчиларнинг саволларига аниқ жавоб бўлувчи муҳим фактларни ажрата билишлари лозим.
- Тадқиқотчилар ўз ҳисботларида салбий вазиятларни ҳам кўрсатиб ўтишлари керак, токи тингловчилар шундай тўсиқларни енгиб ўтишга тайёр турсинлар.
- Тадқиқотчилар Худо Хушхабарни етказиш учун аввалданоқ очиб қўйган эшикни топа билишлари керак.

III. ТАДҚИҚОТНИ ҚАЕРДА ОЛИБ БОРИШ КЕРАК?

Тадқиқот ишларини жамоат тузиладиган худудда олиб бориш керак. Мўлжалдаги жойни тадқиқ қилиш томон қўйилган биринчи ва энг муҳим қадам, бу харакат доирангизга кирадиган бутун худудга нисбатан барча зарурий нарсаларни билиб олишдир. Мақсад учун танлаган ҳудудингиз харитасини топинг (ёки чизиб чиқинг), иш олиб бормоқчи бўлган жойингизни харитада белгиланг ва мазкур худудда яшовчи одамлар, у ерда жойлашган корхоналар, жамоатлар ва ҳ.клар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишга харакат қилинг.

1. Мўлжалдаги жойингизни, яъни жамоат тузмоқчи бўлган жойингизни харитада белгиланг.
2. Мазкур худуд ҳақида барча керакли бўлган маълумотларни тўпланг.
3. Ишни “бошлаш майдончаси”ни аниқлашдан бошланг. Агар ҳозир ишни кичик худуддан бошласангиз, кейинчалик катта худудларда ўз хизматингизни ишонч билан ва кўп натижа келтирадиган тарзда бемалол олиб борасиз.
4. Худуднинг харитасини чизиб чиқинг.
5. Худуд харитасини иложи борича мукаммал қилиб ишланг, токи унда жамоатлар жойлашган ерларни кўриш ва уларнинг турларини аниқлаш мумкин бўлсин ва шу билан бирга бошқа муҳим обьектларни ҳам кўриш мумкин бўлси (масалан: диний марказлар, маъмурий бинолар, ижтимоий ва сиёсий уюшмалар бинолари, бозорлар, тарихий жойлар ва ҳ.клар).

IV. ТАДҚИҚОТНИ ҚАЧОН ЎТКАЗИШ КЕРАК?

A. Янги жамоат тузиш ишларини бошлашдан олди

Муқаддас Китобнинг гувоҳлик беришича, ахборот тўплаш ишларини вазифани бажаришдан олдин қилиш керак.

- Истроил Ханон ерига хужум қилишидан олдин, у ерга ўз айғоқчиларини юборган (Сон.13; Навин 2).
- Неемия тадқиқот ишларини ўтказгандан кейин, Куддус қальта деворларини тиклаш ишларини бошлаган (Неем. 1:3-4; 2:1-6).
- Гидиён энг жасур жангчиларни ажратиб олиш ва душман лашкарларининг руҳий холатларини билиш учун тадқиқот ишлари билан шуғулланган (Суд. 7:1-15).
- Исо Масих шогирдларини юборишдан аввал, шахсан Ўзи шаҳарларни кезиб чиқар эди (Мат. 9:35).
- Исо шогирдларига бирон бир ишни қилишдан аввал, яхшилаб ўйлашни ва мулоҳаза қилишни гапиради (Лк. 14:25-33). Бироқ, янги жамоат тузишдаги курашда ғалаба доим биз тарафда бўлади, зеро Унинг Ўзи Ўз умматини барпо қиласи ва ҳеч қандай куч Унга қарши чиқа олмайди (Мат. 16:18).

Б. Жамоат тузиш жараёнида ва унинг кейинги ривожланишида

- Жамоатнинг кейинги ривожланиш жараёнида белгилаб қўйиладиган кичик гурухларнинг барпо бўлиш ва ривожланиш жараёни харитасини тузиш керак.
- Жамоатларнинг қай тарзда ўсаётганига баҳо бериш керак ва у ёки бу жамоатнинг ўсиш ёки ўсмаётганлик сабабини аниқлаш керак.
- Янги кичик гурухларнинг миссионерлик ишларидаги ҳаракатини харитада белгилаб бориш зарур.

- Одамлар билан иш олиб бориша қўлланилаётган услубларга уларнинг қандай муносабат билдираётганликларини аниқлаш керак.
- Инжил Хушхабарини қабул қиласан одамларнинг қайси ижтимоий-иктисодий даражага ва қайси этник, диний гуруҳларга мансуб эканликларини ва уларнинг сони асосий аҳолига нисбатан қанча эканлигини аниқлаш керак.
- Жамоатларнинг ўсаётганлигини ва уларнинг янги жамоат тузажетган ёки тузмаётганлигини аниқлаш керак.

V. ЖАМОАТ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИЛАР НИМА УЧУН ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШЛАР КЕРАК

A. Тўпланган маълумотлар Мўлжалдаги жойдаги одамларга нисбатан ачиниш хиссини уйғотади

Исо Масихнинг “Мўлжалдаги жойи” Жалила эди (худди биз харитада белгилаган ҳудудимиз каби). У одамлар билан мулоқот қилиб, уларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатларини кўрар эди, ва уларга ачинар эди, чунки улар “чўпонсиз қўйларга ўхшар эдилар” (Мат. 9:35-37). Тўпланган маълумотлар, шахсий тажрибалар - буларнинг барчаси мавжуд бўлган жамоалар имонлиларини янги жамоат тузиш ишларига ундейди.

Ҳақиқий ҳаётдаги воқеа ва жараёнларини, одамларнинг Хушхабарга бўлган муҳтоҷликларини ўзида яққол акс эттирган маълумотлар ҳисоботи, имонлиларда адашгандарга нисбатан яқдиллик ва муҳаббат хиссини уйғотади. Бундай муҳаббат мазкур вилоят ёки ҳудудда ҳар бир имонлини жамоат тузиш ишларида иштирок этиш учун қўлларидан келган барча ишни қилишга ундейди. Одамларда ачиниш хиссини уйғота оладиган тадқиқот иши ҳар доим ҳақиқий ҳаётни ва одамлар ҳаётини тушуна олиш тажрибалари орқали бўлади. Статистик ва демографик маълумотлар ҳар доим ҳам бунақангни натижалар беравермайди.

Агар биз Худога ва Ўнинг Буюк Топшириғига бўйсунсак, демак, жамоатлар тузиш - бу бизларнинг вазифамиз ва уни биз бажаришимиз керак. Бироқ, Худо бизга яна хис қилиш туйғусини ҳам берган ва бу нарса бизга факат ҳалакит бермайди, аксинча бу хис бизни жамоат тузиш ишларини янада ихлос билан бажаришимизга ёрдам беради.

Ҳақиқий ҳаётдаги қандай кузатувлар ва маълумотлар (сизнинг фикрингизча), бошқа имонлиларни адашган одамларга Хушхабарни тарғиб қилиш учун ундейдиган ачиниш хиссини уйғотиши мумкин?

B. Тўпланган маълумотлар ибодат қилишга ундейди

Исо Масих одамларнинг бирор нарсага муҳтоҷ эканликларини кўрганда, авваломбор уларга ибодат қилишларини айтади. Келтирилган маълумотлар одамларни Худога ибодат қилишга ва Мўлжалдаги жойида Худонинг режасини амалга ошиши учун Ундан ёрдам сўраб ибодат қилишларига ундейди. Исо Масих шогирдларига шундай деб буюради: “Ўз ҳосилингни йигиб терадиган юмушчилар юбор, деб ҳосил Эгасига илтижо қилинглар” (Мат. 9:38).

- Бу буйруқ фақат “руҳоний доҳийлар” деб аталувчи кимсаларга тегишлими ёки Исо Масихнинг барча шогирдларига ҳам тегишлими?
- Сизнинг жамоатингизда одатда нималар учун ибодат қилинади?
- Сизнинг жамоатингизда Худонинг ҳосили учун ишчиларни тайёрлашда Ўнинг ёрдамини сўраб ибодат қилинадими? Агар бундай бўлмаётган бўлса, нима учун?

V. Олинган маълумотлар жамоат тузишдаги саволлар ҳақида тассаввурга эга бўлиш имконини беради

Ҳақиқий ва ишончли маълумотлар, Худо Ўзининг ҳосили учун юмушчилар қилиб тайинлаган имонлиларга куч ва руҳий қувват беради. Исо Масих шогирдларига ибодат қилишни буюрганидан сўнг, уларни аллақачон пишиб етилган ва ўроқчиларни кутаётган ҳосил ерига ҳосилни йигиши учун жўнатади (Мат. 9:36-17:1). Луқо баён этган Хушхабарда айтилишича, Исо Масих Худонинг ҳосили учун етмиш икки шогирдини жўнатади ва уларга бошданоқ ибодат қилишларини уқтиради (Лк. 10:1-2).

- Сизнинг жамоатингизда иш олиб борилаётган жойдаги одамларнинг муҳтоҷликлари тўғрисида аниқ ниятга эга бўлган имонлилар борми?

- Бундай хизматнинг истиқболи уларни руҳлантиряпдими?

Г. Олинган маълумотлар “ўримчиларни” янада яхшироқ натижа келтириб ишлашларига имкон беради

Мавжуд бўлган маблағларни, одамларнинг сонини холисона ҳисоб-китоб қилиш ва вужудга келган шароитларни ўрганиш, ишдаги муваффақиятни таъминлайди. Тўпланган маълумот ва ахборотлар “ўримчилар”нинг ҳозирда нималарга эга эканликларини ва “хосил”ни йиғишда нималар етишмаётгандигини аниқлашлари учун ёрдам беради (Лк. 14:28-33). Булар бизнинг муҳтоҷликларимизга Худонинг Ўзи ёрдам беришига ишониб, кейинги ҳаражатларимизни ҳисоб китоб қилишимизда, тўғри режалар тузишимизда ёрдам беради.

- Юҳ. 6:5-14 оятларидаги вазифа нималардан иборат эди?
- Тадқиқот ишлари ўтказилганидан кейин нималар маълум бўлади?
- Санаб чиқилган одамлар сони нечта эди?
- Исо Масих озиқ-овқатни тўпланган бутун халққа етарли қилиш учун нима қилди?
- Агар Исо Масих нима қилиш кераклигини олдиндан билган бўлса, ҳисоб-китобни нима кераги бор эди?

VI. ТАДҚИҚОТНИ ҚАЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ КЕРАК?

Тадқиқот олиб боришда барча имкониятларни ишга солиш керак. Барча жамланган маълумотларни тўрт хил турга бўлиш мумкин. Буларнинг ҳар бири тингловчиларда ачиниш ҳиссини уйғотади ва ибодат қилишга ундейди, шу билан бирга уларнинг аниқ ниятга эга бўлиб, Худонинг ҳосили учун юмушчиларни тайёрлашларига имкон беради. Маълумотларнинг ушбу турларига қуидагилар киради, яъни, кузатув ва одамлар билан суҳбатлар натижалари, сўров ва анкеталар натижалари, расмий демографик маълумотлар ва ушбу худудда ўтказилган турли хил тадқиқотларга оид адабиётлардан олинган маълумотлар.

A. Кузатув

Дастлабки олинган маълумотлар ва кузатувлар натижалари жуда катта аҳамиятга эга, ва шунинг учун улар ҳақиқий ва аниқ бўлиши лозим. Мўлжалдаги жой ва у ерда яшовчи одамлар билан шахсан танишиб улар билан шахсан мулоқот қилгандаридан сўнг тадқиқотчилар маҳаллий жамоатга келувчилар ҳақида аниқ ниятга эга бўлишади, хизмат қаерда ва қандай олиб борилаётгандигини шахсан кўришади, маҳаллий шароит, урф-одатлар билан танишадилар ва одамларга ўзларини қизиктирган ҳар қандай саволларни беришлари мумкин бўлади.

Дастлабки ишончли, ҳақиқий маълумот ва ахборотларни олишнинг энг яхши йўли, бу - тадқиқотчининг одамларга бошида қандай ва суҳбат давомида қандай саволлар беришни билишидир. Одатда: “ким?”, “нима?”, “қачон?”, “қаерда?”, “нимага?” ва “қандай?” каби саволлар билан бошланадиган суҳбат аниқ ва тўғри маълумот олишда ёрдам беради. Агар олинган жавобдан кейин, қўшимча тушунтиришлар сўралса, жавоб янада тушунарли бўлади. Маълумот йиғишнинг ушбу тури, шу билан бирга, одамлар билан муносабатни мустаҳкамловчи ва ривожлантирувчи яхшигина мунозарани ҳам келтириб чиқаради.

Б. Одамлар билан суҳбат

Жамоат тузиш режалаштирилаётган ердаги анча янги ва ишончли маълумотларга эга бўлган одамлар билан мулоқот қилиш ва суҳбатлашиш жуда муҳим ва фойдалидир. Бир неча учрашув ва суҳбатларни бир-бирига солиштириш орқали, мазкур худудга нисбатан тушунчалари ва муносабатлари ҳақида умумий ниятга эга бўлиш мумкин. Бу нарса четдан туриб қараган кузатувчи эътибор бермаган бальзи бир деталларни ҳам тушуниб олишга имкон беради. Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, ўзингизга зарур бўлган маълумотларни олишингиз учун одамлар билан тез киришиб кетадиган бўлишингиз керак.

Сизни қандай саволлар қизиктиришини ва “хосил майдони” га ва “ўримчилар”га бевосита боғлиқ бўлган саволларни олдиндан таёrlab қўйиш ҳам муҳимдир. Бу саволларни уларга суҳбат давомида, ўзингизни эркин тутган ҳолда беришингиз керак. Бу орқали уларнинг фикрлари сиз учун муҳим эканлигини ва уларни қадрлашингизни кўрсатасиз. Шу нарсани ҳам эсдан чиқармангки, агар одамлар сизнинг қўлингизда қандайдир саволлар

ёзилган қофозни кўришса чўчиб кетишлари мумкин, шунинг учун яхшиси, ўзингизга керак бўлган маълумотларни норасмий сұхбатлар давомида билиб олишга ҳаракат қилинг.

В. Сўров ва анкеталар

Анкеталарни тўлатиш ва сўровлар ўтказиш одамларнинг мавжуд бўлган шароитга нисбатан муносабатлари (шу билан бирга, қандай шароит уларни янада кўпроқ даражада қониқтириши) ҳақида умумий ниятга эга бўлиш имконини беради. Бироқ бундай тадбирлар орқали тўпланган маълумотларни шахсий кузатувлардан фойдаланган ҳолда синчиклаб текшириб кўриш лозим. Мисол учун, ўнта чўпонга қуидагича савол бериб кўринг: якшанба хизматига ўртача нечта одам келади? Кейин, жамоатларга ўзингиз боринг ва келганларни санаб кўринг. Хўш, нима деб ўйлайсиз, чўпонлар айтган одамлар сони билан ўзингиз санаб кўрган одамлар сони бир-биридан кескин фарқ қиляпдими? Сиз сұхбатлашган чўпонлар рақамларни камайтириб айтишибдими ёки кўпайтириб? Шундай саволлар наъмуналари 4A Иловада келтирилган.

Г. Расмий демографик маълумотлар

Расмий демографик маълумотларнинг тўғри ва ишончлилиги зарур бўлган маълумотларни тўплашдаги услубнинг аниқлигига боғлиқ. Бундан ташқари, у ёки бу уюшма маълумотларни қандай мақсад билан тўпланганлигига боғлиқ. Лекин бари-бир бундай маълумотлар жудаям зарурдир, шу билан бирга булар орқали худуднинг демографик жараённи солишириб кўришингиз ва аҳоли сонининг қай тарзда ўсиши ҳақида тушунчага эга бўлишингиз мумкин.

В. Адабиётлар

Кутубхоналарда сизни қизиқтираётган ҳудуд ҳақида турли хилдаги маълумотларни ўз ичига олган китоблар сақланиши мумкин ва яна мазкур ҳудуднинг тарихи ва ҳозири ҳақида ниятга эга бўлишда ёрдам берадиган турли эндавриопедиялар ва маълумотномалар бўлиши мумкин.

САВОЛЛАР

- Сизнинг фикрингизча, Мўлжалдаги жойда иш олиб борилгандан кейин нималарни аниқлайсиз?
- Нима учун сиз Мўлжалдаги жойда тадқиқот ишларига вақтингизни сарфлашни фойдали деб ўйлайсиз? Бу қандай натижалар келтиради? Қандай тадқиқотлар сизнинг жамоатлар тузиш ишларидаги хизматингизни янада ривожлантириши мумкин?
- Сизнинг фикрингизча Мўлжалдаги жойда жамоатингиз хизмати янада яхши натижалар келтириши учун маълумотларнинг қандай 5-6та тўпламини билишингиз зарур?
- Ўқитилганидан кейин ахборот йиғиш ишлари билан муваффақиятли шуғуллана оладиган одамларни биласизми?
- Сизнинг ҳосил ерингиз Хушхабарни қабул қилиш учун тайёрми?
- Қандай белгилар одамларнинг Хушхабар учун очик (ёки аксинча) эканликларини кўрсатмоқда?

ТОПШИРИК

4A Илова, Мўлжалдаги жойда тадқиқотни олиб боришни ишлаб чиқишдаги малакани оширувчи вазифани ўз ичига олади. Бу вазифа билан танишиб чиқинг ва уни кейинги семинаргача бажаринг. Ушбу вазифа сизда, Мўлжалдаги жойдаги одамларга нисбатан ачиниш ва ташвишланиш ҳиссини уйғотишини сўраб Худога илтижо қилинг ва яна Худодан, ушбу ҳудудда жамоат тузиш ишларини қаерда ва қандай бошлишга нисбатан янги фоялар сўранг.

Ният Илова

4А

ЖАМОАТ ТУЗИШДАГИ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ

Мұлжалдаги жойни тушуниш

СҮЗ БОШИ

Тадқиқот, сизга жамоатлар тузиши даврининг хар бир босқичида ёрдам беріши мүмкін. Бириңчи босқичда у Мұлжалдаги жойингизда яшовчи одамлар ҳақида, уларнинг мұхтожликтарини, орзу-умидларини, құрқувларини ва нималарға ишонищларини билишингизда ёрдам беради. Бу эса сизге ўша одамларға Хушхабарни тарғиб қилишнинг амалий йүллари ва зарурый нарсалари ҳақида янги ғоялар беради. Шу билан бирга тадқиқот, сизнинг Мұлжалдаги жойингизда Худо яна қайси одамларни ишлатаётгандылығы, у ердаги жамоатлар, миссиялар, хизматчи гурухлар ҳақида ва бу худуд янги жамоатлар билан тұлиши учун сиз улар билан қандай ҳамкорлық қилишингиз мүмкінлеги ҳақида нияттаға әга бўлишингизда ёрдам беради. Жамоат тузишининг кейинги босқичларыда, тадқиқот сизга, ҳаракатларингиз қанчалик натижә келтираётгандылығынан жамоат тузиши керак бўлган бошқа худудларни аниқлашингизда ёрдам беради.

Ушбу материал амалий топшириқдир ва у сизга жамоат тузиши ишларыда тажрибага әга бўлишингизда ёрдам беради. Топшириқнинг баъзи қисмлари бошқаларига қараганда сиз учун осон бўлиши мүмкін. Лекин, мұхими - сиз топшириқни бажаришга жавобгарлик ҳисси билан ёндашишингиздир. Топшириқни бажариш осон ёки қийин бўлишидан қаттый назар, бу топшириқни ҳар бир қисми орқали Худо сизга, жамоат тузмоқчи бўлган худудингиздаги одамлар ҳақида кўп нарсани очиб беради. Бу топшириқни бир ўзингиз бажаришингиз керак эмас. Ўзингизга ёрдамчилар топинг. Кўпчилик билан қилинадиган тадқиқот, одатда синчиковлик ва аниқлик билан олиб борилади, чунки бунда, муаммоларга нисбатан ҳар хил фикрлар ва қарашлар бўлади. Кўп ҳолларда бир одам, бошқа одам ётибор бермаган ёки “панжа орасидан” қараган деталларни кўра олиши мүмкін.

Куйидаги топшириқни кейинги семинаргача бажариш мұхимдир. Натижаларни устозингиз ва бошқа ўкувчилар билан бўлишишга тайёр бўлинг. Тўплаган маълумотларингизни ўрганиб чиққанингиздан кейин, Хушхабарни тарғиб қилиш ва жамоат тузиши стратегияси бўйича пайдо бўлган ғояларингизни ўртоқлашишга тайёр бўлинг. Мазкур топшириқни бажариш орқали Худо сизга нималарни ўргатди?

Мұлжалдаги жойингизни түшуниш (тадқиқот бүйіча топширик)

Ушбу топшириқнинг мақсади — сизге жамоаттар тузища курол бўладиган тажрибани (малакани) беришдир. Сиз бу топшириқни тўлиқ бажаришга ҳаракат қилишингиз керак. Топшириқни бир ўзингиз бажаришингиз шарт эмас, аксинча ўзингизга ёрдамчилар топинг. Кейинги машғулотгача (семинаргача) тадқиқотингизнинг натижаларини бошқалар билан ўртоқлашишга тайёр бўлинг.

1-ҚАДАМ: МҰЛЖАЛДАГИ ЖОЙИНГИЗНИ АНИҚЛАНГ

Ўзингизнинг шаҳрингиз, вилоятингиз ёки ноҳиянгизни харитасини сотиб олинг ёки чизиб чиқинг. Харита иложи борича мукаммал бўлсин, яъни унда аҳоли яшайдиган барча пунктлар, қўчалар номи ва транспорт йўналишлари кўрсатилган бўлсин. Мұлжалдаги жойингизни қалам билан халқа шаклида белгиланг. Бу - сизнинг хизмат олиб борадиган худудингиздир ва бу худудда Худонинг номини улуғлашингиз ва жамоат тузишингиз - Худонинг ҳохиши эканлигига албатта ишонинг.

2-ҚАДАМ: ЮМУШЧИЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ТҮПЛАНГ

Олдинги дарслардан эсингизда бўлса “юмушчилар” - булар Худонинг ишчилари эди, яъни, сизнинг худудингизда айни вақтда мавжуд бўлган ишчилардир. Уларнинг рўйхатини тузинг.

1. Ҳозирда мавжуд бўлган барча жамоатлар рўйхатини, уларда қўйидаги аспектларни кўрсатган ҳолда тузинг:

- а) уларни ҳар бирини харитада белгиланг;
- б) уларнинг қайси мазҳабга тегишли эканлигини кўрсатинг;
- в) иложи бўлса, катта ёшдаги келувчилар сонини кўрсатинг;
- г) жамоат қайси йилда ташкил қилинганини ёки очилганини ёзинг;
- д) бу жамоат аҳолининг қайси гурӯҳлари орасида ва қандай хизмат олиб боряпди? (Масалан: лўлилар, ёшлар, болалар, уйи йўқлар, маълум бир миллат ва х.к). Уларнинг ҳаракатлари қанчалик натижага келтирияпти?
- е) сиз харитада белгилаган худуд мавжуд бўлган жамоатлар ўзаро қандай муносабатдалар? Улар бирлашишганми ёки аксинчами?
- ж) бу жамоатлардаги ибодат учун йиғилишлар ҳақида нимадир биласизми? Одамлар ўз худудларидағи имонга келмаганлар учун ибодат қилишга ва Хушхабарни тарғиб қилувчи тадбирларга мунтазам равишда йиғилишадими?

2.Худудингизда ишлаётган барча миссиялар, шунингдек жамоатдан ташқарида фаолият юритаётган уюшмалар рўйхатини тузинг, ва уларнинг ҳар бирига нисбатан қўйидаги саволларга жавоб беринг:

- а) миссиянинг номи;
- б) бу худудда у қачондан бери ишлайди?
- д) унинг хизматини қисқача қилиб тушунтиринг (адабиётлар, қамоқхоналар, мусулмонлар орасида, ёшлар орасида ва х.к);
- г) Хушхабарни тағиб қилиш ва жамоатлар тузиш йўлида, унинг сиз билан ёки бошқа бирор билан ишлашга ҳохиши борми?

3. Мұлжалдаги жойингиздаги масиҳийлик тарихини қисқача қилиб ёзинг. Бунда қўйидагиларга айниқса кўпроқ эътибор беринг:

- а) Бу худудга масиҳийлик қаҷон ва қай тарзда кириб келган? Масиҳийлик одамларга зўравонлик билан кириб келганми ёки улар Хушхабарни ўз ҳохишлари билан қабул қилишганми?
- б) Бу худуддаги мазҳаблар тарихидан асосий фактлар.
- в) Бу худудда қандайдир келишмовчиликлар ёки урушлар бўлганми?
- г) Бу худудда масиҳийликдан ташқари, бошқа қайси динлар ўз таъсирларини кўрсатган?
- д) Айни вақтда ушбу худудда яна қайси динлар мавжуд ва улар ўз издошларини кўпайтиришда учун қай даражада ҳаракат қилмоқдалар?
- е) Илгариги жараён сизнинг жамоат тузищдаги стратегиянгизга қандай таъсир кўрсатади?

3-ҚАДАМ: ҲОСИЛ МАЙДОНИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ТҮПЛАНГ

Ҳосил майдони - бу одамлар, яни, сиз ўз хизматингизни қаратган ва жамоат тузымоччи бўлган худуддаги одамлардир. Мўлжалдаги жойингиздаги ҳосил майдони ҳақида маълумот тўплаш учун қўйидаги ҳаракатлар фойдалидир:

1. Худудингиз ҳақида демографик маълумотларни топинг

- а) Аҳолининг умумий сони.
- б) Эркаклар, аёллар, ёшлилар ва болалар сони ва фоиз нисбати.
- в) Аҳолининг катта ёшдаги ишловчилар сони ва хизмат турлари ва дароматлари даражаси.
- г) Нафакадагилар ва қариялар, ногиронлар ва касаллар сони.
- д) Бошқа жойдан кўчиб келганлар, лекин шу ерда яшовчи этник гурухларнинг ҳудудий жойлашуви ва уларнинг умумий аҳолига нисбатан фоизи. Улар қайси тилларда гаплашадилар?
- е) Турли динларнинг фоиз нисбати. Худудда қайси дин энг кучли таъсирга эга?

2. Худудингизни географиясини ўрганиб чиқинг

Географик маълумотлар жамоат тузиш стратегиясида муҳим роль ўйнаши мумкин. Бу маълумотлар одамларнинг қайси жойларда яшашини ва ўзаро қандай алоқа килишларини тушунишда муҳим ўрин тутади. Масалан, қўйидаги ҳолатни оламиз: шаҳарни темир йўл ажратиб туради. Темир йўлнинг бир тарафида яшовчи одамлар бошқа тарафдагиларга қараганда бойроқ яшашади. Аҳоли темир йўлни камдан-кам ҳолларда кесиб ўтади. Шу тарзда, темир йўл кўринмас тўсиққа айланади ва одамлар бошқа тарафда жойлашган жамоатга боришини кўпам исташавермайди. Бошқа мисол тариқасида атрофида ўрмон бор шаҳарни олиб кўрамиз, одамлар дам олиш кунлари шаҳар ташқарисидаги шу ўрмонга боришиди. Бундай географик худудда, албатта, одамлар якшанба куни жамоатга келишлари қийин.

а) Мўлжалдаги жойингизни қўйидаги деталларига эътибор берган ҳолда айланиб чиқинг:

- Бу худудни нималар кесиб ўтган (дарё, темир йўл, катта йўллар ва ҳ.к.). Бу факторлар одамларнинг ҳаракатланишларига, соғликларига ва ҳ.кларга қандай таъсир кўрсатади?
- Худуд тоғлар билан ўралганми? Атрофда кўллар, пляжлар, истироҳат боғлари ёки бошқа дам олиш масканлари борми?
- Агар худуд шаҳар бўлса, ундан ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли яшайдиган жойларни харитангизда белгиланг. Шаҳарда савдо-сотик мавзелари борми? Одамлар ўзлари ишлайдиган корхоналарга яқин жойда яшашадими ёки улар узоқлардан келишадими? Яна, одамларнинг асосий ҳаракатланиш воситаларини кўрсатинг. Одамларнинг кўпчилиги қайси транспорт воситаларида ҳаракатланишади: машиналар, автобуслар, метро?

б) Одамлар бўш вақтларини қаерларда ўтказишади, қаерларда дам олишади?

- Улар шаҳарда қолишадими ёки шаҳар атрофига, табиат кўйнига чиқиб кетишадими?
- Атрофда тоғлар, кўллар ёки пляжлар борми?
- Кўпчилик одамлар дам олиш кунларини боғларида ёки дала ҳовлиларида ўтказишадими?

3. Одамлар ва уларнинг маданияти билан танишинг.

Одамларнинг дунёқарашларини ва уларнинг нималарга муҳтоҷ эканликларини ўрганиб, қандай қилиб уларга Масихнинг севгисини кўрсата олиш мумкинлигини тушунамиз. Одамларни билишнинг энг яхши йўли - уларга савол бериш ва турли жараёнларда улар ўзларини қандай тутаётганликларини кузатишdir. Ушбу худудда яшовчи камида 15-20 та одамлар билан гаплашинг ва қўйидаги нарсаларни билиб олишга ҳаркат килинг:

а) Худо ҳақида фикрлари.

- Одамлар Худога ишонишадими? Агар ишонишса, айнан нимага ишонишади?
- Исо Масих ҳақида улар эшитишганми? У ҳақида нималарни билишади?
- Улар жаннат ва дўзах борлигига ишонишадими?
- Улар фаришталар, иблис ва шайтон борлигига ишонишадими?

- Бетоб бўлганларида ёрдам сўраб кимга мурожаат қилишади?
 - Улар омадга ишонишадими?
 - Улар келажакка ўз таъсирларини ўtkаза олишга ёки болаларини келажақдаги ҳаётларини яхшилай олишга ишонишадими?
 - Улар учун гуноҳ нима?
 - Улар жамоатга мунтазам равища боришадими? Агар ҳа бўлса, ҳар доимми? Агар йўқ бўлса, нимага?
- б) Бу ҳудудда асосан, қандай байрамлар нишонланади?
- в) Одамларга ўз ҳаётларида энг ёқадиган нарса нима? Ўз ҳаётларида нимани ўзгартиришни ҳоҳлайдилар?
- г) Уларнинг фикри бўйича, жамиятдаги битта ёки иккита асосий ижтимоий муаммолар нималар? (Алькоголизм, болалар уйлари, сифатли тиббий ёрдамнинг етишмаслиги, қарияларнинг қаровсиз қолаётганлиги ва х.к.)
- д) Уларнинг энг яхши кўрган учта мақолларини аниқланг. Кўп ҳолларда, мақоллар орқали одамларнинг ҳаётга бўлган дунёқарашлари, ғоялари ва нималарни қадрлашларини билиб олиш мумкин.
- е) Жамиядга энг танилган лидер (ёки лидерлар) ким? Нима учун уни (уларни) лидер(лар) деб ҳисоблашади?
- ж) Кимларни қаҳрамон деб ҳисоблашади?
- з) Одамлар қадрлайдиган бешта фазилатни санаб ўтинг (ростгўйлик, донолик, қўли очиқлик ва х.к.).

4-ҚАДАМ: ЮМУШЧИЛАР ВА ҲОСИЛГА НИСБАТАН МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Барча маълумотларни тўплаб, натижаларни ёзгандан ва харитада белгилагандан кейин, маълумотларни кўриб чиқиши ва таҳлил қилиш учун вақт ажратинг. Ҳудодан, сизга бу ҳудуддаги одамларга нисбатан ачиниш хиссини, янги ижодий ғоялар беришини ва Унинг севгисини бу одамлар билан бўлишишни сўраб ибодат қилинг. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Сизнинг Мўлжалдаги жойингизда Буюк Топшириқни амалга ошириш учун нечта жамот тузиш талаб қилинади? Бу ҳудуддаги ҳар бир эркак, аёл ва ёш бола Инжил Хушхабарини ўз маданиятларига мос тарзда кўриши, эшлиши ва тушуниши учун нечта жамоат тузиш керак? Ҳудодан, Ўзи ҳоҳлаган нарсаларни амалга ошириш учун сизни ишлатишни сўраб ибодат қилишни бошланг.
2. Ўз ўрнингизни аниқланг, яъни, бу жамоатлардан нечтасини тузища Ҳудо сизни ишлатмоқчи?
3. Хизматингизни бошлаш учун жой танланг. Қаердаги одамлар бошқаларга қараганда зеҳнли ва идрокли? Павлус айнан мана шундан бошлар эди. Хушхабарни эшитиб таъсирланадиган одамларни кўпинча синагогалардан топарди. Шундан кейин, улар билан ўзаро муносабат орқали ўз хизматини давом эттиради.
4. Қайси услублардан фойдаланмоқчи эканлигинизни аниқланг: ҳудуддаги одамларнинг энг асосий битта ёки иккита муҳтоҷликлари нималар? Бу эҳтиёжларни қондириш учун қайси услублардан фойдаланмоқчисиз? Ҳудуддаги бошқа жамоатларда қайси услублар яхши натижа беради? Бу услубларни қўллашда қандай ресурслардан фойдаланилса яхши бўлади? Сиз нималарга қўпроқ қобилиятлisisiz ва нималар қилишга қодирсиз?
5. Ёрдамнинг энг яхши манбъаларини аниқланг. Қайси жамоатлар ва миссиялар сиз билан ҳамкорлик қилишга розилар ва сиз каби ниятга эгалар? Ўз ниятингиз билан ўртоқлашмаган ва ҳамкорлик қилишни таклиф қилмаган яна бошқалар борми? Қайси одамларнинг ёрдами сиз учун, жисмоний меҳнат, молия ва ижодий қобилият соҳасида фойдали? Бу ҳудудда мавжуд бўлган жамоатларнинг Хушхабарни тарғиб қилишга ва янги жамоатлар тузишга ҳоҳишилари борми? Улар сиз билан биргаликда ишлаш учун очиқмилар? Бу жамоатлар, Ҳудо бу ҳудуддаги одамларга Ўзини танитиши учун, Хушхабарни тарғиб қилиш ва янги жамоатлар ташкил қилиш кучайишини сўраб ибодат қилишга тайёрмилар?

6. Одамлар Худо, Исо Масих ҳақида тушунчага ёки имонга әгамилар? Инжил Хушхабари ҳақида гапиришни нимадан бошлашингиз лозим? (яъни, бирданига Исо Масих ҳақида гапиришнгиз мумкинми ёки аввал уларни Олий Яратгувчи - Худонинг мавжудлигига ишонтиришингизга тўғри келадими?)

5-ҚАДАМ: ТАДҚИҚОТ ЖАРАЁНИДАН ОЛИНГАН САБОҚЛАР

Ушбу топшириқни бажариш давомида эга бўлган тажрибангизга баҳо беринг. Топшириқни бажариш давомида, Худо сизга, жамоатлар тузиш ишларига нисбатан нималарни ўргатди? Тадқиқот ўтказиш давомида қандай муаммоларга дуч келдингиз? Бу муаммоларни сиз қандай ҳал қилдингиз? Агар бу топшириқни яна бошқатдан бажариш керак бўлганда, сиз нималарни бошқача тарзда қилган бўлар эдингиз?

6-ҚАДАМ: ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ

Кейинги машғулотда (семинарда) сиз тадқиқотингиз натижалари бўйича ҳисобот беришга тайёр бўлишингиз керак. Ҳисобот бериш вақти тахминан 15 дақиқа бўлиши лозим ва унда куйидаги маълумотлар бўлиши керак:

I. Биринчи қисм - Тўпланган асосий маълумотлар (5-7 дақиқа)

- Мўлжалдаги жойингизни тасвирлаб беринг.
- Тадқиқотни қай тарзда ўтказдингиз, маълумотларни қандай тўплайдингиз (сухбатлар, кузатув/харита, кутубхоналардаги ишлар)?
- Сиз дуч келаган барча муҳим саволларни, муюаммоларни, қийинчиликларни ва булатни қандай енганингизни муҳокама қилинг. Кейинги сафар нималарни бошқача тарзда амалга оширасиз?

II. Иккинчи қисм - Тўпланган маълумотларнинг таҳлили (5-8 дақиқа)

- Мўлжалдаги жойингиз ва у ерда яшовчи одамлар ҳақида қандай қизиқарли бўлган маълумотларга (ахборотларга) эга бўлдингиз?
- Сизни ҳайрон қолдирган ахборот ҳам бўлдими?
- Тўплаган маълумотларнингизга асосан, бу худудда жамоатлар тузиш стратегиясини аниклашингизда нима сизга айниқса катта ёрдам беради?
- Мўлжалдаги жойингизда жамоат тузишнинг (Хушхабарни тарғиб қилувчи тадбирлар ҳам) мукаммал, кўп қиррали ва бир бутун ҳусусиятли стратегиясини ишлаб чиқишингизда (ривожлантиришда) яна қандай тадқиқотлар олиб боришингиз лозим?

**Ният
(Мақсад)
5 Дарс**

ЯНГИ ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ НАМУНАЛАРИ

Дарс мақсади:

Бу дарснинг мақсади — ўқувчилар эътиборига янги жамоатларни шакллантиришнинг ҳар хил йўлларини (услубларини) ҳавола қилиш.

Кутиладиган натижалар:

Дарсни ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Жамоатлар тузиш бир хил йўл билан амалга ошмаслигини ва бу нарса жамоатнинг тузилмасини шакллантиришда таъсир қилувчи кўпсонли ташқи ва ички факторларга боғлиқлигини тушуниши керак.
- Унинг янги жамоатлар тузишга қаратилган шахсий хизмати жамоатларни шакллантиришнинг ҳар хил йўлларини билишига ва тушунишига боғлиқ эканини англаши керак.
- Ўрганган услублар (намуналар) ичидан Худонинг ёрдами билан, ўзининг ҳудуди учун мос келадиган энг яхши услубни (намунани) танлашга ҳаракат қилиши керак.

Дарс режаси:

- I. “Қиз” жамоат услуги
- II. “Кулупной гажаклари” принципи бўйича жамоат тузиш
- III. “Колонизация” орқали жамоат тузиш
- IV. “Қиз қилиб олиш” орқали жамоатлар тузиш
- V. Кўп йиғилишлар орқали жамоатлар тузиш
- VI. Тасодифан тузиладиган жамоат
- VII. Миссионерлар гуруҳидан фойдаланиш
- VIII. “Биринчи келувчилар” томонидан жамоат тузиш
- IX. Чўпон томонидан тузиладиган жамоат
- X. Ялпи хушхабарлаштириш орқали тузиладиган жамоат

I. “ҚИЗ” ЖАМОАТ УСЛУБИ

Ушбу намуна, илгари кенг қўлланилган ва жамоат тузишни ўйлаганда, одатда айнан мана шу услуг мияга келади. Бу услуг соғлом ва ривожланувчи жамоат тузиш эҳтимолини беради, чунки энг бошиданоқ “она” жамоат унга ёрдам беради, қўллаб қувватлайди ва ҳамма нарсани ўз бошқарувига олади. Одатда, бундай жамоат тузиш қуидаги учта вазиятларнинг бириси натижасида келиб чиқади.



A. Мавжуд бўлган жамоатнинг кўпчилик аъзолари бошқа географик вилоятларда (худудда) яшайдилар

Баъзан шу нарса яққол кўринадики, маълум бир жамоатда Худонинг хизматини олиб бораётган хизматчиларнинг кўпчилиги бу худудда эмас, балки бошқа худудларда яшайдилар. Агар бошқа вилоятда (худудда) бу жамоатга қатнаётган етарлича имонлилар бўлса, жамоат шу имонлилар гурухи асосида у ерда ҳам жамоат тузиши мумкин бўлади.

Афзаликлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> Янги жамоат учун Хушхабарни қўшиларига ва бу худудда яшовчи бошқа одамларга тарғиб қилиш осон бўлади, чунки одамлар жамоатга қатнашлари учун узоқ йўл босишларига тўғри келмайди. Бу худудда жамоат тузиш, мазкур худудда яшовчи одамларнинг эҳтиёжларини яхшироқ билишга имкон беради. Жамоат тузилган вилоят ўзини бошқаларга қарам эмаслигини ҳис қилиши мумкин ва бу нарса мустақил жамоат тузилишига олиб келади. Илгаридан бир-бирлари билан муносабатда бўлган одамлар гурухининг ажралиб чиқиши, ўз хизматларининг бошиданоқ бир хил фикрга келиб, бир-бирларини тушунишларига имкон беради. 	<ul style="list-style-type: none"> Одамлар фақат бошқа ерда яшаганларни учун, ўша ерда янги жамоат тузиш керак деб ўйлашлари мумкин. Лекин, фақатгина мана шу факт, одамларнинг жамоат тузишлари учун етарли асос бўлиб қолмаслиги лозим. “Она” жамоатда одамларни жалб қилувчи шундай факторлар бўлиши мумкинки, филиал жамоатларида ҳам бу факторларни жорий қилиш улар учун етарлича қийинчилик туғдириши мумкин. Бўлажак жамоатнинг “асоси” сифатида ажралиб чиқсан одамлар гурухи, кўп ҳолларда, жамоат қандай бўлиши ҳақида ўз фикрлари билан ҳаракат қилишади, бу гурӯх учун “она” жамоатдан фарқли бўлган яна қандайдир янги нарсани қуриш қийин бўлади. Янги жараён даврида, бу худуднинг реал ҳаётига мос келадиган жамоат намунасини (турини) кўллаш (ўйлаб топиш) учун “янги қарашлар” талаб қилиниши мумкин.

Б. Бошқача услубда топиниш зарурати пайдо бўлади

“Она” жамоатдаги топиниш усули жамоатга келувчиларнинг кўпчилигига мос келиши мумкин, бирор, шу билан бирга жамоатдаги ва атрофдаги баъзи одамлар яхшироқ ёки бошқача йўл билан топинишни ҳоҳлайдилар. Бу янги усулни эса “она” жамоатда бирон нарсани бузмасдан ёки кўпчилик учун яхшигина ишлаётган бирон нарсадан воз кечмасдан туриб қўллаш мумкин эмас. Шу тарзда, бу ҳолдаги асосий мақсад жамоатга келамайдиган, топинишнинг соддароқ ёки аксинча, урф-одатларга берилган ҳолда топинувчи одамларни жамоатга жалб қилиш бўлади. Филиал жамоатни шу бинода ёки бошқа жойда ташкил қилиш бу мақсадга эришишда ёрдам беради.

Афзаликлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> Жамоатга келмайдиган одамлар гурухини бу жамоатга жалб қилиш мумкин. Агар “она” жамоатда топиниш услуби бўйича қандайдир ўринсиз қарама-каршиликлар мавжуд бўлса, бу қарама-каршиликларни ҳал қилиш мумкин бўлади. Топинишнинг ҳар бир йўли билан камолга етишиш учун, ҳар хил услубларни йўлга кўйиш мумкин. 	<ul style="list-style-type: none"> Бу нарса жамоатнинг сунъий бўлиншига олиб келиши мумкин. Ҳал қилинмай қолган қарама-каршиликлар, энди “она” жамоат билан филиал жамоат ўртасидаги қарама-каршиликка айланиши мумкин. Фақатгина қарама-каршиликларга барҳам бериш ҳоҳиши, янги жамоат тузиш учун етарли асос бўлмаслиги керак.

В. Кўшимча ижтимоий-иктисодий гуруҳларни жалб қилиш истаги

Агар жамоат ўз худудида яхши ривожланаётган ва одамларни жалб қилаётган бўлса ҳам, барibir у учун аҳолининг баъзи гуруҳларига хизмат қилиш қийин бўлади. Одамларнинг синфий, миллий ёки ёшидаги фарқи, уларни бу жамоатда ўзларини қуляй ва эркин ҳис қилишларига тўсқинлик қилиши мумкин. Бу гуруҳларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, янги, яъни, мавжуд бўлган барча жамоатларга қараганда янада самарали хизмат қиласидиган, ўз маданиятларига мос келадиган жамоат ташкил қилиниши мумкин.

Афзаликлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> Аниқ бир гурухни әхтиёжларини қондиришга қаратилган жамоат, Худо хизматини олиб борища тилни, мусиқани ва маданий түсикларни ентишда топиниш усулини танлашда катта имкониятларга эга бўлади. Одамларнинг маданиятларига мос келадиган янги жамоат, бу ижтимоий гурух одамлар ўз маданий мухитларида қолган ҳолда масиҳий бўлишларига имкон беради. 	<ul style="list-style-type: none"> Худонинг Жамоат олдига қўйган мақсадларидан бири — бу одамларнинг ўртасидаги түсикларни бартараф қилишдир. Бу ҳолда эса маданий түсикларнинг кучайиш ҳавфи пайдо бўлади. Маданиятлари бўйича бир-биридан бунчалик фарқ қилувчи жамоатлар тузиш, бу жамоат аъзоларини ўзларидан фарқ қилувчи жамоатларни ҳурмат қилмай қўйишга олиб келиши мумкин. Бу гурухлардаги одамлар сони янги жамоат тузиш учун жудаям камлик қилиши мумкин.

II. “ҚУЛУПНОЙ ГАЖАКЛАРИ” ПРИНЦИПИ БЎЙИЧА ЖАМОАТ ТУЗИШ



Табиатда қулупной ўсимлиги ер бўйлаб яқин масофаларга ўзидан ўсимталар ўстиради. Бундай ўсимталар “гажаклар” деб аталади. Кўпинча, бу ўсимталар учидан илдиз отиб, янги қулупной кўчати пайдо бўлади. Вакти келиб бу кўчат ҳам янги кўчат бериш учун ўсимталар чиқаради. Шундай қилиб бир-бирига ўсимталар билан уланган бир нечта кўчатлар пайдо бўлади.

“Она” жамоатдан келиб чиқкан жамоалар, ҳар доим ҳам мутлақо мустақил бўлишга мўлжалланмайди, лекин муносабатлар давомида маълум эркинликка ҳам эга бўлишади. Бундай жамоалар “она” жамоат билан географик жиҳатдан ўзаро яқин бўлишади, шунинг учун биргаликдаги Худо хизмати учун ҳар ҳафтада ёки ҳар ойда бир-бирлари билан учрашиб туришлари мумкин. Масалан, иккита жамоа якшанба куни эрталаб алоҳида ҳолда хизмат олиб боришлари ва кечкурун биргаликдаги хизмат учун учрашишлари мумкин (ёки аксинча).

Афзаликлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> Бир нечта бундай жамоалар ижтимоий ва маданий әхтиёжларга мос келишда етарлича эпчил бўлиши мумкин ва шу билан бирга “она” жамоатга имкониятларига қараганда кучлироқ имкониятлардан фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари маҳсус қобилияти одамлардан ва молиялардан биргаликда фойдалиб, уларни зарур бўлган жойларга юбориш мумкин. Кичик гуруҳнинг яқдиллик мухити, биз катта миқёсдаги биргаликдаги Худо хизматидан ёки байрам йигилишларидан оладиган руҳланиш хисси билан тўлиши мумкин. “Она” жамоат “қиз” жамоаларга йигилиш учун доимий бино бериш орқали ёрдам бериши мумкин, акс ҳолда улар йигилиш учун бинони ижарага олишларига тўғри келарди. Бинони ижарага олиш, бир нечта доимий бинолардан фойдаланишга қараганда анча қиммат бўлади. 	<ul style="list-style-type: none"> Янги ташкил қилинган жамоалардан баъзилари охир-оқибатда барibir тўла мустақил бўлишга ҳаракат қилишади. Баъзи ҳолларда бундай кўп жамоаларни доим қўллаб-кувватлаб туриш анча қийин бўлади.

III. “КОЛОНИЗАЦИЯ” ОРҚАЛИ ЖАМОАТ ТУЗИШ

“Колонизация” намунаси, бир ёки бир нечта оиласларни янги ишни бошлаш учун бошқа жойга, баъзида бошлангич жамоатдан анча узоққа кўчиб боришиларини кўзда тутади. Бу вазиятда “бошлангич жамоат” терминини кўллаш, “она” жамоат дейишга қараганда тўғрирок бўлади. Масофа шунчалик узоқ бўлиши мумкин, натижада “она” жамоат у ерга аъзоларининг керакли гурухини юборолмаслиги мумкин, шунинг учун мазкур намуна биринчи келувчиларни, бошқа жойга иш сабабли, оила сабабли кўчиб борувчиларни ва у ерда янги жамот тузмоқчи бўлганларни назарда тутади.

<u>Афзалликлари</u>	<u>Камчиликлари</u>
<ul style="list-style-type: none"> Бу намуна, жамоат тузиш ниятига эга бўлган маҳаллий жамоатлар мавжуд бўлмаган худудда биринчи келувчилардан жамоат тузиши жуда кўл келади. Бу услуб, жамоатлар тузиш ниятига эга бўлган жамоатларни лидерлик малакаларини кўллашларига ва ривожлантиришларига яхши имконият беради. Бу бошлангич жамоатга ўз мамлакатидаги миссионерлик ҳаракатларида фаол иштирок этишига имкон беради. 	<ul style="list-style-type: none"> “Колонизация” модели, ўзига хос қоблиятларни ва Худога жудаям юқори даражадаги баҳшидаликини ва ишончни талаб қиласди. Бу намуна узоқ муддатли проектдир. Одатда натижаларга тез муддатда эришиб бўлмайди, албатта, бунда янги худудлар истисно бўлиши мумкин. Агар бир ёки бир нечта оила доим жамоатнинг молиявий таъминотида бўлса, бу нарса бюджетга катта зарап кўрсатиши мумкин. Бошқарувни (контроль) ва қўллаб-куватлашни таъминлаш қийин бўлади.

IV. “ҚИЗ ҚИЛИБ ОЛИШ” ОРҚАЛИ ЖАМОАТ ТУЗИШ

Шундай холатлар бўладики, аввалдан мажуд бўлган гурухлар (ибодат ёки кичик гурухлар) ёки жамоалар, маълум бир жамоатга ёки мазҳабга ўзларининг устиларидан раҳбар бўлишни илтимос қилиб мурожаат қилишади. “Қиз қилиб олинган” гурух, “она” жамоатдан ниятда, бошқарувда ёрдамлар олади ва базъян қўшимча ёрдам сифатида моддий тарафдан ёки бирон бир проектни амалга ошириш учун одамлар ҳам олади.

<u>Афзалликлари</u>	<u>Камчиликлари</u>
<ul style="list-style-type: none"> Бу гурухларнинг Мўлжалдаги жойларда яшовчи аъзолари, муносабат тизими учун яхши муҳим бўлиши ва “она” жамоат эга бўлмаган қимматбаҳо маълумотларни беришлари мумкин. “Она” жамоатнинг ресурслари билан “қиз қилиб олинган” гурухларнинг имкониятларидан биргаликда фойдаланиш янада самарали натижалар келтириши мумкин. “Она” жамоат қандайдир муаммоларни ҳал қилишни яхши билади ва “қиз қилиб олган” жамоатга ҳам бундай муаммоларни енгишда катта ёрдам беради. 	<ul style="list-style-type: none"> “Қиз қилиб олинган” гурухларнинг жой танлашга ёки жамоат тузишга нотўғри ёндошишга боғлиқ бўлган катта муаммолари бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда “она” жамоатнинг ресурслари беҳудага сарф қилинган бўлиб қолиши мумкин. “Она” жамоатнинг ва “қиз қилиб олинган” жамотнинг ниятлари ва ўзлари учун қиммат бўлаган нарсалари ростан ҳам бир-бирига мос келаётганлигига аҳамият бериш керак. “Қиз қилиб олинган” жамоат лидерлик қилишда эмас балки, ўзларининг мавжуд бўлган лидерларини қўллаб-куватлаш учун ёрдам сўраган бўлишлари мумкин. Иккала тарафнинг ниятлари тўла ва муккамал тарзда ойдинлаштириб олишниши керак. Агар улар ёзма равища бўлса янаем яхши бўлади.

V. КҮП ЙИФИЛИШЛАР ОРҚАЛИ ЖАМОАТ ТУЗИШ

Бу намуна, “қулупной гажаклари” услугига жуда ўхшайди. Асосий фарқи шуки, “қулупной гажаклари” услуги бўйича жамоаларнинг ҳар бири “она” жамотдан фарқли бўлган ўзларининг биноларида йиғилишади, кўп йиқилишлар услубида эса аксинча: ҳамма йиғилишлар битта бинода бўлади. Бундай ёндошиш иккита асосий шаклга эга бўлиши мумкин. Биринчидан, ўша жамоат ўзи учун аҳолининг ўша жойдаги гурухини “белгилаб” олиши ва йиғилишларни шу гурухга мослаб, топинишнинг маҳсус йўллари билан олиб бориши мумкин. Мисол учун, бу бошқа тилда олиб борилаётган Худо хизмати бўлиши мумкин, яъни ўша ерлик аҳоли гурухининг ўз тилида. Ёки бу йиғилиш бошқа йиғилишлардан умуман фарқ қилиши мумкин, масалан, фақат ёшлар учун олиб борилаётган хизмат йиғилишлари.

Бошқа бир асосий ёндошиш бу — бинони ижарага олиш ёки ўзининг биносини бошқа гурухга (ўзининг мазҳабида бўлиши шарт эмас) ўша мақсадлар учун фойдаланишга бериш. Шундай холлар бўладики, айрим жамоатларнинг ўз бинолари, ниятлари ва бир канча ресурслари бўлади, лекин хизматчилар етишмайди. Ўзига хос қобилятли одамларга етарлича эга бўлган бу гурухларга ресурслардан фойдаланишга имкон бериш жуда яхши қарор бўлади.

Афзалликлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> Бинолардан ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш. Бу, мавжуд бўлган маъмурий тузилмадан фойдаланиб, маҳсуслаштирилган хизматларни жорий қилишга имкон беради. Мавжуд бўлган жамоат, қандайдир бошқа йўллар билан ҳали жалб қиломаган одамлар орасида хизматни ривожлантириши мумкин. Турли маданиятли ва урф-одатли одамлар бошқа масиҳийлар билан мулоқот қилишлари ва Масиҳнинг Танасини турли кўринишларда бўлишини кўришларига ёрдам беради. 	<ul style="list-style-type: none"> Мавжуд бўлган жамоанинг маъмурий тузилмаси, янги гуруҳ одамларининг саволлари ва эҳтиёжларига мос келиши учун муккамал ва сезгир бўлиши талаб қилинади. Бинонинг ресурслари фойдаланувчиларнинг кўп бўлганлиги учун зарар кўриши мумкин. Хусусий мулкка боғлиқ бўлган нохуш вазиятлар пайдо бўлиши мумкин. Бинога эгалик қилаётган гурух, “мехмонларга” нисбатан “бу ерда мен хўжайинман” дегандек муносабат қилиши мумкин. Бундай тузилманинг ўзаро муносабатлари кўпроқ у ва бу гуруҳ лидерларининг шахсий муносабатларига боғлиқ бўлиб қолади.

VI. ТАСОДИФАН ТУЗИЛАДИГАН ЖАМОАТЛАР

Жамоат тузишнинг бу услуги одатда, мавжуд бўлган жамоатни ўз ичидан бўлинниб кетиши натижасида пайдо бўладиган жамоатларни назарда тутади. Биз умид қиласизки, ҳеч ким ўз хизматини бўлинниб кетишига асослаб бошламайди! Лекин, бари-бир, бу олдиндан режалаштирилмаса ҳам бундай ҳолатлар учраб туради ва бундай ҳолларда нима қилиш кераклиги ҳақидаги билим “она” жамоатга ҳам, янги жамоатга ҳам катта ёрдам беради. Биродарларча ажралиш ва бир-бирини кечириш иккала жамоани ҳам ўсиб ривожланишига олиб келади ва Худонинг Шоҳлиги ғалаба қиласи. Бундай шароитда нотўғри ҳаракат қилиш иккала томонни ҳам ғам-ғуссага олиб боради ва натижада гуруҳлар ўртасида қарама-қаршилик пайдо бўлади, бунинг оқибатида эса, ўз навбатида битта гуруҳ ёки иккала гуруҳ ҳам ўзларини жамоат сифатида саклаб қололмасликлари мумкин. Биз бу усулнинг афзалликлари ва камчиликларини гапирмаймиз, чунки умид қиласизки ўкувчиларнинг ҳеч қайсиси жамоатлар тузишда бу усулдан қурол сифатида фойдаланмайди.

VII. МИССИОНЕРЛАР ГУРУХИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Жамот тузишга тайёргарлик жараёни кўп вақт олади, яъни уни очилганлигини эълон қилишгача бевосита олти ойдан йигирма ойгача вақт кетиши мумкин. Баъзи мазҳаблар ва миссиялар бунда, кўп одамлардан фойдаланиб кам вақт сарфлаш йўлини тутишади. Бу гуруҳлардаги одамлар сони тўрттадан кирқтагача бўлиши мумкин. Амалий сабабларга кўра, гуруҳда қанча одам кўп бўлса, унинг натижага етишиши шунча тез бўлади. Масалан,

одамлар сони тўрттадан олтитагача бўлган гурӯҳ индамай ўн тўкқиз ой, баъзида ундан ҳам кўп вақт мобайнида ишлаши мумкин, қирқ кишидан иборат гурӯҳ эса шундай ишни бир ойда, балки ундан ҳам кам вақт мобайнида бажаришлари мумкин. Шу нарса маълумки, жамоат тузишнинг ҳар бир этапида ҳар хил сонли одамлардан иборат гурӯҳлардан фойдаланиш мумкин. Кичик гурӯҳ у ерда бир йил ишлаши мумкин ва жамоатни расмий очилишига икки ёки тўрт ҳафта қолганда катта гурӯхни ёрдамга чақириши мумкин.

Афзаликлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> Бу модел бизга кам чиқим қилган ҳолда кўп хизматчилардан фойдаланиш имконини беради. Бу модел орқали у ердаги жамоатларнинг муваффакиятига тўсқинлик қилаётган тўсиқларни “ёриб ўтиш”да жуда қўл келади. Гурӯҳ ўзининг руҳий қобилиятларидан ва тажрибаларидан бошқача вазиятлардаги хизматларда фойдаланиши учун имконият пайдо бўлади. Гурӯхнинг баъзи аъзолари яна бошқа жамоатлар тузиш ишларини давом эттиришади ва шу тарза улар бу вилоятда кўпроқ тажрибага эга бўлишади. 	<ul style="list-style-type: none"> Гурӯҳ тарқалиб кетгандан кейин нима бўлишини кўпроқ ўйлаш керак бўлади. Кўпинча, лекин ҳар доим эмас, гурӯҳ ёшлардан, жамоатга келувчи турли ёшдаги одамларга хизмат қилиш учун ҳали етарли ҳаётий тажрибаларга эга бўлмаган ёш имонлилардан иборат бўлади.

VIII. “БИРИНЧИ КЕЛУВЧИЛАР” ТОМОНИДАН ЖАМОАТ ТУЗИШ

Баъзи одамлар табиатан “биринчи келувчи” бўлишади. Бундай одамлар шунчаки, жамоат тузмасдан туролмайдилар! Уларни шундай ният қилишлари мумкин: агар шундай одамни бир ўзини атрофда ҳеч ким бўлмаган бир чўлга ташлаб кўйилса, у одамларни жалб қилиш учун қандай қилиб бўлса ҳам, албатта у чўлдан сув манбайини топади ва ажойиб воҳани бунёд қиласи. Бундай одамлар, хатто ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмаган жойларда ҳам жамоат тузиш йўлларини топишади. “Биринчи келувчилар” турли хил хизматларни олиб боришилари мумкин. Бу одамларнинг баъзилар катта уюшмалар: мазҳаблар ёки, баъзи ҳолларда жамоат тузишга қаратилган миссиялар билан ҳам биргаликда ишлашади. Бошқалари эса шунчалик фаол бўлишдаки, улар учун уюшмаларнинг структуралари бўйича ишлаш қийин бўлади, шунинг учун, яхиси улар мустақил равишда иш олиб боришиади. Бундай одамлар ҳаётларида жуда кўп жамоатларни ташкил қилишлари мумкин. Қачонки жамоа вужудга келиб, бундай буён мустақил бўлиши мумкин бўлган заҳоти улар учун олдинга қараб интилиш вақти келади. Энди уларнинг бу ерда қолишилари, ўзлари бошлаган ишга зарар келтириши мумкин, чунки мавжуд бўлган ва жорий қилинган тузилмаларни кўллаб-куватлаш уччалик қўлларидан келмайди.

Афзаликлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> Бундай одамларни ижодий жалб қилиш уларнинг қобилиятларидан максимал даражада фойдаланишга ва вазифани тўла бажаришга имкон беради. Бундай одамлар бошқалар учун қийин бўлган маданий тўсиқларни ошиб ўтишлари мумкин. Жамоатлар тузиш бўйича уларнинг тўплаган тажрибалари орқали янада самарали натижаларга эришишади. 	<ul style="list-style-type: none"> Бундай одамлар якка ўзлари, мустақил ишлашлари сабабли, уларда ҳисобот бериш ва қўллаб-куватлаш етишмаслиги кузатилади. “Биринчи келувчи”дан раҳбарликни қабул қилиб оладиган лидер учун ўтиш даври жуда қийин бўлади, айниқса у қайсиadir миссия ёки мазҳабга тегишли бўлмаса.

IX. ЧҮПОН ТОМОНИДАН ТУЗИЛАДИГАН ЖАМОАТ



Уларда, гарчи ҳаммаси бўлмасада, кўп руҳий қобилиятлар бўлиши мумкин. Улар эга бўлмаган руҳий қобилиятлар эса, ўз гуруҳларига таклиф қилинадиган бошқа одамларда яққол кўриниши керак. Бу одамларнинг гурухни узоқ вақт мобайнида бошқара олиш қобилияtlари, жамоат тузилганидан кейин ҳам у ерда узоқ вақт чўпон бўлиб қолиш имконини беради. Бу жамоат унинг ҳаётида ташкил қилган ягона жамоат бўлиши мумкин.

Афзалликлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> Чўпоннинг узоқ муддатли хизмати, жамоатга келувчи одамлар орасида барқарорлик ва мустаҳкамликни таъминлайди. Бу одамдаги қобилиятлар гурухни жамоат тузиш вазифасини бажаришда боши берк кўчага кириб қолмаслигига катта ёрдам беради. Хизмат даври жамоанинг тез ўсишига катта ёрдам берди. 	<ul style="list-style-type: none"> Кўпинча биринчи чўпоннинг хизмати тақдир этилган иш сифатида қабул қилинади. Одатда, иккинчи чўпон, биринчи чўпон хизматининг хосилини ўради. Биринчи чўпоннинг хизмати қанчалик фойдали бўлмасин, бари-бир бир кунмас бир кун уни ўрнини бошқаси эгаллаши керак бўлади. Агар бу нарса ҳисобга олинмаган бўлса, бу ўзгариш зиддият ва ранжишларга олиб келади. Биринчи чўпон (жамоатни тузган) осонлик билан ўз ўрнида узоқ муддат қолиши мункин, лекин бу билан у ўз соғлиғига ва жамоатнинг ўсишига зарар келтириши мумкин.

X. ЯЛПИ ХУШХАБАРЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ТУЗИЛАДИГАН ЖАМОАТ

Бундай ёндошиш усули жуда кўп мазҳаблар томонидат кенг қўлланган. Бундай йўл билан жамоат тузиш учун қўйидагилар бўлиши керак:

- Бу мазҳаб аъзоларининг бир гурухи ҳали жамоат тузилмаган ҳудудга боришлари керак. Гуруҳ аъзоларининг сони саккизтадан ўн иккитагача бўлиши керак.
- Гуруҳ аъзоларига бошчилик қилувчи ва мулоқотлар ўрнатишда ёрдам берувчи чўпон ёки Хушхабар тарғиб қилувчи воизхон бўлиши керак.
- Хушхабарни тарғиб қилишни кенг миқёсда бошлаш учун гуруҳнинг сони камида йигирмата имонлидан иборат бўлиши керак, шунинг учун қаерда ва қачон имконият туғилса одамларни тавба қилдириш керак.
- Юқори даражадаги тайёргарлик керак ва бунда матбуот иштирокидаги тарғибот учун кўнгилли тарғиботчилардан фойдаланиш ва ниҳоят асосий мақсад камида элликта одамни тавба қилдириш бўлган. Хушхабарни тарғиб қилувчи жонли ва қизикарли тадбирларни ўтказиш керак ва бу тадбирларни ўтказиш вақти уч-тўрт ҳафтадан бир ойгача бўлиш керак. Асосий диққат-эътибор бевосита Инжил Хушхабарини тарғиб қилишга қаратилиши керак. Бу жараёнда иштирок этиш учун озгина вақтга ёрдамчилар гурухи жалб қилиниши мумкин.

Афзаликлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> • Бу услугуб жамоат түзиш ишларини, бошқа йүлларга қараганда сезиларли тарзда тезлаштиради. • Хар хил қобилиялардан жуда самарали фойдаланилади. 	<ul style="list-style-type: none"> • Бунда, Хушхабар тарғиб қилингандан кейинги жараёнда кийин бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, одатда, одамлар турли хил руҳий муаммоллари билан келишади ва гурух буларга ҳали тайёр бўлмаслиги мумкин. • Бундай йўл билан жамоат түзиш катта молиявий маблағларни талаб қиласди.

2 Кисм: Жамоат

Жамоат

1 Дарс

ЖАМОАТНИНГ МУҚАДДАС КИТОБ БЎЙИЧА АСОСЛАРИ

Дарс мақсади:

Бу дарснинг мақсади — Худонинг куткарув режаси ва Шоҳлигини ўрнатишида Жамоатнинг Муқаддас Китоб бўйича асосларини баён қилиш.

Кутиладиган натижалар:

Дарсни ўрганиб ҳар бир ўқувчи:

- Худонинг Шоҳлигидаги туттаганини ювиш ҳақидаги режасида Жамоатнинг тутган ўрнини тушуниши, шу билан бирга Жамоат ҳақидаги асосий концепцияларни англаши ва уларни ўз хизматида ҳисобга олиши керак.
- Худонинг дунёни охиригача мўлжалланган ажойиб режаси ва бунда шахсан иштирок этиши учун берган имконияти учун Худога раҳматлар ва ҳамду санолар айтиши керак.
- Худонинг нияти бўйича кенг миқёсда жамоатлар тузиш ишида ўзининг ўрнини англашга ҳаракат қилиши керак.

Дарс режаси:

- Худонинг дунёни охиригача мўлжалланган режаси
- Жамоатнинг ташкил топиши

I. ХУДОНИНГ ДУНЁНИ ОХИРИГАЧА МЎЛЖАЛЛАНГАН РЕЖАСИ

А. Худонинг абадий Шоҳлиги (Заб. 9:37; 102:19)

Муқаддас Китоб Худони абадий мавжуд бўлган Подшоҳ, барча мавжудоднинг Яратувчиси деб тасвирлайди. Худонинг Шоҳлигини, бу Худо Ўзининг олий, шоҳона ҳокимияти билан бошқарадиган мулки деб айтиш мумкин. Шоҳлик — бу идора қилиш шаклидир. Худонинг Шоҳлиги — бу Худонинг бошқаруви, Унинг мутлақо ҳокимиятидир! Бу бошқарувдаги Унинг шон-шуҳратининг ҳар қандай кўриниши — бу олий даражадаги марҳаматдир (Заб. 28:10; Дан.2:20-21; 4:34-35; 5:21).

Б. Руҳий оламга гуноҳнинг кириб келиши

Худонинг яратган барча нарса яхши эди, лекин маълум бир вақтга келиб унга гуноҳ кириб келди. Муқаддас Китоб бизга буни қаерда, қачон ва қандай қилиб содир бўлганини ҳикоя қилишини ўз олдига мақсад қилиб қўймайди, бироқ баъзи оятлар асосида бу нарса қандай содир бўлганини билиб олишимиз мумкин (Иш. 14:3-21; Иез. 28:11-17).

Иез. 28:11-17 оятлари шоҳ Тирга багишланган. Уларда шундай дейилади: "Сен херувим томонидан мойланган эдинг...", "...сен Худонинг муқаддас тогифа бўлган эдинг...". Токи унда "қонунсизлик" пайдо бўлмагунча шундай эди. Бундан кейин эса у ерга бадарға бўлди.

Пайғамбар Ишайё Бобил подшоҳи ҳақида гапириб, уни "тонг юлдузи" деб атайди (Иш. 14:3-21). Каломни ўрганувчиларнинг кўпчилигининг фикрича, бу ерда айнан иблис ҳақида гапирилади. "Денница" (тонг юлдузи, лотинча —"Люцифер") —бу шайтон номларидан биридир. Иблис Худога қарши фитна тузади. Иссо Масих айтади: "Мен... Ёруғ Тонг юлдузиман" (Ваҳ. 21:16). Бу номларнинг бир-бирига мос келиши шуни билдирадики, демак иблис Худонинг ўрнини эгаллашни ният қилган. Ишайё иблис ниятининг бешта босқичини санаб ўтади (Иш.

14:12-14). Бу ерда аниқ қилиб айтилганки, иблис Худога ўхшамоқчи, Худо каби қудратга эга бўлиб, Худонинг ҳокимиятини ўзига ўзлаштириб олмоқчи бўлган. Шайтоннинг мақсади — Худонинг Шоҳлиги ўринини боса оладиган бошқа тизим яратиш эди, лекин, унда Худога ўрин бўлмаслиги керак эди, яъни соҳта бўлган “Худосиз Худо шоҳлигини” яратиш эди.

Гуноҳ — яратилган мавжудотнинг ҳеч қандай сабабсиз ва ўз харакатлари оқибатини англаган холда, Худога қарши чиқиши натижасида пайдо бўлди. Бу нарса шуниси билан нафратланарлики, Худо томонидан яратилган бу мавжудот баркамол қилиб яратилган ва унга осмондан жой берилган эди. Шайтоннинг бу гуноҳи, фаришталар учун ҳам (Вах. 12:17), инсонлар учун ҳам (Эф. 2:2) жуда ёмон оқибатларни олиб келди.

В. Одамзотнинг гуноҳ қилиши

Худо ерни яратиб, уни бошқаришни одамзодга ишониб топширди (эркак ва аёлга, Ибт. 1:26). Худо суратида, илоҳий суратда ва У билан муносабат қилиш учун яратилган одам, танлаш эркинлигига эга эди (Ибт. 1:28; 2:7). Модомики, одамзод Худо билан ҳақиқий муносабатда бўлиши учун доимо аҳлоқий танлаш талаб қилинар экан, эркак ва аёл синовга йўлиқиши: уларга боғдаги маълум бир дараҳтнинг мевасини ейиш тақиқланган эди. Шайтонга ўхшаб, Худо каби бўлишни ҳоҳлаган ва шайтоннинг васвасасига кулоқ солган биринчи одамлар ҳам онгли равишда итоатсизликни танладилар. Шу тарзда одам ўзининг Худодан мустақил эканлигини ва Унинг иродасини бажаришни ҳоҳламаслигини ўзлон қилди. Одамнинг гуноҳ қилиши оқибатида:

- одамзотнинг Худо билан муносабати бузилди;
- эркак ва аёлнинг илоҳий сурати ўзгарди;
- ердаги мавжудот ўлимга маҳкум бўлди;
- аёл ҳомиладорлик ва туғадиган пайтида машшақат чекадиган ва дард тортадиган бўлди;
- меҳнат — энди душман бўлган табиат билан курашга айланди;
- ер (табиат) лаънати бўлди;
- эр-хотин орасидаги муҳаббатнинг заифлашганлиги кузатилди;
- одамзот эга бўлган барча баракалар қуриб бормоқда;
- бутун дунё ўстидан ҳокимияти “дунёнинг ҳокими” бўлган шайтонга ўтди;

Худонинг Ўзи иблисни “бу дунёнинг ҳокими” деб атайди (Юх. 12:31; 16:11). Ҳаворий Юҳонно “бутун дунё ёвуз шайтоннинг ҳукмицидир” деб айтади (1Юх. 5:19), бу ёвузлик — одамзотнинг танлаш эркинлигининг натижасидир. Дунёда ёвузликнинг ҳукмрон бўлишига сабаб у (гуноҳ туфайли) Худодан айрилгандир. Уэскотт (бизнинг замонамиздаги, чет эллик бўлган Каломни ўрганувчи машҳур олимлардан бири) ёзади: “Рұҳан йиқилган одам ўзининг фаолияти доирасида дуч келган ҳамма нарсани ўзига ва ўз характерига мослаб тартибга солади... Бу дунё Худонинг иродасини ифода қилиш ўрнига, Худонинг рақибиға айланади”. Инсон томонидан ташкиллаштирилган бу дунёнинг асоси эса шайтон бўлади. Ўзининг мақсадига эришиш учун у ҳозир ҳам (худди Одам Ато ва Момо Ҳаво билан бўлган воқеа сингари) одамларни ўзининг ёлғон нарсалари билан йўлдан оздиради ва одамни ўз-ўзини, нафсини ва ўз ҳоҳишини биринчи ўринга қўйишга ундайди, абадий ҳаётни ўйламаслигимиз учун бизни ўткинчи нарсалар билан банд қилишга ҳаракат қиласи. Лекин Худо Ўз режасида буларни ҳаммасини ҳисобга олган эди. Худонинг сабри чексиздир, У янада кўпроқ одамларнинг нажот топишларини ҳоҳлайди (Рим. 2:4).

Г. Худонинг қутқариш режаси

Одам гуноҳ қилганидан кейинги бутун давр мобайнида Худо йўқотилган муносабатни тиклаш учун ҳаракат қиласи. Одам Худодан юз ўғирди, бироқ Худо одамдан юз ўғирмади. Одамнинг гуноҳ қилганидан кейинги дастлабки ондаёқ, Худо одамга келажакда нажот топиши ҳақида умид беради. Ибт. 3:15 оятини “бош хушхабар” деб аташади. Ибтидо сурасининг З-бобининг бирон оятида, Худо одамни лаънатламайди, зеро одам бунга лойиқ бўлса ҳам. Худо Ўзининг марҳамати билан одамга, юриши керак бўлган йўлни кўрсатади. Илонни жазолаб, қилган гуноҳи учун уни лаънатлайди. Шу тарзда одамга, гуноҳдан нафратланиш кераклигини кўрсатади, чунки гуноҳнинг оқибати — лаънатдир! Кейинроқ Муқаддас Китобнинг ҳикоя қилишича, Худо одамлардан бирини (Иброҳимни) танлаб олади ва ундан бутун бир халқни (Исройлни) пайдо қиласи ва бу халқдан шайтоннинг ишларини барбод қилиш учун ва одамзод билан Худо ўртасидаги ҳақиқий муносабатни тиклаш учун Масих (Исо Масих) тугилди. Худонинг қутқариш режаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Одамзотни гуноҳларини ювиш ва уни Худонинг суратига қайтариш (2Кор. 3:18);

- Одам билан Худо ўртасидаги ва одамларнинг ўзаро муносабатини тиклаш (Юх. 1:3-7);
- Худонинг дунё устидан (Вах. 11:15) одамзот билан биргалиқдаги хукмронлигини тиклаш (Мат. 19:28; Вах. 3:21; 1Кор. 6:2-3);
- Янги ерни яратиш (Вах. 21:1,5).

Худо гуноҳ муаммосига нисбатан қарорини Ибт. 3:15 да илонни хукм қилиш билан эълон килди. Худонинг бу муаммони ечиш тўғрисидаги қарори — бу, Исо Масихнинг гуноҳларимизни юувучи курбонлиги ва хизматидир (Кол. 1:20; 2:9). Худо Масих орқали қачонлардир барбод бўлган муносабатни тиклаган ҳолда, одамзотни йози билан яраштиради (Эф. 1:9-10). Бу яраштириш хизматини У Ўзинг Жамоатига топширган. Жамоатнинг ташкил топиши — хозирги вазият учун, Худонинг қутқариш режасидаги охирги қадам эди.

II. ЖАМОАТНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

A. Жамоат тарихининг боши — Истроил

Эски Аҳда Жамоат ҳақида зикр қилинмаган. Павлус буни пинҳон сакланган “сир” дейди (аввалдан сир сакланган нимадир—қар. Эф. 3:9, Кол. 1:25-26). Жамоат билан Истроилнинг муносабатлари ҳақида кўп мунозаралар мавжуд. Кўпчилик уларни ўхшаш эканликларини, яъни иккаласи ҳам Худонинг ҳалқи, лекин турли вақтларда мавжуд бўлган холос, деб таъкидлашади. Уларнинг нуқтаий назари бўйича Истроил ҳалқи — бу “рухий “маънодаги сўз ва шу тарзда Жамоат — бу Янги Истроилдир. Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, Янги Аҳд, Истроил билан Жамоатни ҳеч қачон адаштирмайди. Истроил билан Жамоат ўртасидаги фарқни билиш жуда катта аҳамиятга эгадир, чунки бу нарса жамоат барпо қилишга (маҳаллий жамоатлар тузишга) ва Хушхабарни тарғиб қилиш стартегиясига бевосита боғлиқдир.

1. Истроил ҳалқи

Ибт. 12:1-2 оятида Худо Иброҳимга, ундан буюк бир ҳалқ яратишини ва ер юзидағи барча қабилалар ундан барака топиши ҳақида вайда беради. Худо Иброҳимга вайда берган буюк ҳалқ — бу Истроил ҳалқи эди. Худо Истроилнинг подшоҳларидан бири бўлган Довудга, унинг шоҳлиги абадий туришини вайда қиласи (2Шоҳ. 7:8-16). Эски Аҳддаги энг асосий вайда — бу, Худо бизларни гуноҳларимизни Ўзига олувчи Нажоткорни юбориши эди (Иш. 53). Янги Аҳд Исо Масих Масихни “Довуд Ўғли” деб эълон қиласи ва Унда, У орқали бу вайда бажарилди.

Истроилнинг вазифаларидан бири, бу Масихни (Шоҳни) бериш эди. Ва биз биламизки, Каломуллоҳ айнан мана шу ҳалқдан дунёга келди. Павлус бу ҳақда шундай дейди: “Худо уларни ўғилликка олган, Ўзининг улуғворлигини уларга намоён қилган, улар билан аҳд-паймон қилган, уларга Тавротни, диний хизмат кўрсатмаларини йўллаган ҳамда таббарук вайдаларни берган. Улуғ ота-боболаримиз уларнинг оталари бўлган, Масих ҳам жисман улардан келиб чиккан. У борлик нарса устидан ҳукмдор, абадий ҳамду саноларга сазовор бўлган Худодир. Омин!” (Рим. 9:4-5)


2. Жамоат

Масихнинг дунёга биринчи марта билан иккинчи марта келиши орасидаги вақт “Жамоат асри” ёки Худо Ўзининг Шоҳлигини ўрнатиши ва Ўзининг Жамоати орқали одамзотни қутқариш режасини амалга ошириш вақти, деб аталади. Жамоат — бу “Истроил билан омадсизлик юз берса” кучга кирадиган “эҳтиёт шартдан ўйлаб қўйилган” режа эмас. Худо ҳали дунёни яратмасидан олдин уни Ўз Ўғлини, Исо Масихни ўлиши ва қайта тирилиши орқали барпо қилишни *режалаштириб* қўйган эди (Эф. 1:19-23). Исо Масих Ўз шогирдларини кейинги ишларга ўргатиш орқали Жамоатни ташкил қилишга ва ривожлантиришга *тайёрланди* (Юх. 16:6-15, Мат. 28:18-20). Исо Масих Жамоатни Ҳосил байрами куни ташкил қиласи (Хав. 2:1-13) ва унга, охиратгача бирга бўлувчи Муқаддас Рух билан *куч-кудрат берди* (Хав. 1:8).

Жамоат — бу, Инжил Хушхабарини дунёнининг энг олис ерларигача етказиш учун Худо тайин қиласи куролдир. “Хозирги замонда эса У Масих умматини барпо килиб, у орқали самовотда ҳоким бўлган кучларга ҳам Ўзининг кўп қиррали ҳикматини ошкор қиласи. Шу тарика Худо Ўзининг азалий мақсадини Раббимиз Исо Масих орқали рӯёбга чиқарди” (Эф. 3:10-11). Жамоат — бу Худонинг режасидир ва унинг мақсади дунёнинг барча ҳалқларига, Унинг шайтон устидан муқаррар ғалабасини эълон қилиш ва Худонинг ҳалқи бўлиш учун одамларни даъват қилишдир.

3. Истроил халқини ва Жамоатни бир-бирига солиштириб кўриш (Расм.1.1)

Расм.1.1. Истроил ва Жамоат

Истроил халқи	Жамоат
<p>Истроил “Халқи”нинг йўналиши “марказга интилевчи куч” характеристига эга. Худонинг ниятига кўра Истроил бошқа халқлар учун нур эди, яъни бошқа халқлар КЕЛИБ Худонинг улуғворлигини кўриши ва эшитиши керак. Худонинг улуғворлигини кўриш, Унинг улуғворлигини бўлишиб олиш, бу Худонинг танлаган халқ —Истроилга бирлашишини билдирад эди.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Кўшиш орқали ўсиш (янги туғилганлар, асирлар). • Тўплаш —”...уларни Худонинг хонадонига олиб кел...” (Иер. 35:2). • Худонинг улуғворлиги вақтинча Қуддусда бўлади (1Пар. 28-боб, 2Пар. 6-7боблар) 	<p>Жамоатнинг йўналиши ”марказдан қочувчи куч” характеристига эга. Худонинг режаси бўйича, Жамоат барча халқлар учун Нур бўлиши керак. Жамоат халқи, ўзи БОРИШИ ва барча халқ ва қабилалар орасида нур ва “туз” бўлиши керак (Мат. 5:13-14; 28:18-20).</p> <ul style="list-style-type: none"> • Кўпайтириш орқали ўсиш (тава қилдириш ва маҳаллий жамоатлар тузиш). • Ёйиш — “...бутун дунёга...” • Дунёга Муқаддас Рух юборилган, кучкүват билан тўлган (Ҳав. 1-2). Худонинг улуғворлиги одамларнинг юракларини қоплади (2Кор. 3).
 <p><i>Ичкарига таклиф қилиш орқали ўсиш</i></p>	 <p><i>Тарқатиш орқали ўсиш</i></p>

Ҳаворий Павлуснинг тушунтиришича, яхудийлар ва гайрияҳудийларнинг Жамоат деб аталувчи битта руҳий танага бирлашишлари, Истроил миллатига берилган ваъда ўз кучини йўқотди, дегани эмас. Уларнинг “кўзларини кўрлиги” ва дийдаларининг котганлиги вақтинчалиқдир. Шундай кун келадики, “...бутун Истроил қутулажак” (Рим. 11:25-26), бироқ Жамоат билан Истроилни бир-биридан фарқлаш керак. Ҳаворий Павлус Истроилни Жамоатдан фарқлаб, шундай дейди: “На Яхудийларни, на Юнонларни, на Худонинг жамоатини қоқинтирадиган бирон нарса қилманглар” (1Кор. 10:32).

Б. Жамоат тузиш ҳақида ўйланган режа: Мат. 16:18

Исо Масих, Жамоат тузиш ҳақидаги Ўзининг режасини Мат.16:18-19 оятида гапиради. Куйида Мат. 16:18-19 ояти жамоат тузишга нисбатан қисмларга бўлинib тушунтирилган.

1. Жамоат тош устида бунёд қилинади.

- Бу оятдаги “тош” сўзи ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Бу фикрлардаги асосий фарқ, “тош” деб таржима қилинган, грекча “Петра” сўзини (“Пётр” исми шундан келиб чиқсан) тушунтиришда юзага келади.
- “Петра”— “катта тош, юмaloқ тош, қоя” (Мат. 7:24-25, 28:60; Мрк. 15:46).

Бу оятдаги “тош” сўзининг асосий шарҳлари:

- а) Исо Масих : тош сўзи 1Кор. 10:14, Рим. 9:33, 1Бут. 2:8 оятларида Масихга нисбатан ишлатилган.

- б) Пётрнинг Масиҳга бўлган имони.
в) Пётрнинг ўзи.

Каломни ўрганувчи кўпчилик олимлар анъанавий тарзда, иккинчи шарҳдаги фикрнинг тарафдорилар. Бунга кўра, Пётр (тош) қояга айланади, яъни Худога бўлган ўз имонида қаттиқ туриб, Масиҳ тўғрисидаги ҳақиқатни барча яхудийлар ва гайрияҳудийларга тарғиб қиласди (Мат. 16:18-19). Бу вазиятда, тош сўзининг мажозий маънода қўлланилиши орқали, имонда қаттиқ туриш кераклиги гапирилади, кейинги оятда эса муҳимлар тимсолида, бизнинг вазифамиз тўхтовсиз равишда Хушхабарни тарғиб қилиш эканлиги ҳам эслатиб ўтилади, ва буни айниқса, кўпаядиган жамоатлар ташкил қилувчи миссионерларнинг билиши зарурдир.

Биз учун бу қандай аҳамиятта эга:

Жамоатдаги хизматингизнинг пойдевори ниманинг устида? Сизнинг мақсадингиз ва бу мақсадларга эришишдаги ҳаракатларингиз пойдевори нималарга асосланган? Агар янги жамоатнинг хизматлари пойдевори Масиҳ *бўлмаса* нима бўлади? Бизнинг замонамида нималарни Ҳаворийлик хизмати дейиш мукин? Буларга нисбатан Эф. 2:20 оятнинг муносабати қандай?

2. Жамоатни Масиҳ барпо қиласди: “...Мен бунёд этаман...”

Жамоатни бунёд қилиш — хозирги вактда ҳам, Масиҳнинг ердаги вазифасидир. У бунинг учун юкоридан туғилган имонлилардан — тирик тошлардан фойдаланади (1Бут. 2:5), Масиҳ улардан Худонинг иморатини қуради (1Кор. 3:9), имонлиларнинг ичиди Худонинг Рухи яшайди (Эф. 2:21-22). Ўз Ҳалқини камолотга эриштириш учун, У қобилиятли раҳбарлардан Жамоатни бунёд қилишда фойдаланади (Эф. 4:11, 1Кор. 3:12).

Биз учун бу қандай аҳамиятта эга:

Масиҳнинг бу ваъдаси (Жамоатни айнан Унинг Ўзи бунёд қилиши) янги жамоатлар барпо қилиш ва тувиш ишларининг ҳаммасида инобатга олиняпдими? Ушбу ваъда муваффақиятсизликлар ва тушкунликларни ҳам ҳисобга оладими? Бу ваъда сизнинг мамлакатингизга, шахрингизга, ноҳиянгизга, қишлоғингизга, имонлилар гурухига нималар беряпди? У умид беряпдими? Имонни мустаҳкамляпдими? Худога бўлган муҳаббатни кучайтиряпдими? Масиҳнинг бу ваъдаси, жамоатлар раҳбарларини тайёрлаш тизимининг аҳамияти ҳақида нима дейди? Ушбу ваъда, келувчиларнинг сонига, Хушхабарни тарғиб қилиш ишларининг самарасига ва жамоат аъзоларини тайёрлашга таъсир қиляпдими? Бунинг руҳий қобилятларга қандай алоқаси бор? Биринчи (“она”) жамоат ташкил қилингандан кейин, бошқа жамоатни тувишга қандай таъсир кўрсатиши мумкин?

3. Жамоат Масиҳга тегишли: “...Мен Ўз умматимни... бунёд этаман...”

Масиҳ — Жамоатнинг тўла хуқуқли Эгасидир. Уни Масиҳ яратган ва у Унгагина тегишли. Унинг туғилиши учун Масиҳ Ўзини хоҷдаги ўлимга берди (Эф. 5:25, Юҳ. 12:24). У Жамоатни Ўз қони эвазига сотиб олди (Ҳав. 20:28). Масиҳ бу дунёдаги Ўз Жамоатининг аъзоларини йиғиб, бир Тана қиласди, муқаддаслайди ва асл мақсадга, яъни белгиланган жойга олиб боришга тайёрлайди (Эф. 5:26-27). Масиҳ келажакда Ўзининг Жамоатини Отаси ва азиз фаришталар олдида эълон қиласди (1Сол. 4:13-18, Вах. 4-6).

Павлус айтганки, Исо Масиҳ унга иқтидорни Жамоатни хароб қилиш учун эмас, балки барпо қилиш учун берган (2Кор.10:8). Жамоат раҳбарлари ўз хизматларига нисбатан жавобгарликни, бурчни ва бевосита фидойиликни хис қилишлари керак, бироқ ҳеч қачон, ҳеч қайси чўпон ёки миссионер бу хизматни факат ўзига тегишли деб ҳисобламаслиги лозим. Жамоатнинг бошлиғи — чўпон ёки миссионер эмас, балки Масиҳдир.

Биз учун бу қандай аҳамиятта эга

Сиз қай тарзда жамоатингизда биродарларингиз орасидаги низоларни йўқота оласиз ва қай тарзда келажак учун режалар тузасиз? Бу сизга қийин вазиятларда қандай ёрдам беради? Бу сизнинг хизматингизнинг ички чизигига қандай мос келади? Сизнинг жамоатингиз аъзоларининг интизом аҳволи қандай? Сизнинг жамоангиз мисолида, Масиҳ қандай қилиб Ўз Жамоатини барпо қилияпди?

4. Масиҳ Ўз Жамоатини биз орқали бунёд қилади: “Мен Ўз умматимни... бунёд этаман...”

“Уммат” сўзи, грекчадаги асл нусхада, Худонинг Каломини эшитиш учун ва Унга хизмат қилиш учун, Масиҳ озод қилган ва даъват қилган имонлиларни йиғилиши маъносини билдиради. Бу — Худо танлаган халқ (Юх. 2: 9-10), яъни, бу Худога тегишли ва Ўзининг курбонлиги эвазига сотиб олган халқдир. Масиҳ Ўз халқини камолотга эриштириш учун, ҳар бир имонлини ҳам, маҳсус таёрганган хизматчини ҳам Ўз Жамоатини бунёд қилишда ишлатади (Эф. 4:11-12,29; 1Кор. 3:12).

Биз учун бу қандай аҳамиятга эга

Худонинг танлаб олинган халқи бўлиш нимани билдиради? Қачон ва қандай шароитларда бу жудаям чегарадан чиқиб кетиши мумкин (сепаратизм, ёки бошқалардан ажралиш)? Мулоҳаза қилган ҳолда ўзингизни бу дунёдан ажратган вазиятлар бўлганми (Рим. 12:1-2)? Имонлиларнинг “шоҳлик руҳонийлари” эканлиги нима дегани? Сизнинг маданиятингиз (урф-одатлар, удумлар) хусусиятлари жамоат шаклига қандай таъсир кўрсатади?

5. Жамоат ғалаба қилади: “... жаҳаннам кучлари эса ундан устун чиқмас...”

Жамоат руҳий ҳимояни ”жаҳаннамнинг ёвуз кучларига“ қарши ишлатади(Эф.6:11-12). Ҳозирги кунда бизга ана шу кучлар билан жанг қилишимизга тўғри келсада, вақти соати келиб Раббимиз уларнинг устидан бутунлай ғалабага эришади (Рим.16:20). Жаҳаннам кучлари Жамоатдан устин чиқа оламайди!

Исо Масиҳнинг бу сўзлари жуда чукур маънога эга, бу сўзлар барча нарсадан ғолиб келувчи имоннинг асосини акс эттиради ва ҳар қандай жамоат тузувчи эга бўлиши керак бўлган ҳакиқий умидни беради. Исо Масиҳ Ўз Жамоатини жаҳаннам кучларини ишғол қилувчи жангчилар қилиб тайёрлашга ва уни ёвузлик устидан ғалаба қилиши муқаррар эканлиги ҳакида ваъда берган (Ибт. 22:17-18, 24:60). Биз ҳозир жанг олиб боряпмиз, бироқ шундай кун келадики, Жамоат узил-кесил ғалаба қилади (Рим. 16:20).

Ўша кун келгунча биз, Исо Масиҳ берган қурол-аслаҳаларни қўймаслигимиз лозим, биз ҳар куни, ҳар доим Худо берган барча аслаҳаларни ўзимизда саклашимиз (Эф. 6:1-18) ва Унинг қудратига, бошчилигига ва ғалабасига таянишимиз керак (1Кор. 15:57; Юх. 16:33; 2Кор. 2:14).

Бу ерда, жамоат тузувчини аскарга қиёслаш айниқса ўринлидир (2Тм. 2:3-4, Фил. 2:25). Павлус ўзи ҳақида “Улуг курашда астойдил курашдим...” (2Тим. 4:7) дейди ва биз ҳам шу каби ҳаракат қилишимиз керак.

Биз учун бу қандай аҳамиятга эга

Бу сизга руҳий курашда қандай даражада кўмак бериши мумкин? Худо берган аслаҳалар сизнинг ҳозирги курашингизда қанчалик ёрдам беряпди? Буларнинг қандай ишлайтгани сизга маълумми? Сиз буни фақат назарий жиҳатдан биласизми ёки уни амалда ҳам синаб кўрганмисиз? Сиз бошқаларга ҳам ўргата оласизми? Жамоатнинг лидери сифатида, айнан сиз Масиҳнинг ғалабали ҳаёти билан яшайпсизми?

В. Жамоатнинг туғилиши: Ҳав. 2

Масиҳнинг ўйлаган режасининг амалга ошиши Ҳав.2 да ҳикоя қилинади, яъни одамлар устига Муқаддас Рух келиб тушди ва бу Жамоатнинг бошлангич нуқтаси эди. Ҳосил байрами куни шогирдларнинг мўжизавий тарзда янги тилларда гапиришни бошлашлари шу нарсани тимсоли эдики, Худо Ўзининг кутқарув режасининг эндиги босқичида, У бутун дунёга мурожаат қилди ва барча қабила ва халқлардан одамларни, Жамоат деб аталувчи Ўзининг оиласига бирлаштиришни бошлади. Шу тарзда, Жамоат ўзининг туғилиш вақтиданоқ, фақат бир миллат учун эмас, балки ҳамма учундир.

Г. Жамоат — Инжил Хушхабарини тарғиб қилишда Худонинг биринчи рақамли қуролидир

Жамоат — бу қуролидир, яъни Худо Хушхабарни бутун дунёга ёйиш учун танлаб олган қуролидир. Худонинг хоҷдаги курбонлигидан олдин, халқлар (этне) Худонинг нажот умидидан бенасиб әдилар (Эф. 2:11-13). Бироқ, Масиҳнинг ўлиб тирилишидан кейин Жамоат Инжил Хушхабарини ҳамма халқларга (этне) еткаш вазифасини олди — Мат. 28:19-20. Танланиш — бу улуг шарафдир, бироқ (энг аввало), Худо топширган ишга нисбатан улуг жавобгарлик

ҳамдир. Янги Аҳддан шу нарса аниқ равшанки, дастлабки Жамоат бу топширикни бажаришга жиддий муносабатда бўлди, шунинг учун Ҳаворийлар китобида Ҳушхабарни тарғиб қилиш билан янги ва янги жамоатларни тузиш ишларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Жамоатнинг олдида аниқ белгиланган вазифа турар эди — яъни, Инжил Ҳушхабарини Куддусдан бутун Яхудияга, Самарияга ва ҳатто дунёнинг энг чеккасига етказиш керак эди. Бизнинг давримизда эса, афсуски кўпчилик одамлар жамоат ва миссионерлик ҳаракатларини алоҳида-алоҳида нарса деб ўлашади. Янги Аҳдда эса жамоат — миссионерлик ҳаракати, миссионерлик ҳаракати эса — жамоат эди.

Жамоатдан келиб чикмаган ва одамларни жамоатга олиб келишга қаратиласмаган Ҳушхабарни тарғиб қилиш стратегияси бошиданоқ нотўгридир. Одамлар Ҳушхабарни жамоатга боғлиқ бўлмаган, ҳар хил тадбирлар орқали эштишиса, жуда кўп ҳолларда турли муаммолар келиб чиқади, масалан янги тавба қилганларни ўргатишда, бунда кўп одамлар имондан тез қайтишлари мумкин. Ҳамма ҳалқлардан шогирд орттириш учун Худо Жамоатни бунёд қилган. Ҳудонинг Каломи айтадики: “Ҳозирги замонда эса У Масих умматини барпо қилиб, у орқали самовотда ҳоким бўлган кучларга ҳам Ўзининг кўп қиррали ҳикматини ошкор қилди. Шу тарика Худо Ўзининг азалий мақсадини Раббимиз Исо Масих орқали рўёбга чиқарди...” (Эф. 3:10-11).

ХУЛОСА

Худо Масих орқали одамларни Ўзи билан яраштириди ва қачонлардир барбод бўлган муносабатни тиклади (Эф. 1:9-10). У яраштириш хизматини Ўзининг Жамоатига топшириди (2Кор. 5:18-20). Жамоат — бу Ҳудонинг, Ҳушхабарни тарғиб қилиш орқали одамларни қутқариш режасидир, иблис устидан Унинг ғалабасига гувоҳлик ва одамларни “Ҳудонинг оиласига” қайтириш учун даъватидир.

Биз сиз билан ҳозир “Жамоат асли”да яшаяпмиз ва Худо ерда бирон нима қилмоқчи бўлса, У Ўзининг Жамоати орқали қиласи, айнан Жамоат Худо қўлидаги бош қуролдир. Юқорида келтирилганлардан шу нарса аниқ равшан бўлади, демак жамоатлар тузиш ва ташкил қилиш — бу буюк вазифадир. Худога ўзини тўла топширган ҳар қандай имонли учун бу вазифа биринчи даражали бўлиши лозим.

САВОЛЛАР

- Жамоатнинг “марказдан қочувчи куч” характеристини тушуниш бизларга нималарни берди? Ҳушхабарни тарғиб қилишда, хизматда, ибодатда, одамларнинг ўзаро муносабатида (жамоатдагидек), сиз қандай янги фояларни таклиф қилишингиз мумкин?
- Жамоатни Эски Аҳд бўйича (марказга қараб интилувчи куч) тушуниш, жамоатнинг ҳаётига, унинг режаларига ва дастурларига қандай таъсир кўрсатади? Жамоатнинг лидерларига ва уларнинг кўл остидаги “сурувга” бу қандай таъсир кўрсатади? Маҳаллий жамоатлар учун бундай тушунча қачон ўринли бўлади? Нима учун шундай бўлиши мумкин?
- Сизнинг жамоатдаги хизматингизнинг асоси нимада? Қайсиdir жамоатнинг пойdevori Масихда бўлмаган ҳолда бунёд қилинса нима бўлади?
- Жамоат — дунё учуч мавжуд (Эф. 3:1-10). Бу амалиётда нимани билдиради? Шахсан сиз учун бу нимани билдиради?
- Масих — Жамоатнинг бошидир. Бу амалиётда нимани билдиради? (Эф. 1:23; Кол. 1:18). Ҳақиқатдан ҳам У бизнинг Раббимиз ва Ҳукмдоримиз бўлиши учун нима қилишимиз керак?
- Имонли одам, Масихнинг уммати бўлиши, бироқ маҳаллий жамоатга тегишли бўлмаслиги мумкини?
- Масих бизнинг ҳаётимизда амалий тарзда, ҳам Раббимиз, ҳам Устозимиз бўлиши қандай содир бўлади?
- Жамоатни тасвирлашда, маъжозий маънолар қўлланилган бир қанча оятларни ўрганиб чиқинг (Эф. 2:11, 19, 21; 1Бут. 2:9-10). Булардан қайсилари сиз учун кўпроқ аҳамиятга эга?

ТОПШИРИК

Худо Ўз ваъдасини сизнинг юрtingизда қай тарзда амалга ошироқда? Охирги бир йилда, беш ёки эллик йилда, Жамоат бунёд қилишдаги Ўзининг садоқатини кўрсатган ҳолда, қандай ишларни амалга ошириди? Сизнинг юрtingиздаги Ҳудонинг садоқати ҳақида гапиравчичи, камида 10 та кузатувни ёзib чиқинг.

Жамоат

2 Дарс

ЖАМОАТНИНГ ВАЗИФАСИ

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — Жамоатнинг вазифасини ва уни жамоат тузиш ишларида амалий қўллашни тушунириш.

Кутиладиган натижалар:

- Дарсни ўрганиб ҳар бир ўқувчи;
- Жамоатнинг Муқаддас Китоб бўйича вазифасини билиши керак;
- Худо Ўз Каломи орқали Жамоатнинг мавжудлигининг мақсадини аниқ қилиб баён қилганини билиши керак;
- Жамоатнинг вазифасини аниқ билиш, миссионер-жамоат тузувчи учун, ўз хизматини қандай олиб бормоқчи эканлигига катта аҳамиятга эга эканлигини англаши керак;

Дарс режаси:

- Жамоатнинг вазифаси
- Жамоатнинг вазифасини тушунишга нисбатан ҳар-хил қарашлар

Ўқитувчиларга кўрсатмалар:

Жамоатни вазифасига нисбатан ҳар-хил қарашларни тасвиrlовчи кўргазмаларни тайёрланг. Ҳар бир ўқувчи Жамоатнинг ички ва ташки мақсадларини қисқа ва аниқ қилиб ифода қила олишига эътибор беринг.

СЎЗ БОШИ

“Вазифа, мақсад” тушунчаларини, биз эришишни ҳохлаган натижа деб тасвиrlаш мумкин. Ҳар бир ташкилот ўзининг мақсади ва вазифасига эга. Бизнес ва тадбиркорлик товарларни сотиш ёки хизмат кўрсатиш орқали фойда олиш учун мавжуд бўлади. Ҳар қандай мамлакат ҳукуматининг вазифаси — фуқороларни ҳимоя қилиш ва халқни бошқаришdir.

Раббимиз Исо Масих бу масалада ҳам бизга буюк наъмуна бўла олади. У бу дунёга нимага ва нима учун келаганини билар эди. Унинг олдида буюк мақсад турар эди. “Худованднинг Рухи Менга ёр. У Мени муқаддас мой-ла мойлаци. Бечораларга мужда етказмоқ учун, дилаборларга шифо бермоқ учун, асирга: озод бўлгин, басирга: очилсин кўзинг, демоқ-чун, мазлумга эркинликни эълон этиб, марҳамат йили бўлгай, демоқ-чун, Худованд Мени юборди” (Лк. 4:18-19). Масих Ўз Жамоатини бунёд қилди, зоро У аниқ мақсадга эга эди. У Жамоатни нима учун бунёд қилётганини ва қандай тўлов тўлашини олдиндан биларди. Жамоатнинг вазифаси ва мақсади ҳақиқатдан ҳам ажойибdir, унинг илдизлари тарихга қараб кетган ва У учун шон-шуҳрат билан тўлган келажак тайин қилингандir.

Муқаддас Каломда Жамоатнинг вазифаси ҳақида аниқ ва равшан қилиб гапирилади. Ҳар бир жамоат хизматчиси, ҳар бир миссионер ва умуман, маҳаллий жамоатлар тузиш ҳаракатида қатнашаётган ҳар бир одам Жамоатнинг, Худо томонидан Муқаддас Китобда аниқлаб берган мақсади ва вазифасини билиши жуда муҳимdir. Бу билимсиз барча ҳаракатларимиз, барча куч қувватимиз ва моддий маблағларимиз беҳуда кетади, чунки улар биз даъват қилинмаган нарсаларга сарф бўлади (Забур. 126:1-2). Ҳар бир жамоат тузувчи, Жамоатнинг Муқаддас Китоб бўйича вазифасини аниқ англаб этиши ва қўпаядиган жамоатларни тузишда, ўзининг шахсий хизматидаги мақсадларини тушуниши керак.

Ўз мақсадига тўғри йўлдан ҳаракатланаётган Жамоатларни қуйидагича тасвиrlаш мумкин:

- Улар ўз вазифаларини билишади ва Ўз Раббиларини кутаётган ҳақиқий жамоатлар ҳисобланишади.

- Улар имонда мустаҳкамлар ва ўзларининг маълум бир эпчилликлари билан ажралиб турадилар; улар янгилик учун очиқлар, лекин Муқаддас Китобдан четга чиқмайдилар.
- Улар Худонинг баракаси билан тўлганлар ва уларнинг эшиклари ҳамма учун кенг очик; улар учун асосий нарса — бу Худонинг севгиси ва најоти.
- Улар одмларни ўзларига жалб қилишади ва ўз хизматларини аҳолининг орасида кенг тарзда олиб боришади.
- Улар умид ва руҳий тетиклик билан тўлганлар (одамларда эса кўпинча мана шулар етишмайди).
- Бу жамоатлар ҳаётий куч-кувватга тўлиб тошганлар, улар самарали хизмат учун шогирдларни тайёрлайдилар.
- Улар ўсиб боришади ва яна ўсиб борадиган янги жамоатларга асос соладилар.

I. ЖАМОАТНИНГ ВАЗИФАСИ

Биз юқорида, Исо Масих Ўз Жамоатини тузишда аниқ мақсадга эга бўлғанлигини гапириб ўтган эдик. Буни бир нечта сўзлар билан тарифласа бўлади: “Жамоат— имонлиларга таълим бериш ва адашганларга Хушхабарни тарғиб қилиш орқали Худони улуғлаш учун мавжуддир”.

Жадвал 2.1 Жамоатнинг вазифаси

Жамоатнинг учта мақсади:		
Олий (асосий)мақсади	Ташқи мақсади	Ички мақсади
Худони улуғлаш	Имонга келмаганларга Хушхабарни тарғиб қилиш	Юмушчиларни тайёрлаш ва уларга устозлик қилиш
Жамоат Худо учун мавжуд	Жамоат Каломни тарғиб қилиш учун мавжуд	Жамоат ўзи учун мавжуд

A. Худони улуғлаш

Муқаддас Китоб бизга ўргатадики, барча мавжудоднинг йўналтирилган мақсади — бу Худонинг улуғлашдир. Бу улуғлик Худога хос бўлган ҳамма нарсани —Унинг табиатини, хусусиятларини, Унинг сифатларини ва Унинг фаолиятини ифодалайди ва очиб беради. Бутун борлик Худо томонидан яратилган ва яратилишдан мақсади Уни улуғлашдир (Заб. 148). Ҳамма содир бўлаётган нарсалар мана шу мақсадга қаратилган. Худонинг улуғланиши Жамоатнинг асл моҳияти, олий мақсади ва вазифасидир (Рим. 15:6,9; Эф. 1:5 ва кейингилар; 2Сол. 1:12; 1Бут. 4:11).

Агар биз Худога топинсак (Юҳ. 4:23), Унга ҳамду-санолар ва шукроналар қилсак (Заб. 49:23) ва қачонки У айтгандек яшасак (Юҳ. 15:8) Унинг номи улуғланади (яъни барчага ошкор ва намоён бўлади). “Шундай қилиб... нимаики қилсангизлар, ҳамма нарсани Худони улуғлаш учун қилинглар” (1Кор. 10:31). Бу ҳар бир масиҳийга тегишли бўлгани каби, Жамоатга ҳам тегишли.

- Шахсан сиз учун Худони улуғлаш нимани англатади?
- Жамоат Худони қандай улуғлайди?
- Бизнинг орамизда Худо қандай улуғланади?

B. Адашганларга Хушхабар айтиш

Муқаддас Китоб аниқ қилиб ўргатадики, Жамоатнинг ташқи вазифаси бор ва уни дунёнинг охиригача бажариши лозим. Айнан мана шу вазифа Жамоат дикқат-эътиборини фақат ўзига эмас, балки атрофидагиларга қаратишини ифодалайди. Исо Масих мана шу учун келган — адашган ва ҳалокатга қараб кетаётган дунёга Хушхабар айтиш учун (Лк. 19:10). Исо Масих айтганки: “...Отам Мени қандай юборган бўлса, Мен ҳам сизларни шундай юборяпман” (Юҳ. 20:21). Шу тарзда, Жамоатнинг ташқи вазифаси — Хушхабар айтиш ва миссионерлик ишларидир.

Мат. 28:18-20 даги Буюк Топшириқ орқали Жамоатнинг ташқи вазифаси яккол кўрсатиб берилган.

B. Юмушчиларга устозлик қилиш

Муқаддас Китоб, Жамоатнинг ички мақсадлари борлигини ҳам ўргатади. Бу — имонлиларга устозлик қилиш ва уларни хизматга тайёрлашдир. Янги Аҳд мактубларининг кўп оятлари, имонлиларни масиҳий ҳаётларини ва хизматларини мустаҳкамлаш учун қаратилган, токи улар ташки вазифаларни, яъни адашган ва ҳалокат ёқасидаги дунёга Хушхабарни тарғиб кила олишсин.

Эф. 4:11-16 оятларида Жамоатнинг ички мақсадлари энг яхши тарзда тушунтирилиб берилган. Жамоат, ўзининг аъзоларига устозлик қилиш учун мавжуддир. Жамоаларда бирлашган Худо ҳалқини ўргатиш ва уларга таълим бериш, ташки мақсадга, яъни шогирд орттириш мақсадига эришишга имкон беради.

- Жамоатга раҳбарлар бошқаларни хизматга руҳоний қилиб тайёрлаш учун берилган (11 ва 12 оятлар), ўзлари жамоатда хизмат қилишлари учун эмас. Хўш, бу ҳаётий муҳим бўлган ҳақиқат сизнинг жамоат тузиш ишларингизда амалий равища қандай кўлланимокда? Бу сизнинг хизматингизга қандай таъсир кўрсатади?
- Бу оятлардан сиз жамоат тузиш ишларига нисбатан нималарни кўра олдингиз? Уларни бирма-бир ёзиб чиқинг.

Жамоатнинг мақсадларини қисқа ва лўнда қилиб ифодалаш мумкин. Булар — топиниш, насиҳат, Хушхабар тарғиб қилиш. Худонинг ҳалқи топиниш учун ва насиҳатлар олиш учун бир жойга йиғилишади ва ундан кейин Хушхабарни айтиш учун тарқалишади. Бу хизматлар бир-бирига боғланган. Буларнинг хеч қайсиси ўз ўзидан, бошқаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ички мақсад (насиҳат қилиш) ташки мақсаднинг (Хушхабар айтишнинг) бажарилишига ёрдам беради, иккаласи эса Худони улуғлашга (топиниш) хизмат килади. Исо Масиҳнинг шогирдлари ички мақсад учун, яъни бир-биrlарига насиҳат қилиш учун (Эф. 4:11-16), бир-биrlарини севиш учун (Юх. 13:34-35) ва Янги Аҳд Жамоатининг вазифаларини бажариш учун йиғилишиб, ташки вазифани, яъни Хушхабарни тарғиб қилиш ва ҳалок бўлаётган дунёга хизмат қилиш учун таёrlанишади.

II. ЖАМОАТНИНГ ВАЗИФАСИНИ ТУШУНИШГА НИСБАТАН ТУРЛИ ҚАРАШЛАР

A. Мақсади дастурларни бажаришга қаратилган жамоат ва Буюк Топшириқ жамоати

1. Мақсади дастурларни бажаришга қаратилган жамоат

Жамоатлар кўпинча ўз олдиларига жуда кўп мақсадларни қўйиб, натижада катта қийинчиликларни бошларидан кечиришади. Жамоатнинг Худо даъват қилган барча нарсаларда муваффақиятсизликлари натижасида, унинг мақсади, фақат дастурларни бажаришга қаратилиб колади, бу эса ўз навбатида, маблағлар ва одамлар учун курашга олиб келади (Расм 2.2). Жамоатдаги бундай қарашлар (мақсади дастурларни бажаришга қаратилиши) натижасида, кўпроқ дунёвий ўқув масканини ёки тижорат ташкилотини эслатувчи тузилма шаклланиши мумкин. Бундай жамоатда Хушхабарни тарғиб қилиш энг биринчи ўринда турмайди, зеро Жамоат айнай мана шу учун ташкил қилинган (ва ҳозир ҳам мавжуд). Хушхабарни тарғиб қилиш, бундай жамоат учун — ишларининг фақат бир қисми ва бошқа бир қанча дастурларидан яна биттаси бўлади холос. Вақт ўтган сари бу жамоат ҳалок бўлаётган дунё ҳақида ўйлашдан кўра ўзи ҳақида кўпроқ ўйлашни бошлайди ва аста секин атрофидағи жамиятдан ажралади.

2.2 расм. Мақсади дастурларни бажаришга қаратилган жамоат.



2. Буюк Топшириқ жамоати

Жамоатга Муқаддас Китоб бўйича қараш схемаси Рasm 2.3да тасвирланган. Бунда жамоатнинг вазифаси юрагида Буюк Топшириқ жойлашади ва ундан имонлиларга устозлик қилишга мос келувчи дастурлар ва хизматлар тарқалади. Бундай ёндошища жамоатнинг ички хизматлари ва дастурлари ҳар бир имонлини жамоат ташқарисидаги хизматни ёки мақсадни бажаришга ўргатишга хизмат қилади. Имонлиларнинг эҳтиёжлари ҳар доимгидек эътиборга олинади, лекин буларни ҳал қилишда Муқаддас Калом ўргатганидек ва Худонинг кутқариш режасига мос ҳолда ёндошилади.

Расм 2.3. Буюк Топшириқ Жамоати



- Юқорида кўриб чиқилган икки хил қараш нималари билан бир бирадан фарқ қиласди? Жамоат аъзоларини “жамоат ишларига” жалб қилиш бўйича қандай фарқлари бор? Раҳбарлар тайёрлашдачи?
- Агар жамоат, унинг “ҳаётининг маъноси” Хушхабарни тарғиб қилиш эканлигини англай бошласа, нама бўлади?

Б. Жамоат бу — дала, жамоат бу — куч

Расм 2.4 даги жадвалда, жамотни таърифлашда ишлатилган ”дала” ва ”куч” метафораларда ифодалаб кўрсатилган. ”Дала” — ҳаракатланмайдиган обьект. Унинг сифатлари — ундан олинадиган ҳосилга қараб баҳоланади. Ер эгасининг барча куч ва меҳнати бу ерга ишлов беришга сарф бўлади; бу ер унинг фаолият обьекти ва фаолият марказига айланади. ”Куч” эса аксинча — бирон нарсага таъсири қилишда вужудга келадиган, қувватнинг ҳаракатланувчи манбайидир. Кучни, унинг таъсири даражасига қараб ўлчаш мумкин. Асосий диккат-эътибор обьектда кўринади, унинг кучида эмас.

Расм 2.4. Жамоат ”дала” ва жамоат ”куч”

	Жамоат — ”дала”	Жамоат — ”куч”
Вазифаси	<ul style="list-style-type: none"> Худонинг ишлари амалга ошириладиган жой 	<ul style="list-style-type: none"> Имониларни Исо Масих номи учун ишга тайёрлаш, бир-бирларига хизмат қилишга даъват қилиш
Асосий сабаб	<ul style="list-style-type: none"> Қатнашиш учун жамоатга келиш Одамларни дунёдан чиқариб олиб, ҳимояланган мухитга олиб келиш 	<ul style="list-style-type: none"> ”Дунёнинг чеккасигача” бориш ва у ердагиларга таъсири кўрсатиш. Дунёни ўзгартириш учун хизмат киладиган хизматчилар тайёрлаш.
Талаблар	<ul style="list-style-type: none"> Дастур (одамлар учун эмас) Жамоатни одамларга танитиш, уларни таклиф қилиш Кўринадиган бўлиш (мас. бинога эга бўлиш) 	<ul style="list-style-type: none"> Бутунлик, бирлик Юмушчиларни ўқитиш, тайёрлаш Имониларни хизмат қилишга руҳлантириш
Рахбарлик концепцияси	<ul style="list-style-type: none"> Жамоат хизматчилари ва келувчилар орасида маълум масофа бўлиши 	<ul style="list-style-type: none"> Ҳар бир имонли хизмат учун даъват қилинади, зеро у Муқаддас Рух ато қилган қобилиятни ишлатиши керак
Муваффакиятли натижа	<ul style="list-style-type: none"> Бюджет (катта миқдордаги ҳайр-эҳсонлар) Шахсий бинога эга бўлиш Қатнашиш (жамоатга келиш) 	<ul style="list-style-type: none"> Кўпайиш
Тузилмаси (структуря)	<ul style="list-style-type: none"> Бошқарув функцияси Атрофдаги дунёдан ажралиб қолиш ва ўз ”дунёсини” вужудга келиши Марказлашишнинг юкори даражаси 	<ul style="list-style-type: none"> Марказлашмаслик Кичик гурухлар Атрофдаги дунёга чукур кириб бориш
Охирги натижа	<ul style="list-style-type: none"> Куйиш, паралич Қонунчилик Монумент (қотиб қолиш) 	<ul style="list-style-type: none"> Махаллий жамоатлар тузишга қаратилган ҳаракат Хизмат учун даъват қилиш Хизматдаги эркинлик

В. Жамоат — йигилиш, жамот — сафарбар қилишнинг йўли

1. Жамоат — йигилиш

Жамоат — имонлиларнинг йигилишидир, бу жамоатнинг “дала” ҳақидаги ниятининг яққол ифодасидир. Жамоат ҳақидаги бу ният (мақсад) анча кенг тарқалгандир. Баъзи бир имонлилар, жамоатни худди бошқа масихийлар билан учрашадиган ва чўпоннинг хизмат олиб борадиган жойи, деб қабул қилишади. (Расм 2.5га қаранг). Маълум бир даражада бу тўғри. Жамоат — бу, ҳақиқатдан ҳам йигилишdir, биз жон деб мулоқот қиласиган ва раҳбарлардан руҳий озуқа оладиган жойdir. Лекин, шундай бўлса ҳам, бу нуктаи назар жамоатнинг ташки вазифаларини тушунмайди ва бунда Муқаддас Китоб учун бегона бўлган, жамоат хизматчилари ва одий имонлиларни бўлнишига олиб келиш ҳавфи бор.

Рис 2.5 Жамоат — йигилиш


ЖАМОАТ	ЧЎПОН	ДУНЁ
Жамоат аъзолари “келувчилар” деб аталади. Булар чўпоннинг хизмат олиб боришида ёрдам беришади. Уларнинг қўллаб кувватлаши, Худо хизматида қатнашишларида, молиявий томондан ёрдам беришларида, чўпоннинг қарорларига ва ҳаракатларига хайриҳохлик билдиришларида ўз ифодасини топади. Келувчиларнинг нуктаи назари бўйича, жамоатнинг асосий мақсади — ўз аъзоларининг эҳтиёжлари ҳақида фамхўрлик қилиш, улар Хушхабарни тарғиб қилишни ўз вазифалари деб билишмайди.	Чўпон — бу тажрибали хизматчи. Унга “устоз” деб мурожаат қилинади. У — руҳоний хизматчи. Бундай тузилмада Худо хизматида асосий ролни у бажаради, чунки жамоат аъзолари унинг назарида — “фақат келувчиларгина холос”.	Чўпон руҳий курашнинг энг олдида бир ўзи жанг олиб боради. Дунё томонидан чўпонга нисбатан муносабат, одатда, энг жиддий эмас. Одамлар “У бунинг учун пул оляпти” деб гапиришади. Масиҳга жуда кам одамлар келади, чўпон эса, одатда барча хизматни бир ўзи олиб боришга ҳаракат қилиб, кучдан қолади.

2. Жамоат — сафарбар қилишнинг йўли

Жамоатни — меҳнатга сафарбар қилиш йўли сифатида тушуниш, бизга жамоатнинг “куч” концепциясини яққол кўрсатади. Жамоат — кимнингдир хизмат қиласиган жойи эмас, бу, имонлиларни Хушхабарни тарғиб қилишга сафарбар қилишнинг йўлидир. Жамоат — Худонинг бу дунёда ишлатадиган иш қуролидир. Расм 2.6 да кўрсатилгандек, жамоатнинг вазифаси имонлиларни ўзлари яшаётган дунёда самарали хизмат қилишлари учун тайёрлаш (ўқитиш ва руҳлантириш)дир. Бу — жамоатнинг ички мақсади. Имонлilar Худога биргаликда

сажда қилиш учун, руҳан ўсиш учун, Худонинг Каломини ўқиш, ундан руҳланиш учун, дуо қилиш ва бир бирларига ёрдам бериш учун ийилишиди. Шу тарзда жамоат аъзолари руҳан ўсиб боришади, адашганларга Хушхабар айтиш хизматида керак бўладиган малакаларини оширишиди (жамоатнинг ташки мақсади). Буюк Топшириқни бажариш — факат чўпоннинг иши эмас, балки бу бутун Масих Танасининг (Жамоатнинг) вазифасидир.

Расм 2.6. Жамоат — сафарбар қилишнинг йўли



БОШЧИЛИК	ЖАМОАТ	ДУНЁ
Раҳбарларнинг асосий вазифаси — жамоат аъзоларини дунёдаги хизматчилар қилиб тайёрлашдир. Эф.4:11-16. Бунинг учун раҳбарлар, жамоат аъзоларига янада яхшироқ хизмат қила олиш учун уларнинг руҳий кобилиятларини билишлари керак.	“Келувчилар” раҳбарлар томонидан “хизматчилар” қилиб тайёрланади. Шу тарзда, 100та аъзоси бор жамоатнинг 100та хизматчиси бўлади (чўпонлар эмас). Жамоат аъзолари ўз руҳий қобилиятларидан бир-бирларига хизмат қилишда ва Хушхабарни тарғиб қилишда фойдаланиш имкониятига эга бўлишади. Хушхабар ҳақида дунёда гувоҳлик бериш — асосан, жамоат аъзоларининг вазифасидир. Раҳбарлар мана шунга яхши таёrlанища уларга ёрдам беришади.	Дунё — бу, жамоат аъзолари яшаётган жойдир. Жамоат аъзолари — бу, ўзлари яшаётган ва ишлаётган жойдаги “тажрибали” хизматчилардир. Жамиятнинг барча ижтимоий қатламлари Хушхабар ҳақида гувоҳ бўладилар. (Мат.28:19-20).

ХУЛОСА

Ўз вазифасини аниқ тушуниб олиш жамоатнинг хизматида ёрдам беради. Раҳбарлар ва хизматчилар ўз жамоатларининг Худо тайинлаб берган вазифасини, мақсадини англаб олмасалар, ўзларининг кучларини ва моддий маблагларини ўзлари даъват қилинмаган нарсаларга сарф қилишларига олиб келади. Хар бир жамоат тузувчи, жамоатнинг Муқаддас Китоб бўйича белгилаб берилган вазифаларни тушуниши ва буларни ўзининг хизматида амалий тарзда қандай қўллаш мумкинлиги ҳақида ўйлаши керак.

САВОЛЛАР

1. Жамоат ўзининг мақсадини билиши нима учун бунчалик муҳим? Жамоат ўзининг мақсадларини тушунмаслиги нималарга олиб келиши мумкин?
2. Сиз Жамоатнинг вазифаларини бир нечта сўз билан қандай қилиб айтиб берган бўлар эдингиз?
3. Нима учун жамоат Хушхабарни тарғиб қилиши керак? Бунга ким жавобгар?
4. Буюк Топшириқ билан Жамоатнинг мақсади ўртасида қандай боғлиқлик бор? Муқаддас Китобдаги яна қайси ояtlар Жамоатнинг вазифасини тушунишимизда бизга ёрдам беради?

5. Нима учун жамоат бирон бир кимса фаолият кўрсатадиган дала эмас, балки куч бўлиши керак?
6. Сизнинг ҳудудингиздаги жамоатлар ўзларининг мақсадлари ва мавжудлигининг сабаблари ҳақида аниқ тушунчага эгамилар?
7. Ўз мақсадини тушунадиган жамоатда раҳбарларнинг ўрни қандай?

Жамоат

3 Дарс

ШАКЛЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Дарс мақсади

Ушбу дарснинг мақсади — Муқаддас Китоб ва урф одатлар нуқтаи назари бўйча Жамоат учун муҳим бўлган шакллар ва вазифалар концепциясини ўргатиш.

Кутиладиган натижалар:

Дарсни ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- “Шакллар ва вазифалар” концепциясини тушуниши керак;
- Маданиятнинг ва шахсий тажрибасининг, ўзининг маҳаллий жамоати анъаналарига ва шаклига нисбатан таъсирини ажрати олиши керак;
- Жамоат шаклини Муқаддас Кибоб вазифаси бўйича ва маданиятга мос ҳолда ташкил қилишга ҳаракат қилиши керак;

Дарс режси:

- I. Шакл ва вазифалар наъмуналари
- II. Жамоатнинг шакллари ва вазифалари
- III. Жамоат шакллари ва вазифаларига нисбатан баҳо бериш
- IV. Шакл ва вазифаларга тегишли бўлган принциплар
- V. Жамоатлар тузишда шакллар ва вазифалар концепциясини амалий қўлланилиши

Илова

ЗА. Шакл ва вазифалар концепциясининг амалий қўлланилиши

СЎЗ БОШИ

Шакл ва вазифалар концепциясини (карашларини) тушуниш, жамоат тузиш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Бизнинг тажрибамиз, кўп даражада жамоатимизда қабул қилинган шаклларга содиқлигимиз ва уларни қандай тушунишимизга боғлик. Бироқ, Худонинг жамоатга берган вазифасини бажариш учун олдимизга ҳар доим — биз нима учун бу ишни қиляпмиз, деган саволни қўйишимиз керак. Бу дарс ўз хизматимиз “шаклларини” қайта кўриб чиқишимизга имкон беради ва ерлик халқнинг маданиятига мос келадиган, анча самаралироқ ва табиийроқ бўлган янги шаклларни излаб топишимизда ёрдам беради.

I. ШАКЛ ВА ВАЗИФАЛАР НАЪМУНАЛАРИ

Вазифа деганда, одатда бажарилиши керак бўлган қандайдир фаолият кўриниши мақсад қилинади. Фаолият хилма хил бўлиши мумкин — озиқ-овқат сотиб олиш ва фарзандларни тарбиялашдан тортиб энг содда нарсагача бўлиши мумкин, масалан — уйқу. Шундай қилиб, вазифа —бу қилиниши керак бўлган нарса. *Шакл* эса — ҳаракат усули, яъни қилаётган ишимизни қандай қилаётганимиз.

Буни яхшироқ тушуниш учун, қандайдир бир мисолни кўриб чиқамиз. Қадим замонларда одамлар очликдан ўлмаслик учун ва егулик топиш учун жуда кўп кучларини сарф қилишган. У пайтларда оиласи ва ўзи учун егулик сотиб олинадиган дўконлар бўлмаган, ов қилиш ёки ерга ишлов бериш керак бўлган. Булар бир-биридан умуман фарқ қилувчи методлар (иккита ҳар хил шакл), лекин, униси ҳам, буниси ҳам битта вазифани (егулик топишни) бажаряпти.

Энди битта савол туғилади: қандай қилиб бу иккита шаклдан ўзи учун энг яхисини танлаш мүмкін? Биз қабул қиласынан қароримизга таъсир қилувчи, ички факторлар деган нарса бор, масалан, шу ишни қила олишлик ва шу ишни ёқтиришилик. Сизнинг кўриш қобилияtingиз жуда яхшими, сиз ёввойи табиатни ёқтирасизми, сиз пиёда жуда узоқ юра оласизми ва узоқ вақт якка қолиш сиз учун барibirми? У ҳолда сиз яхиси овчилик килганингиз мақул. Агар сизга овчилик билан боғлиқ бўлган нарсалар ёқмаса, унда дәхқончилик қилинг. Атрофга боғлиқ бўлган ташки факторлар ҳам мавжуд. Сиз ҳосилни жуда зўр берадиган ерда яшайпизми? Агар ҳа бўлса, унда дәхқончилик билан шуғулланинг. Бу каби саволларни ечишда жамиятда нимадан кўпроқ фойдаланилиши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Қайси бири эътиборлироқ — дәхқончиликми (унинг меҳнати ҳосили ҳаммани боқаётгани учун) ёки овчиларми (уруш пайтида ҳимоя қила олиши учун)? Маълум факторлар аҳлоқий характерга эга бўлиши мүмкін? Ҳайвон ўлдириш сизнинг жамиятингизда аҳлоқсизлик деб хисобланадими? Яна бир фактор бу —урф-одат. Сизнинг ота-онангиз ва аждодларингиз ким бўлишган? Балки сиз уларнинг “изидан” боришни истарсиз?

Лекин, кейинроқ, атрофнинг ўзгариши туфайли (масалан, ерингиз ҳосил бермай қўйди ёки ўрмонда ов қиласынан ҳайвон қолмади) сиз иккинчи шаклни танлашингиз мүмкін, ундан кейин бошқасини. Ва агар бу сизнинг қилаётган ишингизнинг самарасини оширса, демак тўғри танлагансиз.

Шакл ва вазифа принципига яна бир мисолни — ҳаракатланиш вазифасини кўриб чиқамиз. Ҳаракатланиш кўргина усуслар (шакллар) орқали амалга оширилиши мүмкін — велосипедда, метрода, машинада, самолётда, поездда, отда, аравада. Савол фақат қўйидагиларда:

- Нима учун сиз айнан мана шу транспорт воситасидан фойдаланяпсиз? Бунга сиз учун сабаб нима?
- Нима сабабдан бир усул бошқасига қараганда яхшироқ?
- Сиз шахсий ҳаётингиздан шакл ва вазифаларга мисоллар келтира оласизми?

II. ЖАМОАТНИНГ ВАЗИФА ВА ШАКЛЛАРИ

A. Вазифалари

Вазифа бу — ҳар қайси пайдта ва маданиятда тўғри бўлиб қоладиган ўзгармас ҳақиқатдир. Бу вақтинчалик бўлмаган ва маданиятдан юқори турувчи принциплар Худонинг Каломида, Муқаддас Китобда келтирилган. Худо томонидан Ўз Жамоатига берилган бу нарсаларга амрлар, қонунлар, кўрсатмалар ва абадий ҳақиқатлар киради ва булар ҳар бир маданият, ҳар бир халқ, ҳар бир аср ва ҳар бир миллар учун тўғри ва ҳақиқийдир. Булар ҳамма вақт учун ўзгармас ва ҳамма миллатлар учун бир хилдир. Режалаштириш жараёнида булар — Худонинг бизга очиб берган ният ва Унинг иродасидир.

Масалан: Ўнта Амр, Буюк Топшириқ, Худони улуғлаш, дуо қилиш ва бошқалар

B. Шакллари

Шаклларга маълум бир вақт даврида маълум бир маданиятда Жамоатнинг барча структуралари, урф-одатлари ва жараёнлари киради. Булар Худонинг Ҳақиқатини имонлиларга уларнинг маданияти, урф одати, тили ва ҳ.кз ларига мос ҳолда тушинтирилиши учун пайдо қилинади. Шакллар — бу ҳақиқатлар ва ҳаракатларни туб моҳиятини гавдалантириб беришнинг воситасидир. Режалаштириш жараёнида булар —стратегия, режа ва дастурлар.

Масалан: Қудусдаги Худонинг азизлари учун иона тўплаш, “Исо Масих” фильм, ойлик оладиган Инжил воизхонлари, чоршонба окшомида Муқаддас Китобни ўрганиш.

B. Шакл ва вазифалар биргаликда

Хар қандай маҳаллий жамоат ҳаёти, ўзи мавжуд бўлган ернинг маданиятидан бошқача бўлаолмайди. Бизнинг жамоат “тажрибамиз”, фақат Муқаддас Китоб бўйича эмас. Жамоат тузищдаги “қилаётган” ишларимиз, тарихий урф-одатлар, миллий маданият ва Муқаддас Китоб кўрсатмаларининг аралашмасига асосланади. Биз Муқаддас Китоб бўйича вазифалар (ибодат, муносабат, ўқитиш, Хушхабар тарғиб қилиш ва хизмат кабилар) ҳақида гапирганимизда, шуларга мос келувчи шакллар, урф-одатлар, усуслар, структура ва ташкил қилиш воситаларини ҳисобга олишимизга тўғри келади. Мана шулар воситасида вазифалар ўз ифодасини топади ва “тана ва кон” га айланади.

Жин Гетц ўзининг “Жамоатга дикқат билан қараш” (Sharpening The Focus Of The Church) китобида, жамоатнинг шаклига таъсир қилувчи учта компонентни ифодалаб беради. У айтадики:

1. Муқаддас Калом призмаси

Бизнинг жамоатмизнинг шакли, ўзининг вазифаларини иложи борича самарали бажаришига мос келиши керак ва шу билан бирга Худонинг Сўзига асосланиши керак. Айнан Муқаддас Китоб жамоатнинг вазифасини аниқлаб беради. Муқаддас Китоб вазифалар ҳақида гапирганда, кўпинча шакллар ҳақида индамайди. Агар булар ҳақида нимадир гапирилса ҳам, фақат қисман гапирилади ва бундан шу нарса келиб чиқадики, ҳар хил шароитларда ҳар хил шакллар кўлланилган! Бизнинг вазифамиз шуки, Муқаддас Китоб линзаси орқали ҳар қайси вақт учун тўғри бўлган ва абсолют характерга эга бўлган вазифалар ва кўрсатмаларни топиш, яъни маданиятлардан юқори турувчи вазифаларни топиш, топгандан кейин эса, жамоатнинг ҳаётида бу вазифалардан энг самарали ҳолда фойдалана олиш мумкин бўлган шаклни аниқлашдир.


2. Тарих призмаси

Жамоатни тарихий жараёнлардан алоҳида қилиб қарамаслик керак. Биз унга тарихий нуқтаи назар бўйича, яъни унинг шаклланишига таъсир кўрсатган воқеалар ва ҳолатлар билан бирга кўришимиз керак. Бизга тарихий тадқиқот жараёни орқали, илгари масиҳийлар нималарни тўғри, нималарни нотўғри қилишганини ва булар нималарга олиб келганини билиш имконини беради. Биз ўзимиз нималарни нотўғри қилаётганимизни билишимиз ва уларни тўғрилашимиз мумкин. Буларга факат Муқаддас Китоб тарихи кирмайди, балки яна, дунёнинг хозиргача бўлган бутун тарихи, айниқса бизнинг ватанимизга ва халқимизга бевосита боғлик бўлган тарих ҳам киради.

3. Маданият призмаси

Жамоат маълум бир маданиятда ва маълум бир вақт мобайнида шаклланган. Биз Жамоатга, ўз жамиятимизнинг маданиятига боғлиқ деб билган ҳолда қарашимиз керак. Ҳар хил шакллар айнан маданият орқали ўз ривожини топади. Шунинг учун биз ўз жамоатимизнинг урф одатларини ривожланишида, жамиятнинг урф одатлари ва маданиятини инкор қиласлигимиз керак, бироқ ҳар доим Муқаддас Китобга асослаб олишимиз керак. Ва агар урф одатлар Муқаддас Китоб асосларига қарши бўлса, Муқаддас Китоб (Худонинг Сўзи) эмас, балки урф одат (одам томонидан ўрнатилган) ўзгаририлади.

Расм 3.1 Учта линза: Калом, тарих, маданият.




Янги жамоат тузиш жараёнида қандайдир маълум бир шаклни танлашдан олдин, биз Муқаддас Китобга асосланган ҳолда ўзимиз учун Жамоат бу нима эканлигини ва у қандай ҳаракатланиши кераклигини (унинг мақсади ва вазифаси, унинг хусусиятларини, янги аҳд бўйича вазифаси) аниқлаб олишимиз керак. Худо бизни, шаклини абадий бир хил қилиб колдирадиган жамоатлар тузишга даъват қилмаган ва У маданият урф одатлардан кескин фарқ қилувчи шаклга эга бўлган жамоат тузишга ҳам даъват қилмаган (Худонинг Сўзларига мутлақо қарши бўлган маданий компонентлар бундан мустасно). Худо биздан одамлар ичида яшаб ва хизмат олиб борган ҳолда рухан ўзгаришимизни ҳохлайди (Рим.12:1-2). Шундай қилиб,

шакллар ва вазифалар аҳамиятини тушуниш, нималарни қилиш шарт, нималар иккинчи даражали, нималар ўзгармас бўлиб қолади, нималарни қайта кўриб чиқиш керак ва зарур бўлса, нималарни ўзгартириш керак эканлигини тушуниш — жамоат тузиш жараёнида катта аҳамият касб этади. Худонинг Ўз Жамоатига топширга вазифасини тўла тўқис амалга ошириш учун, биз ҳар доим ўзимизга ўзимиз —мен буни нима учун қиляпман? ва нима учун буни айнан мана шу тарзда (шаклда) қиляпман? деган саволларни беришимиз керак. Ва ҳар хил саволлардан қўрқиш керак эмас, чунки биз ўз ҳаракатларимиз сабабларини тўла тушуниб олсак, хизматга нисбатан тўғри ёндошамиз, яъни —Муқаддас Китоб бўйича! Фақат мана шундай ёндошиш орқали биз ўз жамоатимизга тўғри структура берамиз ва Худо қандай кўришни ҳоҳлаган бўлса шундай бўлган жамоат бўлиши учун хизматларнинг тўғри усусларини топа оламиз.

Жамоат тузувчининг вазифаси — жамоат шаклини ишлаб чиқишида, биринчи навбатта Муқаддас Китобга асосланиши, ана ундан кейин у ердаги маданиятни ва урф-одатларни хисобга олишдир. Расм 3.2 дан кўяпмизки, буларнинг ҳаммасининг устида асосий мақсад туриши керак. Булар аниқ суратда ишлаб чиқилиши керак деган фактни кўрсатиш учун унинг рамкаси тўғри геометрик фигурага эга. Пастда эса унга эришиш учун хизмат қиладиган вазифалар жойлашган. Улар ҳам тўғри шаклга эга. Улардан пастроқда — шакллар жойлашган. Улар вазифаларни бажаришга хизмат қилади, бироқ уларнинг шакллари тартибсиз суратда. Бунга иккита сабаб бор: биринчидан, ҳар бир вазифа учун ҳар хил шакллар бор. Иккинчидан, жамоат ўз хизматини қаратган жамият ўзгариши билан шакл ҳам ўзгара олиши керак. Шу тарзда, унинг шаклининг ўзгариши вазиятга боғлиқ.

Расм 3.2 Шакл ва вазифалар



III. ЖАМОАТ ШАКЛИ ВА ВАЗИФАЛАРИГА НИСБАТАН БАҲО БЕРИШ

Жамоат шакл ва вазифаларини бир-биридан уларни алоҳида-алоҳида таҳлил қалмасдан туриб ажратиш қийин. Қуйидаги рўйхатда келтирилганлар сизнинг фикрингизча шакл ёки вазифа эканлигини кўрсатинг:

Шакл	Вазифа
------	--------

Якшанба мактаби

Дуо қилиш учун жамоатда йиғилиш

Жамоат хори

Хайр-эҳсон

Кинотеатрда Хушхабар тарғиб қилиш

Жамоат биноси

Худо хизмати пайтида мусиқий чиқиши

_____ _____ _____ _____ _____ _____ _____	_____ _____ _____ _____ _____ _____ _____
---	---

Худо хизматининг тартиби

Жамоат — болалар учун

Ёзги миссионерлик дастурлари

Адабиёт ўқиши

_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____

- Юкорида келтирилган рўйхатда қайси вазифани Муқаддас Китоб вазифаси дейиш мумкин?
- Маҳаллий маданият қандай қилиб сизнинг у ердаги жамоатингизга таъсир қилиши мумкин? Бу маданият нималари билан мос келади ва нималари билан қарама-карши?
- Рим.12:18-19 оятларини ўқинг ва ҳамма вазифаларни ёзиб чиқинг (моҳияттан ўзгармайдиган) Бу вазифалар янги жамоатда қандай шаклларда бўлиши керак? Уй гуруҳида-чи?

IV. ШАКЛ ВА ВАЗИФАЛАРГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ПРИНЦИПЛАР

A. Шакл эмас, вазифа мухимdir

Муқаддас Китобда асосий дикқат вазифаларга қаратилган. Исо Масих ҳам шаклларга қараганда вазифалар ҳақида кўп гарпирган. Ўнга энг кўп қаршилик қандайдир шакл, урф одатлар номоёндалари томонидан кўрсатилган.

- Мат.9:14-17 оятларини ўқинг. Исо Масиҳнинг ямоқ солиш ва мешга шароб солиш ҳақида ўргатганлари шакл ва вазифа концепцияларига қандай боғлиқ? Унинг масалидаги “янги мешлар” га мос ҳолда жамоат тузиш нимани билдиради?
- Бу ҳақида 1Шоҳ.15:22-23, Мат.12:1-8 оятларида нима дейилади?

Биз одатда, Муқаддас Китобда шаклларга нисбатан аниқ кўрсатмаларни учратмаймиз. Фақат баъзи нарсалардан ташқари, масалан: маъбаддаги хизмат, аҳд чодири ва у ердаги нарсалар аниқ қилиб тасвиrlаб берилиган, лекин бу аниқ бир мақсадда қилинган. Бу ҳар бир деталлар Худо ҳақидаги ҳақиқатларнинг тимсолини билдиради — Унинг хусусиятлари ва ишлари ҳақида. Бу шакл Янги Аҳд жамоатига ўтмади, чунки буларни нарсаларсиз ҳам билиш мумкин бўлди.

B. Вазифалар мукаммалдир ва маданиятга боғлиқ эмас; шакллар субъектив ва ўзгариши мумкин

Биз Муқаддас Китобда тасвиrlанган шаклларни ўзгарганини кўришимиз мумкин. Фисих байрами, Худонинг Ўз ҳалқини Миср қўллигидан қандай олиб чиққанлигини эслатади. Лекин бир куни Исо Масих Ўзининг ўлими билан амалга ошадаган кутулишга ишора қилиб бу одатни ўзgartирди. Янги Аҳд жамоатида бу одат севги кечаси деб нишонланди. Лекин низолар пайдо бўлди (1Кор.11:17-34), шунинг учун бу оддий нон синдириш куни қилиб қисқартирилди. Лекин бунинг ўзи ҳам ҳар хил шаклларда ўтказилади. Демак вазифа бажарилар экан, шакл ҳам ўзгариши мумкин.

Битта лавҳада тасвиrlанган шакл бошқа лавҳаларда ўзгаради ёки тушириб қолдирилади. Шароитга қараб турли ҳил шакллар қўлланилади. Қуйидагиларни солиштириб кўринг:

- Рухий қобилиятлар (1Кор.12:14, Рим.12, Эф.4)
- Жамоат аъзоларини жазолаш (Мат.18, 1Кор.5, 2Кор.2)
- Сувга чўмдириш (Мат.28, Рим.6, Ҳав.1)
- Жамоатга раҳбарлик қилиш (1Тим.3, Титус.1, 1Бт.5)

Муқаддас Китобга асосланган бу принцип, ўзингизнинг янги жамоатингизда қўллайдиган шаклларга қандай таъсир кўрсатиши керак?

B. Одамлар кўпинча вазифани унутиб қўйиб, шаклга ёпишиб оладилар

Афсуски, кўччилик одамлар вазифани эсдан чиқариб, шаклга ёпишиб оладилар. Улар аллақачон ўзининг амалий аҳамиятини йўқотган шаклларга ёпишиб оладилар (масалан, Худо хизматининг маълум бир модели). Эрига биринчи марта гўшт қовурган бир ёш келин ҳақида бир ҳикоя бор. У гўштни қовуриб, эрига олиб келибди. Эри қараса, гўштнинг катта бўлаклариниг чеккалари кесилган. Шунда у нима учун бундай қилдинг, деб сўраса, келин: билмадим, онам ҳар доим шундай қилиб қовурадилар, дебди. Куёв бориб қайнонасидан сўрабди. Қайнонаси: билмадим, ойим шундай қовурадилар, деб жавоб берибди. Куёв хотинининг бувисидан нима учун ҳар доим бундай қовурғанлигини сўраганда, буви: қозон кичкина эди, деб жавоб берган экан. Тушундингизми?

Шакл ўзгармас деб ҳисобловчи одамлар, қонунчиликка сұянағылар. Күпинча, ўзгаришга бўлган қаршилик, мазҳаб сабабларига кўра эмас, балки кўркувдан, ўзгаришга сабаб бўладиган ҳар қандай кўркувдан келиб чиқади. Бу нарса ўзига хос бутпарастликни пайдо қилиши мумкин. Шакл ва вазифалар концепциясini тушуниш, одамларга ўзгариш ҳар доим ҳавфли эмаслигини тушунишларига ёрдам беради.

Г. Шакл беҳудага ўзгартирилмаслиги керак

Кўп ҳолларда бирор семинар ёки Инжил мактаби битирувчisi, чўпонлик хизматининг амалий тажрибасига эга бўлмаган битирувчи жамоат чўпони бўлади ва у ҳамма нарсанини қандай қилиш кераклигини шахсан ўзим биламан деб ҳисоблади. Унда жамоатга қандай шакл тўғри келиши ҳақида аниқ ният бор ва буни ўрнатиш учун бор кучини ишга солиб ҳаракат килади. Лекин, бу янги чўпон асл моҳият ҳақида, жамоатга келувчи одамлар, уларнинг муҳтожликлари ҳақида ҳеч нарса билмайди. Балки у, хатто ўзи ўйлаб қўйган foялари илгари тадбиқ қилинганини ва уларнинг натижаларини билиб қўйса ўзи учун фойдали бўлишини билмаса ҳам керак. Буларнинг ҳаммаси, одамларнинг “чўпон бизни ҳурмат қилмаяпди” деб ўйлашларига ва улар ўзларини “тажриба қуёни” сифатида хис қилишларига олиб келади ва натижада улар чўпонни кўллаб-куватламай қўядилар. Баъзи пайтда улар ўзларини жамоатга кераксиз деб хис қилишади ва жамоатдан ёки улар ёки чўпон кетиши керак, деб ўйлай бошлашади.

Шакл ўзгариши керак, леки, қачонки бу нарса вазифанинг янада самарали ишлаши учун хизмат қилса. Масалан, бир куни чўпон улуғлашни (вазифани) кучайтириш учун Худо хизмати тартибини ўзгартирди. Одатда йиғилиш қўшиқ куйлаш билан бошланган. Бу сафар чўпон биринчи навбатда Худо ҳақида, Унинг ажойиб ишлари ҳақида гапиришга қарор килди, ундан кейин йиғилганларни Худони улуғлаб ибодат қилишга таклиф килди, кейин гимнлар бўлди. Натижа жуда зўр бўлди. Лекин, бу энди ҳар якшанба кунлик хизмат шу кўринишида ўтишини билдирамайди. Бу нарса одамлар Худо хизматида Худони улуғлашни бошқача кўринишини кўришлари учун қилинди. Энди, жамоат ўзининг олдинги шаклига қайтиши мумкин.

Д. Қачонки, шакл сұяқдай қотиб қолса, жамоат ўлади

Жамоатнинг мақсади — имонлиларга устозлик қилиш орқали Худони улуғлаш ва адашганларга Хушхабар айтиш. Бу — абадий, ўзгармас мақсаддир. Вазифалар — бу мақсадларга эришиш учун қилаётган ишларимиз ва ҳаракатларимиз. Вазифалар —Худо томонидан берилган ва Уни Ўзи ҳохлагандай улуғлашимиз учун очиб берган ҳақиқати, улар абадий ва ўзгармасдир. Шакл — фақат маълум бир вазифани бажаришнинг бир қанча воситаларининг бири холос. Шакллар ўзгариши мумкин, чунки улар атрофдаги жамиятга боғлиқ.

Баъзан шаклнинг муҳимлилиги (одамлар онгиди) шунчалик кучайиб кетадики, натижада одамлар унинг ўзгаришига йўл қўйишмайди. Қачонки бу нарса содир бўлса, жамоат ўлади, чунки ўзгараётган жамият билан алоқани йўқотади. Абадий вазифаларни бажариш шаклини ўзгартира олмайдиган жамоат, жамият билан алоқани йўқотади.

Қайсиdir жамоат ўзга бир этник гуруҳ орасида хизмат қилишга қарор килди. Бунинг учун ишлаб чиқилган шакл ҳаммага мақул келди. Лекин, вақти келиб унга кўпроқ эътибор бера бошлашди. У ердаги аҳолининг таркиби ҳам ўзгарди, аҳолининг бу этник гуруҳини ташкил қилувчи одамлар аста секин камая бошлади. Жамоат ниманидир ўзгартирish кераклигини тушунганда, кеч бўлган эди. Бу жойдаги одамлар бу жамоатга келмай қўйишди, шунинг учун жамоат биноси ёпилди ва қолган аъзолари тарқатиб юборилди.

V. ЖАМОАТЛАР ТУЗИШДА ШАКЛ ВА ВАЗИФАЛАР КОНЦЕПЦИЯСИНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ

Жамоат тузувчилар шакл ва вазифалар концепциясига нисбатан жуда эътиборли бўлишлари керак. Жамоат тузишида ўрнатилган кўпгина шакллар жамоат ҳаётининг ва асосининг ажралмас қисми бўлиб қолиши мумкин. Кейинчалик уларни ўзгартирish жуда қийин бўлиши мумкин, хатто улар эскирган ва ҳалақит бераётган бўлсаем. Шунинг учун агар жамоат тузувчи бошиданоқ шаклларга нисбатан тўғри йўл тутмаса, унда жамоат тузиши жараёни жуда секин, қийин ва қимматли бўлиши мумкин.

Масалан, жамоат тузувчи фақат урф одатларга тегишли шакллардан фойдаланиши мумкин. Шу тарзда Хушхабар тарғиб қилиш, жамоатдаги хизмат тартиби у жойдаги бошқа жамоатлардаги билан бир хил бўлади. Натижада, бу жамоатга аҳолининг асосини ташкил

қилувчилар эмас, балки ўша ердаги бошқа жамоатларнинг аъзоларигина келишади. Одатларга ёпишиб олган жамоат тузувчи шу нарсани ўйлаши керак, бу ердаги одамлар маҳаллий жамоат орқали масиҳийлик нима эканлигини кўришади, агар бу соҳта бўлса —иккинчи даражали нарса, асосий нарсага айланади. Биз ўзимизга шундай савол беришимиз керак: Биз одамларни нимага даъват қилипмиз? Биз нимани ҳохлаймиз? Одамларнинг фақат ташқи кўринишлари ўзгаришиними ёки ички кўринишларини ўзгаришиними? Одамлар бир шаклдан (халок бўлаётган дунёга хос) бошқа шаклга (маҳаллий жамоат қабул қилган) ўтишларини ҳохлаймизми ёки улар гуноҳкорликдан муқаддасликка ўтишлариними? Бу саволлар жуда муҳим саволлардир ва буларга қандай жавоб беришимиз келажакда тузмоқчи бўлган жамоатимизга, у жойда яшовчи одамларга боғлиқ бўлади (Рим.12:-12; 6:11-13).

Бошқа ҳавфлар ҳам мавжуд — шакли четдан тақлид қилиб олиш асосида тузилган жамоат, ривожлана олмайди, у ердаги маданиятда ўз ўзидан кўпая олмайди. Бошқа жойларда яхши натижалар келтириган қандайдир дастурлар, хизмат қилиш усусларига тақлид қилган жамоат ташкил этувчи, бошиданоқ бу ёш жамоатни бу жой учун бегона қилиб қўяди. Сизнинг ҳудудингизда ҳам “тарб таъсири” ва чет эллик миссионерлар туфайли шундай бўлиб қолиши мумкин.

Сиз танлайдиган шакллар, аҳолининг шу жамоатга келадиган таркибиغا қараб белгиланиши керак. Шакллар табиий бўлиши ва ўша жойнинг маданиятига мос бўлиши керак, чунки одамлар бу шаклларни қабул қилишда муаммоларга дуч келишмасин. Сиз мақсад учун танлаб олган жойингизда тадқиқот ўтказишингиз жараённида, у жойда яшовчи одамларнинг (айникса, у ердаги илгаридан бор бўлган жамоатларга қатнамайдиган) қарашларини ўрганишингиз ва уларни жамоатга олиб келиш учун қайси шакллардан фойдаланишингиз ҳақида ўйлашингиз керак.

САВОЛЛАР

- Жамоат тузишда шакл ва вазифалар нима учун муҳим ҳисобланади?
- Сизнинг жамоатингиз шакллари қай тарзда ривожланган? Уларга муносабат қандай?
- Сиз ўз тажрибангизда учратган шакллар Муқаддас Китоб мақсадларига олиб борувчи вазифага жавоб берадими?
- Сиз атрофдаги жамиятга янада самарали хизмат қилиш учун ўз жамоатингиз шаклини қандай қилиб ўзгартирган бўлар эдингиз?
- Қайси шакллар Хушхабарни тарғиб қилишга мос келади? Қайси шакллар янги имонга келганларни жамоатга олиб келишга ҳалқит беради?
- Агар сиз янги жамоатингизга илгариги жамоатингизда жуда яхши самара берган шаклларни кўлламоқчи бўлсангиз, қандай қаршиликларга дуч келишингиз мумкин?
- Сиз кўлламоқчи бўлган шакл, янги имонга келганларга нимаси билан ғалати ва бегона бўлиб туюлиши мумкин?
- Қандай қилиб сиз янги имонга келганлар учун мос келувчи, бироқ Муқаддас Китобга зид келмаган янги шаклларни ишлаб чиқсан бўлар эдингиз?
- Қўшимча ўрганиш учун Ҳав.6:1-5 оятларини ўқинг ва жамоат оқсоқоллари руҳий муаммоларни ечиш учун, ишлаб чиқсан структура ўз мақсадига янада яхшироқ жавоб берган холда, қандай қилиб шаклларни ўзгартирганликларига эътибор беринг.
- Қандай шаклларни қўллаш “гуноҳ”? Нима сабабдан? Буларга мисоллар келтиринг ва уларни Муқаддас Китоб принциплари бўйича тушунтириб беринг?

ТОПШИРИК

Илова ЗА “Шакл ва вазифалар концепциясининг амалий қўлланилиши” бўйича Ҳав.2 ва 2Бут.1 ни индуктив усолда ўрганиб чиқинг.

**Жамоат
Илова
ЗА**

**ШАКЛ ВА ВАЗИФАЛАР
КОНЦЕПЦИЯЛАРИНИ
АМАЛДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**
*Ҳав.2 ва 2Бт.1 сурасини индуктив
ўрганиш*

I. МУЛОҲАЗА

Ҳав.2:42-47 ва 2Бт.1:2-11 оятларини ўқинг ва бу оятларда тасвирланган фаолиятларни ёзиб чиқинг. Ёзганларингиз асосида қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- Бу оятларда қандай ҳаракатлар ёритилган?
- Бу ҳаракатлар жамоат учун танлаб олинган шакллардир. Бу шакллар орқали қайси вазифалар амалга оширилган?
- Жамоат бу шакллардан фойдаланиши учун унга қандай ҳолатлар сабаб бўлди?
- Бундай ҳолатлар бизнинг вақтимизда ҳам учраб турадими?
- Бу ҳолатлар қандай натижаларга олиб келди?
- Сиз бу кузатувларга асосланиб “жамоатнинг соғлом, тўлиқ ҳаёти”ни қандай таърифлаб берасиз?

II. ҚЎЛЛАШ

Бу лавҳалардан ўргангандарингизга таяниб қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- Хозирги вақтда Жамоатнинг диққат эътибори нимага қаратилган? Унинг фаолиятида энг асосий нарса нима?
- Биз “шаклларни” “вазифалар” ўрнини эгаллаб олишига йўл қўйиб қўймадикми?
- Биз ўз жамоатимиздаги одамлар жамоат вазифаларини бажаришда факат бир хил (ҳар доим қўлланилган, одатий) шакллардан эмас, балки яна бошқа самаралироқ шакллардан ҳам фойдаланишлари учун нималар қила оламиз?
- Сизнинг жамоатингиз янада кучли, соғлом, ҳаётий қувватга тўла, Худони янада кучли улуғлаши, имонлиларни тайёрлаши ва Хушхабарни муваффақиятли тарзда тарғиб қилиши учун Худо олдида ўз йўлингизини белгиланг ва қарор қабул қилинг?

Жамоат

4 Дарс

ЖАМОАТНИНГ ТАЪРИФИ

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — маҳаллий жамоатлар тузиш вазифаси нуқтаи назари бўйича жамоатнинг белгиларини кўриб чиқиш.

Кутиладиган натижалар:

Дарсни ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Жамоатнинг Муқаддас Китоб бўйича таърифларини билиш муҳим эканлигини тушуниши керак;
- Унинг, жамоат нима эканлиги ҳақидаги шахсий тушунчаси, жамоатлар тузиш жараёнида ёрдам беришини ёки қийинчилик туғдиришини билиши керак;

Дарс режаси:

- Жамоатга таъриф беришдаги қийинчиликлар.
- Жамоатни таърифлаш бўйича мисоллар.
- Жамоатни таърифлашни ифодалашга нисбатан маслаҳатлар.
- Жамоатга нисбатан шахсий таъриф ёзиш

Илова

4А. Ҳаворий Павлуснинг Жамоат ҳақидаги нияти.

СЎЗ БОШИ

Жамоатдаги хизматимиз қандай бўлишидан қатъий назар, жамоат тузяпмизми ёки илгаридан мавжуд бўлган жамоатга раҳбарлик қиляпмизми, булардан қатъий назар, жамоат ўзи нима эканлиги ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиш жуда муҳимдир. “Маҳаллий жамоат ўзи нима?” Бу саволга ўз-ўзидан маълум бўлган оддий бир савол, деб қарамаслик керак. Тўғри йўлдан оғиб кетмаслигимиз учун бу саволга ҳар доим, қайта-қата мурожаат қилиб туришимиз керак. Хўш, биз бу саволга қандай жавоб берамиз.

Балки, қуйидаги тасвирлаш бу дарснинг жуда муҳим эканлигини англашимизда ёрдам беради. Иккинчи жаҳон урушигача Швецария дунё бўйича қўл соатларининг 90 фоизини ишлаб чиқарган. 1970 йилда ҳам у дунё бозорининг 60 фоизини ўз қўлида ушлаб турар эди. Лекин, саксонинчи йилларнинг бошига келиб унинг улуши 10 фоизгача тушиб кетди. Хўш, нима бўлди? Олтмишинчи йилларнинг охирига келиб кварцли соатлар пайдо бўлди, бироқ Швецария компаниялари бу янги технологияларга эътибор қаратишмади. Уларнинг ракобатчилари (Сейко ва Тексас Инструментс) эса — эътибор беришди. Швецарлар ўзларининг тушунчаларидан келиб чиқиб, кварцни рад килишди. Улар пружиналарсиз, шестерначаларсиз ва гилдиракчаларсиз соат қандай бўлишини тасаввур қилиша олмасди. Чунки, кварц соатларида бундай мурватлар йўқ бўлади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин: улар соатнинг вазифасини (вақтни кўрсатиш) эсдан чиқариб қўйдилар ва уни ўзларига таниш бўлган шаклга алмаштириб қўйдилар. Натижада, улар бозорни ушлаб туришнинг ажойиб имкониятини бой бердилар.

Швецарлар соатнинг нима эканлигини нотўғри аниқлашлари туфайли ажойиб имкониятни қўлдан чиқарганликларига ўхшаб, маҳаллий жамоатни нотўғри аниқлаш ҳам жамоатлар тузиш жараёнига шундай таъсир кўрсатиши мумкин. Аниқлаш — жамоат тузувчи айнан нимани хоҳлашини, қандай жамоат тузишини очиб беради ва у фойдаланмоқчи бўлган шаклларни белгилаб беради. Аниқлаш — у учун муваффақиятсизликлар

ўлчанадиган эталон бўлади. Агар жамоат тузувчи ўз хизматини яхши аниқалашсиз бошласа, бу кейинчалик унинг муваффақиятсизликка учрашига сабаб бўлади.

I. ЖАМОАТГА ТАЪРИФ БЕРИШДАГИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

Жамоатлар бир биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Қуйидаги кузатувларга эътибор беринг:

- Айрим жамоатлар катта биноларда йиғилишади, бошқалари кичик биноларда. Яна бошқа жамоатлар, биноларда умуман йиғилишмайди ва шундай жамоатлар борки, улар хонадонларда йиғилишади.
- Шундай жамоатлар борки, ҳафтада бир марта йиғилишади. Бошқалари — ҳафтада икки марта. Баъзилари эса — уч марта. Ва яна шундайлари борки — деярли ҳар куни йиғилишади.
- Бир хил жамоатларда чўпон минбарга чиқиб ваъз қиласди. Бошқа жамоатларда — чўпон одамлар билан суҳбат қиласди. Лекин, шундай жамоатлар ҳам борки, у ерда худди мактабдагидек машғулотлар бўлади.
- Шундай жамоатлар борки, у ерда одамлар ўзларини эркин ва хушчақчақ тутишади. Яна шундай жамоатлар борки, у ерда хатто кулмайдилар ҳам.
- Баъзи жамоатларда Худо хизмати фаол тарзда ўтади, одамлар ҳаракат қилишади ва атрофда содир бўлаётган ҳодисаларга ўзларнинг муносабатларини билдиришлари мумкин. Бошқа жамоатларда ўтадиган хизматлар жуда сокин ўтади, одамлар, асосан жим ўтиришади ва эшишишади.

Биз имонлилар гурухини жамоат, деб атай олишимиз учун талаб қилинадига асосларни қандай қилиб ифодалаб бериш мумкин (ушбу ҳилма хилликларни ҳисобга олган ҳолда)? Ҳар қандай маҳаллий жамоат учун ҳеч қайси даврда ўзгармайдиган ва маданиятга боғлиқ бўлмаган қандайдир фундаменталь нормалар мавжудми? Агар ҳа бўлса, айнан қандай нормалар?

Бир неча дақиқа мобайнида мулоҳаза юритинг ва қуйидаги саволларга (3-4 киши бўлиб) жавоб беринг?

1. Имонлилар гурухи қачон жамоат бўлади?
2. Сиз жамоани аниқлайдиган жамоат критерийлари қандай?
3. Қуида келтирилган жараёнларни кўриб чиқинг. Қайси жараёнда жамоат ҳақида гапириляпди ва қайсинисида гапирилмаяпди? Нима учун?

- Фалон қишлоқда саккизта имонли ҳар сесланба кечкурун мулоқот қилиш ва Муқаддас Китоб ўрганиш учун йиғилишади. Уларнинг расмий чўпонлари йўқ, бироқ кўпроқ Каримжон ака йиғилишни олиб боради. Улар анча йилдан бери йиғилишиб туришади. Улардан баъзилари яна, якшанба куни жамоатга ҳам боришади.
- Фалон шаҳарда жамоатнинг кўхна бир биноси бор. Бу жамоат узоқ тарихга эга, бу жамоат ўзининг ажойиб чўпонлари ва баракали хизматлари билан танилган. Сиз бу жамоатнинг ажойиб архитектураси ва тарихи ҳақида билиш учун бу ерга кунига икки марта уюштириладиган экскурсияда қатнашишингиз мумкин.
- Фалон жойдаги миссионер Салимжон, ўтган йили факат ёшлар билан ишлади. Ўнта одам тавба қилди. Салимжон бу янги имонга келганлар жамоатга боришларини ҳохлаган эди, лекин, энг яқин жамоат 50 км узоқда жойлашган. Шунинг учун улар ҳар якшанба куни унинг уйида Худога сажда қилиш ва Муқаддас Китобни ўрганиш учун йиғилишади.
- Анваржон ва унинг оиласи — фалон қишлоқдаги ягона имонлилар ҳисобланишади. Улар ҳар якшанба куни эрталаб Худога сажда қилиш учун биргаликда йиғилишади.

II. ЖАМОАТНИ ТАЪРИФЛАШ БЎЙИЧА МИСОЛЛАР

Аниқлаш бўйича қуйидаги берилган мисоллар ҳақида 4-5 киши бўлиб суҳбатлашинг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1- мисол

Бу мисол — Худонинг фарзандлари қандай қилиб ўзаро муносабатда бўлишлари кераклиги ҳақида Каломдан аниқ кўрсатмалардан фойдаланиб, жамоатга таъриф беришга ҳаракат қилиб кўриш. Бу тарифда имонлилар орасидаги ўзаро муносабат қандай бўлиши кераклигини таъкидлайди.

“Жамоат бу — бир-бирларини биродарларча, самимий муҳаббат билан севадиган, бир-бирларини хурамат қиладиган (Рим.12:10), бир-бирларини қабул қиладиган (Рим.15:7), бир-

бирларига ғамхўрлик қиласиган (1Кор.12:25), бир-бирларини оғирликларига ёрдам берадиган (Гал.6:2), бир-бирларини кечирадиган (Эф.4:32), бир-бирларига эътибор берадиган ва муҳаббатга, хайрли ишларга рағбатлантирадиган (Ибр.10:24), бир-бирлари олдида қилган гуноҳларига иқрор бўладиган ва бир-бирлари учун ибодат қиласиган (Ёқ.5:16), бир-бирларига хизмат қиласиган (1Бт.4:10) ва бир-бирларини севадиган (1Юҳ.4:11) одамлар гурухицир”

- Бу таърифлар жамоат тузиш жараёнига қандай ёрдам бериши ёки ҳалақит бериши мумкин?
- Бу ифодалашни ўзининг ишлари таърифи деб қабул қиласиган гурух қандай жамоат тузиши мумкин?
- Бу таърифлар қанчалик тўғри? Нима учун?

2-мисол

“Янги Аҳд маҳаллий жамоати — сувга чўмган имонлиларнинг Исо Масих билан бирга ўтадиган йифилишицир; бу одамлар сажда қилиш учун, ўрганиш учун, мулоқот қилиш учун ва Худонинг хизматини бажариш учун, бундан ташқари янги имонга келгандарни Худонинг Каломи асосида, оқсоқолларнинг бошчилигига сувга чўмдириш учун мунтазам тарзда йифилишади. Жамоат ўз аъзоларига Худо уларнинг ҳар бирига ато қиласиган қобилиятлардан фойдаланишини ўргатади. Натижада, улар атрофдагиларга Хушхабар ҳақида гувоҳлик беришади”.

- Бу таърифлар жамоат тузиш жараёнига қандай ёрдам бериши ёки ҳалақит бериши мумкин?
- Бу ифодалашни ўзининг ишлари таърифи деб қабул қиласиган гурух қандай жамоат тузиши мумкин?
- Бу таърифлар қанчалик тўғри? Нима учун?

3-мисол

Ушбу таъриф анча одатий бўлган таърифdir, балки айнан мана шунга ўхшаган таърифни кўчадаги имонга келмаган ҳар қандай одамдан ҳам эшиши мумкин.

“Жамоат — бу одамаларнинг диний маросимларда қатнашиш учун йифиладиган бино ва бу ердаги маросимларни юқори малакали хизматчилар олиб боришади. Бундай хизматчилар ҳар якшанба куни шунаقا маросимларни ўтказиш учун махсус тарйёрланишган ва ўқишган бўлади. Бундан ташқари бу ерда никоҳ ва шу каби маросимлар ҳам ўтказилади”.

- Бу таърифлар жамоат тузиш жараёнига қандай ёрдам бериши ёки ҳалақит бериши мумкин?
- Бу ифодалашни ўзининг ишлари таърифи деб қабул қиласиган гурух қандай жамоат тузиши мумкин?
- Бу таърифлар қанчалик тўғри? Нима учун?

4-мисол

“Маҳаллий жамоат — бу имонлилар гуруҳи ва уларга маълум бир руҳий сифатларга эга ва Худонинг Сўзига амал қиласиган устоз бошчилик қиласиди. Улар Худони улуғлаш, Муқаддас Китобни ўрганиш учун мунтазам йифилиб туришади ва одамларга Инжил Хушхабарини тарғиб килишади”.

- Бу таърифлар жамоат тузиш жараёнига қандай ёрдам бериши ёки ҳалақит бериши мумкин?
- Бу ифодалашни ўзининг ишлари таърифи деб қабул қиласиган гурух қандай жамоат тузиши мумкин?
- Бу таърифлар қанчалик тўғри? Нима учун?

III. ЖАМОАТНИ ТАЪРИФЛАШ ИФОДАСИГА НИСБАТАН МАСЛАҲАТЛАР

Ифодага шакллар, структуралар ва дастурлар ҳақида нарсаларни кўшмасликка ҳаракат килинг!

Жамоатнинг таърифи ифодасини тузишда, асосий дикқат-эътиборни вазифага эмас, балки шаклларга ва структураларга қаратиш тенденцияси мавжуд. Жамот тузувчи бундай хатога йўл қўйса, муваффакияларини фақат шаклларга қараб ўлчайдиган бўлади. Бу эса уни соҳта мақсадларга, яъни ўриндиқли бино, хорлар, пианино, санолар тўплами, овоз ускуналари, якшанба мактаби дастурлари кабиларга қараб интилишига сабаб бўлади. Буларнинг бори яхши, бирор булар жамоатнинг ҳақиқий таърифи ва руҳий моҳияти билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шаклларни, структураларни ва дастурларни жамоатнинг таърифига қўшиб, биз ўзимиз жуда ҳам чегаралаб қўямиз. Лекин, шаклларсиз таърифга эга бўлсак, биз кўп нарсаларга эришамиз.

Маҳаллий жамоатнинг энг яхши таърифи, баъзи жамоалар боғланиб қолган аниқ бир шакллар ҳақида эмас, балки Муқаддас Китобда ёзилган Худо халқининг вазифалари ҳақида гапиради. Жамоат — бу Худо халқининг йигилишидир. Шунинг учун жорий дастурларни ишлаб чиқишида этalon бўлиб, бу одамларнинг Худо билан ва бир-бирлари билан муносабат қилишлари бўлиши керак. Жамоат тузишни олдиндан ишлаб чиқилган дастур бўйича бошлаш, мавжуд бўлган эҳтиёжларни қониктирумайдиган структурани пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун буларни муносабатлар критерийсидан бошлаш ва ундан кейин структураларни ва дастурларни шунинг асосида ривожлантириш анча яхшироқ бўлади.

Шундай холларга мисол келтирамиз. Каримjon исмли бир масихий бир куни ҳар бир жамоатда чоршанба куни кечқурун ибодат учун йигилиш ўтказиш керак, деган хulosага келди. Ўз жамоатини тузиш жараёнининг бошлангич босқичлариданоқ, у шундай йигилиш ўтказилишини эълон қилди, лекин, бунга кўп одам қизиқмади, чунки, одамлар у ердаги ҳаётий шароит туфайли, айнан ўша куни кечқурун банд эдилар. Каримjon бундан жуда хафа бўлди ва у “одамлар ибодат қилишни исташмаяпди” деган хulosага келди. Бироқ, агар у ибодат қилиш вазифасига бошқача шакл берганда, балки бундай хатога йўл қўймасди.

Яна бир бошқа мисолни кўриб чиқамиз. Салимjon исмли бир масихийнинг фикрича, Худо хизматини олиб бориш, яхши ва чиройли биносиз умуман мумкин эмас эди. Жамоат тузиш бўйича ўз хизматини бошлагандан бир йил кейин ва янги жамоадаги имонлилар сони 15тага етганидан кейин, у барча кучини ва ҳаракатларини бино қуриш учун қаратди. Бунинг учун ҳукumatдан руҳсатнома олиши, маблағ тўплаши, ер сотиб олиши, қурилиш ашёларини қидириб топиши ва ҳ.к.злар қилиш керак бўлди. Бу нарсалар учун у ўзининг ҳамма вақтини сарф қилиш керак эди ва 15та одамни руҳан ўстиришга эса умуман вақт бўлмади. Бунинг устига маблағ тўплаш қийин бўлди, ҳукumat эса ишни пайсалга солишибди ва бундан ташқари қурилиш ҳам ҳазилакам иш эмас. Салимjonнинг эса ўз жамоатини бир кун келиб ишлаётган ҳолатда кўришга умиди сўниб борар эди.

IV. ЖАМОАТГА НИСБАТАН ШАХСИЙ ТАЪРИФНИ ЁЗИШ

Маҳллий жамоатга нисбатан шахсий таърифингизни ёзишдан олдин, жамоат нима эканлиги ҳақида гапиравчи қўйидаги оятларни ўқинг. Шахсий фикрларингизни ажратилган жойга ёзинг. Агар бу ҳақида бошқа оятларни ҳам билсангиз, улардан ҳам фойдаланинг.

1. Ҳав.2:42-47 _____.
2. Ҳав.11:26 _____.
3. Ҳав.14:23 _____.
4. Ҳав.20:7 _____.
5. Ҳав.20:28 _____.
6. 1Кор.1:2 _____.
7. 1Кор.12:28 _____.
8. 1Кор.14:33 _____.
9. Эф.1:22 _____.
10. Эф.4:11-16 _____.
11. Эф.5:27 _____.
12. 1Тм.3:15 _____.
13. Ибр.10:21-27 _____.
14. Бошқалар _____.

Жамотта нисбатан ўз таърифингизни ёзинг:

Ўз таърифингизга қуйидаги критерийлар бўйича баҳо беринг:

- Ифодалашни аниқлиги
- Каломга мос келиши
- Барча маҳаллий жамоатлар учун, ҳар қандай вақтда, ҳар қандай жой учун етарлича асосга эгами?
- Бундай таърифга эга бўлган жамоат кўпая оладими?
- Бу таърифингизни бошқалар билан ўртоқлашинг ва уларнинг муносабатига эътибор беринг.

ХУЛОСА

Ҳали ҳеч ким жамоатни бошданоқ руҳан етук ва кучли ҳолда ташкил қилмаган. Биз фақат экамиз, у эса ўсади (1Кор.3:6). Янги имонга келганлар лицерларга айланишлари учун бу имонлилар шаклларни, структурани ва дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида қатнашишлари керак. Нимага? Чунки, маҳаллий жамоат четтан киритилган илдизга эмас, балки ўзининг шахсий илдизига эга бўлиши керак.

Агар биз ҳақиқатдан ҳам ўз худудимизда маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини бошлашда Худонинг хизматчиси бўлишни ҳохласак, у ҳолда бизнинг маҳаллий жамоатларга нисбатан таърифимиз тўла етилган “дархтни” эмас, балки “уругни” ифодалashi керак.

САВОЛЛАР

- Унчалик аҳамиятга эган бўлмаган қайси пунктларни, одатда, одамлар ўз таърифларида ҳисобга оладилар?
- Жамоат тузишда қандай ҳолларда бино керак бўлади? Шахсий бинога эга бўлиш жамоатнинг ўсишига қанчалик фойда келтиради ва қанчалик ҳалақит беради?
- Нима учун жамоат таърифини шаклларга боғлиқ қилиб ишлаб чиқиш керак эмас?

**Жамоат
Илова
4А**

**ҲАВОРИЙ ПАВЛУСНИНГ
ЖАМОАТ ҲАҚИДАГИ
НИЯТИ**

Ҳаворий Павлус жамоат ҳақидаги ўз нияти ҳақида, асосан Эфесликларга мактубида ёзди. Унинг ҳаётдаги амалий хизмати ҳақида биз Ҳаворийлар китобида ўқишимиз мумкин. Куйида келтирилган жадвалдан фойдаланиб, Ҳав.20:17:38 ва Эф.4:1-16 оятларини ўқинг ва жадвални тўлдиринг.

	Ҳав.20:17:38	Эф.4:1-6
Жамоатнинг вазифаси	24-оят	16-оят
Хизматга даъват	22-оят	12-13,16-оятлар
Принципial мақсадлар	21,24-оятлар	12-оят
Рахбарлик концепцияси	27-32-оятлар	11-12-оятлар
Муваффакият	21-оят	15-оят
Ишлаб чиқилган структуралар	17-оят	11-оят
Охирги натижা	32-оят	13-16-оятлар

Жамоат

5 Дарс

МАҚСАД ТАЪРИФИНИ ТУЗИШ

(Мақсадни қисқа ва лўнда тузилмасини ишлаб чиқиш)

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади – жамоат тузувчиларни ўзлари тузадиган жамоатлари учун мақсад таърифини (мақсадларини қисқа ва лўнда қилиб) тузишга ундаш.

Кутиладиган натижалар:

Дарс материалларини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Жамоатнинг мақсадларини аниқ ва пухта тушуниб олиши — миссионернинг жамоатлар тузиш хизматига, бундаги вазифаларга нисбатан муносабатига ва бу хизматга қай тарзда ёндошишига таъсир кўрсатишини тушуниши керак;
- Ўзи ташкил қиласиган жамоатнинг мақсадларини қисқа ва аниқ таърифини ёзишни билиши керак;

Дарс режаси:

- Муқаддас Китобга назар
- Жамоатнинг мақсадлари таърифини ёзиш

Ўқитувчиларга кўрсатмалар:

Бу дарс – семинарdir. Ҳамма ўқувчилар жамоат мақсадлари учун шахсий таърифларини ёзишлари ва уларни бошқалар билан ўртоқлашишлари керак.

СЎЗ БОШИ

Яхши жамоатлар аниқ мақсадга эга бўладилар. Улар Жамоатнинг Муқаддас Китоб бўйича бу дунёдаги мақсадини ва Худо уларни нима учун бир жамоага бирлашишга даъват қилганини жуда яхши тушунишади.

Жамоат ташкил қилиш жараёнининг энг бошланғич босқичлариданоқ аниқ бир мақсад белгилаб олиш жуда муҳимdir. Худо томонидан ёзма тарзда берилган мақсадларни тушуниш — юмушчи-ишчиларни бирлаштиради, нималар қилиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ кўрсатади, олдинга интилишга руҳлантиради, куч ва қувват беради. Мақсадни аниқ ва лўнда қилиб белгилаб олиш — бу шунчаки хайрли хоҳиш эмас; мана шу нарса жамоатнинг мавжудлиги мазмунини тушунтириб беради. Бунда бошлиқларнинг асосий вазифаси — мақсадни аниқ ва лўнда қилиб таърифлаш ва бу мақсадни жамоатдаги одамларга етказишидир. Мазкур дарс мана шунда сизга ёрдам беради.

I. МУҚАДДАС КИТОБГА НАЗАР

Сизнинг мақсад таърифингиз, Жамоат ҳақида Муқаддас Китобда айтилганларига зид келмаслиги керак. Куйидаги оятларни ўқиб чиқинг ва уларнинг ҳар бирида жамоат ҳақида нималар дейилганини муҳокама қилинг. Ўрганган принципларингизни берилган қаторларга ёзинг:

1. Мат.16:18 _____
2. Мат.28:18-20 _____
3. Хав.1:6-8 _____
4. Хав.2:42-47 _____
5. Эф.3:10-11 _____
6. Эф.4:11-16 _____
7. Кол.3:12-17 _____
8. Ибр.10:22-25 _____
9. 1Бутр.2:1-5, 9-12 _____
10. Бошқалар _____

II. ЖАМОАТ МАҚСАДЛАРИ ТАЪРИФИ

Маҳаллий жамоатнинг мақсадлари таърифини тузиш — “Бу жамоат нима учун мавжуд?” деган саволга жавоб беришда хизмат қиласи. Мақсад таърифини ёзиш жараёни — бу жамоатдаги ажойиб фаолиятлардан биридир. Бунинг учун маълум бир вақт давом этадиган мунозаралар, муҳокамалар ва ибодатлар талааб қилинади, бу таъриф бир овоздан қабул қилиниши ва унга жамоат раҳбарияти ишонч билдириши керак. Бундан кейин бу таъриф жамоат йиғилишларида эълон қилинади ва тушунтирилади, жамоатнинг ҳар бир аъзоси бу мақсадларни англаб етишлари учун бу таъриф ҳар қандай жамоат нашрларида босиб чиқарилади (масалан, таклифномаларда), плакатларга ёзib қўйилади.

Ташкил қиласидан жамоатингизнинг мақслари таърифини ёзишингиздан олдин, қўйидаги саволларга жавоб беринг:

- Сиз ташкил қиласидан бўлган жамоат нима учун мавжуд бўлиши керак?
- Худонинг Шоҳлигини ўрнатишда унинг муҳим ва ажойиб ўрни қандай бўлади?
- Сиз мўлжал қиласидан жойингизда Худонинг бу жойдаги бўлажак вакили сифатида қандай ишларни амалга оширишингиз керак?

Қўйидаги ажратилган жойга, нима учун одамлар сизнинг янги жамоатингизга келишлари ва у ердаги хизматларда иштирок этишлари кераклигининг 10 та сабабини ёзинг:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____
7. _____
8. _____
9. _____

10.

Мақсад таърифи Жамоатнинг Муқаддас Китоб бўйича мақсадларига ва мақсад учун танланган ҳудуддаги аҳолининг маданияти асослари билан бевосита боғлиқ бўлиши керак. Бу таъриф айнан сиз ташкил қилётган жамоат учун ёзилиши лозим. Яхши таърифларнинг кўпчилигига тўғридан тўғри мақсад учун танланган ҳудуд ёки одамлар гуруҳи ҳақида зикр қилинади, энг яхшиси эса у ҳақида ҳам бу ҳақида ҳам зикр қилинган таърифлардир. Жамоат мақсадларининг кўйидаги таърифларини ўқиб чиқинг:

- “Хушхабар” жамоати — Худони улуғлаш учун, имонлиларга таълим бериш ва Ангрен шахрида Инжил Хушхабари ҳақида гувоҳлик бериш учун мавжуддир.
- “Хушхабар билан муносабат” жамоати — Инжил Хушхабарини Фарғона шахрида, Фарғона вилоятида, бутун мамлакатда ва бутун дунёда тарғиб қилиш учун мавжуддир.
- “Уйғониш” жамоати Жиззах шахридаги оиласларга хизмат қилиш учун мавжуддир.
- “Имон” жамоати олий ўқув юрти талабаларига Исо Масиҳнинг ишончли шогирдлари бўлишларига ёрдам бериш учун мавжуддир.

Юқорида келтирилган мақсад таърифларидан қайси бирини сиз энг яхши деб ҳисоблайсиз ва нима учун?

Муқаддас Китобдан ўрганган ўз билимларингизга ва юқорида кўриб чиқилган таърифларга асосланиб, энди сиз ўзингизнинг мақсад таърифнинг ёзишингиз мумкин. Ёдингизда бўлсин, бу таърифнинг кўйидаги бешта шартларга жавоб берадиган бўлиши керак:

1. Иложи борича қисқа ва аниқ бўлиши керак.
2. Унда келтирилган вазифалар одамларнинг берилиб, завқ билан бажарадиган хоҳишлари бўлиши керак.
3. У одамни завқлантириши керак.
4. Унга тўғри риоя қилиш керак.
5. Вақти-вақти билан уни қайта кўриб чиқиш ва керак бўлса ўзгартириш лозим.

Қўйидаги ажратилган жойга ташкил қиласидаги жамоатингизнинг мақсад таърифини ёзинг. У ушбу содда саволга жавоб бериши керак: “Бу жамоат нима учун мавжуд?”

Кўпчилик имонлилар фаол эмаслар, деб тез-тез гапиришади. Лекин ўзингиз ўйлаб кўринг, бизнинг маҳаллий жамоатимизга келадиган ва хизматларда иштирок этадиган имонлиларнинг ҳаммаси ҳам — бу ёки бошқа жамоатнинг нима учун мавжуд эканлигини билишадими? Бизнинг жамоатимиздаги йиғилишларда мана шу ҳақида гапириладими? Ёки бўлмаса, биз йиғиладиган ва хизмат олиб борадиган хоналарнинг деворларига ҳар қандай одам, хатто биринчи келган одам ҳам таниша олиши учун, жамоатнинг мақсадлари ёзилган ҳужжатлар осиб қўйилганми? Жамоатингизнинг ҳар бир аъзоси (сиз-ку биринчи навбатда) ўз жамоатларининг мавжудлик мақсадини яхши билишлари ва тушунишлари жуда муҳимдир, чунки улар сизнинг ҳамфирларингиз, ҳамкорларингиз ва сизни қўллаб қувватловчилар бўлишлари керак. “Жамоат мақсадларини” ёзма ифодаси — биз қандай жамоат ташкил қилмоқчимиз? у нима учун мавжуд бўлади? биз нимани хоҳдаймиз? каби саволларни ўзингиз учун янада аниқ ва пухта белгилаб олишингизга имкон беради. Бу бизга жамоатимиздаги ҳар бир имонли ўз кучи миқёсида умумий ишга ёрдам бериб, ягона ҳаёт билан яшайдиган бир оиласга бирлаштиришимизда ёрдам беради.

САВОЛЛАР

1. Маҳаллий жамоатга берилган сизнинг таърифингиз ва унинг мақсадлари таърифи нимага асосланган — шахсий тажрибангизгами ёки Муқаддас Китобгами?
2. Сизнинг мақсад таърифингиз 2-дарсда кўриб чиқилган Жамоатнинг Муқаддас Китоб бўйича вазифаларига зид келадиган жойи борми? Агар бор бўлса, айнан нималарда?
3. Сиз ташкил қиласидаги жамоат нималари билан бошқа жамоатлардан фарқ қиласиди?

ТОПШИРИК

Жамоатингиз раҳбарияти билан биргаликда мақсад таърифини ёзиш жараёнини бошидан бошлаб қайта кўриб чиқинг.

3 Қисм: Рұхий Ўсиш

Рұхий Ўсиш

1 Дарс

ИМОН БИЛАН ОҚЛАНИШ

*Худо билан ярашишдаги
муносабатларимизнинг асоси*

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — жамоат ташкил қилувчиларга Исо Масихнинг солиҳлиги қандай қилиб масиҳий ҳәётининг асоси бўлиб қолишини тушунтириш.

Кутиладиган натижалар:

Дарс материалларини ўрганиб ҳар бир ўқувчи тушуниши керак:

- Оқланиш — бизнинг гуноҳкор табиатимизни Масихнинг солиҳлиги билан алмаштириш;
- Имон билан оқланиш — бу Худо билан муносабатларимизнинг асоси;

Дарс режаси:

- Имон билан оқланиш нима эканлигини тушуниш.
- Худонинг инояти ва Исонинг солиҳлигига асосланган қатъий ишончга эга бўлиш ва унинг ўз ҳәётидаги ўрнини ҳис қила билиш.

СЎЗ БОШИ

Масиҳий учун Худо билан муносабатдан муҳимроқ хеч нарса йўқ. Айнан ўша нарсага асосланиб унинг барча ҳәёти қурилади — оила, хизмат, иш, одамлар билан муносабат Лекин ўзининг Худо билан муносабатига жиддий эътибор берган ҳар бир одам кўплаб саволларга дуч келади:

- Худони қандай қилиб яқинроқ била оламан?
- Мен қиласётган нарсалар ростдан ҳам Худога мақул келадими?
- У мени қабул қилганига қандай қилиб ишонч ҳосил қила оламан?
- Мени ҳәётим тўғри йўлдан кетяптими?

Кўпинча бу саволларга жавобни ягона ҳақиқат манъбаси бўлган —Худо Каломидан излаш ўрнига, ҳис туйғулардан, қалб сезгиларидан излаймиз. "Рұхий Ўсиш" дарсларида Муқаддас Каломдан бизнинг Худо билан муносабатларимизнинг жуда муҳим жойлари ҳақида гапирганларини ўрганиб чиқамиз.

I. ИМОН БИЛАН ОҚЛАНИШ НИМА ЭКАНЛИГИНИ ТУШУНИШ

A. Имон билан оқланишнинг таърифи (Рим.3:21-24)

"Оқлаш" — бу юридик термин бўлиб, "айбсиз деб тан олиш", "оқлаб ҳукм чиқариш" каби маъноларни билдиради. Ҳукм чиқаришнинг учта варианти бор: Худо гуноҳкорни жазога маҳкум қилиши мумкин; Худо гуноҳкорни қандай бўлса шундай қабул қилиши мумкин (Ўзининг солиҳлигидан фойдаланиб); Худо гуноҳкорни солиҳ одамга айлантириши мумкин. Аммо гуноҳкорнинг солиҳлиги бу шунчаки ҳәёлий эмас, балки ҳақиқий бўлиши лозим, бу солиҳлик Худонинг талабларига мос бўлиши керак, мана шу ҳолдагина Худо бизни оқлаши мумкин. Хўш, унда Одил ва Иноятли Ҳукмдор қандай қилиб гуноҳкорни оқлаши, уни солиҳ деб тан олиши мумкин, ахир биз ҳаммамиз гуноҳкормиз-ку? Муқаддас Китоб бизга, Масих орқали "Худо бизни Ўзига маъқул, солиҳ деб билди" (2Кор.5:21), ва солиҳлик — бу иноят (Рим.5:17) деб ўргатади.

Шундай қилиб оқланишга жуда оддий таъриф беришимиз мүмкін, демек **оқланиш** — **бу солиҳликни олиш демакдир.**

Инжилда, Рим.1:16-17 оятларида шундай деб ёзилган: “...Имон келтирган ҳар бир киши учун Инжил Худонинг халоскорлик қудратини етказувчи Хушхабардир. Бу Хушхабарнинг мағзи шуки, Худо Ўзи гуноҳкорни оқлайди ва оқлаш эса фақатгина имон орқали содир бўлади. Ёзилганидек:” Имон билан оқланган киши ҳаёт бўлур”. Айнан мана шу лавҳа Мартин Лютерга Худонинг Хушхабарини қайтариб берган . Ҳаворий Павлус бу ерда Аввакум пайғамбардан намуна келтиради. Ҳаворийнинг ихтиёрида: "...оқланган киши ўзининг имони/ишончи билан ҳаёт бўлур” деб ёзилган МТ (массорет тексти) ва “...оқланган киши Менинг имоним/ишончим билан ҳаёт бўлур” деб ёзилган Септуагинта (Эски Аҳднинг грекча таржимаси) тексти бор эди. Ҳаворий Павлус ўз намунасига икки томонлама маъно берган ҳолда атайн бу ердаги фарқни олиб ташлайди. “Худонинг адолати имондан чиқиб имонга олиб боради”, Худонинг имонидан бизнинг имонимизга! Биз Худонинг имонига имон билан жавоб берамиз! Демак, шундай дейиш мүмкін: бундай имон билан оқланган киши имони билан ҳаёт бўлур.

Б. Имон билан оқланишни тушунтириб бериш (Рим.3:21-24)

Имон билан оқланиш ҳақида Рим.3:21-24 оятларида батафсил гапирилади. Бу ердагидан қатъйроқ сўзлар ҳеч қаерда йўқ, ҳеч қайси динда мана шундай гапирилмайди. Ҳар қандай динда маълум бир қонун-қоидаларни, расм-русумларни, аҳлоқий қоидаларни бажариш орқали Худонинг ғазабини юмшатиш мүмкін, деб кўрсатилади. Фақат Инжилдаги Худогина хоҷдаги қурбонлик орқали нажот бериб гуноҳкорни имони билан оқлайди. Келинг, имон билан оқланишнинг бешта аспекти кўрсатилган (Рим.3:21-24) оятларни батафсил таҳлил қиласиз:

1. "... Қонунга алоқасиз равишда“ (Рим.3:21)

“Ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир“ (3:23). Ер юзида қонун ва амрларни бажариш орқали Худонинг олдида оқланадиган бирорта ҳам инсон йўқ. Ўз ишларимиз орқали бизни Худодан ажратадиган абадий лаънат олдик.

2. ”..Худо талаб қилган солиҳликка эришиш йўли аниқ равшан кўринмоқда..“ (3:21,22)

”Худо талаб қилган солиҳлик“ дейилганда одамлар ҳақида эмас, балки Худодан чиқадиган, Ундан келган солиҳлик ҳақида айтиляпти. Худонинг Шоҳлигига киришга имкон берадиган солиҳлик, поклик, муқаддаслик фақатгина Унинг Ўзидан чиқади.


3. ”...бунга Таврот ва пайғамбарлар ҳам гувоҳлик берадилар“ (3:21)

Қадимги ибронийлар даврида Қонун ва Пайғамбарлар Эски Аҳднинг жуда мухим қисми ҳисобланганлар. Павлус бутун Муқаддас Калом Эски Аҳд ҳам, Янги Аҳд ҳам қонунга алоқасиз равишдаги оқланиш ҳақида гувоҳлик бермоқдалар деб таъкидляяпти.

4. ”... Исо Масихнинг Қони эвазига гуноҳкорлар текин оқланадилар“. (3:24)

”... имонга эга бўлган ҳаммани...“ (3:22) Худо оқлайди ва солиҳ деб қабул қиласи. Савоб ишлар орқали эмас, шундоқ текинга бериляпти. Худонинг адолат учун талабини Худонинг Қўзиси Ўз Қони эвазига қондирди. Унга имон келтириб, Унинг Қурбонлигини қабул қилиб, аввалги гуноҳкорона ҳаётимиздан юз ўтириб, Худонинг солиҳлигини қабул қиласиз.

1.1 Расм. Буюк алмашув.



II. ОҚЛАНИШГА САВОБ ИШЛАР ОРҚАЛИ ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

Қадимги файласуфлардан бири бўлган Аристотел **одам савоб ишлари орқали оқданиши мумкин** деб қаттиқ ишонар эди. Кўплар охир оқибатда унинг сўзларини тўғри деб таъкидладилар. Исо Масих даврида эса фарзийлар ана шундай фикрга эга эдилар. Улар учун Худонинг марҳаматига солиҳ ишлар ва қонунни бажариш орқали эришиш мумкин эди. Қадимги Каломшунос Фома Аквинский ҳам бу фикрга қўшиларди. У бу нуқтани назарга қўшилишини нажот ҳақидаги таълимотда ифода қилди — шу тарзда, нажотга яхши амаллар орқали эришилади, деб ҳаммага эълон қилган таълимот пайдо бўлди. Бу таълимот мана шу таникли ваъзхоннинг жуда кўп издошларининг оқланиш ҳақидаги тушунчаларининг асосий пойдеворига айланди. Арасту ғоясининг тарафдорларини диндор одамлар, деб аташ мумкин. У ҳолда биз динни Худога яқинлашишга интилиш ва уриниш, деб таърифлашимиз мумкин.

Бироқ, Хушхабар умуман бошқача таълимотни ўргатади. Муқаддас Китоб бўйича, солиҳ одам бўлишнинг фақат битта йўли бор — Худонинг ўзи инъом қилган нажотни имон билан қабул қилиш. Биз бу инъомга Исо Масихнинг ўлими ва қайта тирилиши шарофати билан эга бўламиз. Хушхабар, имон билан оқланиш ҳақида гапирап экан, одам Худонинг олдидиа ўз амаллари билан оқланиши мумкин деб ўргатувчи, дунёда мавжуд бўлган ҳар қандай диний таълимотга тўғридан тўғри қарама-каршидир.

Жадвал 1.1. Хушхабар ва дин

Хушхабар (Худонинг одамга нисбатан ғайритабиий муносабати)	Дин (одамнинг Худога нисбатан табиий муносабати)
Иноят Имон Шартсиз севги Муқаддас Руҳ таъсир билан ўзгартириш Итоатга олиб борувчи марҳамат	Иш, амал Амрларни бажариш ҳукм қилиш Шахсий уриниш Иноятга муносиб бўлишга уриниш

Оқланишнинг асл моҳиятини тушунтирап экан, Мартин Лютер ҳақли равиша уни ”пассив солиҳлик” деб атаган, зеро бу солиҳлик биздан келиб чиқмайди. Бу солиҳликка эриша олишимиз учун Исо Масих тўлов тўлади ва биз эса бунга фақат имон орқалигина эга бўлишимиз мумкин. Мана шу ҳақиқат, одамзоднинг Худо олдидиа оқланишининг фундаментал асосидир ва айнан мана шу ҳақиқат чинакам масиҳийликни бошқа динлардан ва масиҳийликнинг соҳта кўринишларидан

ажратиб туради. Бундан ташқари, биз бу ерда үзимизни қийнайдиган катта бир қийинчиликка дуч келамиз, чунки имон билан оқланиш үз гунохкорлигимизнинг ҳақиқий даражасини ва Худонинг иноятига чексиз муҳтож эканлигимизни тұла тасаввур қилишимизга имкон беради. Худонинг олдида солиҳ бўлишимиз учун биз ташқаридан бериладиган ёрдамга муҳтожмиз, чунки үз-үзимизча бундай солиҳликка эга эмасмиз. Худонинг олидида солиҳ бўлишнинг ягона йўли — бу Исо Масиҳга бўлган имондир.

Мисол.

Тасаввур қилинг, бир одам оғир жиноят қилган ва ўлимга маҳкум этилган, у үз ўлимини кутиб ётибди. Бир куни, жиноятчи қамоқда ётганида, судьянинг олдига ўша жиноятчининг садоқатли бир дўсти келади, ва судъядан уни маҳкум қилмаслигини илтимос қилади. Бунга жавобан судья шундай дейди: “Майли мен уни озод қиласман, аммо унинг ўрнига сенинг ўғлинг қатл қилинади”. “Йўқ, бу мумкин эмас – хитоб қиласми жиноятчининг дўсти. — Мен қандай қилиб үз ўғлимни ўлимга бераман!”. Лекин судья қатъий оҳангда: ”Бу дўстингни озод қилишнинг ягона йўли”, дейди. Аммо нимадир бўлиб, шу одамнинг ўғли бу ҳақида эшишиб қолибди. Ўғил ҳеч кимга билдириласдан судга келибди ва үз отасининг дўсти ўрнига жазоланишга рози бўлибди. Эртаси куни бу ўғилни қатл қилишибди, жиноятчи эса озод этилибди.

Бу воқеадан унчалик кўп вақт ўтмай, шу йигитнинг отаси автобусда кетаётib, ўша қамалган ва озод бўлган дўстини кўриб қолибди. У автобуснинг олдинги ўринидигида ким биландир гаплашиб кетарди. Ва у нимани эшишиби денг? Собиқ жиноятчининг сухбатдоши ундан сўрар эди: “Сен қандай қилиб озодликка чиқдинг, ахир сени ўлимга маҳкум қилишган эдик”. У эса шундай жавоб берибди: ”Мен қамоқдалик пайтимда, камерада озодаликни сақладим, тартиб-интизомга қаттиқ риоя қилдим, үзимни яхши тутганим учун мени озод қилишди”.

Хўш, сизнингча үз ўғлини йўқотган ўша ота бу гапларни эшишиб қандай аҳволга тушди экан? У ҳайратдан қотиб қолибди. Наҳотки бу одам “наъмунали ҳулқим сабабли озод бўлдим”, деб ўйласа, ахир унинг ўрнига дўстининг ўғли жонини берди-ку?

Худо бизнинг гунохларимизни үзимизни яхши тутганимиз, қонун қоидаларни бажарганимиз ва хатто биз тавба қилиб кечирим сўраганимиз учун кечиришга қарор қилмади. Тўғри, Худонинг Каломи бизга, ҳақиқий имон — Уни севишида ва Унга итоат этишда, деб ўргатади (1Юҳ.2:3-5; 5:12-13), аммо биз бу ҳақиқатни мана бу ҳақиқат билан адаштирмаслигимиз керак: Худо бизнинг гунохларимизни мутлақо үзининг севгиси ва меҳр-шавқати туфайли кечирган. Исо Масиҳ биз учун хочда жазоланди ва Унинг қурбонлиги бизни Худонинг ғазабидан қутқарди.

II. ОҚЛАНИШ — БУ ФАҚАТГИНА АВФ ЭТИШ ҚАРОРИ ЭМАС

Кўпчилик масиҳийлар биз оқланишга савоб ишларимиз орқали эмас, балки имон орқали эга бўламиз, деб тўғри тушунишади. Аммо, бунда улар бошқа бир хатога йўл қўйишади, яъни оқланиш — бу шунчаки авф этиш, Худо бизни қилган гунохларимиз учун кечиришга қарор қилди, деб ҳисоблашади. Худо бизнинг қилган гунохларимизни шунчаки кечиришга қарор қилмади. Унинг муқаддаслиги,adolati бунга йўл қўймайди, зоро гуноҳ албатта жазоланиши лозим. Оқланиш — бу ҳаракат, жараён ва бунинг натижасида гуноҳкор одам солиҳга айланади. Сиз билан биз фақатгина, ҳазрати Исо бизнинг гунохларимиз учун жуда қиммат тўлов тўлаганлигига асосланиб солиҳ деб тан олинганмиз. Оқланишни шунчаки оддий кечирим билан тенглаштирадиган имонлилар, ҳақиқатда ўзлари учун тўланган тўловнинг қанчалик қимматли эканини тушунишмайди, улар оқланиш — бу текинга берилган совға, инъом деб ҳисобалашади.

Биз оқланишга фақатгина ҳазрати Исонинг ўлими орқалигина эришдик ва мана шу ҳақиқат бизни Худонинг бу марҳамати учун Унга бутун ҳаётимиз билан миннадорчилик билдиришга ундаши керак.

ХУЛОСА

Имон билан оқланиш — бу бизнинг Худо билан ўзаро муносабатларимизнинг асосидир ва ҳар доим асоси бўлиб қолиши зарур. Масиҳнинг тортган азоблари бизнинг гунохларимизни

Унинг солиҳлигига алмаштириш имконини берди. Гуноҳкор учун Худо билан учрашадиган бошқа жой йўқ, ягона жой — фақат хоч қаршисида (1Юх.1:7-9).

Биз иноятга ҳар доим муҳтожмиз. Ҳатто бизнинг энг яхши пайтимизда ҳам Худонинг меҳр-шавқати ва марҳамати керак бўлмаган кун бўлолмайди. Биз Худонинг олдида солиҳликка ўзимизнинг қобилиятларимиз, ҳислатларимиз ва яхши амалларимиз билан эмас, балки имон орқали эришамиз ва имон билан ҳар доим солиҳ бўлиб қоламиз. Бошқа томондан, энг ёмон кунимиз ҳам Худонинг бизга бўлган меҳр-шавқатига ва марҳаматига тўсқинлик қилолмайди. Шундай қилиб, бизнинг Худо билан муносабатимизнинг мустаҳкамлик гарови Масихнинг Ўзи бўлади. Исо Масих Ким эканлигини билган ҳолда, биз Ходога, Унинг бизни оқлаши ҳақида берган ваъдасига тўла ишонишимиз керак. Масихнинг Гўлгота хочида амалга оширган оқлашига, У ато қилган кечиримига қисман ишониш Худо учун ҳақоратdir.

Ҳазрати Ислом бўлган имонимиз орқали оқланишимизни ҳаётимизнинг асоси қилиб олар эканмиз, биз Ходога дадиллик ва журъат билан хизмат қилиш учун озодликка эга бўламиз. Инжил Хушхабарини ваъз қилиш, янги жамоатлар ташкил қилиш билан, биз оқланишни “ишлиб” топмаймиз, балки Худонинг иноятига умид қилишда, ишонишда баркамол бўлиб, Худонинг буюк нажотини ва севгисини англаб етамиш ва уни бутун дунёга етказамиш.

САВОЛЛАР

- Сиз имон билан оқланиш нима эканига аниқ, тушунарли ва содда таъриф бераоласизми?
- Имон билан оқланиш ҳақида гапирганимизда, “пассив солиҳлик” тушунчаси нимани англатади?
- Нима учун, ҳатто биз, масиҳийлар учун ҳам, Худо билан муносабатимиз асоси бизнинг ўз ишларимиз, амалларимиз эмас, балки Унинг инояти ва ҳазрати Исонинг хоҷдаги қаҳрамонлиги эканини тушуниш ва ишониш қийин бўлади?
- Имон билан оқланиш тушунчаси қандай қилиб сизнинг Худо билан ўзаро муносабатингизга таъсир кўрсатиши мумкин?

ТОПШИРИК

Бирорта биродарингизга имон билан оқланиш нима эканини тушунтириб беринг, кейин ундан бунга таъриф ёзиб беришини сўранг. Ўша биродарингиз ёзган таърифни кейинги машғулотга олиб келинг.

Рұхий Ысиш

2 Дарс

ХУШХАБАР БҮЙІЧА ҲАЁТ

Дарс мақсади:

Ушу дарснинг мақсади — ўқувчиларга Хушхабарга бўлган имон нафақат нажот топиш учун, шу билан бирга руҳан ўсиш учун ҳам зарур эканлигини тушунишларига ёрдам бериш.

Дарснинг асосий мазмунлари:

- Хушхабар — бу ҳар бир одамнинг руҳан ўсишининг асосидир.
- Масихда баркамолликка эришишни ва хизматда ҳосил келтиришга интилиб, имонли шахсий кучига таянишдан ва бу хизматларда шунчаки иштирок этишдан воз кечиши керак.

Кутиладиган натижалар:

Дарс материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Инжил Хушхабарини тўғри тушуниш руҳан ўсишда қай тарзда ўз ифодасини топишини билиши керак;
- ўзининг Масихга бўлган муҳтожлигини ҳис қилиши ва Унга умид қилиб, руҳан ўсиши керак;
- ўз кучига таяниб яшовчи одамнинг ва Масихнинг хочда амалга оширган ишига нисбатан имон билан яшовчи масиҳийнинг ҳаёти ўртасидаги фарқни тушуниши керак;

СЎЗ БОШИ

Кўпчилик масиҳийлар Худонинг олдида оқланишга фақат имон орқали эришиш мумкинлигини жуда яхши тушунишади. Аммо, бизнинг ҳаётимизда бу қандай амалий аҳамиятга эга? Инжил Хушхабари, бу Хабарни узоқ йиллар аввал қабул қилганлар учун нимани англатади? Кўпинча имонлилар, Хушхабар фақат тавба қилиш ва Масихга имон келтириш вақтида муҳим, ундан кейин эса, имонли амрларни ўз кучи билан бажариши ва “ўз-ўзича баркамолликка эришиши” керак, деб ҳисоблайдилар. Бу дарсда биз имон билан оқланиш ҳақидаги Инжил таълимоти етук масиҳийнинг ҳаётига қай тарзда таъсир кўрсатишини кўриб чиқамиз.

I. ХУШХАБАРДАН УЗОҚЛАШИШ

Ҳаворий Павлус ўзининг дастлабки мактубларидан бирини, биринчи миссионерлик саёҳати даврида ташкил қилган Галатиялардаги жамоатларга ёзади. Бу жамоатларда оқланиш ва масиҳий ўсиш саволларини тушунишга нисбатан кўпгина қарама-қаршиликлар пайдо бўлган эди. Шунингдек, улар Масихдаги ўз баҳтиёрликларини йўқотишган (Гал.4:15) ва бир-бирлари билан ҳар доим жанжаллашишар эди.

Павлусни, ўзи ташкил қилган жамоатлардаги бундай ахвол бефарқ қолдиролмаган. У ўз мактубини галатияликларни қаттиқ танқид қилиш билан бошлайди. У шундай дейди: “ҳайронман, сизлар қанчалик тез... бошқа бир “Инжил”га сажда қилдингизлар...” (Гал.1:6-7). Кейинроқ эса, улар учун беҳудага заҳмат чекканидан ҳавотирланишини билдиради (Гал.4:11). Павлус галатияликлардан аччиқланиб, уларни ҳатто “бефаҳмлар” деб атайди (Гал.3:1,3).

Бу муаммоларнинг негизида битта сабаб — Инжил Хушхабаридан узоқлашиш ётганини Павлус яхши тушунар эди. У галатияликларга қарата “Сизларни ким сехрлаб қўйди?” дейди (Гал.3:1). Галатияликларни оқланишга амрларни бажариш орқали эришасизлар, деб ишонтиришган эди. Улар Худога нисбатан жонли умидни ўзларининг шахсий ишлари ва амалларига алмаштиришди (Гал.4:10-11). Улар Хушхабар орқали эмас, балки қонунларни бажариш орқали Худога маъқул бўлишга интилиши (Гал.3:1-5), ва бу билан улар ўзларини ҳақиқий қувват манбайидан маҳрум қилишган эди.

II. ЭНГ КЎП ТАРҚАЛГАН УЧТА АДАШИШ

A. Амрларга риоя қилиш орқали оқланиш

Галатияликларга ўхшаб биз ҳам васвасалар туфайли чинакам масиҳий ҳаётимизни актёрнинг ўйинига айлантириб қўйишимиз мумкин. Одам ўз вақтида жамоатга қатнайди ва барча жамоат тадбирларида иштирок этади ва четдан қараганда ҳаммаси яхши, ҳар холда атрофдагилар учун. Аммо, бу вақтда... ҳатто Худонинг Каломини ваъз қилиш ҳам зерикарли туюлиши, улуғлаш ва ҳамду-санолар эса шунчаки бир расмиятчиликка айланиши мумкин. Масиҳга бўлган имон бу дақиқаларда у одам учун унчалик ҳам аҳамиятли эмас, лекин энг даҳшатлиси, бу ўзгаришларни вақтида сезиш жуда қийин.

Павлус Гал. 3 бобида гапирган сезилмайдиган, бироқ даҳшатли ҳавф мана шудир. Унинг даҳшатлилиги шундан иборатки, бизнинг масиҳий ҳаётимиз шунчаки юзаки бўлиб қолади, — биз фақат ташқаридан қарагандагина масиҳий бўламиз. Бу вақтда эса биз ичимиздан ҳалок бўлиб борамиз. Бу худди рак касалига чалингган, аммо ўз касаллигидан бехабар одамни эслатади. Одам ичидаги бу касалликни сезмайди, лекин бу даврда рак ҳужайралари қўпайиб, ўсиб боради ва хатто организмнинг соғ ҳужайраларини ҳам ўлдиришни бошлайди. Ва ажойиб кунларнинг бирида бу одам ўзининг касал эканлигини билиб қолади ва врачга фақат энди кеч эканлигини билиш учун боради.

B. Гуноҳнинг кучини менсимаслик

Бошқа бир кенг тарқалган хатолик — биз гуноҳни ўз кучим билан енга оламан, деб ишониш. Мисол учун, одам юрагининг бир чеккасида шаҳвоний хисга берилса, дарҳол барча фикр-ҳаёлини Худога қаратиш ва бу васвасани енгиш учун Масиҳдан куч-қувват олишга қаратиш ўрнига, у “буни ўйлашим, бу ишни қилдим, дегани эмас-ку” деб ўзини юпатади ва бунга унчалик эътибор бермайди. Бу одам ўз-ўзини “Менинг ҳаёлларим, менинг феъл-авторимни белгилаб бермайди” ва “буни ўйлаши мумкин, лекин ҳеч қачон буни амалда қилмайман”, деб ишонтиради... Бироқ, ажойиб кунларнинг бирида ўз ичидаги “кичкинагина” гуноҳни ҳар доим бошқара олишига ишонган бу одам, қандай қилиб бегона аёл билан бир тўшакка тушиб қолганини ва “буюк” гуноҳ қилиб қўйганини ҳатто сезмай ҳам қолади.

Рак касалига ўхшаб, гуноҳ ҳам — охири ўлим билан тугайдиган даҳшатли касалликдир. Шундай экан, ўша “бефаҳм” галатияликларга каби ўжарлик билан гуноҳни ўз иродамиз кучи ёки Муқаддас Китоб амрларига кўр-кўрона риоя қилиш билан енга оламиз, деб ҳисобламаслигимиз керак. Гуноҳдан озод бўлишнинг ягона йўли — Худонинг инояти томон йўлни, фақат жонли имон ва Исо Масиҳга бўлган умид очиб беради.

В. Ўз гуноҳи учун қийналиш ва азоб чекиш орқали “кечирим олишга” уриниш

Баъзida ўзимизни гуноҳкор эканимизни ҳис қилиб, биз ўз гуноҳимизни қийналиш билан ювишга ҳаракат қиласиз. Яъни биз гуноҳларимиздан шунчаки тавба қилмаймиз, балки Худонинг кечиримига муносиб бўлишга интилиб, қийналиш орқали ўз тавбаларимизни Худо учун арзийдиган қилишга ҳаракат қиласиз. Ва бу ҳолатда албатта ўз кучимизга ва қобилиятимизга таянамиз.

Мисол.

1544 йилнинг 25 августида Мартин Лютер ўзининг энг яқин ва содик дўстларидан бири Георг Спалатинга хат ёзди. Спалатин Лютерга бир маслаҳат берган ва кейинроқ бу маслаҳатни гуноҳ деб ҳисоблаган эди. Спалатин бу фикрға келганидан кейин ғамга ботиб қийнала бошлади. Мен бунинг гуноҳ эканлигини илгари билишим керак эди ва бундай хатолар мен учун кечирилмас, деб ўйлайди. Спалатин анча вақтгача қийналиб юради. Лютер бу ҳақида эшитганида Спалатинга мана шу хатни ёзди. Бу хатда Лютер шундай деб ёзди: “...мен сени бизнинг сафимизга, яъни биздек буюк ва ашаддий гуноҳкорлар сафига қўшилишингни сўрайман, бироқ сен бизнинг кўз олдимизда Масиҳнинг буюклигини асло камситмаслигинг керак, чунки У бизга фақатгина ўзимиз ўйлаб топган, арзимас ва болаларга хос гуноҳлардан қутулишни хоҳлаганимиздагина ёрдам беради, деб ўйлашлари мумкин. Йўқ, ва яна бир маротаба йўқ! Агар ростданам шундай бўлганда, биз учун фалокатли бўларди. Лекин, Масиҳ бизни жиддий, катта, чиндан ҳам даҳшатли ва ҳалокатли, қисқаси ҳар қандай гуноҳдан халос қилувчи Нажоткоримиз бўлиши керак...”. Кейин, Лютер дўсти Спалатинни тинчлантиришга ҳаракат қиласди, ва қачонлардир ўзи олган ўша маслаҳатни беради. Ундан кейин Лютер шундай деб ёзди: “Бир куни мен ҳам худди шундай аҳволга тушганимда доктор Стаупиц мени юпатган эди. У менга шундай деган: “Нима, сен ўйинчоқ гуноҳкор бўлишга ҳаракат қилиб, шу йўсинда Масиҳни ҳам ўйинчоқ Нажоткор қилиб қўймоқчимисан?! Аммо сен бари-бир Масиҳ ҳақиқий Нажоткор, сен эса ҳақиқий гуноҳкор эканингга қўникишинг керак. Аммо Худо хаёлпараст ҳам, ҳазилкаш ҳам эмас, шунинг учун У жиддий тарзда ўз ўғлини бу дунёга юборди ва бизнинг гуноҳларимиз учун қурбон қилди””.

Хўш, биз киммиз? Биз ҳам ўйинчоқ Нажоткорга муҳтоҷ бўлган ўйинчоқ гуноҳкорлармизми? Ёки ҳақиқий Нажоткорга муҳтоҷ бўлган ҳақиқий гуноҳкорларми? Имон бизни Масиҳ билан бирлаштиради, У билан бирлашиш эса биз бошқа барча нарсалардан воз кечишимизни билдиради. Масиҳнинг биз учун амалга оширган ишларига бирон нарса қўшишимизнинг асло ҳожати йўқ. Бир одам шундай деган эди: “Масиҳнинг амалга оширган ишига биз томондан қўшилган ҳар бир нарса, Унинг фаолиятига фақат ҳалиқит беради. Бу худди, қуёшнинг ботишига қараб завқланаётган пайтимизда, бадбўй ҳид келишига ўхшайди. Қуёшнинг ботиши бу ажойиб, аммо сиз энди у ерда бўлишни хоҳламайсиз”.

III. МАСИҲИЙНИНГ РУҲАН ЎСИШИДА ИМОННИНГ АҲАМИЯТИ

Биз масиҳий ҳаётда башарий кучимиз билан яшай олмаймиз ва айнан мана шу ҳақиқат орқали ўзимизнинг заифлигимизни ва Масиҳга нисбатан имон ва умид билан яшаш муҳим эканлигини англаймиз. Гал.3:2-5 оятларида ҳаворий Павлус бир неча маротаба “билинми” сўзини ишлатади ва бу билан одам қандай қилиб Муқаддас Руҳни қабул қилишига ва Худонинг қуролига айланишини таъкидлайди. Бошида ҳаворий масиҳий ҳаётининг дастлабки вақтларини ва Муқаддас Руҳнинг ваъдасини эсга олади ва шундай деб сўрайди: “*сизлар Муқаддас Руҳни қандай қабул қилдингизлар: Таврот қонунига амал қилиш биланми ёки имон тўғрисидаги хабарни эшитиш биланми?*” (Гал.3:2). Бошқача қилиб айтганда, сизлар Муқаддас Руҳга нима орқали эга бўлдингизлар? Сизнинг масиҳий ҳаётингиз нима билан бошланди? Ҳаворий Павлуснинг фикрича “*имон тўғрисидаги хабарга*” имон келтириш билан (Эф.2:8). Кейин, Павлус масиҳийнинг руҳан ўсишига тўхтатади ва шундай савол беради: “*Сизлар шунчалик фаҳмсизмисизлар? Муқаддас Руҳ кучи билан бошлаб, энди ўзингизнинг башарий кучингиз билан битирмоқчимисизлар?*” (Гал.3:3). Бошқача сўзлар билан айтганда, агар биз ўзимиз бошлай олмаган бўлсак (нажот топишимизни), аммо Худога ва Унинг Руҳи бажарадиган ишларга ишонишимиз лозим бўлса, биз қандай қилиб ўз кучимизга таяниб давом эттира оламиз, деган қарорга келдик? Шундан кейин, Павлус охирги саволни беради: “*Худо сизларга ўз Руҳини баҳш этиб, орангизда ажойиб мўжизалар яратмоқда. У буни қонунга амал қилганингиз учун қилияптими ёки эшиттанларингизга имон келтирганингиз учунми?*” (Гал.3:5).

Эътибор берган бўлсангиз, ҳаворий Павлус, Худо фойдаланадиган воситаларни, яъни **имон ва қонунга амал қилишни** бир бирига қарама-қарши қўйяпди. Биз амал қилиш орқали

әмас, балқи имон орқали, иноят шарофати билан нажот топдик. Бундан ташқари, имон нафақат бизнинг оқланишимиз воситаси, шу билан бирга руҳан ўсишимизнинг ҳам ягона воситасидир. Бизнинг Инжил Хушхабарига бўлган имонимиз ва Худога, Унинг барча ишларига бўлган ишончимиз қанчалик мустаҳланишига қараб, шунчалик руҳан ўсиб борамиз. Масихийнинг оқланиши ҳам, руҳан ўсиши ҳам — имон амалга оширадиган вазифадир.

Ўз кучига таяниш ва умид қилиш — бу, балқи, имонсизликнинг энг яхши амалий таърифи бўлар. Аммо биз Худога бутун юрагимиз билан умид қилишга ва ўзимизнинг башарий табиатимизга таянмасликка даъват қилингандик (ҳик.3:5). Худо бизни солиҳликка ўз кучимиз билан эришишга бошқа ҳаракат қилмасликка чакиради. Бизнинг ўзимизда Масих берадиган солиҳликдан бошқа ҳеч қанақанги солиҳлик йўқ. Имон — бизнинг барча муҳтожликларимизни камтарларлик билан тан олади ва ўз “Мен” имизга әмас, балқи Масихга ва У орқали бериладиган ҳақиқий солиҳлик ва нажотга умид қилади.

Бизнинг нажот топишимиз учун иноятга бўлган муҳтожлигимиз абсолют характерга эга. Худо муқаддасликда баркамолдир ва адолатли ҳукмни талаб қиласди, одам эса гуноҳга тўла. Биз Унинг ўзи берадиган нажотга эришишимиз учун ўз кучимиз билан солиҳликка эришиш умидидан батамом воз кечишимиш ва фақат Масихга умид қилишимиз лозим, бўлмаса бизнинг ҳалок бўлишимиз муқаррар. Аммо руҳан ўсиш жараёнида ҳам Худо бизни ўз кучимизга таяниб қолмаслигимизни буторади. Агар биз Худога яқинлашмоқчи бўлсан, унда Инжил ҳақиқати йўлида юришимиз керак. Солиҳликка ўз кучимиз билан эришиш умид қилиш — бу адашишдан бошқа нарса әмас. Биз имонда қанча кўп ўсиб улғайсан, ўзимизни Масихга бағишишлаб, У билан боғлиқ эканлигимизни кучлироқ англасан, бизнинг ҳаётимизда Худо берадиган куч ва қудрат шунча кўп даражада намоён бўлади.

IV. ИНЖИЛ ХУШХАБАРИНИНГ ХИЗМАТДАГИ МАРКАЗИЙ РОЛИ

Хўш, хизматда бу қандай қўлланилиши мумкин? Кўпчилик имонлилар уларнинг хизматлари натижалари ўзларининг қанчалик яхши ишлашларига, ёки уларга нисбатан Худонинг “айни вақтдаги” мўлжаллаган ишлари “сонига” боғлиқ, деб ўйлашади. Хизматдаги муваффақият ёки муваффақиятсизликларнинг ҳақиқий сабаблари турли хил бўлиши мумкин, лекин, Худонинг бизга нисбатан севгиси ва Хушхабарнинг табиатига кўра хизматимизнинг натижалари шахсий уринишларимиздан кўра, анча кўп даражада Худонинг куч-кудратига боғлиқ.

Ҳаётнинг икки кунини бир-бирига солиштириб кўрамиз. Тасаввур қилинг, шанба кунларининг бирида сиз одатдагидек, эрталаб уйғонасиз, ибодат йиғилишига борасиз. Уйдан чиқишида, қўшнингизни учратасиз, у билан қисқагина, лекин ёқимли сухбат бўлиб ўтади. Кейин сиз кўчага чиқасиз, йўлда кетаётиб об-ҳаводан роҳатланасиз ва атрофингиздаги ҳар бир нарсада Худонинг қўлини кўрасиз. Уйга қайтишда сизга бир одамга Хушхабар айтиш имконияти берилади ва сиз унга Исо Масих ва У таклиф қиласиган нажот ҳақида завқу-шавқ билан гапириб берасиз. Лекин, кейинги шанба бутунлай бошқача ўтди. Сиз эрталаб кеч уйғондингиз, ибодат йиғилишини ўтказиб юбордингиз ва кўчага чиқар экансиз қўшнингиз билан ҳатто саломлашмадингиз ҳам. Бутун кун давомида қандайдир кўнгилсиз воқеалар содир бўлди ва Худо сиз билан бирга экани сезилмади. Сизнинг кайфиятингиз бузилган ва чарчагансиз, бироқ, қанчалик ҳайрон бўлманг, сизга яна бир одамга Хушхабар айтиш имконияти яратиб берилди. Энди сиз бирини танлашингиз керак — бу имкониятдан фойдаланиш ёки ундан воз кечиш, чунки сиз ҳозир ўзингизни Худо ҳақида гапиришга муносиб эмасман, деб ҳисоблаяпсиз. У одам сиздан буни сўраши учун фикран Худога мурожаат қиласиз — ва гувоҳлик берасиз. Бундан кейин Худо сизнинг гувоҳлигинизни марҳаматламайдими? Агар йўқ бўлса, нима учун?

Лекин шуни тушунишингиз зарурки, агар бизнинг Худо билан ўзаро муносабатларимизнинг асоси — Исо Масихга бўлган имонимиз билан оқланиш бўлса, унда ҳатто “ёмон” кунларимиз ҳам бизни Худонинг марҳамати учун номуносиб қилолмайди ва ҳатто “яхши” кунларимиз ҳам бунга бўлган муҳтожлигимизни бекор қилолмайди. Биз иноятга ҳар доим муҳтожмиз.

ХУЛОСА

Инжил Хушхабари ҳар доим бизнинг Масиҳ билан ўзаро муносабатларимизнинг марказида бўлиши керак. Хушхабарни оқланишнинг бошқа ҳар қандай таълимоти билан алмаштириш нажотни қадрсизлантиради. Исо Масиҳнинг хочдаги жасорати, фақат оқланишга бўлган бошқа ҳар қандай уринишлардан воз кечган ва Масиҳда илдиз отган имон одамлари учунгина тўла қимматга эга бўлади. Масиҳнинг амалга оширган ишларига эмас, балки яхши амалларга ва қонунга риоя қилишга, ёки бошқа ҳар қандай савоб ишларга таяниш соҳта солихликни келтириб чиқаради.

Кўпчилигимизнинг муаммолиз шуки, биз қўпинча ўз муҳтожликларимизни тўла ҳис қилмаймиз. Муҳтожликни тушуниш йўқ жойда, имон ҳам йўқ. Имон йўқ жойда эса, Масиҳ билан жонли, таъсирчан алоқа ҳам йўқ. Биз ўз қучимизга таянишдан воз кечишини ва Масиҳда илдиз отган имон билан юришни ўрганиб руҳан ўсиб борамиз. Худонинг бизга нисбатан энг катта хоҳиши: Масиҳга бўлган чексиз муҳтожлигимизни тушуниб етишимиз. Худо Масиҳга бўлган муҳтожлигимиз орқали имонимизни мустаҳкамлайди.

САВОЛЛАР

- Галатиялик имонлилар қандай қилиб Хушхабардан узоқлашишди?
- Одамнинг ўз қучига умид қилиши билан Хушхабарнинг қучига бўлган имон ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
- Имон бизнинг фикларимизга қандай таъсир қилишини тасвирлаб беринг.
- Инжил Хушхабари шахсан сизнинг масиҳий ҳаётингизда қандай рол ўйнайди?

Руҳий Ўсиш

3 Дарс

ИМОНЛИНИҢ ҲАЁТИДА ХОЧНИНГ РОЛИ

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — жамоат ташкил қилувчиларга чинакам руҳий ўсиш учун Исо Масиҳнинг хочи ҳаётимиз марказида бўлиши кераклигини тушунишларига ёрдам бериш.

Дарснинг асосий мазмуни:

- Руҳан ўсиш ҳақида кўпгина нотўғри тасаввурлар мавжуд.
- Бизнинг руҳан ўсиш ҳақидаги нотўғри тасаввуримиз, руҳан ўсишимизга ҳалақит беради.
- Хоч руҳан ўсиш жараёнида марказий ўринни эгаллайди.

Кутиладиган натижалар:

Дарс материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Руҳан ўсиши нима эканини тушуниши керак;
- Руҳан ўсиши учун, у ўз ҳаётини хочга асослаши ва уни бутунлай Масиҳга бағишлиши керак;
- Ўзининг савоб ишларига, яхши амалларига умид қилишни ва таянишни бир четга ийғиштириб кўйиб, Барҳаёт Нажоткоримиз берадиган куч-куватни олиши керак.

СЎЗ БОШИ

Руҳий ўсиш ҳақида жуд кўп ёзилган ва гапирилган. Калом ваъзхонлари бу мавзу бўйича Жамоатнинг бутун тарихи давомида жуда кўп муҳокама қилишган ва баҳсласишишган. Бу савол жамоатларда ваъз қилинади, семинарияларда ва чўпонлар конференцияларида муҳокама қилинади. Нима учун, вақти-вақти билан ўз биродарларимизнинг руҳий ҳалокатларга учраётганларини кўришга тўғри келмоқда? Худога нисбатан севгимиз совумаслиги, аксинча янада кучли ва кучли бўлиши учун нима қилиш керак? Раббимиз билан алоқамиз янада мустаҳмалини учун, Уни янада яқинроқ ва яқинроқ билиш учун имонда қандай ўсиш керак?

Албатта, биз битта дарсда бу саволларнинг барчасига узил-кесил охирги жавобларни беролмаймиз. Биз барча воизхонларнинг қарашларини муҳокам қилолмаймиз ва уларнинг ўртасидаги асрлар давомида этиб келаётган баҳс-мунозарни ҳал қилолмаймиз. Бунинг ўрнига, келинг, биз руҳан ўсиш масиҳий юрагининг ҳолатига қанай боғлиқ эканини тушунишга ҳаракат қиласиз, зеро Каломда айтилишича, айнан юракда содир бўладиган нарсалар қолган барча ишларни ва ҳаракатларни белгилаб беради (Мк.7:14-23). Биз, нима учун масиҳий юрагининг марказини Масиҳнинг хочи эгаллаши кераклигини ва бу руҳий ўсиш учун қандай аҳамиятга эга эканлигини кўриб чиқамиз.

I. РУҲАН ЎСИШ ЎЗИ НИМА?

Келинг, руҳан ўсишга нисбатан энг тўғри ва энг тўлиқ таъриф беришга талабгорлик қилмай, бу ҳақидаги Муқаддас Китоб таълимотининг бир нечта аспектларини кўриб чиқамиз.

А. Руҳан ўсиш — бу Масиҳнинг қиёфаси томон ўзгариш

Биз тавба қилиш учун Худонинг олдига қандай бўлсақ, шундайлигимизча келамиз ва Масиҳга имон келтиришимиз орқали нажот топамиз. Биз руҳан бутунлай ўзгарамиз, “...ким *Масиҳга тегишли бўлса, у янги ижоддир*” (2Кор.5:17) ва одамзоднинг боқий мажбуриятини бажариш — Худони улуғлаш ва Унга сажда қилиш имкониятига эга бўламиз (Ис.45:23). Шунга қарамай, ҳар биримиз Масиҳсиз яшаган узоқ йиллар давомида Худо учун номаъкул бўлган кўпгина одатлар, қарашларни, атрофдагилар ҳақида тасаввурларни орттириб олганмиз, ва булар тавба қилиш вақтида ўз-ўзидан йўқолмайди. Биз тавба қилганимиздан кейин ҳам гуноҳ қилишда давом этамиз. Лекин, ўзини улуғлаш учун бизни қабул қилганидан кейин (Рим.15:7), Худо бизнинг гуноҳкор табиатимизга кўнишиб кета олмайди, зеро “Худонинг иродаси шу: *муқаддас бўлинглар*” (1Сал.4:3). Шундай қилиб, биз Худонинг олдига келиб, тавба қилганимиз дақиқаларидан бошлаб бизнинг руҳан ўзгаришимиз жараёни бошланади (Флп.1:6). Демак, шундай дейиш мумкин: руҳан ўсиш — бу Муқаддас Руҳнинг имонли ҳаётида олиб борадиган доимий ишидир ва бунинг натижасида одам Худонинг муқаддаслигини намоён қилишни бошлайди.

Б. Руҳан ўсиш — одамнинг иштирокидаги Муқаддас Руҳнинг ишидир

Руҳан ўсиш — бу Муқаддас Руҳнинг ишидир, лекин у бизнинг фаол иштирокимизда содир бўлади. Ҳаворий Павлус Филиппи имонлиларига шундай деб ёзган: “*кўпроқ қўрқув ва титроқ билан топган имонингизни бут қилишга тиришинглар...*” (Флп.2:12). Калом Худонинг одамни ўзгарирадиган ҳаракатини олтинни оловда тоблаш билан (1Бутр.1:6,7) ва спорччининг жонбозлик билан қилган ҳаракатига қиёслайди (1Кор.9:24-27). Ёмбилар тўғрисидаги маталда (Мт.25:14-33) ҳазрати Исо, ўз хўжайнинг чиндан ҳам содик бўлган хизматкорлар мукофот олиш учун астойдил меҳнат қиласидар, деб ўргатади.

В. Имонлининг руҳан ўсиши унинг ўзига ва атрофдагиларга нисбатан муносабатида намоён бўлади

Руҳан ўсишни кўпинча Муқаддас Китоб бўйича билим, хизматнинг ҳажми, жамоатдаги мавъзе ва ҳ.з лар билан адаштиришади. Лекин, маълум бир ўлчов мавжудки, сиз бу орқали, ҳеч бўлмаса ўзингизнинг шахсий ҳаётингизда руҳан ўсиш содир бўляпдими, ё йўқми, буни аниқлашингиз мумкин. Муқаддас Руҳ имонлида албатта ўз самарасини келтиради (Гал.5:22-23). Чинакам руҳий ўсиш одамнинг ҳаётида мўл севгини, муҳаббатни, севинчни, хотиржамликни, сабр-тоқатни, лутфкорликни, хайриҳоҳликни, садоқатни, мулойимлик ва ибо ҳислатларини намоён қиласиди. Исо Масиҳ бизларга “*фаровон ҳаёт*” беришини ваъда қиласиди (Флп.4:7). Исо Масиҳ шундай деган: “*Сизлар кўп ҳосил берсангиз Отам улуғланади, сизлар эса Менинг шогирдларим бўласизлар*” (Юх.15:8)

II. РУҲАН ЎСИШДА ХОЧНИНГ РОЛИ

А. Худонинг муқаддаслигини англашда ўсиш

Руҳан ўсиш — бу Худони таниб-билиш. Худованд Еремия пайғамбар орқали шундай дейди: “*Доно, донолиги билан мақтанмасин, кучли кучи билан мақтанмасин, бой бойлиги билан мақтанмасин. Лекин мақтанмоқчи бўлган одам Мени билгани ва танигани билан, Мен — ердаги меҳр шавқатни ҳам, ҳукмни ҳам, ҳақиқатни ҳам амалга оширувчи Худо эканлгимни билиши билан мақтансин, зеро фақат шу Менга маъқулдир*” (9:23-24). Юх.17:3 оятида Исо Масиҳ шундай дейди: “*Абадий ҳаёт эса Сени — танҳо ҳақ Худони ҳамда Сен юборган Исо Масиҳни таниб-билишдан иборатдир*”.

Ҳар бир масиҳийнинг энг асосий интилиши Худони чинакам таниб-билиш бўлиши керак. Худони, Унинг муқаддаслигини ва буюклигини таниб-билишда доимо ўсмасдан, Масиҳга ўхшашда ҳам ўсиш мумкин эмас. Ҳаворий Павлус каби биз ҳам мана бундай дея олишимиз керак: “*Чинакам, Рabbим Исо Масиҳни билишнинг афзаллиги олдида мен ҳамма нарсадан бош тортиб, фойдасиз деб билдим...*” (Флп.3:8).

Б. Ўзимизнинг гуноҳкорлигимизни англашда үсиши


Худони кўпроқ таниб-билганимиз сари, биз ўзимизни ҳам шунчалик яхшироқ билиб борамиз. Худонинг муқаддаслиги бизга қанчалик кўп намоён бўлса, биз ўзимизнинг гуноҳкорлигимизни шунчалик кўп тушуниб борамиз. Унинг улуғворлиги қанчалик буюк эканлигини кўпроқ англашанимиз сари, ўз аҳволимиз ўзимиз учун шунчалик кўп даҳшатли бўлиб боради. Худди мана шундай даҳшатни Бутрус Исо Масиҳнинг мўжизасини кўрганида ҳис қилган эди: “Ё Раббий! Менинг олдимдан кетгин, чунки мен гуноҳкор инсонман... У билан бирга бўлганларнинг ҳаммасини ваҳима боғсан эди” (Лк.5:8-9).

Ҳаворий Павлусни ўз гуноҳкорлигини англашда етук бўлган масиҳийларнинг энг яхши наъмунаси, десак адашмаймиз. 55 йили у ўзини “ҳаворийларнинг энг арзимайдиганиман” деб атади (1Кор.15:9). Кейинроқ эса, тахминан 60 йили у ўзи ҳақида “мен барча азизлар орасида энг арзимаганиман” деган (Эф.3:8). Ва яна кейинроқ, умрининг охирларида 64 йили у ўзини “туноҳкорларнинг биринчиси менман!” деб тан олади (1Тим.1:15). Наҳотки Павлус руҳан үсиш жараёнида чиндан ҳам гуноҳкор бўлиб борган? Тўғрироғи, унинг ўз гуноҳкорлиги ҳақидаги тушунчаси, камтарлиги ва гуноҳга нисбатан хушёrlиги үсиб борган. У қанчалик руҳан үсиб боргани сари, ҳаётининг илгари уни ташвишлантирган, лекин Худога маъқул бўлмаган аспектларини шунчалик яхши тушуниб борган ва Муқаддас Рұхга буларни ўзgartиришига имконият берган.

В. Натижә — тубсизлик

Биз нажотга эришмасимиздан олдин, гуноҳкор одам билан Худонинг муқаддаслиги ўртасида тубсиз жарлик бор эканлигини биринчи марта тушуниб етамиз. Биз тавба қилиб, Худонинг нажотини қабул қылганимиздан кейин хоч бу тубсизликни тўлдиради (расм 3:2). Бироқ, имонга келганимиздан кейин ҳам, биз Худонинг муқаддаслигини ва ўзимизнинг гуноҳкорлигимизни таниб-билишда үсиб борамиз. Лекин, бу ҳар доим ҳам осон кечмайди. Худони таниб-билиш бизни ўзимизга четдан, яъни обеъктив ва холисона қарашимизга мажбур қиласди, — бу эса биз учун жуда қийин ва оғир, чунки биз ўзимизнинг камчиликларимизни яширишга ўрганиб қолганмиз-да. Бироқ, бу қанчалик оғир бўлмасин, руҳан үсуви масиҳий учун бу тубсизлик, унинг Масиҳга бўлган чексиз муҳтожлигини ва Унинг хоҷдаги жасорати қанчалик буюк эканини кўрсатиб беради.

Расм 3.1



Шундай қилиб, Худони ва Унинг буюклигини таниб-билишда ўстганимиз сари, биз хочнинг аҳамиятини англашда ҳам үсиб борамиз. Биз Худони қачалик кўп таниб-бильсак, Унга номуносиб эканимизни ҳам шунчалик кўп англаб борамиз ва натижада Исо Масиҳ орқали У билан ярашганимиз биз учун янада каттороқ аҳамиятга эга бўлиб боради. Худонинг буюклигини қанчалик яхши тушунсак (худди Ишшаё Маъбадда ва Синай тоғининг олдиди Исройл халқи тушунганидек), биз ўз Нажоткоримизнинг буюклигини ҳам шунчалик яхши тушуниб борамиз. Унинг қони гуноҳларимизни ювади ва бизни Худонинг шуҳрати томон олиб бориб оппоқ кийимларга буркайди.

III. МАСИҲИЙНИНГ РУҲАН ҮСИШИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛАДИГАН САБАБЛАР

Юқоридан туғилганимиздан маълум бир вақт ўтиб биз, ҳаворий Павлус каби, аввал ўйлаганимиздан кўра, анча кўпроқ гуноҳкор эканимизни тушунишни бошлаймиз. Ва шу билан бирга, Худонинг муқаддаслиги ҳам биз учун янада баркамол ва эришишнинг иложи йўқдек намоён бўлади. Тубсизлик янада катталашади ва агар илгари бизнинг онгимизда Масиҳнинг хочи бу жарликни тўлдирган бўлса, энди у “камлик қилаётгандек” туюлади. Хўш, бундай вазиятдан қандай чиқиши мумкин?

Варинат 1: Фарзийлик

Баъзи имонлилар бу “үтиб бўлмас жарликни” яхши амаллар, савоб ишлар, хизмат билан тўлдиришга уринишади. Бунда энг асосий маънони имон ва Худога суюниш эмас, балки “муваффақият” ёки “талофот” ўйнай бошлайди. Улар худди Янги Аҳддаги фарзийлар каби яшай бошлашади, фарзийлар учун эса фақат Худо учун амалга оширилган ишлар ягона муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Бироқ, бари-бир ҳеч қанақанги савоб ишларимиз бизнинг чинакам гуноҳкорлигимизни қоплай олмайди ва Худо муқаддаслигининг чинакам талабларини ҳам қондира олмайди. Одам буни тушуниб етганидан кейин ўзи учун турли хил оқлашларни ўйлаб топишга ҳаракат қиласди. Кўпчилик ўзларининг “гуноҳчаларини” Худо учун “унчалик муҳим эмас” деб ҳисоблайдилар ва бу билан Худонинг муқаддаслигини камайтирадилар (расм 3.2 даги 4 рақам). Ва бу билан бир вақтнинг ўзида улар ўзларини “унчалик катта гуноҳкор эмас” деб ишонтирадилар, яъни диаграмманинг пастки қисмини ҳам камайтирадилар (расм 3.2 даги 5 рақам). Мана шу бутун вақт давомида одам башарий табиати билан яшайди ва унинг руҳан ўсиши тўхтайди.

Вариант 2: Умидсизлик ва тушкунлик


Яна бир салбий ҳолат мавжуд. Худонинг муқаддаслиги ва ўзининг гуноҳкорлиги ўртасидаги жарликнинг катталашаётганини кўриб, одам нима қилишни билмай бутунлай умидсизликка тушади. У бу жарликни савоб ишлар билан тўлдирмоқчи бўлади, бироқ тушунадики, Худонинг муқаддаслиги талабларини тўла қондириш унинг қўлидан келмайди.

Одам Худонинг Каломини ўқишига вақт ажратади, бироқ шундай бир кун келадики, буни ҳам қилиш қўлидан келмай қолади. У ўзининг нутқини назорат қилишга ҳаракат қиласди, бироқ буни ҳар доим ҳам уddeлай олавермайди. Мана шундай дақиқаларда бу одамга, унинг Худо билан юрган йўли — фақат талафотлардан иборат бўлиб туюлади, Худо уни ҳали ҳам севишига ишонолмай қолади. Ўзининг хатоларини кўриб “мен ҳеч қачон чинакамига Худога маъқул бўлолмайман” деган хуносага келади. Охир-оқибат тамоман умидсизлик ва тушкунлик ҳолатига тушади.


Жавоб: Хоч ўсиши керак

Бу муммоларнинг илдизи битта, демак ечими ҳам бир хил. Фарзий ўзимнинг савоб ишларим, яхши амалларим билан Худонинг марҳаматини қозонаман, деб умуман нотўғри ишонади, умидсизликка тушган одам эса бунинг иложи йўқлигини тушунади, бироқ бу икки ҳолда ҳам ҳақиқий хато — ҳисоблашда. Яъни, фарзий ҳам, умидсизликка тушган одам ҳам Масиҳнинг қурбонлиги етарли эканига ишонмай, бу қурбонликка нимадир “қўшишга” ҳаракат қиласди.

Шуни ёдимизда сақлашимиз керакки, Худонинг муқаддаслиги ва ўзимизнинг гуноҳкорлигимиз бўйича, фақат бизнинг тушунчамиз ўсяпди. Уларнинг ўртасидаги жарлик чексиз, биз ўз онгимизда тасаввур қилишимиз мумкин бўлган катталиктан анча каттадир. Аммо, бу тубсизлик қанчалик улкан бўлмасин, Масиҳнинг қурбонлиги уни чиндан ҳам тўлдиради, зоро “У биттагина қурбонлик келтириб, ишонувчиларни муқаддас қилди ва абадий камолга эриштирди” (Ибр.10:14). Шундай қилиб, Худонинг муқаддаслиги ва ўзимизнинг гуноҳкорлигимизни тушунишимиз билан, Масиҳга бўлган имонимиз ҳам ўсиши керак (Расм 3.3).



Расм 3.3. йусувчи Ҳоч



Бу амалда нимани билдиради? Худонинг муқаддаслиги ва ўзимизнинг гуноҳкорлигимиз ўртасидаги тубсизликни кўрганимизда, бизнинг олдимизда ҳар доим танлашимиз керак бўлган иккита имконият туради. Биринчи имконият — ўз гуноҳимизни ёлғон билан ювиш ва бу билан Худо адолатининг талабларини камайтириш ёки жавобгарликларни вазиятларга, бошқа одамларга ва ҳ.зга тўнкаб қўйиш. Бу йўл руҳий кўрликка олиб боради ва фарзийча мағрурлик, ёки бўлмаса умидсизлик ва тушкунлик билан тугайди. Иккинчи имконият — ўз гуноҳларимизни Худонинг олидидаги очиқ ва чин дилдан тан олиш ва Масихнинг қурбонлиги эвазига оқланиш. Фақат мана шу ҳолда Муқаддас Руҳ бизга кечирим ва далда беради, ўргатади ва мустаҳкамлади, хизматимиз учун янги имкониятларни очиб беради.

ХУЛОСА

Исо Масихнинг хочи ҳар бир масиҳийнинг ҳаётида марказий ўринни эгаллаши керак. Хеч қанақангি савоб ишлар ҳам, хизмат ҳам ва амрларни бажриш ҳам бизни Худога яқинлаштира олмайди — фақат Ҳалоскоримизнинг қурбонлиги Худонинг муқаддаслиги билан бизнинг гуноҳкорлигимиз ўртасидаги тубсиз жарликни тўлдиради. Гуноҳкорлар, хатто оқланганлар учун ҳам Худо билан учрашадиган бошқа жой йўқ, ягона жой — хоч қаршисида.

Худони таниб-билганимиз сари, биз борган сари Унинг қиёфаси томон ўзгариб борамиз. Инжил Хушхабари биз учун янада кўпроқ аҳамият касб этиб боради ва Раббимиз билан алоқа қилишга бўлган муҳтожлигимиз доимий эҳтиёжга айланади.

САВОЛЛАР

- Руҳан ўсиш ўзи нима? Тавба қилишда содир бўлгадиган жараён билан унинг боғлиқлиги нимадан иборат?
- Муқаддасликда ўсиш қандай содир бўлади? Ўзингизнинг мисолингизда бу жараён кундалик ҳаётда, амалда қандай содир бўлаётганини тасвирлаб беринг.
- Шахсан сиз учун руҳан ўсишингизга тўскинлик қиласидиган энг катта сабаб нимадан иборат?

ТОПШИРИК

Бошқа бир одамга, шахсан сиз руҳан ўсиш ҳақида нималарни билиб олганингизни тушунтириб беринг. Хочнинг ҳар бир имонлиниң ҳаётидаги аҳамияти бўйича янги тушунчангиз шарофати билан ўз ҳаёtingизда қанай ўзгаришлар содир бўлгани ҳақида мисоллар келтиринг.

Рұхий Ўсиш

4 Дарс

ГУНОХНИНГ ҲОКИМИЯТИДАН ОЗОД БЎЛИШ

Хушхабарнинг ўзгартирувчи кучи

Дарс мақсади:

Тингловчиларга, Исо Масихнинг қурбон бўлиши ва қайта тирилиши орқали биз қандай қилиб гуноҳ ҳокимиятидан озод бўлганимизни, имонимиз билан яшаётган бу янги ҳаётимизда қандай қилиб Исо Масихнинг куч-қудратини хис қилишимиз мумкинлигини тушунтириш.

Дарснинг асосий мазмуни:

- Бизнинг нажот топишимиз, биз ичимиздан бутунлай ўзгарганимизни билдиради.
- Масихдаги “янги ижодга” айланиб, биз гуноҳни енгиш учун куч-куvvват оламиз.
- Худо биздан Унинг кўз ўнгидаги Муқаддас Рух билан юриб, гуноҳкор табиатимизнинг хоҳишлирага берилмаслигимизни хоҳлади.

Кутиладиган натижалар:

Дарс материyllарини ўрганиб ҳар бир ўқувчи:

- Масих билан бирлашиш муҳим эканлигини ва У бизни гуноҳдан озод қила олиш кудратига эга эканлигини тушуниши керак;
- Ҳазрати Исода қайта туғилганлигига ва гуноҳ ҳокимиятидан озод бўлганига ишониб яшashi керак;

СЎЗ БОШИ

Инжил Хушхабари бизнинг Худо билан ўзаро муносабатимизнинг асоси бўла олади. Худонинг нуқтани назари бўйича, ўзаро муносабат бевосита Унинг кечирими ва Масих орқали берилган солиҳлик асосида қурилади. Бу ҳақиқат бизга ўз ҳаётимизда гуноҳни енгиш қобилиятини бериши керак, зеро бунинг натижасида ҳар бир шахснинг ички дунёси ҳар доим ўзгариб боради. Лекин, бизнинг кўпчилигимиз ўз ҳаётимизда ҳали ҳам гуноҳ билан курашиб келяпмиз ва ҳатто баъзида биз ердаги умримиз давомида чиндан ҳам ўзгарамизми, деб шубаҳаланамиз. Хўш, нима учун имонлилар гуноҳ қилишади ва гуноҳ устун келганда нима қилиш керак? Биз Хушхабардан фойдаланиб қай тарзда бутунлай ўзгаришимиз мумкин?

I. ИНОЯТ ВА ГУНОҲ

Иноят — бу масиҳийликнинг асосий тушунчаларидан биридир. Уни одатда, Худонинг одамларга “номуносиб ҳиммати” деган маъно билан ҳам аташади Бошқа бир маъноси — “инсон руҳини қувватлантириш ёки ичидан мустаҳкамлаш”. Бу икки хил маъно бир бирини умуман истисно қилмайди ва уларни бемалол бирлаштириш мумкин. Гуноҳ лаънатлангани туфайли иноят бизга меҳр-шавқат учун зарур, аммо шу билан бирга иноят одамни гуноҳ ҳокимиятидан озод қилиши учун уни руҳан қувватланишига ва мустаҳкамланишига ёрдам сифатида ҳам зарур. Янги Аҳдда гуноҳ ҳокимиятидан озод бўлишнинг анча кенг тушунчаси иноятнинг бу иккала маъносини ҳам ўз ичига олади (оқланиш ва покланиш).

А. Табиий савол: имонлилар гуноҳ қилишни давом эттиришлари мумкинми?

Агар Худонинг инояти ҳақиқатдан ҳам буюк бўлса ва бу иноятга номуносиб бўлган одамга чексиз берилса ва лекин бу иноятга фақат Исо Масихга бўлган имон туфайли эришилса, унда қуйидаги саволни берилиши табиий: демак, Худонинг инояти бизга мўл қилиб берилса, биз яна гуноҳ қиласверамизми? Агар бу савол сизнинг юрагингизда ҳеч қачон туғилмаган бўлса, унда ўзингизни текшириб кўринг, чунки Худо билан муносабатингиз қайсиdir томони билан ўзингизнинг итоаткорлигингиз ва камтарлигингиз асосида қурилганлиги ҳавфи мавжуддир. Бундан ташқари яна шундай савол ҳам туғилиши табиий: Агар чиндан ҳам Худонинг инояти гуноҳларимизга қарамасдан мўл қилиб берилаётган бўлса ва биз амалларимизга қараб эмас балки имонимиз билан оқлансан, унда биз бундан кейин ҳам гуноҳ қилиб, Худонинг инояти яна уни қоплаб кетади, деб ҳисоблашимиз мумкинми? Бизга бундан буён ҳам гуноҳ қилишга ижозат берилганми?

Ҳаворий Павлус Галатияликларга мактубида айнан шу масала ҳақида гапириб, шундай дейди: “...Фақат бу эркинликни нафсингиз учун қурбонлик қилманглар...” (Гал.5:13). Яна Павлус худди мана шу савол билан Римликларга (6-боб) ҳам мурожаат қиласди: “Хўш, нима дейлик? Иноят кўпайсин, деб гуноҳ қилишни давом эттираверайликми? Асло! Биз гуноҳ қаршисида ўлганмиз. Энди гуноҳ қилиб қандай яшаверамиз?”

Б. Муқаддас Китоб берадиган жавоб

Бу саволларга жавоб битта маънодан иборат — биз гуноҳ қилмаслигимиз керак. Чинакам масиҳийлар буни яхши тушунишади ва гуноҳ қилмасликка ҳаракат қилишади. Гуноҳ қилмасликка интиладиган содик масиҳийларга, ўzlари учун зарур бўлган шахсий интизом ва баъзи-бир қонун-қоидалар ўз ҳаётий нормаларига айланган. Бироқ, гуноҳни енгишнинг энг асосий йўли имонлининг ички “Мен”ининг ўзгаришидир.

Агар биз бу саволга Римликлар 6 бобида берилган жавобни батафсил ўрганиб чиқсақ, имонлининг қандай қилиб ичидан ўзгаришини тушуниб олишимиз мумкин. Бу лавҳани ўрганиб, нафақат биз нима учун гуноҳ қилмаслигимиз керакалигини тушунамиз, шу билан бирга янги бир туйғуни, гуноҳ ҳокимияти остидан озодлик туйғусини ҳам ҳис қиласми. Бу иноят остидаги ҳаётнинг ўта муҳим бўлган аспектидир. Нажот топишимиз учун Худо бизга иккита энг муҳим муаммони ҳал қилиб берди: У бизни ўзи билан яраштириб, муқаррар жазодан халос қилди ва бизни гуноҳ ҳокимиятидан озод қилди, натижада биз энди Уни ҳақиқий озод инсон сифатида севишимиш мумкин. Рим.6:1-2 оятлари шундай деб ўргатади: биз масиҳий бўлмасимиздан илгари гуноҳ қилиб яшаганимиздек, энди гуноҳ қилаолмаймиз, чунки “*биз гуноҳ қаршисида ўлганмиз*”.

Исо Масих билан бирга ўлиб тирилганимиздан кейин, биз гуноҳ ҳокимияти остидаги эски ҳаёт ўрнига янги ҳаётга эгамиш. Гуноҳ учун ўлиш — энди биз учун шунчаки яхшилик умиди эмас балки ҳақиқатга айланди, чунки Исо Масих гуноҳ учун ўлди ва биз сувга чўмиб У билан бирга ўлдик.

Ўлим — бу бутунлай йўқ бўлиш эмас, балки айрилишdir. Гуноҳ учун ўлим — бу гуноҳнинг бутунлай нобуд бўлганини билдирамайди, балки гуноҳдан айрилганимизни билдиради, чунки биз Исо Масих билан бирга ўлганмиз. “...*Биз сувга чўмиб Масих билан бирга ўлдик ва кўмилдик*” (Рим.6:4). Шу тарзда, сувга чўмиш бизни Масиҳнинг гуноҳ учун ўлишида ҳам, кўмилишида ҳам ва тирилишида ҳам У билан бирлаштиради.

Бизнинг нажот топишимиз учун Худо бизга энг муҳим бўлган иккита муаммолизни ҳал қилиб берди: У бизни ўзи билан яраштириб гуноҳ учун бериладиган жазодан халос қилди ва бизни гуноҳ ҳокимиятидан озод қилди.

II. УНИНГ ЎЛИМИНИ ТАН ОЛИБ СУВГА ЧЎМИШ — У БИЛАН БИРГА ТИРИЛИШ (РИМ.6:3-10)

Ҳаворий Павлуснинг Римликларга мактубида гуноҳга тегишли бўлган саволга жавоб топишимиз мумкин. Павлус Худонинг фарзанди бўлган шахснинг ўзгаришини тасвирлаш учун “сувга чўмиш” иборасидан фойдаланади. Келинг, Рим.6:3-10 оятларини батафсил ўрганиб чиқамиз.

A. Исо билан бирга ўлганимиз

1. Биз қандай қилиб ўлдик? (Рим.6:3-5)

Рим.6:3-5 оятларида биз Масиҳ билан бирга қандай ўлганимиз ва бунинг натижасида ички дунёйимиз қандай ўзгаргани ҳақида тушунтирилади. Биз Исо Масиҳ билан бирлашдик ва сувга чўмганимизда У билан бирга ўлдик. Аммо биз сувга чўмиб Исо Масиҳ билан бирга ўлганимиз масаласини кўриб чиқишдан аввал, дикқат-эътиборимизни гуноҳ учун ўлишимиз нималарга имкон беришига қаратишимиш лозим. Бу Масиҳ билан бирлашишимиз натижасида содир бўлди. Бу оятларда биз Масиҳ билан бирлашганимиз тўғрисида бир неча марта таъкидланади. 3-ојтда: “*биз Исо Масиҳни тан олиб сувда имон келтирганимизда ҳаммамиш ҳам Унинг ўлимини тан олиб имон келтирдик*” деб ёзилган; 4-ојтда эса: “*биз Масиҳ билан бирга ўлдик ва қўмилдик*” дейилади; 5-ојтда — “*ўлишда Масиҳга эргашдик*” ва ниҳоят 8-ојтда “*Масиҳ билан бирга ўлдик*” деб таъкидланади.

Бу барча тасдиқлар, биз Масиҳ билан бирлашишимиз туфайли У каби ўлганимизлигимизни кўрсатиб аниқ гувоҳлик берадики. Агар биз гуноҳ қилишга мубтало бўлган ўзимизнинг гуноҳкор табиатимиздан озод бўлмоқчи бўлсак, унда биз ўзимизни, эски ўзлигимизни ўлдиришимиз керак. Худо бизни ажойиб тарзда Масиҳ билан бирластирганда, У бизнинг эски вужудимизни ўлдириди, гарчи биз олдингидек тирик бўлсак ҳам.

5-ојтдаги “*эргашамиз*” (“*Масиҳга эргашган бўлсак*”) тушунчаси (русча таржимада “*соединены*” сўзи), — бу грекчада “*сүмфутос*” термини бўлиб, бу термин ўсимлик новдалари бир-бирига уланганда ишлатилган. Қачонки бир ҳосилдор дараҳт новдаси бошқа бир дараҳтга пайванд қилинганда, греклар уни “*сүмфутос*” бўлди, яъни пайванд бўлди, деб аташган. Бу жонли, органик уланиш эди. Биз ҳам Исо Масиҳга имон келтирганимизда Унга худди шу сингари пайванд бўлганмиз ва Унинг ҳаёти бизга янги вужуд бағишилаган. Аммо биз бу янги вужудда озод яшшимиз учун олдин ўлишимиз керак, чунки биз гуноҳ қилишга мубтало бўлган эски ўзлигимиздан кутулишимиз керак. Шунинг учун биз ўлишда ҳам Масиҳ билан бирлашамиз.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, биз содда қилиб шундай дейишимиз мумкин: Масиҳга чин дилдан имон келтирган одам У билан Унинг ўлими орқали бирлашади. Бизнинг ўлишимиз имон орқали содир бўлади ва шунингдек, қанчалик ўлишимиз бизнинг имонимиз қанчалигига боғлиқ. Гарчи ичимиздаги гуноҳкор табиат бари-бир тирик ва аввалгидек биз учун душман бўлиб қолса ҳам, аммо биз энди унинг ҳокимияти остида эмасмиз ва гуноҳ бизни кишанлаб қўймаган. Биз эришган янги ҳаёт мана шундай. Агар биз чинакам масиҳий ҳаёт билан яшамоқчи бўлсак бунинг ҳақиқат эканлигига ишонмоғимиз лозим.

2. Бизнинг Масиҳ билан ўлишимиз натижадида нима содир бўлди?

6-ојтда таъкидланишича, Масиҳ билан бирга ўлишимиз натижасида, бизнинг “*эски ўзлигимиз*” йўқ қилинган. Бу “*эски ўзлигимиз*”, Масиҳга имон келтирмасимиздан ва Унда қайта туғилмасимиздан илгари мавжуд бўлган бизнинг ички ”мен“ имиз эди. Лекин Масиҳ билан бирга ўлганимиздан кейин бизнинг бу ички ”мен“ имиз ҳам ўлди, натижада бизнинг гуноҳкор вужудимиз “*йўқ қилинди*”. Ўзбекчага “*йўқ қилинди*” деб таржима қилинган бу грекча “*катаρgeo*” сўзи, асл нусхада “*бутуналай йўқ қилинди ёки энди мавжуд эмас*” деган маъноларни билдирамайди, гарчи ичимиздаги гуноҳ йўқ қилинган бўлса ҳам. Бу сўз грекчада “*қобилиятидан, ҳаракатдан маҳрум қилиш*” деган маънони, яъни уни бирон нарсага таъсир

қилиши ва бирон нарса қилишидан маҳрум қилиш маъноларини билдиради. Рим.7:1-4 оятларида ҳаворий Павлус эри бор аёлни эри ўлса, боғлиқлик қонунидан, яни ўз эри ҳокимияти остидан озод бўлади деб тушунтиради. Худди мана шунга ўхшаб, биз ҳам гуноҳдан шу тарзда озод бўлдик, чунки бизни бошқараётган унинг ҳокимияти йўқ қилинди. Гуноҳнинг кишанлари парчалаб ташланди ва биз унга бошқа қул эмасмиз.

Б. Охирги натижа: Масихдаги янги ҳаёт

Бу лавҳанинг охирги оятлари бизнинг ички “Мен” имиз қандай қилиб ўзгариши, янгидан туғилиши ҳақида тушунтиради. Биз нафақат Масих билан бирга ўлганимизни, шунингдек, У билан бирга қайта тирилганимизни ҳам билиб олдик. Биз нафақат ўлдик, биз яна янги ҳаёт учун тирилдик ҳам. Масих билан бирлашишимиз шарофати туфайли, энди бизнинг ички “Мен” имиз ҳам тирик. 4-оятда айтилишича, Масих сингари Самовий Отамизнинг улуғвор қудрати билан тирилган эканмиз, демак биз ҳам бу улуғворликни намойиш қилиб янги ҳаётда юришимиз керак. Зоро, Масихни ўликлардан тирилтирган бу улуғвор қудрат бизни ҳам худди шундай тирилтириди.

Охирги натижа шундан иборатки, ўта қудратли куч таъсирида биз билан ғайритабий ҳодиса юз берди, натижада бизнинг ички “Мен” имиз бутунлай ўзгарди. Яъни эски одам ўлди, энди унинг ўрнига бутунлай янги туғилган одам яшамоқда. Хўш, бу янги туғилган одам қандай одам? 6-бобнинг 6-7 оятларидан биз биламизки, бу янги одам гуноҳ қилишдан озод ва гуноҳга қул бўлмаган одамдир. Мана биз Масихда киммиз! Бироқ, бу биз энди бошқа мутлақо гуноҳ қилмаймиз дегани эмас, йўқ, танлаш эркинлиги ўзимизда қолган. Лекин, Масихнинг биз билан бирга эканлиги, гуноҳ устидан ғалаба қозонишимизга имкон беради.

С. Имон орқали Масихдаги янги ҳаётга эга бўлганимизни тан олишимиз

Масихийлар учун бу ҳақиқатларни ўзларининг кундалик ҳаётларига айлантиришлари жуда зарурдир. Биз ҳаммамиз биламизки, гуноҳ аввалгидек бизнинг ичимиизда ва ердаги ҳаётимиизда ҳар доим у билан қурашиб яшашимизга тўғри келгани учун, бир кун келиб Масихдаги ҳақиқий ҳаётимиизнинг келажагини йўқотиб қўйишимиз мумкин. Чунки, шундай вақтлар бўладики, биз ўзимизни гуноҳдан бутунлай озод хис қилмаймиз ва биз билан чиндан ҳам ғайритабий ва қудратли бир ҳодиса юз берганига шубҳаланишни бошлаймиз. Ана шунда биз Павлуснинг мана бу сўзларига қўшилишимиз мумкин бўлади: “Мен истаган яхши ишни қилмаяпман, аксинча, истамаган ёмон ишни қилляпман” (Рим.7:19).

Айнан шунинг учун ҳаворий Павлуснинг якуний сўзлари (Рим.6) биз учун жуда муҳимдир. Бу лавҳада Павлус уч маротаба бу ҳақиқатни билишимизга даъват қиласи (3,6,9 оятлар). Павлус, Масихда биз билан ҳақиқатда нима содир бўлганини тўла тушуниб олишимизни хоҳлайди. Кейин, 11-оятда шундай хулосани келтиради: “Шунга ўхшаб, сизлар ҳам ўзларингизни гуноҳ қаршисида ўлик, лекин Раббимиз Исо Масих билан бирлашган ҳолда Худо қаршисида тирик ҳисобланглар”. Бу оятдаги грекча “логидзомай” сўзи санамоқ, ҳисобга олмоқ, (эътиборга олмоқ) маъноларини билдиради ва бу математикада ҳисо-китоб жараённида қабул қилинган терминидir. Мазкур лавҳада бу сўз ҳақиқатни бутунлай тан олиш, ҳақиқатга қўшилиш маъноларини билдиради. Ҳаворий Павлус биз учун энг асосий ва жуда муҳим бўлган бу ҳақиқатга тўла ишонишимизга ва қабул қилишимизга даъват қиласи. Бу ҳақиқатнинг мағзи шуки, бизнинг “эски ўзлигимиз” энди йўқ. У гуноҳнинг қули эди, лекин биз Масих билан бирга ўлиб тирилганимизда у хочга михланди ва биз янги вужудга эга бўлиб янгидан туғилдик. Мана шу ҳақиқатга ишониб яшашимиз бизнинг чинакам масиҳий ҳаётимиизни билдиради. Демак баъзи пайтларда ўзимизни қандай хис қилишимиз амалга ошган ва содир бўлган ҳодисани ҳақиқат эканлигини инкор қила олмайди. Биз ҳар куни қилган гуноҳларимизни тан олиб тавба қилишимиз ва биз чиндан ҳам Масих билан бирлашганимизга ва бундан буён хар доим У билан бир бўлиб яшашимизга ишонишимиз керак.

Ш. ҲОКИМИЯТ ГУНОҲ ҚИЛМАЙДИ

Инжилда Римликлар мактубининг 6-бобида биз Масих билан Унинг ўлимида ва қайта тирилишида бирлашдик, деб гапирилади. Унинг гуноҳ устидан қозонган ғалабаси бизнинг ғалабамизга айланди. Гуноҳ энди бизнинг устимиздан ҳоким эмас. Аммо, бу энди гуноҳ бизга яна зарар етказишга ҳаракат қилмайди, дегани эмас. Гуноҳ бизнинг устимиздан ҳоким эмас, лекин, шунга қарамасдан у бизни ўзига бўйсундириш учун ҳар доим имкониятлар қидиради.

Балки сиз “Лекин, мен ҳар доим гуноҳ билан курашман. Хўш, мен уни қандай енгишим мумкин?” деб ўйлаётгандирсиз. Ишончингиз комил бўлсин, ҳеч қандай қонунлар рўйхати, ҳеч қандай шахсий тартиб-интизом масиҳийни ҳаётда ғалабага эриштирмайди. Биз башарий табиатимиз билан гуноҳни енгиш учун яна ва яна уринишими мумкин, лекин булар бизни муқаррар янги ва янги талофотларга олиб боради, чунки бизнинг башарий табиатимизнинг ўзи гуноҳкордир. Гуноҳни фақат, биз Масихда ким эканимизни тўла англаган ҳолда енгишимиз мумкин.

A. Янги табиат

Сиз масиҳий бўлганингиздан кейин, илоҳий табиат, шунчаки сизнинг эски гуноҳкор моҳиятингизга “қўшилмади”. Сизнинг табиатингиз бутунлай ўзгарди — сиз янги ижод бўлдингиз (2Кор.5:17). Худонинг фарзанди бўлиб, сиз қорнгулик шоҳлигидан нур шоҳлигига ўтдингиз. “Эски ўзлигимиз У билан бирга михланди” (Рим.6:6). Илгариги табиат ўз кучини тамоман йўқотди!

Хўш, энди янги табиатга эга бўлиб, биз нима учун яна гуноҳ қиласиз? Янги Аҳдда имонли ҳаётидаги гуноҳни таърифлаш учун жуда кўп маротаба битта грекча сўз ишлатилади. Бу сўз ўзбекчага “башарий табиат” ибораси билан таржима қилинган. Хўш, башарий табиат, дегани нима? Бу — бизнинг гуноҳ қилишга “ўрганган”, “одатланган” тафаккуримизнинг, табий эҳтиосларимизнинг бир қисми, нафсимиз. Дунё, имонга келмаган ўқитувчилар, шайтон васвасалари, буларнинг барчаси бизда фикрлашнинг ва ҳулқ-атворнинг маълум бир моделини ишлаб чиқсан. Бизнинг ҳаётий тажрибаларимиз дунёвий йўллар билан Худосиз ҳаёт малакларини ўзига жамлаб олган.

Б. Илоҳий Руҳ амри билан яшаш

Башарий табиат амри билан яшаш ва Илоҳий Руҳ амри билан яшаш ўртасидаги қарама-қаршиликлар Рим.8:5-7 оятларида аниқ-равshan қилиб келтирилган. Биз бу оятларда одамнинг фикрлаши башарий ёки илоҳий бўлиши мумкинлигини ўқиймиз. Бизнинг дунё тарбиялаган башарий табиатимиз гуноҳга олиб борадиган дунёвий ўй-фиқрга эга бўлади. Биз имонлилар, башарий табиатимиз амри билан эмас, балки Илоҳий Руҳ амри билан яшшимиз керак (Рим.8:9; Гал.5:16). Бизда танлаш ихтиёри бор (Рим.12, 13). Имонга келмаган одамларда эса бу танлаш ихтиёри йўқ — чунки улар Илоҳий Руҳга эга эмаслар, улар фақат башарий табиат амри билан яшашга мажбурлар. Аммо, биз башарий табиат билан яшашга мажбур эмасмиз. Биз башарий табиатимиз амрларини Илоҳий Руҳ амрларидан ажратишни ўрганишимиз керак. Инжилда ёзилганидек, “Илоҳий Руҳ амри билан яшанглар, шунда табиатингиздаги ёмон эҳтиослар жунбушга келмайди” (Гал.5:16).

В. Худонинг оиласидаги ҳолатимиз

Масихни билмасдан, биз гуноҳкор эдик, лекин Худонинг фарзандига айланиб, биз муқаддас бўлдик. Хўш, биз ўзи киммиз — гуноҳкорми ёки муқаддас? Бу саволга жавоб бериш уччалик осон эмас. Ўзимизни қисман муқаддас, қисман эса — гуноҳкор, қисман — нурда, қисман эса — зулматда ҳисоблаб, биз доимий ички кураш қопқонига ва умидсизликка тушишимиз муқаррар. Ўзларининг янги табиатга эга бўлганиларини ҳис қилиб, имонлилар бу ҳакида унутмасликлари лозим. Гуноҳ билан тўқнашганимизда, биз ўзимизни Худонинг фарзанди эканимизни ўйлашимиз керак. Ўзимизнинг янги унвонимизга — Худонинг фарзанди деган унвонга муносиб яшшимиз учун, биз ўзимизни муқаддас деб билишимиз лозим.

Г. Фикримизнинг янгиланиши

Кўпгина гуноҳ ишлар бемаъни фикрлаш орқали бошланади. Бизнинг гуноҳкор фикрлашимиз ҳам “фикримизни янгиланиши орқали тубдан ўзгариши” керак (Рим.12:2). Бизнинг ўй-фикрларимиз — бу гуноҳ билан курашнинг эпицентри. 2Кор.11:3 оятларида худди Момо ҳаво шайтон томонидан алдангани каби, бизнинг ўй-фикрларимиз ҳам Масихга чин дилдан ва самимий сажда қилишдан чалғитилиши мумкинлиги таъкидланади. Тарихнинг турли даврларида шайтон Довуднинг, Сулаймоннинг, Ҳананиянинг, Коринфлик имонлиларнинг ўй-фикрларини ёмон йўлга бошлашга эришган, демак, у сизнининг ҳам ўй-фикрларингизни мана шундай йўлдан озиришга ҳаракат қилиши мумкин. Айёр шайтон сизга шундай ўй-фикрларни бериши мумкинки, сиз уларни ўзингизни деб ва ҳатто Худоники деб қабул қиласиз. Имонли одам “ҳар қандай фикрни Масихга бўйсудириб асир қиласи” (2Кор.10:5).

Д. Ҳақиқатни билиш

Гуноҳнинг кучи нимада? Инжилда ёзилишича, иблис — “ёлғончи, ёлғоннинг отасидир” (Юх.8:44). Ҳар бир васвасанинг орқасида ёлғон туради. Лекин, Инжилда яна, Исо Масихнинг мана бу сўzlари ҳам ёзилган: “Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қиласи” (Юх.8:32). Ҳақиқат — бу бизни гуноҳдан асрайдиган ҳимоямиздир. Ўзимизнинг ҳақиқий, ғалаба келтирадиган табиатимизни билиб, биз, Масихдаги имонлилар, гуноҳнинг қуллигидан озод бўламиз.

ХУЛОСА

Инжил Хушхабари — бизнинг Худо билан муносабатларимиз асосидир. Худонинг нуқтай назари бўйича, бизнинг У билан алоқамиз фақатгина Масихнинг нажоти ва биз имон орқали эга бўладиган Унинг мутлақо солиҳлиги асосида курилади. Бу ҳақиқат бизга Худонинг олдида ўз гуноҳларимизни чин дилдан тан олишимизга ва шу билан бирга, Унинг бизга нисбатан чексиз меҳр-шавқатли эканига ишонишимизга имкон беради. Хушхабар бизни солиҳ ҳаёт кечиришга ўзимизнинг солиҳ ишларимиз билан эмас, балки Худонинг инояти, Масихнинг солиҳлиги билан яшашга руҳлантиради.

Гуноҳ устидан ғалаба қозонишнинг энг муҳим фактори — бу Масихдаги жонли, ўсуви, таъсири имон, Унинг хоҷдаги жасорати билан тасдиқланган имон, Унинг кучига бизда қудрат билан, гуноҳкор одатларимизни ва заифликларимизни очиб берган ҳолда ҳаракат қилишига имкон берувчи имондир. Имон бизга Худонинг иноятини чуқурроқ ва янада чуқурроқ тушунишимизга имкон беради ва бизни Худони янада яқинроқ таниб-билишимизга олиб боради.

САВОЛЛАР

- Қандай қилиб масиҳий ўз ҳис-туйғуларига Худонинг Каломига бўлган имоннинг ўрнини эгаллаб олишига имкон бериб қўйиши ва бу билан ўзининг Масихдаги ҳаётига бизнинг берадиган баҳоимизга таъсири қилиши мумкин?
- Қачонки гуноҳ билан курашган вақтингизда сизга нима куч-куват беради: ўз ҳаракатларингизми ёки имонингиз мустаҳкамлигими?
- Рим.6:11-оятидаги грекча “логидзомай” сўзининг имон билан қандай алоқаси бор?
- Ҳаворий Павлуснинг Римликларга мактубидаги сўzlари бўйича сизнинг гуноҳкор табиатингиз билан нима содир бўлади?
- Биз қандай қилиб Рух амри билан яшашимиз мумкин?

Рұхий Ўсиш

5 Дарс

РУХИЙ ЎСИШ КУНДАЛИГИ

Кундаликни олиб бориш

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — тингловчиларни ўз диққат-эътиборларини рұхан ўсишларига ва хизматда ўсишларига қаратишларыда ёрдам берадиган рұхий ўсиш кундалигини олиб бориш билан таништириш.

Дарснинг муҳим томонлари:

- Нима учун рұхий кундалик керак?
- Худо билан ҳар күнлик муносабат.
- Сизнинг ҳар күнлик хизматингизнинг рұхий кундалиги.

Кутиладиган натижалар:

Дарс материаларини ўрганиб ҳар бир ўқувчи:

- Рұхий кундалиқдан, ўз диққат эътиборини, имонлининг биринчи даражали вазифаси бўлмиш — Худо билан шахсий муносабатига қаратишида унга ёрдам берадиган самарали курол сифатида фойдаланиши керак, шу билан бирга Худонинг иши натижасида одам ичидан қандай ўзгаришини диққат билан кузатиши керак;
- Рұхий кундалиқдан фойдаланаар экан, мундазам равища Худо ҳақида ва Унинг Каломи ҳақида ўйлашни одат қилиши, шу билан бирга ҳаётнинг маъноси ҳақида ҳам фикрлашни ва Худонинг Каломини ҳар куни амалда (ўз ҳаёти, хизмати ва ўз гурухи аъзолари ҳақида фикрлаган ҳолда) қўллаши керак;
- Ибодатли ҳаётда янада мустаҳкам ва тартибли бўлиши ва Худо унинг илтижо ва ибодатларига бераётган жавобини қайд қилиб бориши учун рұхий кундалиқдан ҳар доим фойдаланиши керак;

Ўқитувчиларга кўрсатмалар:

Кўпчилик имонлилар, айниқса Масиҳнинг экин майдонида меҳнат қиласиганлар, кўп вазиятларда ўзларининг рұхан ўсишларига кўпроқ вақт ажратиш ўрнига, хизмат билан хаддан ташқари банд бўладилар. Сиз ўз тингловчиларингизни рұхан ўсиш кундалигини олиб бориш, уларнинг рұхан ва хизматларида ўсишлари учун жуда фойдали ва самарали эканига ишонтиришингиз лозим. Агар шахсий тажрибангиздан шунга мос мисоллар келтирсангиз яхши бўлади.

СЎЗ БОШИ

Хозирги замон одамлари ўз ишлари билан шунчалик үралашиб қолишганки, улар Худо ҳақида, Муқаддас Калом ҳақида, ҳаёт ҳақида ва шахсий ҳаётларида Худонинг Каломини қандай қўллаш мумкин эканлиги ҳақида тинчгина ўтириб фикр юритишга вақт ҳам, жой ҳам тополмайдилар. Агар биз ҳақиқатдан ҳам ўзгаришни ва Рұҳда камолга еришишини ҳоҳласак, унда ҳаётимизнинг ҳар бир кунини қадрлашни бошлашимиз лозим. Шоҳ Довуд сингари биз ҳам Худодан юракларимизни ва ҳаётимизни текшириб чиқишини, рұхан ўзгариб, баркамол бўлишимиз учун бизни барча гуноҳлардан ва ҳафагарчиликлардан фориг қилишини сўраб илтижо қиласиз (Заб.138:23-24). Биз ҳаммамиз бу тугамас ишлар ва ташвишлар чангалидан кутулиб, ҳилват ва тинч жойда Худо билан гаплашишини, Унинг хотиржам ва сокин овозини

эшитишни хоҳлаймиз. Биз Худо билан алоқа қилиш учун ҳар қуни вақт ажратишимиш керак, бусиз, Худо айтганидек, бунга биз ҳам қўшиламиш, ўз кучимиз билан ҳеч нарса қилолмаймиз.

Калкутталик Тереза исмли бир онахон шундай деган эди: “Биз Худони топишимиш зарур, аммо Уни шовқинда, нотинчликда ва безовталика топиб бўлмайди. Худо — сокинликнинг дўсти. Табиятга қаранг, дараҳтлар ҳам, гуллар ҳам, ўсимликлар ҳам — барчаси сокинликда ўсади, юлдузларга қаранг, қуёшга, ойга қаранг, улар ҳам жимжитликда ҳаракат қилишиади... сокин ва ҳотиржам иботамизда қанча кўп нарса олсак, ўз ҳаётимизга ҳам шунча кўп нарса бероламиш... Муҳими биз Худога нималарни гапиришимиз эмас, муҳими — Худо бизга ва биз орқали нималарни гапириши”. Биз Худони тингалишни, эшитишни ўрганишимиз лозим!“

Кўпчилик одамлар жимжитликда, ҳеч нима гапирмасдан ва ҳеч кимнинг гапини эшитмасдан зўрга бир соат ўтира олишлари мумкин. Биз жимжитликда қўпинча шунчаки зерикмаймиз, шу билан бирга ўзимизни ноқулай ҳам хис қиласиз, вақти-вақти билан пайдо бўладиган беҳаловатлик ва ҳовлиқишидан ҳалос бўлиш учун вақт ҳаммамизга ҳам зарур. Шундай вақтлар бўлиши керакки, биз кундалик ишлардан, муносабатлардан ва дунёвий ташвишлардан озод бўламиш ва юрагимизда Худо билан учрашамиз. Бу катта йиғилишлар ва маросимлар вақтида бўлмаслиги керак. Жимжитликка ва ҳилватга эришиш осонмас, лекин бундан ҳам қийинроғи жимжитликда фикрни, диққат-эътиборни бир жойга жамлаш. Бунга эришиш учун руҳий машғулотларингиз ҳақида ёзилганларни ўқишидан бошласангиз, қўпинча осон бўлади. Бошида баъзи қаршиликларни енгишга тўғри келади, чунки ўзининг фаол табиятига кўра одам учун ҳилватда қолиш унчалик осонмас. Лекин бу зарур бўлган меҳнат. Баъзилар учун жимжитликка эришиш оқшом пайти ёки тунда осонроқ бўлади, бошқалар учун — тонгда. Асосийси — ўз руҳий дунёйингизни тартибга солиш ва бунинг учун ўз табиятингиз, хулқ-атворингизга қараб вақт ва жой топишингиз керак.

Худони эшитишнинг, руҳий ўсишнинг ва ўз руҳий ҳолатингиз, хизматингиз учун Унинг олдида жавобгар эканлигинизни хис қилишнинг анча самарали усули — бу руҳий ўсиш кундалигини олиб боришидир. Руҳий кундалик бизни ўз ҳаётимизни таҳлил қилишга биз учун энг асосий нарсалар нималар эканлигини қайта кўриб чиқишига ундейди, бу кундалик бизга Худони таниб-билишда қанчалик ўсаётганимизни ва Худо бизнинг ибодатларимизга қандай жавоб бергаётганини кўришимизда ёрдам беради.

Кундалик — бу шундай нарсаки, биз унга яна ва яна қайтишимиз ва ўз ҳаётимизда Худонинг қўлини кўришимиз мумкин.

I. НИМА УЧУН РУҲИЙ КУНДАЛИК ЗАРУР?

Қачонки Исроил ҳалқи ваъда қилинган ерга кириш учун Иордан дарёсидан ўтишганда, Худо уларга эсталик учун дарёдан 12 та тош олишни буторади. Бу тошларнинг мақсади — Исроил ҳалқининг кейинги авлодига Худонинг садоқати ва қудратини эслатиб туриш эди (Еша Навин.4:1-9). Шунга ўхшаб руҳий кундалик ҳам бизга ўз ҳаётимизда намёён бўлган Худонинг севгиси ва садоқати ҳақида эслатиб бизга ёрдам беради, айниқса биз қайғуга ботиб “ҳаммаси тамом бўлди” деб ўйлаганимизда.

Асрлар давомида кўп одамлар кундаликлар олиб боришиган, ва улардан кейинги масиҳийлар бу кундаликларни ўқиб кўп нарсаларни ўрганганлар. Бу кундаликлар одамларни ҳар доим руҳлантирган, чунки булар ўша одамларнинг ҳаётида Худонинг йўлбошли бўлганлиги ҳақида ёзма гувоҳлик беради. Бу кундаликларни ўқир эканмиз, биз Худо билан жонли, шахсий муносабат қанчалик аҳамиятли эканини биламиш ва бу сиз билан бизнинг ҳаётимизда ҳам ҳақиқатга айланиши мумкинлигини тушунамиш.

Шу билан бирга кундалик, ўз хизматингизни ривожлантиришингизда ҳам сиз учун самарали қурол бўлиши мумкин. Агар Худо сизни янги жамоатлар тузишга ёки бу хизматда миссионерлар гуруҳининг бир аъзоси сифатида ишитирок этишга даъват қилган бўлса, унда сиз албатта маълум бир иш билан шуғулланасиз, бу аниқ бир вазифа, масалан, Хушхабар айтиш, ўқитиш ёки кичик гуруҳлар ташкил қилиш ва уларни ривожлантириш бўлиши мумкин. Кундалик сизга турли одамлар билан учрашувлар ва суҳбатларни ташкил қилишда; гуруҳдаги ишларингиз учун мақсадларингизни ва ўз шогирдингиз ёки ўқувчиларингиз билан бўладиган суҳбатлар мавзуларини атрофлича ўйлашингизда ёрдам беради. Бу кундалик сизга ўз хизматингизда нималар қилишингиз кераклигини эслатиб туради ва шу билан бирга сиз бу

кундалик орқали Худонинг ишларини, яғни У одамларни Ўзи томон олиб келишда ва Ўз Жамоатини ташкил қилишда турли хил йүллардан қандай фойдаланаётганини ўз кўзингиз билан кўришингизга имкон беради. Буларнинг барчасидан ташқари, сиз яна истаган вақтингизда ўз хизматингизни ва ўтган кунларингизни тахлил қилишингиз мумкин, бу саволлар устида якка ўзингиз ёки шогирдингиз билан бирга мулоҳаза қилиб кўришингиз мумкин. Хуллас, бу кундалик ўз ҳаётингизда ва янги жамоатлар ташкил қилиш ишларингизда сизни қанчалик қўллаб қувватлашини, кўмак беришини ва руҳлантиришини тасаввур ҳам қилолмасангиз керак.

II. РУХИЙ КУНДАЛИКНИ ОЛИБ БОРИШ

Кўпчиликни қўйидаги саволлар қизиқтириши табиий: Бу кундалик қандай кўринишда бўлади? Унга ҳар куни ёзиш керакми? Балки бу шунчаки ён дафтарчанинг нусхасидир, лекин руҳий саволлар бўйича? Кимдир менинг кундалигимини ўқисачи? Кундаликни қандай тартибда ёзиш яхшироқ бўлади?

Кундаликлар ҳар хил бўлади, баъзи одамлар қалин дафтарлардан фойдаланишади, бошқалар оддий “Ежедневник” деб номланадаган ёндафтарчалар сотиб олишади, яна бошқалар ўртacha катталиқдаги блокнотларни маъқул кўришади. Ҳар бир одам кундаликни кўринишини танлашда маълум мақсадни назарда тутади: кимдир битта дафтарни бир йилга мўлжаллайди, яна кимдир бир неча блокнотлардан фойдаланади, чунки улардан бирортаси йўқолиб қолса — бир йиллик ёзувлар йўқолиб кетмайди. Хуллас, ҳаммаси ўзингизнинг хоҳишингизга ва нимани маъқул кўришингизга боғлиқ.

Кундаликка қачон ва қайси вақтларда ёзиш ҳам ўзингизга боғлиқ. Яхшиси ҳар куни ёзинг (бошида бу шарт!), аммо бирор бир кун учун ёзилмай қолса, бу ҳам кўрқинчли эмас. Кўпчилик ўzlари учун ажратган руҳий машғулотларининг (эрталаб ёки кечқурун — бу ўзингизнинг хоҳишингизга боғлиқ) энг биринчи дақиқаларини ёзишни маъқул кўришади, чунки бу уларга Худо билан муносабат учун фикрларини жамлаб, кундалик беҳаловатликларидан халос бўлиб, диққат-эътиборларини мана шунга қаратишларида ёрдам беради.

Ёзувларни икки томондан — бошидан ва охиридан ёзиб борилса кундаликни олиб бориш жуда қулай бўлади. Энг охирги варақларига сиз ибодат қилмоқчи бўлган одамлар ва эҳтиёжларни ёзишингиз мумкин. Ундан кейин буларнинг давомига (яғни охирги варақдан ўртасига қараб) хозир ўқиётган китобларингиздан — нималар сизда айниқса катта таасурот қолдирган бўлса шу парчаларни ёзишингиз мумкин. Натижада, сиз кейинроқ бу қисқа сатрларни ўқисангиз булар сизни руҳлантиради ва чуқур мулоҳаза қилишга ундейди. Масалан, бундай сатрлар Августин, Авлиё Фома, жамоат чўпонларининг фикрлари бўлиши мумкин, ёки ҳамду санолар, ибодатлар ва албатта Муқаддас Китоб оятлари.

Кундаликнинг биринчи варақларига эса ўз туйғуларингизни, кўрқув ва ожизликларингизни, ўз умидларингизни ва Худонинг сизга очиб берган ҳақиқатларини, Худо сиздан нимани кутаётганини ва У сизни нималарга бошлаётганини тасвирлаб ёзишингиз мумкин. Руҳий кундаликтан ҳаётингизнинг яхши дақиқалари билан бирга ёмон дақиқалари ҳам ёзилиши керак. Қачонки ҳаётингизда сиз учун ёмон пайтлар бўлса — сиз ўз кечинмаларингизни ва хис туйғуларингизни ёзинг ва кейинроқ, ҳаммаси ўзгарганида, Худонинг Руҳи сизга қандай ёрдам берганини, Худо сизни Ўз қўлларида навбатдаги “жарликдан” қандай қилиб олиб ўтганини ўз кўзларингиз билан кўришингиз мумкин бўлади. Руҳий кундаликтан мана шу қисми катта аҳамиятга эга, булар Худонинг қудратини ўз ҳаётимизда кўришимизга ва Унинг ожиз бир фарзандининг (зеро, ҳар биримиз ҳам шундай ожизмиз) ҳаётида Унинг улкан севгиси ва садоқатини кўриб Уни улуғлашимизга ёрдам беради. Бундай эслаш жараёни кўпчилик масиҳийлар учун қанчалик мухимлиги ва бунга мана шу кундалик орқали эришиш мумкинлиги... буларнинг барчаси ажойиб эмасми?

Масалан: мен, кундаликка, агар зарур деб ҳис қилсан ибодатларни ҳам, Муқаддас Китоб ёки бошқа адабиётларни ўқиши жараёнида Худо менга очиб беран ҳақиқатларини ҳам ёзаман. Мен ўз яқинларимнинг, фарзандларимнинг ҳаётларида кўрган нарсаларимни ёзиб қўяман. Буларнинг барчаси — Худо билан алоқамнинг бир қисми. Унинг Руҳи мени кўпинча у нарсани ёки бу нарсани ёзишимга ундейди ва Худо менга нимани эслатмоқчи эканлигини

тушунишим учун юрагимни синчилаб текширишимга тўғри келади.“

Кундаликни олиб бориш, агар бу билан етарлича шуғуллансангиз сиз учун одатга айланади. Кўпчилик одамлар бунга ўргана олмай, унча кўп вақт ўтмай кундалик олиб боришни йиғиштириб қўйишади. Бу билан ўзларини Ҳудонинг кўпгина баракаларидан маҳрум қилишади. Худо билан ҳилватда, ҳеч ким ва ҳеч нарса ҳалақит бермаган ҳолда муносабат ва алоқа қилишингизда, бу кундалик сиз учун ажойиб восита ва самарали ёрдам вазифасини ўтайди. Ёзган пайтларингизда, Худо билан худди тўғридан тўғри, ёнма-ён туриб алоқа қилаётгандек бўласиз ва бу алоқа самимий ва чуқур даражада бўлади.

Томас Келли шундай деган эди: “Биз ўзимизни ҳаётимизнинг турли соҳаларида намоён қилишга интиlamиз, бу вақтда эса, бизнинг ичимиизда фақат биттагина Ҳаёт мавжуд бўлади ва айнан мана шу Ҳаёт бизни тартибга солади ва бошқаради. Мен Марказга — илоҳий Марказга қаратилган Ҳаётни назарда тутяпман. Бизнинг ҳар биримиз бундай ҳаёт билан — ҳайратланарли куч, тинчлик ва осойишталиқ, бирлик ва ишонч ҳаёти билан, ҳар қандай мураккаб нарса оддийликка айланадиган ҳаёт билан яшшимиз мумкин, аммо бир шарт билан: *агар сиз чиндан ҳам бу ҳаётни хоҳласангиз*”.

Бу ўзимизга тез-тез бериб туришимиз керак бўлган яна ўша савол: *биз чиндан ҳам буни хоҳлаймизми?* Қанчалик қийин бўлмасин биз тан олишимиз керак: кўпчилик масиҳийлар Худо билан яккама якка, ҳилватда мулоқот қилишга, мулоҳаза ва чуқур ибодат учун вақтга ўзларида муҳтожлик сезмайдилар. Биз муваффақиятларга ўз кучимиз ва қобилиятларимиз билан эришишни маъқул кўрамиз, шундайми? Семинарларга, конферинцияларга, симпозиумларга шошиламиз, хизмат юзасидан бўладиган учрашувларга шошиламиз, булардан ташқари уйда ҳам нимларни қилишга улгурушимиз керак — буларнинг барчаси биз учун шунчалик муҳимки, натижада бошқа нарсалар учун бизда вақт қолмайди. Ҳа, биз тушунамиз, қўшилишамиз — албатта кўпроқ ибодат қилишимиз, Муқаддас Китоб устида мулоҳаза қилишимиз керак, аммо буларга фақат нима учундир вақтимиз йўқ. Қисқаси, биз ўзимизнинг ички дунёйимизда тартиб ўрнатишни хоҳлаймиз, фақат буни ташқаридан бошлашни маъқул кўрамиз. Бу эса Муқаддас Китобнинг бизга ўргатгандарига тўғридан-тўғри зиддир, яна бунинг нотўғри эканлигини, ўзларининг руҳий ҳаётларида улкан муваффақиятларга эришган масиҳийларнинг ҳаётлари ва қайғули бўлган шахсий руҳий тажрибамиз ҳам кўрсатади.

Сиз мулоҳаза учун ҳам ва руҳий кундаликни олиб бориш учун ҳам вақт топа оласиз, сиз барча васвасаларни ҳам, қийинчиликларни ҳам енга оласиз, фақат агар сиз чиндан ҳам Ота билан яқиндан муносабат қилишни хоҳласангиз, бунга муҳтоҷ бўлсангиз, У билан ўтказган вақтингизни қадрига етасиз — *агар сиз ҳақиқатдан ҳам буни хоҳласангиз!*

III. РУҲИЙ ЎСИШ КУНДАЛИГИ НАЪМУНАСИ

Агар кўз олдингизда наъмунавий режани кўрсангиз, балки сиз учун осон бўлар. Бу Муқаддас Китоб оятлари ҳақида мунтазам мулоҳазалар, муҳтожликлар учун қилган иботатларингиз ва бу ибодатларга олган жавобларингиз, ўз хизматингизнинг қисқача таҳлили бўлиши мумкин. Биз сизга қуидагича наъмунавий режани таклиф қиляпмиз ва умид қиламизки, агар сиз кундаликни бу намуъна бўйича мунтазам олиб борсангиз, унда бу ўз ички дунёйингизни тартибга солишингизда албатта ёрдам беради ва руҳий ҳаётингизни ва хизматингизни янада самарали қиласди.

A.Худо билан ҳар кунлик муносабат (5.1 расм)

5.1 расм сизни Худо ва Унинг Каломи билан ўтказаётган вақтингизни осонгина кўрсатиб беради. Яна у ерга Худо ибодатларингизга берган жавобларни ҳам ёзиб боришингиз мумкин. Бу қуидагидек бўлиши мумкин:

- **Муқаддас Китобдан оятлар:** руҳий машғулотларингиз вақтида ўқиган Муқаддас Китоб оятларини қайд қилиб қўйинг.
- **Худонинг шахсан сизга очиб берган ҳақиқатлари:** Муқаддас Китобдан маълум бир лавҳани ўқиганингиздан кейин, бу лавҳа устида ибодат билан мулоҳаза қилишга вақт ажратинг. Муқаддас Руҳ бу лавҳага нисбатан сизга нималарни очиб берган бўлса, уларни

ёзиб қўйинг. Бу лавҳа нима демоқчи? Сиз унда нималарни кўряпсиз? Сиз бу ҳақиқатларни ҳозирги кундалик ҳаётингизда қандай қилиб қўллашингиз мумкин?

- **Вадалар:** бу лавҳада Худо томонидан берилган қандайдир ваъда борми? Уларни ёзиб қўйинг ва бу ваъдалар учун Худога миннадорчилик билдириңг.
- **Амрлар:** бу лавҳада сиз итоат қилишингиз лозим бўлган буйруқлар борми?
- **Ибодат:** ибодатингизда сўрамоқчи бўлган энг асосий эҳтиёжларингизни бирма бир ёзиб қўйинг, шунингдек, илгариги ибодатларингизга олган жавобларингизни ҳам қайд қилишни унутманг. Иложи борича батафсил ёзишга ҳаракат қилинг. Бу сизга Худо сизнинг ибодатларингиз орқали амалга оширган ишларини кўришингизга ёрдам беради.

Б. Хизматингизнинг ҳар кунлик рұхий кундалиғи (5.1 расм)

Бундай кундалиқдаги ёзувлар сизнинг янги жамоатлар ташкил қилиш хизматингиздаги юксалишни, ривожланишини шахсан қузатишингизга ёрдам беради. Сиз унга қуидаги пунктлар бўйича ёзишингиз мумкин (пунктларнинг наъмунавий тартиби):

- **Ҳаракат режаси:** бажармоқчи бўлган ишларингизни ёзиб чиқинг. Ўз режаларингизни амалга ошириш учун аниқ нималарни қилишингиз зарурлигини кўрсатинг (аниқ бир иш, ҳаракат).
- **Одамлар билан учрапувлар (контактлар):** сиз бугун кимларга Хушхабар айтишга эришганингизни қайд қилинг. Бу одамлар билан ўтказган вақтингизда, сиз қандай натижаларга эришдингиз. Сиз уларга ўз гувоҳлигингизни ҳам айтдингизми? Улар бунга қандай муносабатда бўлишди? Улар Инжил Хушхабарини қабул қилиш учун қанчалик очиқлар (ёки ёпиқлар)?
- **Йиғилишлар:** кичик гуруҳлар, уй гуруҳларининг йиғилишлари ҳақида ёзинг. Йиғилиш қаерда ва қачон бўлди? Сизлар нималар қилдингизлар (Муқаддас Китобни ўрганиш, ибодат гуруҳининг йиғилиши ва ҳ.з.)? Бу йиғилишларга нечта одам мунтазам қатнашади? Меҳмонлар нечта бўлди? Кимдир Масихни қабул қилдими? Кўшимча диққат-эътибор талааб қиласиган муаммоларни ёки баъзи бир муҳим саволларни қайд қилиб қўйинг.
- **Мулоҳаза:** ўтказган кунингиз ҳақида мулоҳаза қилинг. Сиз учун бугун ўз ҳаётингиз ёки хизматингиз ҳақида билиб олган ёки тушуниб олган бирорта янгилик бўлдими, нималарни ёзишни ҳолаяпсиз? *Булар сизнинг шахсий ёзувларингиз.* Сиз бу ёзганларингизни ким биландир ўртоқлашишингиз шарт эмас. Бу ёзувлар сизга бугунги ўтказган кунингизга “четдан қараб” баҳо беришингизга ва бугун Муқаддас Рұҳ сизга нималарни ўргатганини қайд қилиб қўйишингизга имкон беради.

5.1 расм. Ҳар кунлик ибодат ва кундалик

<p>Ҳар кунлик ибодат</p> <p>Каломдан парча: 1Kor.13</p> <ul style="list-style-type: none"> Шаҳсий очиқликлар: Ҳаракатларимнинг асосида севги бўлиши керак. Барча ҳаракатларимда севгини кўрсатишни зарур. Одамларга бўлган севгим билан жуда сабрли бўлишим керак. Фақат ўзим ҳакимда эмас, бошқалар ҳақида ҳам ғамхўрлик қилишим керак. Вадалар: Ҳозир биз мукаммал эмасмиз, аммо Осмонда Унинг бутун борлигича кўрамиз. Ҳозир У ҳақида фақаттинга озгина тушунчага эгамиз. Амрлар: Ўқиган бобдаги сўзларга асосан бутун ҳаракатларимда севгини намоён қилишим зарур, акс ҳолда ҳаммаси бефойда бўлади. <p>ИБОДАТ</p> <p>Илтижолар ва уларга жавоблар</p> <p>M:Х,га гувоҳлик беришнинг иложи ҳақида.</p>	<p>Ҳар кунлик ибодат: _____ кун.</p> <p>Ҳаракат режаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> <u>Ибодат учлигини ташкил килдим.</u> <u>Мўлжалдаги жойни аниқладим.</u> <u>Юх.17ни индуктив усулда ўрганишни бошладим.</u> <p>Алоқалар</p> <table border="0"> <tr> <td>Исми</td> <td>Эслатма</td> </tr> <tr> <td>X.X</td> <td>гувоҳлик бердим</td> </tr> <tr> <td>Карима ҳола</td> <td>Исо киносини кўрсатдим</td> </tr> <tr> <td>Салима опа</td> <td>гувоҳлик бердим, тавба килди!</td> </tr> </table> <p>Йигилиш (уй гуруҳлари, байрамлар)</p> <p>19.00 Баҳодирни уйида учлик ибодат йигилиши. (Анвар, Ботир, ва мен) ҳар ҳафта учрашишга келишиб олдик.</p> <p>Мулоҳаза</p> <p>Ибодат учлигимиздан хурсандман! Авваллари бир неча имонли учун аниқ ибодат қилмаганман. Ўйлайманки Худо ибодатимизни эшилди.</p>	Исми	Эслатма	X.X	гувоҳлик бердим	Карима ҳола	Исо киносини кўрсатдим	Салима опа	гувоҳлик бердим, тавба килди!
Исми	Эслатма								
X.X	гувоҳлик бердим								
Карима ҳола	Исо киносини кўрсатдим								
Салима опа	гувоҳлик бердим, тавба килди!								

ХУЛОСА

Устозингиз берган ёки оддийгина дафтарни кундалик сифатида ишлатишни бошланг. Унда муҳими сизга Худо ўргатайтган барча нарсаларни ёзib боришингиз, ибодатда, Каломни ўрганишда, жамоат ташкил қилишда эришганларингизни кўрсатиб турсин.

ТОПШРИҚ

Янги жамоатлар ташкил қилиш бўйича машғулотлар давомида руҳий кундалик олиб боринг, бу кундалик — сизнинг масиҳий ва хизматчи сифатида шахсий руҳан ўсишингиз кундалигидир. Бу кундалигингизни ўзингизнинг руҳий устозингизга кўрсатишга тайёр бўлинг. (Агар сиз шахсий характердаги ёзувларни кўрсатишни хоҳламасангиз, унда фақат ўз хизматингизга таалуқли ёзувларингизни кўрсатишингиз мумкин).

4 Кисм: Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари

Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари

1 Дарс

ХУДОНИНГ КАЛОМИНИ ТУШУНИШ

Худонинг Сўзидағи ҳақиқатларни қўллаш

Дарс мақсади:

Жамоат ташкил қилувчини Муқаддас Китоб ҳақиқатларини тўғри тушуниш усули билан таъминлаш.

Кутиладиган натижалар:

Дарс материилларини ўрганиб ҳар бир ўкувчи:

- Худонинг Каломини тўғри тушуниш учун зарур бўлган усулга эга бўлиши керак;
- Худонинг Каломини тушуна олиш мумкинлигига ишониши керак;

Дарс режаси:

- I. Муқаддас Китобни тушуниш
- II. Муқаддас Китобдаги ёзувларнинг турли жанрларини тушуниш

Илова:

1A “Каломшунослик”

I. МУҚАДДАС КИТОБНИ ТУШУНИШ

Худонинг Ўз Жамоатига ато қилган инъомларидан бири, — бу “устозлар”: мухим хизматни олиб борадиган — Худо ҳалқига таълим берадиган ва устозлик қиладинан одамлар. Жамоатлар ташкил қулувчи миссионерлар гуруҳининг ҳар бирида шундай одамлар, яъни бошқаларга Худонинг Каломини тўғри тарғиб қилишга ва ўргатишга қобилиятли одамалар бўлиши керак. Шуни ёдда тутиш мухимки, Худо барча имонлиларга Ўз Муқаддас Руҳини берган ва бу Руҳ бизга устозлик қиласи. Муқаддас Руҳнинг ёрдами билан ҳар бир имонли Муқаддас Китобни тушуна олади.

Муқаддас Китобни ўрганиш миссионер-жамоат тузувчининг руҳан ўсишига ёрдам беради. Бироқ, афсуски миссионер-жамоат тузувчиларнинг барчаси ҳам муносиб тарзда тайёрланиш имкониятига эга эмаслар ва ҳар доим ҳам мустақил равишда таълим олиш имкониятига эга эмаслар (масалан, ўз она тилларида руҳан ўсишга бағишлиланган маҳсус адабиётларнинг йўқлиги). Аммо агар сизда фақат битта китоб— Муқаддас Китоб бўлса ҳам сиз уни тушунишни ўргана оласиз.

Муқаддас Китобни индуктив усулда ўрганишга бағишлиланган машғулотларда, сиз Муқаддас Китоб ҳақиқатларини ўрганишнинг ва бу ҳақиқататларни ўз ҳаётингиз ва хизматингизда қўллашнинг содда усули билан танишасиз. Бундан ташқари, сиз бу усулни ўрганиб олиб, бошқаларга ҳам Худонинг Каломини тушунишлари учун, уларга таълим беришда мана шу усулдан фойдаланишини ўрганаасиз.

Сиз Муқаддас Китобни ўрганишнинг турли хил йўллари билан танишасиз, лекин шу нарса жуда мухимки, сиз Муқаддас Руҳга итоат қилишингиз ва Унинг сизга ўргатаётганларини қабул қилиш учун очиқ бўлишингиз керак. Ҳазрати Исо айтганки, Муқаддас Руҳ бизга барча ҳақиқатни ўргатади (Юҳ.16:13). Раббимиз яна шундай ваъда ҳам берган, яъни ким Уни севса ва Унинг амрларини бажарса, У ўша одамга Ўзини кўрсатади (Юҳ.14:21). Кўпинча одамлар фақат битта нарсани маъқул кўришади, аммо биз ҳар доим

ёдимизда сақлашимиз керак, Муқаддас Китобни ўрганиш ҳам, Муқаддас Рухга итоат қилиш ҳам — иккаласи ҳам бир хил даражада муҳимдир.

II. МУҚАДДАС КИТОБДАГИ ЁЗУВЛАРНИНГ ТУРЛИ ЖАНРЛАРИНИ ТУШУНИШ

Муқаддас Китобнинг у ёки бу лавҳасини синчилаб ўрганишдан энг олдин, бу лавҳа ёзилган китоб қайси жанрга тегишли эканлигни аниқлаб олиш керак. Бу жуда муҳимдир, чунки бу ёки у китобдаги текстларнинг аҳамияти ва услублари мана шу китобнинг характеристига боғлиқ бўлади. Биз буни мана бу мисолдан яхшироқ тушунамиз: газетада келтирилган дедектив повестидаги ва дўстона мактубдаги бир хил маълумот, ҳар хил кўринишга эга бўлади, чунки ҳикоя қилувчининг ёзиш услуби ва гапириш оҳангি бу ахборот кимга ва нима мақсадда ёзилишига қараб ўзгаради. Асарнинг жанри материални баён қилиш характеристига таъсир қиласи.

Мана шу нарсани Муқаддас Китобни ўрганиш жараёнида ҳам ҳисобга олиш керак, чунки бутун Муқаддас Битикларни ташкил қилувчи китоблар турли адабий жанрларга мансуб. Муқаддас Битикларнинг ўёки бу қисмларини ўқишида адабий жанрларни билиш, бу ерда баён қилинган маъноларни яхшироқ тушунишингизда ёрдам бериши мумкин. Шунинг учун Муқаддас Битикларнинг маълум бир қисмини ўрганишга киришишингиздан олдин ва қандай усул билан ўрганмоқчи эканингиздан қатъий назар, ўрганмоқчи бўлган китобнинг қайси жанрга мансуб эканлигини аниқлаб олинг. Кўйида биз сизга Муқаддас Китобдаги ёзувларнинг турли жанрларига нисбатан қисқача тушунтиришлар келтирганимиз.

A. Тарихий китоблар

Муқаддас Китоб турли тарихий воқеалар ва тарихий намоёндаларнинг биографиялари билан тўла. Масалан, Ҳакамлар китобида Истроилнинг тарихи — Ешуа Навин бошчилигига “ваъда қилинган ер”ни эгаллашдан бошлаб, шоҳ Шоул хумронлиги давригача бўлган тарих ҳикоя қилинади. Нехемия китоби — бу Нехемия исмли амалдорнинг кундаликлари, унинг Куддус деворларини қайта тиклаши ҳақидаги ҳикояларидир. Инжил Хушхабари ҳазрати Исонинг бутун ердаги ҳаётини ва таълимотини баён қиласи. Ҳаворийлар китобида Жамоатнинг шаклланиш тарихи ҳақида ҳикоя қилинади.

Муқаддас Китобдаги тарихда биз ҳаётимизда нималар қилишимиз кераклиги ҳақида аник-равшан мисоллар келтирилган, лекин шулар билан бир қаторда, биз нималардан албатта қочишимиз кераклиги ҳақидаги мисолларни ҳам кўрамиз. Масалан, Шимшўн Муқаддас Китоб қаҳрамони, лекин унинг фаолияти Муқаддас Китоб принципида эмас. Ва умуман, Муқаддас Китобнинг бошқа қисмларида ҳам келтирилган тарихий воқеаларга уларнинг моҳитига қараб, принциплар бўйича баҳо бериш керак.

Б. Таълимлар

Муқаддас Китобнинг ўзи ўргатади ва сиз унинг варакларида кўрсатмалар, буйруқлар, принциплар, маталларни топишингиз мумкин, кўп нарсани ўрганасиз ва амалий маслаҳатларни ўқийсиз. Левийлар китобининг катта қисми Истроил руҳоний хизматчилари учун берилган батафсил кўрсатмалардан иборат. Маталлар пул билан бўладиган ишлар, одамлар ўртасидаги муносабатлар ва деҳқончилик ишлари ҳақида маслаҳатлар беради. Павлуснинг маълум бир жамоатларга ёзган мактублари Инжил талимотини ва шунингдек амалий кўрсатмаларни баён қиласи.

В. Пайғамбарлар

Пайғамбар китобларининг катта қисми Худонинг танлаган халқига юборган пайғомларини баён қиласи. Ишайё, Еремия ва Иззакеил пайғамбарлар китоблари — ҳажми бўйича анча катта бўлган учта пайғамбар китоблари — булар бу одамларнинг бутун пайғамбарлик хизматлари даврида Худо томонидан уларга берилган пайғомлари тўпламидир. Бу китобларни бирданига, кетма-кет ўқиш керак эмас. Бу китобларни тушунишнинг сири шундаки, маълум бир насиҳатни бошини ва охирини белгилаб олиш керак ва уларни жиддий кетма-кет тартибда: бирини тугатиб, ундан кейин бошқасига ўтиш керак. Мисол учун, боблар мана бундай мурожаатлар билан ажратилган: “Худованднинг сўзларига қулоқ сол…”, ”Мана

шундай гапирди...”, ва булар жуда яхиш кўрсатмалар ва йўналишлар беради. Ҳажми бўйича кичикроқ китобларда, масалан, Аввакум, Амос ва Наум пайғамбарлар китобларида фақат битта ёки бир нечта насиҳат ва пайғомлар баён қилинган бўлиши мумкин.

Г.Шеърий китоблар

Муқаддас Битиклар таркибига кирувчи шеърий китобларда, одамзоднинг барча хис туйғулари ўз ифодасини топган. Муқаддас Битиклар таркибига кирувчи қатор китоблар шеърлардан ва достонлардан иборат. Забур ва Санолар китоби диний-музиқий шеъриятдир ва кўпгина бошқа пайғамбарлар китоблари ҳам шеърий-достон жанрида ёзилган.

Кўпгина тилларда шеърлар қоғияларга ва оҳангларниг қайтарилишига асосланади. Қадимги яхудий шеърияти бир-бирига мос келадиган иборалар ва тасаввурларнинг қайтарилишига асосланган. Забур.18:8 ояти, бундай бир-бирига мос бўлган ибораларга ажойиб мисол бўлади:

“Худованд Қонуни мукаммалдир, У жонга жон киритади;

Худованд ваҳийси барқарордир, У содда одамга дониш беради.”

Бу иккита сатр бир бирига параллелдир, чунки бу ердаги “қонун” ва ”ваҳий” — Муқаддас Битикларга тегишли бўлган синонимлардир. “Қонун” ҳам, ”ваҳий” ҳам Худодан келади. Ўз моҳиятига кўра бу икки тушунча ҳам одамга руҳий қувват беради, чунки “Қонун мукаммалдир”, шунингдек ”ваҳий барқарор, у содда одамга дониш беради”. Шу билан бирга униси ҳам буниси ҳам одамларга ўзига хос куч билан таъсир кўрсатади, яъни одамларга ибрат бўлади ва уларнинг руҳига шифо беради.

Яна шундай ҳолатлар бўладики, қарама-қарши иборалар, бир-бирига параллел тарзда келтирилади, масалан, Заб.19:8:

“Баъзилар жанг аробалари билан мақтанар, бошқалар оту отлиқ билан гердаяр.

Бизлар эса Рabbимиз номи билан, Худованд исми билан фаҳрланамиз...”

Бу санода “баъзилар” ва ”бизлар” бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Худога умид қилиш ва сифиниш, жисмоний кучга умид қилишга қарама-қарши қўйилган.

Д.Апокалиптик китоблар

Баъзи бир пайғомлар махсус жанрда ёзилган ва булар кўпинча “апокалиплар” деб аталади. ”Апокалипсис” сўзи “пайғамбар кароматлари” ни билдиради, бу кароматлар узоқ ва яқин келажакда содир бўладиган воқеалар ва ҳодисаларнинг мазмунини очиб беради. Бундай кароматларни биз Дониэл пайғамбар китобида, Матто баён этган Хушхабарда (24 боб), Марк баён этган Хушхабарда (13 боб), Луқо баён этган Хушхабарда (17 ва 21 боблар) ва Ваҳий китобида учратишимиз мумкин. Бу китоблардаги апокалиптик лавҳалар юқори даржада рамзий маънолар билан берилган ва бундай лавҳаларни тўғри шарҳлай олишимиз учун мана шу рамзий маъноларнинг асл моҳиятини тушуниб олишимиз керак. Апокалиптик китобларда ва айрим лавҳаларда ҳазрати Исонинг ерга қайтиб келиши ва Унинг ашаддий душмани иблис устидан узил-кесил ғалабаси ҳақида каромат қилинади. Ўша вақтга келиб Худонинг халқи кечирилади ва оқланади. Умуман, Худонинг барча ижоди келажакда содир бўладиган воқеаларда иштирок этади.

Жадвал 2.1. Эски Аҳд ва Янги Аҳдда инсониятнинг нажот топилиши тарихи

Яратилиш (Ибт.1,2)	Одам (эркак ва аёл) Худо билан муносабат қилиш учун (3:8), бир-бирлари билан муносабат қилиш учун (2:24), ерда ҳокимлик қилиш учун (1:28), Худонинг баракаси билан яшаш учун (1:28) <u>ИЛОХИЙ</u> суратда яратилди.
Гуноҳ қилиш (Ибт.3:1-14)	Одам руҳан ва жисман ўзгарди, яъни илоҳий сурат йўқотилди. Худо билан муносабат бузилди. Одамларнинг бир-бирлари билан муносабатлари бузилди. Аёлнинг ҳомиладорлик вақтидаги машаққати бағоят ортди, у дард билан туғадиган бўлди. Одамлар бир-бирлари устидан ҳокимлик қилишга ҳаракат қиласидиган

	бўлишди. Ҳамма нарса лаънатланди.
Нажот бериш ваъдаси (Ибт.3:15,21)	3:15 — аёл зоти илоннинг бошини эзib ташлайди. 3:21 — “Худованди Карим Одам ва унинг хотини учун теридан кийим ясаб, уларни кийинтириди...”
Иброҳимга берилган ваъда (Ибт.12)	<ul style="list-style-type: none"> • Мен сени баракалайман. • Ер юзидаги барча қабилалар сендан барака топадилар. • Худо бир халқни танлаб олди ва уни Менинг халқим, деб атади ва бу халқ орқали ер юзидаги барча қабилалар У ҳақида билиб олишади.
Ҳазрати Мусо орқали қурбонлик келтиришнинг жорий қилиниши, қон билан нажот топиш (Чиқиш) Ис.53:7.	Чиқ.12:13 — Гуноҳ учун қўзини қурбон қилиш талаб қилинган. (Бутун дунёни гуноҳдан озод қиласиган Худонинг қурбонлик Қўзисининг расмини кўрсатинг). Левийлар.
Танланган халқ бутун дунёга Худо ҳақида гувоҳлик бериши керак	<ul style="list-style-type: none"> • Нав.2:8-14; 4:24; • 2Шоҳ.7:25-26 • 3Шоҳ.8:41-43; • Ис.43:10-12; 54:5; 55:4,5; • Дон.7:13-14; • Зик.13:1; (ва бошқалар)

<u>Ҳазрати Исо:</u> дунёning гуноҳини Ўзига оловчи Худонинг қурбонлик Қўзиси.	Юх.1:29
<u>Хушхабар:</u> Нажоткор келди.	Мат.1:21; Юх.3:16,17; Лк.4:18,19; 19:10;
<u>Фаолиятлар:</u> Нажот ҳақидаги хабар бутун дунёга тарқалади.	<p>Қуддус — 2 ва 6:7 Яҳудия ва Самария — 6:8-9:31. Фаластин ва Сурия — 9:32-12:24. Рим империясининг шарқий қисми — 12:25-19-20. Рим — 19:21-25:31.</p>
<u>Мактублар:</u> Нажот топган одамлар масихнинг сурати томон ўзгариб боришади.	<p>Рим.3:24; 4:22-25; 6:11-14; 8:29; 2Кор.3:18; Эф.4:21-33 Кол.1:15-22; 1Бутр.5:1,10; 1Сол.2:19; Яҳд.24,25.</p>
<u>Вахий:</u> Узил-кесол нажот топиш.	Янги ер ва янги осмон (21:1). Ҳаммаси янгидан яратилади (21:5). Худонинг хонадони абадий хукмронлик қиласиган (22:5). “Бахтлидир Худо буюрганини қилувчилар...” (22:14).

Муқаддас Китобни
ўрганиш
Илова
1А

КАЛОМШУНОСЛИК

I. МУҚАДДАС КИТОБНИНГ НОЁБЛИГИ

Муқаддас Китоб — бу инсоният тарихидаги энг ноёб, тенги йўқ, ажойиб ва энг муҳим китобдир. Айнан Муқаддас Китоб дунёдаги биринчи босма китобдир, айнан Муқаддас Китоб нашри ва бошқа тилларга таржимаси сони бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Илоҳий Рухнинг илҳоми ва пайғоми билан ёзилган бу Муқаддас Китоб чиндан ҳам ажойибдир. Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг: унинг муаллифлари қирқдан ортиқ ва бу одамлар турли даврларда яшаганлар, жамиятнинг турли қатламларига мансуб бўлганлар, турли касбларда бўлганлар: улар орасида шоҳлар ҳам, файласуфлар ҳам, балиқчилар ҳам, чўпонлар ҳам, шоир ва давлат арбоблари ҳам бўлган. Бу китоб уч тилда (ибрий, арамий ва грек), 1600 йилдан ортиқ вақт мобайнида ва учта минтақада: Осиё, Африка ва Европада ёзилган. Муқаддас Китоб турли даврларда, турли муаллифлар томонидан ёзилганига қарамай, унда бирорта ҳам қарамакаршилик ёки зиддият мавжуд эмас.

Муқаддас Китобнинг яна бундан ҳам ажойиб томони унинг композицияси ва ёзилиш услубидадир. Агар ҳар бир муаллифга Худонинг Ўзи илҳом бериб йўл кўрсатмагандা, ҳеч бир муаллиф бу даражада ёзолмас эди.

Мавжуд бўлган аниқ фактларга, яъни бу китобнинг Худонинг Сўзи эканлигига гувоҳлик берувчи пайғамбар мўжизалари ва гувоҳликларига қарамасдан, Муқаддас Китоб бари-бир таъна-маъломатларга учрайди. Умуман олганда, бу табиий ва тушунарли, чунки иблис бари-бир хужум қиласи ва масиҳийнинг ихтиёридаги энг кудратли қуролни бадном қилмоқчи бўлади. Шайтонинг бу мақсадига эришиши учун энг “зўр” усули — бу Муқаддас Китобнинг ҳақиқат эканлигига нисбатан шубҳа ва гумонлар уруғини сепишидир. Мана шунинг учун ҳам биз бу китобнинг чиндан ҳам ҳақиқий ва ноёб эканлигини тўла англаб олишимиз ва бу ажойиб қуролни ўз хизматимизда ишлатишимиш зарур.

Муқаддас Китоб чиндан ҳам ноёбдир ва Худонинг жонли ва таъсири бу Сўзи — биз Худо учун “овламоқчи” бўлган ҳар қандай одамнинг юрагига ва руҳига чуқур кириб бориш қобилиятига эга. Худонинг Сўзи бизни жамоатлар ташкил қилиш хизматига тайёрлайди, Муқаддас Китоб — биз учун наъмунаидир ва биз у орқали ўлчам оламиз, у орқали ҳар қандай таълимотга, ҳар қандай эътиқодга, ҳар қандай урф-одат ва маданиятга баҳо берамиз. Тарих, маданият, урф-одатлар ва одам онги — буларнинг барчаси бизни тўғри йўлда адаштириши мумкин, аммо Муқаддас Китоб ҳеч қачон адашмайди, унинг қиймати мустаҳкам, ахир айнан у Худонинг ҳақиқатини очиб беради.

II. МУҚАДДАС КИТОБ — ХУДОНИНГ МУҚАДДАС ПАЙГОМИДИР

Одамзод, яъни номукаммал ва ўлимга маҳкум одамзод, ҳар доим Худонинг чексизлигини ва қудратини тушунишга интилган, аммо агар Худо Ўзини билдиришни хоҳламаса бунинг иложи йўқ. Одамнинг қўлидан келмайдиган ишни Худонинг Ўзи қиласи, У Ўз марҳамати билан бизнинг инсоний онгимиз учун тушунарли қилиб Ўзини намоён қиласи. Яратувчи бизга Ўзини турли йўллар билан намоён қиласи. Худонинг Ўзини намоён қилишнинг биринчи йўлини умумий пайғомлар деб аташ мумкин.

A. Умумий пайғомлар

Аталишидан тушунарли бўлса керак, умумий пайғом ҳамма учун тушунарли бўлади. Масалан, ҳар қандай одам табиатни кузатар экан, Худонинг мавжуд эканига, Унинг қудратли ва улуғворлилигига ишонч ҳосил қиласи (Заб.18:12; Рим.1:20). Бундан ташқари ҳар бир одамда виждан деган нарсанинг борлиги, Худонинг аҳлоқий қонуни мавжудлигига чиройли исбот бўлади (Рим.2:15).

Бироқ, умумий пайғомлар, Исо Масихнинг гуноҳларимизни ювиш учун қурбон бўлганини ва қайта тирилганини тушунтириш учун ва яна имон, иноят тушунчаларини тушуниш учун ҳам етарли эмас.

B. Маҳсус пайғомлар

“Маҳсус пайғомлар” — мақсади одамларга Худонинг ҳақиқатларини ва Унинг иродасини етказиш, бундай пайғомлар Худонинг мўжизавий ва ғайритабиий ишларини ўз ичига олади.

Биз Муқаддас Китобда маҳсус пайғомнинг кўринишлари ва шаклларига таълуқли ҳодисалар тасвирланган лавҳаларни учратамиз: қуръа (Лк.1:9; Ҳав.1:26), урим ва туммим (Лев.8:8), тушлар (Ибт.37:5), ваҳийлар (Иш.6:6), фаришталарнинг зухур бўлиши (Лк.2:9-15), пайғабарликлар (ЗШох.22:7), Эски Аҳдда Масихнинг Худованд фариштаси қиёфасида зухур бўлиши (Суд.6:11).

Сиз билан биз учун иккита энг муҳим пайғом — бу Калом, яъни борлиқнинг асосидаги илоҳий куч ва мантиқ бўлмиш — Масих ва Худонинг Сўзи бўлмиш — Муқаддас Китобдир (Юҳ.1:1). Муқаддас Китоб — бу биз учун ва биздан кейингилар учун қолдирилган Худонинг одамзодга нисбатан режалари ва ниятларининг амалга оширилиши ҳақида ҳикоя қилувчи энг ишончли ва обрўли китобдир.

III. МУҚАДДАС КИТОБНИНГ ТУШУНАРЛИ ЭКАНЛИГИ

Иблиснинг энг разил ёлғонларидан бири, Муқаддас Китобнинг тушунарлилик фикрига ҳам таъсир кўрсатган. Асрлар давомида диний арбоблар, оддий одамлар Муқаддас Китобни тушуна олишмайди, Худонинг Сўзини маъносини фақат баъзи бир танланган одамларгина тушуна олишлари мумкин, деб ўргатишган. Ва хатто мана шу “танланганларга” ҳам Каломни ўрганиш бир неча текстлар билан чегараланган ва бунга фақат жамоатнинг “қобилиятли ва руҳсат этилган” бошлиқлари томонидан ижозат берилган. Кўриниб турибдики, барча бунақангича ҳаракатлар Муқаддас Китобни тушунишни ва ўрганишни чегаралаб қўйган. Албатта булар Худонинг бу Китобга нисбатан режасига, ниятига зид эди. Худонинг ҳоҳиши эса инсонлар бу Китобни ўзлари учун сифинадиган бир нарсага айлантирумасдан, бу Китоб орқали Худо ҳақида билишлари, ўрганишлар ва яшашлари керак эди.

A. Муқаддас Китоб ўз даврининг тилларида ёзилган

Муаллифлар Муқаддас Китобни З хил тилда ёзишган. Эски Аҳднинг катта қисми қадимги яхудий ёки ибрий тилида ёзилган. Ибрий тили — бу Истроилнинг тили бўлиб, у авлоддан авлодга ўтиб келган ва шу тарзда сақланиб қолинган (Иккинчи қонун.6:6-7). Бу — бой ва маънодор бўлган ажойиб тилдир. Бу тилда ёзилган Худонинг гаплари, китоб қаҳрамонларининг кечинмалари, барча ўқувчилар учун аниқ-равшан ва тушунарлидир.

Муқаддас Китоб ёзилган яна бир тил — бу арамий тилидир. Бу тилда Ездра ва Дониэл пайғамбар китоблари ёзилган. Муқаддас Китоб ёзувларидаги тилнинг қандай ўзгарганлиги ҳам жуда қизиқарли. Бу китоблар Бобил сургуни даврида ёзилган. Истроил халқи сургундалигига ибрий тилини унугиб, янги тилда, яъни ўша давлатнинг тилида сўзлаша бошлашган. Халқнинг тили ўзгариши билан Муқаддас Китобнинг тили ҳам ўзгарган, муаллифлар оддий одамларга ҳам тушунарли бўлган шеъвада ёзишни бошлашган.

Янги Аҳд — грекча тилда ёзилган. Хўш, нима учун айнан мана шу тил танланган? Тарихга мурожаат қилиб, биз кўрамизки, Рим давлати ўша даврдаги дунёни жуда катта қисмини босиб олган ва бунинг натижасида грек тили энг кўп тарқалган тил бўлган. Шунинг учун муаллифлар Инжил Хушхабарини кўпчилик одамларга тушунарли қилиш учун ўша

даврдаги энг кўп тарқалган тилни танлашган. Мана шу факт, яъни жуда кўпчилик одамлар сўзлашадиган тилни танланганлиги шуни кўрсатадики, муаллифларнинг мақсади Хушхабарни фақат “танланган одамларга” етказиш эмас, балки бу Хушхабарни барча одамлар ўқиб, тушуна олишлари учун иложи борича кўп одамларга етказиш бўлган. Юқорида айтилганларга яна шу нарса исбот бўладики, Янги Аҳдни ёзган одамлар учун иброй ва арамий тили уларнинг она тиллари бўлган, улар бу тилларда ёшликларидан бошлаб гаплашишган, аммо шунга қарамасдан бу муаллифлар ҳаммага тушунарли бўлиши учун бошқа тилни танлашган.

Б.Муқаддас Битиклар — ҳаётдан олинган оддий мисоллар билан тасвирланган

Муқаддас Китоб муаллифлари бизни ўзларининг зўр билимлари билан лол қолдиришга ҳаракат қилишмайди. Аксинча, улар бу ердаги сўзларни ҳар қандай одам бемалол тушуна олиши учун содда қилишга ҳаракат қилишган, бунинг учун кундалик ҳаётдан олинган мисоллар келтиришган. Биз бу ерда аёллар, эркаклар, болалар, ҳайвонлар, дехқончилик, ҳосил... кабилар ҳақидаги ҳикояларни учратамиз. Муаллифлар асосий маънени тушунтирадиган энг яхши мисоллардан фойдаланишган. Ҳикоялар нима ҳақида бўлишидан қатъий назар, уларнинг мақсади ўзгармайди: Худонинг Сўзини одамларга тушунарли қилиш.

IV. МУҚАДДАС КИТОБНИНГ АҲАМИЯТИ

Худо Муқаддас Китобни шунчаки жавонда чанг босиб ётадиган оддий бир кўргазма қилиб бермаган. Муқаддас Китоб — бу одамлар фойдаланишлари учун Худо томонидан тайинланган муҳим ва катта аҳамиятли манъбадир.

A. Муқаддас Китобнинг ёзилиши

Бизнинг онгимиз учун чексиз ва акл бовар қилмайдиган кудратли Худо ҳақида хатто оддий ҳақиқатларни ҳам тушуниш қийин. Худо буни яхши билади, шунинг учун Ўзини ва Ўз иродасни бизга аста-секин, навбатма-навбат очиб беради (Иш.29:9). Булар ривоятлар, амрлар ва въйдалар асосида Эски Аҳдда келтирилган ва биз Муқаддас Китобни, ёзилганидек кетма-кетлик билан ўқишимизга қараб бу ҳақиқатлар бизга ўз навбати очиб берилади.

Б. Тарихий ҳақиқат эканлиги

Муқаддас Китоб — бу тарихий хужжатdir, гарчи унда ҳамма муҳим тарихий фактлар ёзилмаган бўлса ҳам. Муқаддас Китоб қандайдир ўйлаб топилган воқеалар ҳақида эмас, балки Худонинг дунё тарихидаги амалга оширган ҳақиқий ишлари, ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қиласи ва Худонинг бу ишлари ва ҳаракатлари қандайдир ўйлаб топилган қаҳрамонлар орқали эмас, балки ҳақиқий одамлар орқали амалга оширилган. Муқаддас Китобнинг яна бир ноёб томони шундаки, унда турли хил омма қатламларга мансуб бўлган одамларнинг асрлар давомида синалган ҳаётий тажрибалари келтирилган, булар хозир ҳам қадр-қийматга эга.

1.Оқсоқоллар ҳақидаги ҳикоялар ҳазрати Мусога тегишли ва унинг Беш китобини ташкил қиласи.

Оқсоқоллар — бу қабила бошлиqlари, улар бу бузилган дунёда Худога мақбул ҳаёт билан яшаганлар. Улар Худога ишонишган, бу ишончларида мустаҳкам турганлар ва Худо уларга очиб берган ҳақиқатларни авлодларига ҳам етказишга ҳаракат қилишган.

2. Эски Аҳднинг тарихий китоблари руҳонийлар томонидан ёзилган.

Руҳонийлар — булар Худо учун хизматга маҳсус тайинланган одамлардир. Улар Худо ҳузурига кириш (Аҳд чодиридаги муқаддаслар муқаддаси макони), У билан алоқа қилиш ва халқнинг гуноҳлари учун қурбонликлар келтириш учун Худо томонидан тайинланганлар. Уларнинг гувоҳликларига тўла ишониш мумкин.

3. Забур ва ҳикматлар китобларининг ёзилишида подшоҳлар иштирок этишган.

Подшоҳлар — давлатнинг диний ва сиёсий мувозанатини бошқариб, ўзларида донолик ва ғамхўрлик сифатларини намоён қилишлари керак эди. Уларнинг олиб борган ишлари ва ҳаракатлари бутун халқ учун қанчалик муҳим ва аҳамиятли бўлганини шу нарса билан ҳам билиш мумкинки, бу подшоҳларнинг ҳатти-ҳаракатлари оқибатида Истроил халқига Худо томонидан барокатлар ёки даҳшатли жазолар келган (4Шоҳ.20:13-18). Ҳикматлар китобида бу оқибатлар сабабларининг ечими ҳақида, ҳаёт сабоқлари ҳақида гапирилган.

4. Пайғамбар китоблари пайғамбарлар томонидан ёзилган

Пайғамбарлар халққа Худонинг Сўзини қанай бўлса шундайлигича, холисона етказиб турганлар. Қачонки улар Худонинг барокатлари ҳақида гапиришганда, халқ бу пайғамбарларни хурматлашиб уларнинг гапларига қулоқ солишган. Аммо, қачонки пайғамбарлар Худонинг ғазаби ва ҳукми ҳақида халқни огоҳлантириб гапиришганда, одамлар уларни қувғин қилишган ва хатто ўлдиршган (ЗШоҳ.19:14). Бундай гувоҳликлар ишонарлидир.

5. Янги Аҳд таълимоти Жамоатга ҳаворийлар томонидан етказилган

Ҳаворийларнинг, шунингдек уларнинг энг яқин шогирдлари ва ёрдамчиларининг олдига барча халқларга бориш ва ўргатиш вазифаси қўйилган эди, ва шу билан бирга бу вазифа — ўқитувчиларнинг камлиги, моддий маблағларнинг, биноларнинг ва шу кабиларнинг йўқлиги шароитида берилган эди. Аммо, улар ҳаётий “университетларда” таълим олишди ва жуда кўп нарсани ўрганишди. Ҳаворийлар жуда кўп азобларга, қувғинларга, даҳшатли қийинчиликларга ва ўлимларга маҳкум бўлишди. Улар ташкилий муаммоларни ҳал қилишди ва янги жамоатлардаги гуноҳлар билан курашишди, шунингдек, улар кўп вақтларини ва кучларини “қўйларни ўтлатиш” учун сарф қилишди. Ҳаворийлар ва уларнинг шогирдлари ибодатнинг ва Худо Сўзининг қурдатини ангалаб етишди. Уларнинг барча тажриба бойликлари ишончли ва тушунарли қилиб Янги Аҳдда келтирилган.

В.Муқаддас Китобнинг тўғрилиги ва холисоналиги

Муқаддас Китоб қадимги дунё ҳақидаги ўзига хос бир хужжатdir ва унда Худо халқининг муваффақиятлари билан бирга уларнинг омадсизликлари ҳам холисона гапирилади. Шунингдек, ким ҳақида гапирилаётганига қарамай — чўпон ёки қудратли шоҳ бўлишидан қатъий назар, булар ҳақида ҳам холисона гапирилади. Муқаддас Китоб ҳар қандай одам ҳақида ва Худонинг бу одамга муносабати ҳақида холисона, тўғри гапиради. Ҳатто, имон наъмунаси бўлган одамларнинг ҳам қилган гуноҳлари яширилмайди (Ибт.12:10-20; Сон.20:7-12; 2Шоҳ.11). Бундан ташқари, муаллифлар масиҳий ҳаётни бўяб, осон қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишмайди. Ҳазрати Исо Ўз шогирдларига бу ном учун оғир қийинчиликларга учрашларини бир неча марта гапирган (Мат.10:37-39; Юҳ.15:16-21). Муқаддас Китоб — айтиш зарур бўлган нарсани, бизга ёқса ҳам ёқмаса ҳам бари-бир айтадиган дўстимиз кабидир.

V.МУҚАДДАС КИТОБ — ҲАҚИҚАТДАН ҲАМ ХУДОНИНГ СЎЗИ

Муқаддас Китоб — Худонинг ижодидир ва Ижодкор бу китоб барчамиз учун тушунарли бўлишини ва биз ундан ҳаётимизда ва хизматимизда қудратли қурол сифатида фойдаланишимизни хоҳлайди. Худонинг Сўзини одамларга етказилиш жараёнини батафсил кўриб чиқамиз.

А.Илҳом бериш

“Илҳом бериш” ёки “илоҳий илҳом” сўзи, айнан “Худо томонидан илҳомлантириш”ни билдиради. Бу сўз Муқаддас Китоб текстларининг қаердан пайдо бўлганлигини тушунтиради ва Каломни — тирик Худонинг ёзма тарзда берган Сўзлари эканлигини таърифлайди

(2Тм.3:16). Шунинг учун Муқаддас Китобга, яъни Худонинг бу “асарига” ўзига хос тарзда ёндошиш талаб қилинади.

Муқаддас Китоб — бу одамзоднинг фикрлари, мулоҳазалари ва булар асосидаги хуносалари маҳсули эмас. Бу — ёзма тарзда қайд қилинган ёки оғзаки берилган Худонинг Сўзири. Пайғамбарлар ва ҳаворийлар, бу каломлар уларнинг сўзлари эмаслигини бир неча марта таъкидлаганлар. Ҳаворий Бутрус 2Мактубининг 1 бобида шундай деб ёзади: “Ҳеч бир пайғамбар ўзининг инсоний хоҳиши билан башорат қилган эмас. Бу азиз одамлар Муқаддас Рух томонидан ҳаракатга келтирилиб, Худонинг сўзларини гапириб берганлар” (2Бутр.1:21). Ҳазрати Исонинг Ўз Самовий Отасига айтган гапларини ҳам эслаб кўринг: “Менга берган каломларингни уларга топширдим...” (Юҳ.17:8). Шуни тушуниш мухимки, Муқаддас Китобни ёзишда, Худо томонидан фақат айрим муаллифларгина илҳомлантирилмаган, балки бутун Муқаддас Китоб Илоҳий Руҳнинг одамлар орқали амалга оширган ҳосилидир.

Б.Сақланиши

Муқаддас Китоб (аникроғи унинг қисми) узоқ вақтлар давомида истроил ҳалқи томонидан асраб-авайлаб сақланган, ўша вақтда мавжуд бўлган китобларни сақлаш учун маҳсус одамлар тайинланган. Муқаддас Китобга жиддий муносабатда бўлингандигига қўйидаги факт ҳам асос бўлади, яъни Худонинг сўзлари етарлича мустаҳкам, пишиқ материалларга (папирус, пергамент) ёзилган ва бунинг шарофати билан бу ёзувлар бизнинг давримизгача сақланиб, етиб келган. Қачонки Муқаддас Китобни ташкил қилувчи барча китоблар жамланганидан кейин, улар масиҳийларнинг ҳам диққат-марказидан жой олади ва ўз навбатида масиҳийлар ҳам бу ёзувларни хатто бир ҳарфини ҳам ўзгартирасдан сақлашга ҳаракат қилишган. Агар биз масиҳий жамоатини шаклланишининг дастлабки жараёнларини эслага олсақ, ўша вақтларда ҳам текстларни сақлаш катта аҳамиятга эга бўлганини тушунамиз. Аммо кейинроқ ҳам Муқаддас Битикларга муносабат ўзгармади, масалан, қадимги Русда Муқаддас Битиклар текстларини кўчириш билан шуғулланган бутун бир жамоатлар мавжуд бўлган ва бу ишларда асосий диққат-эътибор текстларнинг ҳақиқийлигига қаратилган. Хуллас, шуни қўшимча қилиш қолади: Муқаддас Китобнинг асл нусхаларидан кўчирилган бу китоблардан шубҳаланишга асло ўрин йўқ.

Муқаддас Китобнинг ўзгартирилмасдан сақланганига ҳайрон қолмасдан иложи йўқ, чунки минг йиллар давомида жуда кўп одамлар бу Муқаддас Битикларни ўрганишган ва қайта кўчиришган, жуда кўп тилларга мукаммал таржима қилишган. Худонинг Сўзини дунёга тарқалиш миқиёсини ва Уни неча мартараб ўқ қилмоқчи бўлишганини ҳам эслаб кўрайлик. Аммо, Худонинг Ўзи бизнинг баҳтимизга Муқаддас Китобни сақлаб қолган.

В.Муқаддас Китоб канони

“Канон” сўзи грекчадан келиб чиққан бўлиб “тўғри таёқ (хода)” маъносини, яъни тўғри йўналиш, томон ўлчовини, қоидани ёки стандарт, эталонни билдиради. Бу сўз масиҳийлар томонидан IV асрдан бошлаб, Жамоат томонидан илоҳий илҳом билан ёзилган, имонинг асосий манбайи ва нормалари бўлиб хизмат қиласи, деб тан олинган Эски ва Янги Аҳд китобларини белгилаш учун ишлатила бошланди.

Жамоатнинг кўпгина арбоблари ва масиҳий олимлар канонизация масалалари билан шуғулланишган. Улар Муқаддас Китобни ташкил қилувчи китобларнинг гувоҳликларини синчиклаб ўрганганишган, муаллифлар ҳақида маълумотлар йиғишган, текстлардаги ёзувлар ва ёзилиш усувлари бир-бирига тўғри келишини текширишган. Эски ва Янги Аҳд китобларининг канонизация жараёни Муқаддас Руҳнинг бошқаруви остида амалга оширилган.

Исо Масиҳ давригача Эски Аҳд уч қисмдан: қонун, пайғамбарлар ва муқаддас ёзувларга бўлингандай китоблардан иборат эди. Масиҳий эрасининг бошланишида Эски Аҳднинг 39 китоби Жамоат томонидан тан олинган ва бунда Эски Аҳднинг канон китоблари рўйҳати Масиҳ туғилишидан кейинги тахминан 170 йилга тегишли деб ҳисобланади. Янги Аҳд канонизацияси 27 китобни ўз ичига олиб, IV асрда ниҳоясига етди. Жамоат, Муқаддас Китоб — 66 китобдан иборат деб тан олди ва бунда апокрифик ёзувлар бу рўйхатга кирмайди.

Канон бўлмаган китоблар ёки апокрифларга келсақ, Протестант жамоати уларни тан олмайди, аммо Православ ва Рим Католик жамоатлари томонидан улар тан олинади. Апокрифик ва 66 канон китоблари ўртасида муҳим фарқлар бор. Биринчиларида сезиларли хатолар ва ноаниқликлар мавжуд (шуниси қизиқки, хатто яхудий жамоалари ҳам Эски Аҳднинг апокрифларини қатъиан рад қилишади). Аммо, кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, апокрифик китоблар ўзига хос шеърий ибодат услубида ёзилган ва улардан Православ ва Рим Католик жамоатларида бадиий кўринишдаги Худо хизматларида фойдаланилади. Апокрифик китобчалардан баъзиларини Рим Католик жамоати Протестантлар билан бўлган қаттиқ курашда (Реформация даврида) ўзи учун фойдали деб ҳисоблади. Бу китобчалар 1548 йил Трент соборида канон рўйхатига киритилди.

Г. Муқаддас Китоб таржималари

Шунга эътибор бериш лозимки, Муқаддас Китобни таржима қилиш вазифаси катта ва қийин вазифадир ва бу вазифа ҳозиргача давом этмоқда. Замонлар ўтиши билан кўп халқларнинг тиллари, маданий урф-одатлари, Муқаддас Китоб давридагига қараганда анча ўзгарди ва ҳозир ҳам ўзгариб бормоқда. Шунинг учун таржимонлардан асл нусхадаги маъноларни иложи борича аниқ етказиш учун сўзларни ва ибораларни яхшилаб, синчиклаб ўрганиб танлашлари талаб қилинади ва бунда таржимани ёшидан ва маълумотидан қатъий назар ҳар қандай одамга тушунарли қилиш асосий вазифалардан биридир. Умуман олганда, худди асл нусхадагидек, идеал таржима қилишнинг иложи йўқ, аммо замонавий фан тараққиёти, янги-янги қўй ёзмаларнинг кашф қилиниши, Муқаддас Китоб ҳақидаги билимлар даражасининг ўсиши, — буларнинг барчаси асосий вазифани, яъни Хушхабарни ҳар бир одамга етказиш вазифасини бажариш учун хизмат қилиши мумкин. Бошқа бир тилга таржима қилинган Муқаддас Китоб, албатта асл нусхаси билан солишириб кўрилади.

Д. Ўқитиш ва ўргатиш

Қачонки масиҳий Худонинг Сўзини ўқиса, ўрганса ва ўқиган Каломлари ҳақида мулоҳаза қиласа, Муқаддас Рух бу одамга ўқиганларини асл маъносини очиб беради. Бундай ўрганишнинг жараёни чексиздир. Аммо бу жараён иккитомонлама хусусиятга эга. Одам Муқаддас Рухнинг ёрдамисиз ўқиганларини асл маъносини англай олмайди (1Кор.2:24; Заб.118:18), Рух эса агар одамнинг ўзида хоҳиш бўлмаса унга ўргатмайди (2Тм.2:15; Заб.118:97-99).

Устоз бўлиш, Худонинг Сўзини ўргатиш — бу буюк шарафдир (1Тм.4:16), бироқ шу билан бирга катта жавобгарлик ҳамдир (Ёқ.3:1). Жиддий ибодат билан тайёрланмасдан туриб, устозлик ишига киришиш мумкин эмас. Бироқ шунга қармай, Худо бари-бир биз ўз она тилимизда Муқаддас Китобнинг ишончли таржимасига эга бўлишимиз учун барча заруруй чораларни кўрган ва Унинг Сўзларини Муқаддас Рух ёрдамида тушуниб олишимиз учун имконият ҳам берган. Биз Худонинг Сўзи ёрдамида авваламбор ўзимиз масиҳий ҳаётда ўсишимиз керак, ана ундан кейин бошқаларга хизмат қилишимиз мумкин. Ушбу буюк миссияда — Худонинг нажот берувчи Сўзини ҳалок бўлаётган дунёга етказишда биз ҳам иштирок этишимиз, бу — буюк марҳамат ва баҳтдир.

Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари

2,3 Дарслар

МУҚАДДАС КИТОБНИ ИНДУКТИВ УСУЛДА ЎРГАНИШ I

*Худонинг Каломидаги ҳақиқатларни
қўллаш*

Дарс мақсади:

Миссионер-жамоат ташкил қилувчиларга Муқаддас Китобни ўрганишнинг индуктив усули билан танишириш ва уларга бу усулни ўргатиш.

Кутиладиган натижалар:

Дарс материалини ўрганиб ҳар бир ўқувчи:

- Муқаддас Китобни ўрганишда индуктив усулдан фойдаланишини билиши керак;
- Худонинг Каломини ўрганиши керак;
- Ўрганган ушбу принципини амалда қўллашни бошлиши керак;

Дарснинг режаси:

- I. Кузатув
- II. Шарҳлаш
- III. Қўллаш

Ўқитувчиларга кўрсатма:

Бу дарс икки соатга мўлжалланган.

СЎЗ БОШИ

Индукция — бу ҳар бир фактни ва ҳолатларни мулоҳаза қилиб, улардан умумий хуносалар чиқариш усулидир. Индуктив усул Муқаддас Китоб лавҳалари ҳақида мулоҳаза қилишда ва бу лавҳаларни таҳлил қилишда айнан мана шу усулдан фойдаланади. Бу усул Муқаддас Китобни ўрганишдаги ҳар қандай усулнинг асосини ташкил қиласди. Бу дарсда биз индуктив усулнинг учта босқичини кўриб чиқамиз: кузатув, шарҳлаш ва қўллаш.

I. КУЗАТУВ

Кузатув — бу Муқаддас Китоб текстининг бир лавҳасини ўқиш жараённада ундаги асосий сонияларни ажратиб олишдир. Кузатув “бу лавҳада нима ҳақида гапириляпди?” деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиласди. Кузатув босқичининг ўрганиладиган текстнинг мазмунини синчиклаб текширишга ёрдам берадиган бир нечта муҳим аспектларини кўриб чиқамиз.

A. Кузатувни тўғри олиш мухимдир

Жиддий ўрганиш — бу ҳар доим меҳнат талаб қиласиган ишдир. Худонинг Каломи билан муносабат қилишда уни тўла тушиниб ўрганиш учун сабрли ва қатъиятли бўлиш керак. Тингловчилар унча муҳим бўлмаган деталларга чуқур берилиб кетмасликларига эътибор беринг, лекин бу жараёнда у ёки бу оятларга шунчаки назар ташлаб ўтиш билан ҳам чегараланмаслик керак. Мазмунни тушунишга йўл кўрсатувчи саволлар беринг ва тингловчилар билан биргаликда ҳақиқий маънони излашга ҳаракат қиласинг. Текстдаги асосий нарсаларни ва иккинчи даражали нарсаларни ажратса олишга ва кўра билишга ўрганинг.

Б. Асосий саволларни беринг: “ким?”, “нима?”, “қаерда?”, “қачон?”, “қандай?” ва “нима учун?”

Ушбу олтита муҳим саволларни беринг ва буларнинг ҳар бири бўйича оятларни кўриб чиқинг. Агар сиз бу саволларнинг барчасига жавоб беролмасангиз, ташвишланманг, чунки ҳаммаси оятларнинг мазмунига боғлиқ бўлади.

1. Ким?

а) Муқаддас Каломнинг бу китобини ким ёзган? (Агар ўрганаётган лавҳангиздан буни билиб бўлмаса, сиз жавобни мана шу ўрганаётган китобингизнинг биринчи оятларидан топишингиз мумкин).

б) Бу лавҳа кимнинг номига ёзилган?

в) Бу лавҳада эсга олинган барча одамларни бирма бир санаб ўтинг.

2. Нима?

Лавҳада гапирилган барча ҳодиса, воқеа ва ҳаракатларни бирма-бир санаб ўтинг.

3. Қаерда?

а) Сиз ўрганаётган текст қаерда ёзилган?

б) Бу лавҳада ҳикоя қилинган воқеалар қаерда содир бўлган?

в) Бу лавҳада эсга олинган ҳамма жойларни бирма бир санаб ўтинг.

4. Қачон?

а) Бу текст қачон ёзилган?

б) Бу лавҳада келтирилган воқеалар ўз жойига эга бўлган (эга, эга бўлади)?

в) Лавҳадаги замон кўрсатмаларини сананг. Бу лавҳа замоннинг қайси грамматик категорияси бўйича ёзилган (ўтган замон, хозирги замон, келаси замон) ?

5. Қандай?

Бу ерда гапирилган воқеалар, ҳодисалар ва ҳаракатлар қандай содир бўлган?

6. Нимага?

Бу ерда гапирилган воқелар, ҳодисалар ва ҳаракатларнинг содир бўлиш сабаблари келтирилганми? (Сабабларга ўз тахминларингиз бўйича тасдиқлар излашга ҳаракат қилманг, балки лавҳадан аниқ кўрсатмалар излашга ҳаракат қилинг).

В. Лавҳанинг шакли ёки структурасини аниқланг

1. Муқаддас Китобда фойдаланилган тилларнинг турли-туман кўринишлари

а) Таққослаш

Таққослашда иккита турли предметни ёки кўринишни асоси бўйича бир-бирига ўхшатилади (кўпинча “каби”, “сингари” сўзлари ишлатилади). Масалан Заб.1саносида солиҳ қиши оқар сувлар бўйига ўтқазилган дараҳтга таққосланади, зеро уни ҳам буни ҳам умумий таърифи баҳтли ҳаёт, роҳатли турмушни билдиради.

б) Маталлар

Маталлар — ҳикоя шаклидаги кенгайтирилган таққослашдир. Ҳазрати Исо шогирдларига, гарчи бошқаларга қараганда кўп ишлашган, бироқ тенг ҳақ тўланган ишчилар ҳақидаги матални айтиб бериш орқали, уларга Осмон Шоҳлиги нима эканлигини тушунишларини осонлаштиришга ҳаракат қиласиди. Ҳазрати Исо бу матални қўйидаги сўзлар билан бошлайди: “Шундай қилиб, Осмон Шоҳлиги узумзорига эрта саҳарда мардикорлар ёллагани чиқсан боғ эгасига ўхшайди...”(Мат.20:1).

в) Метафора

Метафора — бу иккита турли хил, бир-бирига аълоқаси йўқ нарсаларни, “каби”, “сингари” сўзларисиз таққослашдир. Яхё фарзий ва саддуқийларга “илонлар зоти” деб гапирганда, уларнинг мағурурлиги ва ўзига бино қўйишларига нисбатан Ўзининг нафратини изҳор қиласди. (Мат.3:7).

г) Аллегория

Агар мatal — бу кенгайтирилган таққослаш бўлса, аллегория — бу кенгайтирилган метафора, киноя билан гапириш, қандайдир фикрни аниқ образда ифода қилиб айтишдир. Суд.9:7-15 оятларида Иофам халққа турли фойдали дархтлар ва ўсимликлар ичидан бефойда бўлган тиканни шоҳ қилиб тайинланиши ҳақида гапиради, ҳақиқатда эса унинг мақсади номуносиб доҳийни таърифлаш эди.

д) Гипербола

Гипербола — бу бўрттириб кўрсатиш воситасидир. Ҳазрати Исо бошқани ҳукм қилувчи, аммо ўзининг кўзидағи ходани кўрмайдиган одам ҳақида гапиради, лекин бу жисмонан мумкин эмас. Ҳақиқий маънода эса У ўз гуноҳларини англамаган одам, бошқаларнинг ҳам гуноҳкорликлигини ҳам тушуна олмаслигини тушунтиради.

е) Сарказм (аччиқ истехゾ)

Сарказм — бу заҳархандалик, аччиқ истехゾ билан кулиш, бунда сўзловчи тескари томонни таъкидлаш учун, вазиятга мос келмайдиган дабдабали сўзлар ва пафослар билан гапиради. Мисол сифатида Павлуснинг коринфликларни мағурурликлари учун койиб гапирган мана бу сўзларини келтириш мумкин: “Сизлар энди тўқ бўлибсизлар, бойиб кетибсизлар, бизсиз сultonлик қиляпсизлар...”(1Кор.4:8).

2. Образли сўзларни ва ибораларни шарҳлаш

Муқаддас Китобда турли образли сўзлар ва иборалар ишлатилган ва буларни англаб олиш жуда муҳимдир, чунки текстни тушуниш мана шу образли сўзлар ва ибораларни қандай қабул қилишга боғлиқ бўлади. Муқаддас Китобдаги текстлар муаллифи қачон образли иборалар билан гапираётганини ва қачон оддий адабий тилдан фойдаланётганини аниқлаб олиш — бу анча қийин вазифадир. Масалан, агар биз Худонинг буйруқлари образли характерга эга, деб ҳисобласак жиҳдий хато қилган бўламиз. Бошқа тарафдан, агар Муқаддас Китобнинг ҳар бир оятини тўғри маънода қабул қилиш керак, деб ҳисобласак унда ҳам боши берк кўчага кириб қоламиз. Мисол учун, ҳазрати Исо: “Мен ҳаёт нониман” (Юх. 6:35), деб айтган. Мутлақо кўриниб турибдики, Исо Масих Ўзини “нонман” деганда ибора билан гапирган. Ҳўш, биз қандай қилиб образли сўзларни оддий сўзлардан ажратишни ўрганишимиз мумкин?

Образли ибораларни оддий гаплардан ажтатиб олиш учун қўйидаги саволларга жавоб бериш етарли бўлади:

а) Агар бу лавҳани тўғри маънода қабул қилинса, унда бу шунчаки бемаънилик ва имконсиз нарса бўлиб туюмаяпдими?

Мисол: “...тоғлар ва тепаликлар сизнинг олидингизда қўшиқ куйлайди ва далалардаги барча дархтлар сизга қарсак чалади” (Ис.55:12).

б) Бу лавҳада Рух бўлган Худо жисмоний танага ва бошқа инсоний хусусиятларга эга бўлган мавжудот образида хозир бўлмаяпдими?

Мисол: “...мана, Худованднинг қўллари нажот бериш учун калта эмас ва Унинг кулоқлари эшитиш учун оғир эмас”(Ис.59:1)

г) Бу лавҳада, бу оятларни тўғри маънода тушунмаслик кераклиги ҳақида кўрсатмалар борми?

Мисол: “ Матални эшиting.... ”(Мат.21:33).

Агар юқорида келтирилган вазиятлар сиз таҳлил қилаётган лавҳага таълуқли эмас, деб ишонч билан айта олсангиз, унда бу лавҳадаги оятларни түғри маънода қабул қилишингиз керак.

Г. Муҳим сўзларни топинг

Мисол: 1Юҳ.2:15-17 оятларида муҳим сўз — бу “дунё”. Қачон бу сўз текстда учраса, доим контексти бўйича ёзиб олинг ва бу сўз ҳар бир аниқ вазиятда турли-туман маънолар ичидан айнан бу ерда қайси маънода ишлатилганини аниқлашга ҳаракат қилинг.

Д. Таққослашларни ва қарама-қарши қўйишларни кўриб чиқинг

Мисол: Заб.1 да солиҳ киши ким билан таққосланган? Қўйидаги қаторларга солиҳ билан фосик ўртасидаги фарқларни ёзиб чиқинг.

Солиҳ	Фосик

Е. Фикрларнинг ривожланишини кузатинг

Мисол: Ис.40:29-31.

- 1) ”У ҷарчаганга қувват беради,
- 2) ва ҳолдан тойғанга қўрғон бўлади
- 3) Ёш йигитлар ҳам ҷарчайди, ҳолсизланади,
- 4) ва бақувват кишилар ҳам йиқиласди,
- 5) Худовандга умид қилғанлар эса янгидан кучга тўлар;”

Ж. Такрорланишларни ажратинг

Мисол: Юҳ.17:20-26. Қайси сўзлар такрорланган? Уларни ёзиб олинг ва Исо Масиҳ бу сўзларга қандай маъно берганини белгиланг. Уларнинг бир-бирлари билан қандай боғлиқликлари бор?

З. Феълларни намоён этиш

Ис.40:20-31 оятларига қайтинг. Бу оятларни ўқиётганингизда, ундаги феълларга эътибор беринг ва унда тасвирланган ҳаракатларни тасаввур қилиб кўринг.

И. Воқеа ва ҳодисаларни кўз олдингизга келтиринг

Мисол: Мат.9:36-39 оятларини ўқиб чиқинг. Бу жарённи ўз тасаввурингизда кўз олдингизга келтиришга ҳаракат қилинг.

К. Оятларни изоҳлашга ҳаракат қилинг

Мисол: Мат.13:31-39 оятларидаги ҳазрати Исонинг гаплари қайси маънони изоҳлашга қаратилганини тушунишга ҳаракат қилинг.

Л. Боғловчи сўзларни ва боғловчиларни белгиланг

Мисол: Гал.5:19-23 оятларидаги боғловчилар қанай рол ўйнаган? Улар қанай сўзларни бирлаштирган? Нималарига қараб бирлаштирилган?

М. Ўз нуқтайи назарингизни ўзгартиришга тайёр бўлинг

Лавҳани ўрганишга киришар экансиз, Муқаддас Китоб нуқтайи назарини қабул қилишга тайёр бўлинг, хатто агар у сизнинг шахсий нуқтайи назарингизга зид бўлса ҳам.

Н. Муқаддас Китобни ўқиши жараёнида белги қўйишга одатланинг

Эслатма: Кўпчилик одамлар ўзларининг Муқаддас Китобларида белгилар қўйишни унчалик ёқтиришмайди. Уларга маслаҳат: ўрганадиган текстингизни бошқа бир дафтарга кўчириб олинг ёки белгилар қўйиш учун бошқа бир Муқаддас Китоб сотиб олинг.

II. ШАРХЛАШ

Шарҳлаш — бу Муқаддас Китобни ўрганиш жараёнида қузатиш орқали қўрган ва пайқаганларни тушунишдир. У мана бу саволга жавоб бериси керак: “Бу нимани билдиради?”

A. Муқаддас Китоб лавҳасини шарҳлаш

1. *Муаллифнинг мақсади ва вазифасини аниқлаш.*
2. *Асосий мазмунни ажратиб олиш*
 - а) Муаллиф нима ҳақида ёзган?
 - б) У ўз персонажи ҳақида нимларни гапирган?
 - в) Бу лавҳанинг асосий мазмуни ва маъноси нима? (Битта гап билан)
3. *Фикрнинг ривожланишини аниқлаш*

Б. Муқаддас Китоб материалини шарҳлапнинг асосий қоидалари

1. Муқаддас Китоб материалини тушунтиришнинг асосий принциплари

- а. Ишни бошлашда, Муқаддас Китоб ҳақиқатдан ҳам Худонинг Сўзи эканлигига ишонган ҳолда бошлаш керак.
- б. Шуни ҳар доим ёдда сақлангки, Муқаддас Китобни тушуниш бўйча изоҳ Унинг Ўзида бўлади.
- в. Муқаддас Китобни тўғри тушуниш учун имон ва Муқаддас Руҳнинг бошқаруви керак.
- г. Муқаддас Китобни ўз тажрибангиз нуқтани назари билан шарҳламанг, аксинча ўз тажрибангизни Муқаддас Китоб нуқтани назари билан шарҳланг.
- д. Муқаддас Китоб бизнинг билимимизни ошириш учун берилмаган, балки Муқаддас Китоб одамларнинг ҳаётларини ўзгартириш учун берилган.
- е. Ҳар бир масиҳий Муқаддас Китобни Илоҳий Рух ёрдамда ўрганиш ва шарҳлаш учун ҳақ-хуқуққа, имтиёга ва мажбуриятга эгадир.

2. Муқаддас Битикларни шарҳлашнинг грамматик, тарихий ва илоҳий аспектлари

- а. Сўзларнинг маъноларини тушунтиришда китоб муаллифи яшаган тарихий даврни, ўша даврдаги маданий урф-одатларни ҳисобга олинг.
- б. Лавҳани аввал ёзилиши ва грамматик нуқтани назар бўйича тушунтиринг, ундан кейин илоҳий маъносини шарҳлашга ўтинг. Агар Ёзувларда иккита фалсафий таълимотлар бир-бирига қарама қарши бўлса, у ҳолда уларнинг иккиласани ҳам Муқаддас Китобга тегишли деб қабул қилиш керак ва Худо учун булар ҳал қилиб бўладиган нарсалар эканлигига ишонинг.
- в. Агар лавҳада мажозий маъноли сўзлардан фойдаланилган бўлса, айтилган гапларнинг асосий ғоясини, мазмунини излашга ҳаракат қилинг.

В.Муқаддас Китоб принципларини бир-бири билан солиштириш

Ўрганаётган лавҳангизни Муқаддас Китобнинг бошқа қисмлари ва лавҳа контексти билан солиштириб ва таққослаб кўринг.

1. Агар сиздаги Муқаддас Китобда кенгроқ маълумот олиш учун ўрганаётган лавҳангиз мавзуси билан боғлиқ оятларни топиб ўқиш тавсия қилинганд бўлса, илтимос уларни топиб ўқинг.
2. Ўрганаётган лавҳангиз мазмунини бир абзацда ёзиб чиқинг.
3. Режа тузинг
4. Жадвал тузинг

III. ҚЎЛЛАШ (ТАДБИҚ ҚИЛИШ)

Қўллаш ёки тадбиқ қилиш — руҳан ўсиш ва хизмат самарасини ошириш мақсадида ўрганган материалдан қундалик ҳаётда фойдаланишни назарда тутади. Қўллаш ушбу саволни ўзида мужассамлаштиради: “Шахсан мен учун бу қандай аҳамиятга эга?”. Муқаддас Китоб ҳақиқатларини қўллаш ёки тадбиқ қилиш соҳаси турлича бўлиши мумкин:

A. ИМОН

Бу лавҳа шахсий имонга нисбатан нималарни ўргатади?

B. ҲИС-ТУЙҒУЛАР

Солиҳлик ва фосиқлик нима эканлиги ҳақида мен нималарни ўргандим? Буларнинг оқибатлари нималардан иборат? Мен бирор нарсага нисбатан салбий муносабатимни қандай ўзгартиришим мумкин? Мен ўзимдаги салбий, руҳимни қийнайдиган ҳис-туйғулардан, яъни қўрқув, безовталик, ҳавотир, жаҳлдорлик, баҳиллик ва рашк каби туйғулардан озод бўлишимга ёрдам топишим мумкинми?

C. ИШ, ҲАРАКАТ

Мен нима қилишим ва ўзимни қандай тутишим керак? Қайси хатолардан узоқроқ юришим керак? Нималарни ўзгартиришим керак?

D. ГУНОҲЛАР

Бу ерда менинг ҳам ҳаётимда бор бўлган қайси гуноҳлар ҳақида гапирилган? Булар учун Худо олдида тавба қилишим керакми? Ёки яқинларимга булаҳ ҳақида айтишим керакми?

E. МИСОЛЛАР

Қайси мисоллар мен учун яхши наъмуна бўлади, қайсиларидан қочишим керак?

F. ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

Мен муаммоларимни ҳал қилишим ва оилас билан, дўстларим ва жамоатим билан муносабатимни яхшилашим учун нималар қилишим керак?

G. ВАДАЛАР

Худонинг қайси ваъдаларига мен ҳам умид қилсан бўлади? Мен қандай шартларни бажаришим керак?

ТОПШИРИК

- Инжилдан Юҳ.17 бобини ўқинг. Такрорланган сўзларнинг рўйҳатини тузинг. Бу бобда дунё ҳақида нималар дейилган?
- Худонинг улуғворлиги ҳақидаги қўйидаги саволларга жавоб беринг:
 1. “Улуғворлик” сўзининг маъноси нима? (Агар сизда Муқаддас Китоб луғати бўлса, ундан бу сўзининг маъносини излаб топинг)
 2. Исо Масиҳнинг улуғланиши қачондан бошланган?
 3. Исо Масиҳ Яратувчини қандай улуғлади?
 4. Исо Масиҳнинг издошлари Уни қандай улуғлашлари мумкин?

Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари

4 Дарс

МУҚАДДАС КИТОБНИ ИНДУКТИВ УСУЛДА ЎРГАНИШ II

*Уруғ сепувчи ҳақидаги мatal. Амалий
машғулот: лавҳани таҳлил қилиш*

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — тингловчиларга Муқаддас Китоб лавҳаларини кузатув, шарҳлаш ва қўллаш принципларидан фойдаланиб таҳлил қилиш усулини тушунтириш.

Кутиладиган натижалар:

Дарс материалини ўрганиб ҳар бир ўқувчи:

- Муқаддас Китоб лавҳаларини мана шу усул билан қандай таҳлил қилиши билиши керак;
- Мустаҳкам имонга эга бўлган “урӯғ сепувчи” бўлиши ва Худодан қаерга “урӯғ сепиши” лозимлигини сўрашни ўрганиши керак;
- Имон билан мўл ҳосил учун ибодат қилиши керак;

Дарс режаси:

- I. Лавҳани таҳлил қилиш принциплари
- II. Устознинг раҳбарлигида кичик гуруҳларда Муқаддас Китобни ўрганиш

Ўқитувчиларга кўрсатмалар:

Тингловчиларни бир нечта кичик гуруҳларга ажратинг. Ҳар бир гуруҳ Мат.13:3-9,18-23 оятларида баён қилинган уруғ сепувчи ҳақидаги мatalни таҳлил қилишлари керак (яна Мк.4:1-28; Лк.8:4-15 оятларига ҳам қаранг)

Мatalни таҳлил қилишда 2,3 дарсларда берилган кўрсатмалар ва кузатув, шарҳлаш ва қўллаш принциплари бўйича амалга ошринг.

I. ЛАВҲАНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Лавҳани ўрганиш — бу Муқаддас Китобдан танланган лавҳага Муқаддас Китобни индуктив ўрганиш усулини қўллашdir. Бунинг учун сиз куйидагиларни бажаришингиз керак:

- Муқаддас Китобдан ўрганмоқчи бўлган лавҳани танлаб олинг. Бу лавҳа битта асосий мавзудан иборат эканлигига ишонч ҳосил қилинг. Муқаддас Китобнинг кўпчилик нашрларида бундай лавҳалар кичик сарлавҳалар билан ажратиб кўрсатилган. (масалан Янги Женева Библияси). Кичик сарлавҳалар ўқувчининг мавзунини осон аниқлаб олишига ва сюжетдаги ўзгаришлар жараёнини (ёки маълум бир китобда муаллифнинг фикрлари ўзгариши кетма-кетлигини) осон тушуниб олишига ёрдам беради.
- Танланган лавҳа (боб) устида кузатув, шарҳлаш ва қўллаш услубларидан фойдаланиб ишланг.

II. УСТОЗНИНГ РАҲБАРЛИГИДА КИЧИК ГУРУҲЛАРДА МУҚАДДАС КИТОБНИ ЎРГАНИШ

Ҳар бир гуруҳ Мат.13:3-9,18-23 оятларида баён қилинган уруғ сепувчи ҳақидаги мatal текстини абзацларга бўлиб чиқишлари керак (яна Мк.4:1-28; Лк.8:4-15 оятларига ҳам қаранг).

A. Кузатув

Текстни ўқиб чиқинг, ўқиши жараёнида ҳар бир деталга ва тафсилотга диққатингизни қаратинг. Бу лавҳани қайси адабий жанр қаторига қўшиш мумкин? Бу ерда қандай солиштириш ва таққослашлар бор?

B. Шарҳлаш

1. “Уруғ” бу нима?
2. Уруғни ким сепади? (1Кор.3:6 ояти билан таққосланг)
3. “Уруғ сепувчи” ким?
4. Тупроқларнинг тури нимага қараб солиштирилади?
5. Ҳар хил тупроқларда уруғлар қандай ўсганини тасвирлаб беринг.
6. “Қушлар” кимлар?
7. “Тиканлар” нималар?
8. Ҳазрати Исо “кимнинг эшитар қулоғи бўлса эшитсин!” деганда нимани назарда тутган эди?
9. 2Кор.1:18;2:10-14 оятларини ўқинг. Қайта туғилиш жараёнида Муқаддас Рухнинг роли қандай?

B. Қўллаш

Сиз бу дарсни (матални) ўз ҳаётингизда қандай қўллашингиз мумкинлигини битта ёки иккита вариантини тасвирлаб беринг.

Кейинги муҳокама учун:

1. Биз уруғни фақат серунум тупроққа сепишимиз керакми?
2. Биз тупроқни тайёрлаш учун нимадир қилоламизми?
 - а) Худодан қаерга уруғ сепишингиз кераклигини сўранг.
 - б) Сиз гувоҳлик бермоқчи бўлган одамларнинг юрак тупроқларини тайёрлашини Худодан сўраб ибодат қилишга вақт ажратинг
 - в) Худонинг Каломини эшитиб қабул қилган одамларни шайтон яна эгаллаб олмаслиги учун ибодат қилинг.
 - г) Худонинг Каломини эшитган, бироқ дунё ташвишларига бу Каломни бўғиб қўйишига йўл қўядиган одамлар учун ибодат қилинг.
 - д) Мўл ҳосил учун ибодат қилинг.

ТОПШИРИК

Индуктив усул ёрдамида Филп.4:4-9 оятларини таҳлил қилинг. Бу жараёнда қуйидаги принциплардан фойдаланинг:

1. Кузатув

Текстни камида 3 марта ўқиб чиқинг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- Филиппиликлар Мактуби қайси адабий жанрга мансуб?
- У кимнинг номига ёзилган?
- Текстни диққат билан ўқиб чиқинг ва Филиппи жамоати дуч келган муаммоларни тасвирлаб беринг.

2. Шарҳлаш

Гал.5:22 оятини ўқиб чиқинг ва бу оядда Филиппиликлар Мактубида келтирилган Муқаддас Рух ҳосилларидан қайсалари эсга олинган?

- Имонли учун қанай наъмуна келтирилган? У нима қилиши керак?
- Филиппиликлар қандай қилиб Худо билан ярашишди?

3. Қўллаш

Худо билан ярашиш жараёнига одамнинг юраги (хис туйғулари) ҳам, унинг онги, тафаккури ҳам ўзига яраша таъсир кўрсатишига эътибор беринг. Булар сизнинг руҳий ҳаётингизда қандай рол ўйнамоқда? Юрагингиз билан онгингиз ўртасида мувозанатни сақлаяпсизми?

5 Қисм: Хушхабар айтиш

Хушхабар айтиш

1 Дарс

ХУШХАБАР АЙТИШГА СЎЗ БОШИ

Худо дунёни шундай севди

Дарс мақсади:

Тингловчиларга Хушхабар айтишнинг моҳияти, сабаблари, зарурати ва маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш стратегиясидаги ўрни ҳақида тушунча бериш.

Кутиладиган натижалар:

Дарс материаларини ўрганиб ҳар бир ўқувчи:

- Хушхабар айтишнинг асосий таърифинини билиши ва бу шунчаки бир марталик тадбир эмас, балки бутун бир жараён эканлигини тушуниши керак;
- Худо барча одамларни ҳеч қандай истисносиз севишини ва ҳар бир одамнинг нажот топишини ҳохлашини билиши керак;
- Худонинг одамларга бўлган севгисининг асоси бўлмиш Хушхабарни одамларга етказиш жуда муҳим эканлигини англаши керак;
- Тажрибага ва билимга — Хушхабарни одамларга етказиш жараёнида эга бўлиш мумкинлигини билиши керак;
- Хушхабар айтиш — маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш стратегиясида асосий ўрин тутишини билиши керак;

Дарс режаси:

- I. Хушхабар айтишнинг моҳияти
- II. Хушхабар айтишнинг зарурати
- III. Хушхабар айтишнинг сабаблари
- IV. Хушхабар айтишнинг маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш жараёнидаги ўрни

Илова:

- 1А “Хушхабарни тушуниш”
- 1Б “Учлик ибодати”
- 1В “Кўпrik’ тасвири”

Ўқитувчиларга кўрсатмалар:

Тингловчилардан синфда III-бўлимда кўрсатилган Муқаддас Китоб оятларини ўқиб беришларини сўранг.

“Учлик ибодати” мавзусини муҳокама қилиш учун етарлича вақтга эга эканлигинизга ишонч ҳосил қилинг. Талабаларингизни кейинги семинаргача бўлган вақт оралиғида ўзларининг учлик ибодатларини ташкил қилишларига даъват қилинг ва бунга руҳлантиринг.

СЎЗ БОШИ

Ҳеч ким, ҳеч қачон Хушхабар айтишнинг зарурлиги ва аҳамияти ҳақида шубҳаланмаслиги керак. Хушхабар айтиш чиндан ҳам қийин ва мураккаб ишдир, шунининг учун бу соҳада етарлича тажрибага эга бўлмаган хизматчиларни бу иш кўпинча кўрқувга солади. Ҳазрати Исонинг шогирдлари ҳам, ҳозирда Хушхабарни тарғиб қилиш хизматини

олиб бораётган одамлар дуч келгани каби, ўз вақтида мана шундай ва бундан ҳам оғир қийинчиликларга дуч келишган. Матто баён этган Хушхабар бизга умид ва тассали беради.

Инжилдаги Мат.4:19 оятида Раббимиз Уни изидан юришимизга даъват қиласи: “Мени орқамдан юринглар, Мен сизларни инсон овчилари қиласман”. Ҳазрати Исонинг шогирдлари эга бўлган балиқчилик тажрибаларидан, Худованд бошқа мақсадаларда фойдаланишини хоҳлади, улар ёрдамида У Ўз Жамоатини барпо қилишга қарор қилди. Қолаверса, ўз ҳаётимизда биз ҳам айнан мана шуни хоҳдаймиз-ку. Ва биз Раббимизнинг изидан борар эканмиз, Унинг Ўзи бизни “инсон овчилари” қилишини сўраб ибодат қиласиз. Ҳозир, мана шу муҳим савонни муҳокама қилишни бошлашдан олдин, Худодан фақат Унинг Ўзигина қила оладиган нарсани — сизни одамларнинг қалбини, юракларини овлайдиган уқувли ва тажрибали “инсон овчилари” қилишини сўраб ибодат қилинг.

Балиқ овлашнинг ҳар хил усуслари ва воситалари мавжуд. Биз бунинг учун катта кемалар, мураккаб тўр анжомларидан ва механизмлардан фойдаланишимиз мумкин ва унда тутилган балиқлар сони мингдан ортиқни, хатто ўн мингдан ортиқни ташкил қилиши мумкин. Катта бўлмаган тўр ёрдамида бирваракайига бир нечта балиқ тутишимиз ёки бўлмаса оддий қармоқ ёрдамида битталаб балиқ тутишимиз мумкин. Ҳар қандай вазизиятда, қандай усуlda балиқ тутишимиздан қатъий назар, биз ҳар сафар кўпроқ ва кўпроқ тажриба ортирамиз.

Хушхабар ҳам худди шундай: у бизда фақат битта, лекин одамларни жинсидан, ёшидан, қизиқишлидан қатъий назар уларни жалб қилишнинг жуда кўп йўллари ва усуслари мавжуд. Масих учун одамларни қўлга киритишмиз учун биз Муқаддас Рухнинг ёрдамига таянишимиз керак, зоро у “*гуноҳ,adolat ва ҳукм хусусида дунёнинг хато қилганини фош қиласи*” (Юх.16:8). Кўпгина вазиятларда одамларни Масихга олиб келиш учун бу воситалар ва усусларни бирлаштирамиз. Бу ва кейинги дарсларда биз сиз билан Хушхабар айтишнинг баъзи бир усуслари ва стратегияларини кўриб чиқамиз.

I. ХУШХАБАР АЙТИШНИНГ МОҲИЯТИ

Содда қилиб айтганда, Хушхабар айтиш ёки Хушхабарлаштириш (евангелизация) — бу Инжил Хушхабарини одамларга етказиш, уларга гапириб беришdir. Инжил Хушхабари, яъни биз фақат Масих орқали нажот топишмиз ва бу нажотга ҳар бир одам эга бўлиши мумкинлиги ҳақидаги Хабар — биз ҳаётимизда эшитган энг шодиёна, қувончли янгиликни ўзида намоён қиласи. Бироқ, Хушхабарлаштиришнинг мақсади — одамларга шунчаки Хушхабарни етказиш эмас. Унинг мақсади — Масихдаги янги ҳаёт гуллаб яшнайдиган ва имонлиларнинг янги биродарлиги барпо бўладиган ва фаол ривожланадиган пойдеворни қуришdir.

Хушхабарни етказиш жараёни ўзида ўта муҳим йўлни акс эттиради ва бу йўлда Худо Муқаддас Рух орқали масиҳийларни Осмон Шоҳлигини — Исо Масиҳнинг Жамоатини барпо қилишга даъват қиласи. Масиҳийлар Хушхабарни тарғиб қилиш ишларини кўринарли ва очик ҳолда бажаришларига қараб, Муқаддас Рух ҳам одамларнинг бизга кўринмайдиган қалбларида ўз ишини амалга оширади.

Ёлғиз қолиб биз Худога ибодат қиласиз ва бизни нажот ҳақидаги хабарни қабул қилишга Унинг Ўзи тайёрлаган одамларнинг олдига олиб боришини сўраймиз. Хушхабарни айтишимиз учун, бизнинг сўзларимиз одамлар учун аниқ ва тушунарли бўлиши учун ёрдам беришини сўраб Унга ибодат қиласиз. Ва шунингдек, бошқа биродарларимизни ҳам бизнинг ибодатларимизга қўшилишга таклиф қиласиз. Хушхабар айтишга киришишдан олдин, сиз ҳам Павлусдан ўrnak олиб (Эф.6:19-20; Кол.4:2-6) одамларни ибодат қилишга чақиринг.

Ўз имонимиз ҳақида гапирганимизда, айниқса бу ишхонамида, кундалик ҳаётимизда ва ҳ.з ларда содир бўлса, биз Муқаддас Рух билан ҳамкорлигимизни жамиятимизнинг мулкига, бойлигига айлантирамиз. Бу билан биз қўшниларимиз ва атрофимиздагилар билан самимий ва дўстона муносабатимизнинг пойдеворини қурамиз. Биз одамларга ва оилаларга Худонинг курдати ва инояти ҳақида гапирганимизда ва гувоҳлик берганимизда, улар ўртасида ишонч кўприкларини барпо қиласиз. Хушхабарни одамларга етказиш жараёнида, кўпинча уларнинг эътиборларини ўзимизга ва биз гапираётган нарсаларга қаратишда ёрдам берадиган усуслардан фойдаланишимизга тўғри келади. Баъзида бу шунчаки оддий хушмуомилаликнинг

кўриниши бўлиши мумкин, масалан автобусда кимгадир жой берамиз, баъзида эса мақсадимизга эришишимиз учун катта оммавий тадбир ўтказишимишга тўғри келади, Масих тўғрисида бадиий фильм кўрсатишимиш ёки иқтидорли воизни таклиф қилишимиз мумкин.

Хушхабарлаштириш тадбирлари вақтида, биз одамларга Инжил Хушхабари ҳақида гапириб берамиз. Хўш, бу ўзи қандай Хабар? Ҳаворий Павлус бизга Инжил Хушхабарининг мағзини, юрагини ажойиб тарзда қисқа ва лўнда қилиб ифодалаб берган: “Мен Худодан қабул қилганимни дастлаб сизларга топширган эдим, яъни Муқаддас Битикларга мувофиқ Масих гуноҳларимиз учун ўлди, яна Муқаддас Битикларга мувофиқ У кўмилди ва учинчи куни тирилди...” (1Кор.15:3-4). Агар биз бу сўзларнинг маъносини тушунсак, унда Инжил Хушхабарининг маъносини ҳам тушунган бўламиш. Инжил Хушхабари нима эканлгини батафсилоқ тушунтирадиган маълумотларни сиз Илова 1А бўлимидан топишингиз мумкин.

Тингловчиларга шахсан ўзимизга ва ўз ҳаётимиздаги ўзгаришларга бевосита боғлиқ бўлган гувоҳлик анча кўпроқ таъсир кўрсатади. Биз қандай сўзлашимиз ва қайси оҳангда гапиришимиз катта аҳамиятга эга. Бизнинг шахсимиз, бизнинг ҳамдардлигимиз ва бизнинг самимийлигимиз — мана шулар Худо фойдаландиган, яъни бизни ўзимиз яшаётган ернинг “тузи ва нури” қилишда фойдаланадиган куроллариридир.

”Сен парчаларга кундан кунга хушхабарни ёзиб борасан

Ана шу айтадиган,

Ўз ишларинг ва ўша сўзларинг билан.

Одамлар ҳаётингдан хушхабарни ўқиб оладилар,

Бутун ҳақиқат ва ёлғонни ёзганинг каби,—

Энди сен ёзган хушхабар нимани билдиради?“

II. ХУШХАБАР АЙТИШНИНГ ЗАРУРАТИ

A. Бизга Худо ҳақида дунёга гапириб бериш мажбурияти юкланган

Раббимиз осмонга кўтарилимасидан олдин, Ўз шогирдларига Худованд ва Унинг Шоҳлиги ҳақида дунёга гувоҳлик бериш мажбуриятини топширган. Ҳаворийлар бу топшириқни олган биринчи имонлилар эдилар, улар ўз гувоҳликларини баён қилишлари кераклигини тушундилар ва бунинг учун улар нотиқлар ва Масихнинг элчилари бўлишлари кераклигини ҳам тушуниб етдилар. Бу мажбурият бизни Ўзига қабул қилган дунёга хизмат қилиш учун юборган Худо ҳақида илоҳий ҳақиқатларни ишончли ва ҳаққоний қилиб гапириб беришни назарда тутади. Ҳаворий Павлус буни яхши тушунган ва вазифани ўзининг Худо ва адашган дунё олдиаги бурчи ва мажбурияти деб қабул қилган.

2Кор.5:16-21

Ҳав.1:8

2Тим2:24:26

Мат.28:18-20

Рим.1:14-17

2Тим. 4:5

Мк.16:15

1Бутр.1:9

Б. Исо Масиҳсиз одамлар руҳан адаптранлар ва Худодан бутунлай ажралганлар

Ҳар бир одам нафақат Худодан руҳан ажралганлар, шунингдек ҳар бир одам, ким бўлишидан қатъий назар ўзининг гуноҳларини юволмаслиги ҳам мутлақо ҳақиқатдир. Гуноҳ кириб келиши оқибатида одамзод муқаддас Худо олдида нопок одамга айланди ва бу нопоклиги муқаддас Худонинг даргоҳига киришдан уни бутунлай маҳрум қилди. Ва ҳар қандай одам ўзининг бу ахволини биладими ёки йўқми, бари-бир у маҳкум бўлган ва фақат Исо Масиҳни қабул қилиш орқалигина нажот топиши мумкин.

Рим.1:18 ва кейингилар

Ҳав.4:12

Рим.6:23

Рим.13:9-20,23

Иез.3:16-21

Юҳ.14:16

Эф.2:1-3

В. Муқаддас Китоб гувоҳлик берадики, кўп одамлар Хушхабарни эшитишни ва тушунишни хоҳлашади

Француз файласуфи ва олими Блез Паскаль кунларнинг бирда, ҳар қандай одамнинг юрагида бўш жой борлиги ва бу жойни фақат Худо тўлдира олиши мумкинлигини сезиб қолди. Асрлар давомида одамлар ўзларининг руҳий муаммоларини ечимини топишга ҳаракат қилганлар. Биз қўйида Янги Аҳддан, ўзларининг руҳий муаммолари ҳақида очик гапирган ва уларни қийнайдиган бу муаммоларини ҳал қилишнинг тўғри йўлини топишга ҳаракат қилган жуда кўп одамларнинг фақат бир нечтасини санаб ўтганимиз. Ва бундай одамлар — Хушхабарни эшитишга ва қабул қилишга муштоқ одамлар хозир ҳам жуда кўп, демак биз уларнинг олдига бориб бу најот ҳақидаги Хабарни айтишимиз лозим.

Никодим — Юҳ.3

Туғма кўр — Юҳ.9

Қудуқ олдидаги аёл — Юҳ.4

Қудусдаги оломон — Ҳав.2

Заккей — Лк.19

Хабашистонлик амалдор — Ҳав.8

Г. Хушхабар интенсив (кучили) таъсир қўрсатиши, шунингдек экстенсив (узлуксиз) таъсир қўрсатиши мумкин

1.Хушхабар руҳий таъсир қўрсатади

Хушхабар одамнинг руҳий борлиғини ўзгартиради. У одамларни иблиснинг ҳукмронлигидан узоқлаштириб, Худонинг Шоҳлиги томон олиб келади, у зуламат қаъридан ёруғлик томон, ўлимдан ҳаёт томон олиб боради. Масиҳнинг душмани ва гуноҳнинг қули бўлишдан озод бўлиб, биз (ва биз орқали имонга келганлар ҳам) Худонинг муликини, меросини бир қисмига айланамиз (Кол.1:10-14).

2.Хушхабар бутун дунёга таъсир ўтказади

Хушхабар дунёning ҳар қайси бурчагида, ҳар қайси минтақасида яшовчи ҳар қандай одамларнинг ҳаётларини ўзгартиради: улкан космик мегаполисларни ўрганаётган одамларнинг ҳаётларини ҳам, узоқ тоғларда ёлғиз яшайдиган кўчманчиларни ҳаётларини ҳам ва тропик жунглиларда яшовчи одамларнинг ҳам ҳаётларини ўзгартира олади. Хушхабар ҳаёт мазмунини қидираётган ёшлар ҳаётини ўзгартиради, оиласардаги араз ва жанжалларни ҳам, суткада йигирма соатлаб ишлайдиган тадбиркорлар ўртасидаги келишмовчиликни ҳам, ўз давлатларидағи вазият ҳақида ташвишланадиган сиёсий арбоблар ўртасидаги адватни ҳам бартараф қилади. Хушхабар барча минтақаларда яшовчи одамларнинг тақдирларига таъсир қўрсатади ва ўзгартиради. Шунинг учун биз кўрқмасдан таъкидлай оламизки, Инжил Хушхабари бутун дунёдаги оиласар, халқлар ва миллатлар ҳаётини ўзгартиради.

3. Хушхабар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга

Қачонки одамлар Масиҳга имон келтириб ва Муқаддас Руҳни қабул қилар эканлар, Масиҳни севувчи имонлилар биродарлиги жамиятнинг ҳаётини ижобий томонга ўзгартириб, унинг ҳаётига маънавий таъсир ўтказиш қудратига эга бўладилар.

4. Хушхабар ҳар бир одамга мустақил таъсир қўрсатади.

Хушхабарни эшитиб ва қабул қилиб Масиҳга имон келтирган ҳар бир одам, Худонинг Масиҳ орқали берган инояти шарофати билан шахсан у қанчалик ўзгарганлиги ҳақида бошқаларга гувоҳлик бериши мумкин. Хушхабар нафақат оиласарнинг ҳаётига, шунингдек аниқ бир одамларнинг тақдирларини ҳам ўзгартира олади.

5. Хушхабар ўзининг қудратли таъсирини бизнинг вақтимизда ҳам ўтказади.

Абадий ҳаёт ҳақидаги Исо Масиҳнинг Хушхабари бизга озодлик беради. Биз гуноҳ туфайли маҳкум бўлган муқаррар жазодан ҳалос бўлдик! Шу билан бирга биз ўзимиздаги гуноҳдан озод бўламиз. Хозир эса гуноҳнинг ҳокимиятидан озод бўляпмиз. Хушхабар бизни бугун ҳам ўзгартироқда (1Кор.15:55-57; Рим.5:8-10).

6. Хушхабар ҳар бир авлоднинг ҳаётига таъсир ўтказади

Биз нафақат ўз авлодимизга таъсир ўтказа оламиз, шу билан бирга Хушхабарнинг биздаги амалга оширган ишлари туфайли имонга келган бошқа одамлар орқали кейинги авлодларга ҳам таъсир ўтказа оламиз. Шу тарзда, биз ўз оиласизда бўлганимиз каби ундан кейинги авлодлар учун ҳам руҳий асос бўлиб қоламиз.

7. Хушхабар ўзининг ижобий таъсирини абадий ўтказади

Хушхабарнинг таъсири орқали содир бўлаётган ўзгаришлар бизнинг нафақат вақтинчалик ҳаётимизга, балки бизнинг жаннатдаги абадий ҳаётимизга ҳам алоқаси бор. Биз, Масиҳнинг Келини — Жамоат каби Худонинг илоҳий марҳамат ва иноят Шоҳлигининг абадий гувоҳлари бўламиз (Эф.3:10-11).

III. ХУШХАБАРНИ ТАРГИБ ҚИЛИШНИНГ САБАБЛАРИ

A. Одамлар Худонинг ва бошқа одамларнинг олдида ўз бурчларини хис қилиб Хушхабарни тарғиб қилишлари мумкин

Инжилда Рим.1:14 оятида Павлус Хушхабарни эшитмаган одамлар олида ўзининг қарздор эканини ёзди. У ўзи эга бўлган нарсани — Хушхабарни бошқалар билан бўлишиш менинг бурчим, деб хис қилди. Худога итоат қилиувчи одамлар кўпинча ўзларини Худонинг қуллари деб аташган ва уларнинг хизматлари, ҳеч бўлмагандан бир қисми қудратли Худо томонидан буюрилганлигини таъкидлашган.

Инжилда Кол.1:28 оятида Хушхабар айтишнинг мақсади ҳақида шундай дейди: “...биз Масиҳга ишонган ҳар бир одамни мукаммал ҳолда Худога тақдим этмоқчимиз. Ҳар бир одамга ақл ўргатиб, бутун донолик билан таълим-тарбия бериб, Масиҳни тарғиб қилмоқдамиз”. Жуда кўп ҳолларда Худо қулларининг Хушхабар айтиш билан шуғуланишларига сабаблардан бири — бу Худонинг умумий режасига кирувчи узок муддатли мақсадларини ва вазифаларини англашлари ва тушуниб етишлари бўлади. Бундан ташқари, Худога бўлган умидимиз, ишончимиз, севгимиз ва ички муҳтожлигимиз бизни бу хизматни олиб боришга ва одамларга Хушхабар айтишга ундейди.

Б. Баъзида одамлар Худонинг Ҳукмидан қўрқиб Хушхабарни тарғиб қилишади

Умуман олганда, биз ҳар доим ҳам Худога ва одамларга бўлган севги хиссимиз ҳақида, шунингдек, Хушхабар айтишимизга туртки бўладиган бурчимиз, қарздорлигимиз ҳақида гапира олмаймиз. Баъзида биз ҳаммамиз Худога тегишли эканлигимизни ва бир кун келиб ўз хизматларимиз (ёки хизмат қилишни хоҳламаганимиз) учун Унинг олдида жавоб беришимизни ўйлаймиз ва булар бизда қўрқув хиссини уйғотади. Ҳа, хатто қўрқув ҳам бизни Рabbимизга хизмат қилишга мажбур қиласди. Масалан, Худо Иезакиил пайғамбарга қатъий оҳангда Унинг Амрларини халққа етказишни буюради ва агар у Унинг буйруғига итоат қиласа қаттиқ жазоланишини тушунтиради (Иез.3:16-21).

В. Хушхабарни тарғиб қилишда иштирок этиш сабаблари ҳар хил ва кутилмаган бўлиши мумкин

Инжилдаги Мактубларнинг бирида Павлус “баъзилар ҳасад ва рақобат руҳи билан Масиҳни тарғиб қиляпдилар” (Флп.1:15) деб ёзди. Кейинги оятларнинг бирида эса у бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, дейди. Павлус учун энг асосий нарса — одамларнинг Масиҳни тарғиб қилишлари эди. Ва у бундан хурсанд эди, чунки хоҳ мунофиқлик, хоҳ самимийлик билан бўлсин, ҳар ҳолда Масиҳ тарғиб қилинаётган эди (Флп.1:15-18).

Г. Биз Хушхабарни Рabbимизни ва адашган одамларни севганимиз учун тарғиб қилишимиз мумкин

Руҳан ўсаётган имонли вақт ўтиши билан у бир вақтнинг ўзида Масихга бўлган севгида ҳам, шунингдек Масих севгандарни — Жамоат ва адашгандарга нисбатан севгида ҳам ўсиб бораётганини англайди. Инжилдаги Мактубларнинг бирида Павлус, бизни қамраб олган Масихнинг севгиси, Павлусни одамларга Хушхабар ва Масих ҳақида яна ва яна гапиришга, ишонтиришга мажбур қилаётганини гапиради (2Кор.5:14, бу оятдаги “қамраб олмоқ” сўзи грекчадаги асл нусхада “мажбур қилмоқ, ундан олмоқ” маъносини билдиради).

Инжилдан ҳаворий Юҳаннонинг биринчи Мактубини ўқиб, азиз пир Юҳаннонинг, иложи борича кўпроқ имонлиларни Масихдаги биродарликка бирлаштиришга бўлган хоҳиши уни Хушхабарни тарғиб қилишга ундан олмоқни билдиради.

IV. ХУШХАБАР АЙТИШНИНГ МАҲАЛЛИЙ ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ

Маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш стратегияси асосан, Хушхабарни одамларга етказиш ёки хушхабарлаштириш бўйича ўтказиладиган тадбирларнинг фаоллиги ва миқёси даржасига боғлиқ. Хушхабарни одамларга етказиш маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш жараёни билан биргаликда олиб борилади. Хушхабарни одамларга етказиш, яъни хушхабарлаштиришнинг асосий мақсади — Масихга олиб келиш, ундан кейин уларни руҳан озиқлантириш, янги имонга келганларни ва шогирдларни ўқитиш ва таълим бериш ишларидир. Лекин, мана шу маъсулиятли ва босқичли ишлар давомида бошқа адашган одамларни имонга олиб келишга ва улар билан алоқа ўрнатишга бўлган кундалик саъи-харакатларга эътибор бермаслик ҳам ярамайди. Бунда имонга келмаганларга Хушхабар айтиши билан имонга келганларга ёрдам бериш ўртасида мувозанатни сақлашимиз керак. Агар биз унга ҳам бунга ҳам етарлича эътибор бермасак, бизнинг Худо олдида бажаришимиз лозим бўлган барча ишимиз чиппакка чиқиши мумкинлигини ҳам ёдда сақлашимиз керак.

Ҳа, биз ҳақиқатдан ҳам Худо бизга шогирд қилиб берганларга ёрдам беришимиз керак, бироқ биз бунда ҳеч қаҷон имонга келган одамлар сони билан қониқмаслигимиз лозим. Ҳар доим ўзимизнинг асосий мақсадимиз — Хушхабарни адашган одамларга етказишни эканлигини ёдимизда сақлашимиз керак. Шунинг учун ҳар доим ўз бурчимизга содик қолиб, Хушхабарни ҳалок бўлаётган дунёга етказишими керак. Одамларсиз, яъни биз ҳар доим имонга олиб келишимиз керак бўлган одамларсиз (жамоатлар ташкил қилиш циклини эсланг), иктидорли бошлиқлар, уларни тайёрлаш ва ўқитиш ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши ҳам мумкин эмас, тузадиган жамоатларимиз ўз ўзидан кўпаядиган бўлишига умид қилиш ҳақида эса гапирмасак ҳам бўлади

САВОЛЛАР

- Худо бошқа одамларни Ўзига олиб келиш учун, айнан сиздан ҳам фойдаланиши мумкинлигига ишонасизми?
- Шахсан сиз билан содир бўлган қайси воқеа сиз учун энг муҳим воқеа бўлган эди?
- Сиз учун энг муҳим бўлган нарсадан келиб чиқиб, ўз ҳаётингизда атрофингиздаги одамларнинг ҳаётларига ижобий таъсир кўрсатадиган бирон бир аҳамиятли ва фойдали нарса қилоласизми?
- Худонинг каломини ваъз қилувчининг, яъни Хушхабар айтuvчининг ишларига нималар киради?
- Одамларга Хушхабар айтишга сизни ҳаммасидан кўпроқ нима ундейди?
- Сиз ҳар доим алоқа қиласидиган одамлардан, шахсан Худо билан муносабат қилишга муҳтоҷ бўлган ўнта одамни санаб бероласизми?
- Хушхабар айтиш бўйича ўз хизматингизни самарасини ошириш учун нималар қилмоқчисиз?

ТОПШРИҚ

- Илова 1А “Хушхабарни тушуниш” мавзуси билан танишиб чиқинг. Кейин, ўз руҳий кундалигингизга Хушхабарнинг моҳияти нимадан иборат эканлигини ёзиб қўйинг. Бу ҳақида ўз устозингиз (мураббий) билан ёки кейинги ўкув семинарида бошқа ўкувчилар билан ўртоқлашишга тайёр бўлинг.

- Икки имонли биродарингиз билан “учлик ибодати” ташкил қилинг ва Худо сизнинг юрагингизга солган одамларнинг нажот топишлари учун мунтазам ибодат қилинг (Қар. Илова 1Б “Учлик ибодати”).
- Энг яхши қарорга келиш ва улар томонидан қўллаб қувватланишингиз учун, ўз режаларингиз ҳақида “учлик ибодати” нинг бошқа аъзоларини ҳам хабардор қилинг.

**Хушхабар
айтиш
Илова
1А**

**ХУШХАБАРНИ
ТУШУНИШ**
Худонинг халоскорлик қудрати

СҮЗ БОШИ

Ҳаворий Павлус Римдаги янги жамоат аъзоларига мурожаат қилиб қилиб ёзган мактубида шундай деган:

“Ҳар ҳолда мен Инжилдан ор қилмайман. Аввало яхудий, сўнг турли ҳалқдан имон келтирган ҳар бир киши учун Инжил Худонинг халоскорлик қудратини етказувчи Хушхабардир. Бу Хушхабарнинг мағзи шуки, Худо Ўзи гуноҳкорни оқлади. Бу оқлаш эса фақатгина имон орқали содир бўлади. Тавротда ёзилганидек: имони билан оқланган киши ҳаёт бўлур” (Рим.1:16-17).

Ҳўш, ҳаворий Павлус ор қилмаган бу Хушхабар ўзи нима? Бу савол кўпчиликни ўйлантириб қўяди. Баъзилар, Инжил Хушхабари — бу фақат турли хил кўрсатмалар ва принциплар тўплами ва биз ҳаётимизни мана шуларга асосланиб қуришимиз керак, деб ҳисоблашади. Бошқалар эса, Инжил Хушхабари — бу танланган ва маълум бир одамлар гурухига мансуб бўлиш ёки яхши феъл атворга эга бўлишини кўзда тутади, деб ҳисоблайдилар. Улар: “Ҳой, сен ҳам бизга қўшил ва сен масиҳий бўласан” дейишади.

Ушбу дарсда биз Инжил Хушхабарининг ҳақиқий моҳияти ҳақида гаплашамиз ва бунда ҳақиқий масиҳийлик, бу қандайдир фалсафий ғоя эмас ёки ҳаётда риоя қилиб яшаш зарур бўлган қонун-қоидалар мажмуи ҳам емас ва ҳатто дунёвий ҳаётдан воз кечиб тарки дунё қилиш ҳам эмаслигини билиб оламиз. Ҳақиқий Масиҳийлик ўзининг асосида тирик Худо ҳақида ва инсон қандай қилиб Худонинг Ўғли Исо Масих орқали У билан муносабат қилиши мумкинлиги ҳақида хабар беради. Инжил Хушхабарининг юраги — бу Масиҳнинг Ўзи, аникрофи: Ким Ўзи У, У нима ишларни қилганини ва Унинг Кимлигини шахсан билишдир.

I. ИСО МАСИҲНИНГ ШАХСИ ВА ФАОЛИЯТИ

A.Бутун борлиқ У орқали яратилган ва У орқали мавжуд

Муқаддас Китобнинг гувоҳлик беришича “бутун борлиқ Исо Масих орқали яратилган” (Кол.1:16; Юх.1:2-3; Ибр.1:2). Демак, агар биз У орқали яратилган бўлсак, биз қандай қилиб Унга мақъул тарзда ҳаракат қилишимизни ҳам Унинг Ўзи билади. Биз У билан муносабат қилиш учун яратилганимизни эсдан чиқармаслигимиз керак.

Б.У бизнинг ёнимизга инсон қиёфасида келган

Худонинг Каломи бўлмиш Исо Масих бизнинг ёнимизга инсон қиёфасида келди (Юх.1:14). У кўринмас Худонинг инъикосидир (Кол.1:15). Худо ва инсон моҳиятан бир-биридан фарқ қиласа ҳам, Улар бир-бирлари билан бир Вужуд орқали чамбарчас боғлиқ эдилар (Кол.2:9). Калом — инсон қиёфасидаги Худо ва шу билан бирга Худо билан инсонлар орасидаги Воситачи ҳамдир (Юх.1:1; 1Тим.2:5). Зоро У инсон вужудига кирган экан, демак Унга бизнинг ожизликларимиз ҳам тушунарли эди, гарчи У бегуноҳ бўлса ҳам (Ибр.2:14; 1616-17;4:5).

В. У хочда қурбон бўлди

У Ўз ихтиёри билан воситачилик вазифасини Ўз бўйнига олди. У кўп маротаба жисмоний ва руҳий азобларни бошидан кечирди, Уни камситдилар, У ўлди ва кўмилди (Флп.2:8). Лекин У Ўзини паст олиши, итоаткорлиги ва тўккан қони эвазига бизни Худонинг муқаррар ғазабидан бутунлай қутқариб қолди (Рим.5:9; Ибр.10:14). У бизни нафакат Худо билан яраштириб қўйди, шу билан бирга У бизга абдий ҳаёт ҳам берди (Кол.1:19-20; Флп.2:8-9; Ибр.9:12,15).

Г. У ўликлар ичидан қайта тирилди

Исо Масих — бу Худо экан, ўлим Уни ўз чангалида ушлаб қоломади. Учинчи куни У қайта тирилди (Юҳ.20:25,27; 1Кор.15:14). Исо Масих тирилганидан кейин Уни шогирдлари ва юзларча бошқа гувоҳлар ўз кўзлари билан кўришди (1Кор.15:5,6). Масихнинг қайта тирилиши Унинг гуноҳларимиз учун тўлаган тўлови Худо томонидан қабул қилинганининг аник-равшан исботи эди (Рим.4:25). Масихнинг тирилиш ўлимни даҳшатли ва абдий азобга олиб борувчи ходисадан, Худо томон олиб борувчи йўлга айлантириди. Зеро У қайта тирилган экан, унда биз ҳам абдий ҳаётга умид қилсанк бўлади (1Кор.15:21).

Д. У осмонга кўтарилди

Масих осмонга кўтарилди ва самодаги Ўз Отасининг ўнг томонига ўтириди ва ҳозир бизларга шафоат қилган ҳолда Ўзининг Воситачилик вазифасини бажармоқда (Ибр.1:3; Рим.8:34). Исо Масих Ўзининг ўлими олдидан шогирдларига, улар учун жой тайёрлагани кетаётганини ва вақти келганда қайтиб келиб уларни олиб кетишини айтган (Юҳ.14:1-3).

Е. У Ўзининг Келинини олиб кетиш ва дунёни хукм қилиш учун яна қайтиб келади

Вақти келиб, Масих Ўзининг улуғвор қудрати ва жамики муқаддас фаришталари билан яна қайтиб келади ва Ўзининг Келини — Жамоатини олиб кетади. Исо Масихни ўзининг Рабби ва Нажоткори деб қабул қилганлар абдий ҳаётга эга бўлишади, Уни рад қилганлар эса абдий азобга маҳкум бўлишади (1Юҳ.4:11; Мат.25:31-46).

II. БИЗ ИСО МАСИХ ОРҚАЛИ ХУДОНИ ҚАНДАЙ ТАНИБ-БИЛИШИМИЗ МУМКИН?

A. Худонинг олдида ҳозирги ахволингизни чин дилдан тан олинг

1. Гуноҳкор эканлигинизни ва Одам Атонинг фарзанди бўлганингиз учун гуноҳ ва гуноҳкор табиат сизга Одам Атодан мерос бўлиб келаётганини тан олинг (Рим.5:12;15-19).
2. Шахсан сиз ҳам гуноҳ қилганингизни тан олинг (Рим.3:23).
3. Сиз ўзингизнинг савобларингиз ва яхши амалларингиз билан нажот топа олмаслигинизни тушунинг (Эф.2:8-9).
4. Худосиз сизда ҳеч қандай умид йўқ эканлигини тушунинг (Эф.2:12).

Б. Исо масихга ишонинг

1. Биз фақат Худо билан одамлар ўртасидаги ягона Воситачи — Исо Масих орқалигина нажот топишимиз мумкинлигини тушунинг (Юҳ.14:6; 1Тм.2:5).
2. Инжил Хушхабарини шунчаки билиб олиш етарли эмас, Унга чин юракдан ишониш керак (Рим.10:9,10).
3. Исо Масихни Раббим ва Нажоткорим, деб қабул қилинг (Рим.10:9,10).
4. Биз имонимиз шарофати билан Худодан иноят топиб қутулганмиз (Эф.2:8,9).
5. Исо Масих бизнинг нажот топишимиз учун ҳамма зарур бўлган ишларни амалга ошириб бўлган (Рим.5:15-19; Ибр.10:11-14).

В. Гуноҳларингиз учун тавба қилинг ва гуноҳдан нафратланинг, ундан юз ўтиринг

1. Худонинг олдида ибодат билан гуноҳларингизни номма ном айтиб тавба қилинг (Рим.10:9-13).
2. Исо Масиҳ номидан гуноҳларингизни кечиришини сўраб Худога ибодат қилинг (Ҳав.10:43).
3. Гуноҳдан юз ўтиринг ва Муқаддас Руҳ амри билан Худога манзур бўлиб яшанг (Рим.6:11-13; 8:5,6).

Г. Сиз энди Масихдаги янги ҳаётга эга бўлганингизга асло шубҳаланманг

1. Сиз энди янги ижодсиз (2Кор.5:17)
2. Сиз Худо билан ярашдингиз (Рим.5:9-11).
3. Сиз абадий ҳаётга эгасиз (1Юҳ.5:13).
4. Сизнинг нажот топишга бўлган ишончингиз, ўз хоҳиши иродангиз бўйича ва қандайдир ишлар қилиб эришганингизда эмас, балки буни Худонинг Ўзи хоҳлаганида ва сизни Ўзи билан яратириш учун амалга оширган ишларидадир (Мат.10:28,29; 2Кор.5:18,19).

Хушхабар
айтиш
Илова
1Б

ИБОДАТ УЧЛИГИ

I. “ИБОДАТ УЧЛИГИ” НИМА?

Бу — имонга келмаган одамларни Масиҳга олиб келишнинг энг содда ва қулай йўли. Бунинг ҳеч қанай мураккаб жойи йўқ, сиз шунчаки бошқа икки биродарингиз билан биргалиқда имонга келмаган танишларингиз ёки қариндошларингиздан тўққиз киши учун, уларни имонга келишларини Худодан сўраб мунтазам ибодат қилишни бошлайсиз.

II. “ИБОДАТ УЧЛИГИ” ИШНИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШ КЕРАК?

- Уч киши бўлиб, биргалиқда ибодат қилиш учун биродарларингиздан икки кишини танланг.
- Ҳар бирингиз имонга келмаган танишларингиз ёки қариндошларингиздан уч кишини айтинг
- Биргалиқда ибодат қилиш учун йигиладиган вақтингиз ва жойингизни ўзаро келишиб олинг. Сиз хоҳ уйда, хоҳ кўчада, хоҳ мактабда, ишхонада ёки жамоатда учрашишингиз мумкин.
- Танлаган тўққиз кишининг исмларини бирма-бир айтиб, улар Масиҳни Нажоткорим, деб қабул қилишлари учун биргалиқда ибодат қилинг. Яна уларнинг шахсий эҳтиёжлари ва оила аъзоларининг эҳтиёжлари учун ҳам ибодат қилинг.
- Ўз учлик аъзоларингиз билан иложи борича яқин ва дўстона муносабат қилишга ҳаракат қилинг. Сиз ибодат қилаётган одамларга Хушхабарни тушунтиришингиз учун Худо бераётган имкониятларга эътибор беринг. Уларга Худонинг Каломи ҳақида гувоҳлик бериш учун йигилганингизда бир-бирингиз учун ибодат қилинг.
- Сиз ибодат қилган одамлар имонга келганларидан кейин ҳам, Худо юрагингизга нималарни гапираётганига қараб улар учун ибодат қилишни давом эттиринг, лекин учлик ибодати учун имонга келмаган бошқа танишларингиз ёки қариндошларингизни танланг ва олдингидек улар учун ибодат қилишни бошланг (“Учлик ибодати” нинг диққат-эътибори, ҳали Масиҳни билмайдиган ва имонга келмаган одамларга қаратилган бўлиши керак).

Илова: “Учлик ибодати” нинг принципларини қўллаб, сиз оила аъзоларингиз билан биргалиқда ҳам шундай ибодат қилишингиз мумкин.

III. ”УЧЛИК ИБОДАТИ” НИНГ ИШ ҚОҒОЗИ

A. “Ибодат училиги” даги менинг шерикларим:

- _____
- _____

Б. Биз қуидаги одамлар учун ибодат қиласиз:


<i>Менинг рўйҳатим</i>	<i>Иккинчи иштирокчининг рўйҳати</i>	<i>Учинчи иштирокчининг рўйҳати</i>

**Хушхабар
айтиш
Илова
1А**

“КЎПРИК” ТАСВИРИ

АБАДИЙ ҲАЁТ САРИ ОЛИБ БОРАДИГАН КЎПРИК

“Кўприк” тасвири — битта ёки бир нечта одамларга тоза қоғозда чизиб кўрсатилиш учун мўлжалланган. Бу тасвир Инжил Хушхабарининг энг асосий негизини тушунтиришнинг лўнда ва қабул қилиш учун қизиқарли воситасидир. Бу тасвир орқали вақтга ёки вазиятга қараб Хушхабарни қисқа ва лўнда қилиб ёки кенг миқёсда тушунтириш мумкин. Бу тасвирдан яхши ва самарали фойдаланиш учун ундаги чизмаларни қай тарзда чизиб кўрсатишни ва унда келтириладиган Муқаддас Китоб эслатмаларини яхши билиш керак.



**Хушхабар
айтиш
2,3 Дарслар**

ШАХСИЙ ГУВОҲЛИКНИ ТАЙЁРЛАШ

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — ўқувчиларга шахсий гувоҳликнинг қачалик аҳамиятга эга эканлигини ва бу гувоҳликни тайёрлаш режасини тушунтириш.

Кутиладиган натижлар:

Дарс материалларини ўрганиб ҳар бир ўқувчи:

- Шахсан ўзининг Масихга келиш сабабларини, Уни қай тарзда қабул қилганини ва ундан кейин унинг ҳаёти қандай ўзгарганини қисқа ва лўнда қилиб айтиб беришга ҳар доим тайёр бўлиши керак;
- Шахсий гувоҳликни тайёрлаши ва ёзиб чиқиши керак;
- Тайёрлаган гувоҳлигини оғзаки (уч-беш дақиқа давомида) айтиб беришга тайёрланиши керак;

Дарс режаси:

- I. Гувоҳликнинг хусусиятлари
- II. Гувоҳликнинг аҳамияти
- III. Гувоҳликнинг Муқаддас Китобдаги наъмуналари
- IV. Шахсий гувоҳликни тайёрлаш
- V. Шахсий гувоҳликни айтиш

Ўқитувчиларга кўрсатмалар:

Инжидан Юҳ.9:13-34 оятларини (туғма кўрнинг гувоҳлиги) ёки Ҳав.9,22 ва/ёки 26 боблардаги Павлуснинг гувоҳликларини индуктив таҳлил қилинг. Бу ўқувчиларга шахсий гувоҳликларидаги муҳим аспектларни янада кучайтиришларига ёрдам беради.

Бу дарс икки соатга мўлжалланган. Биринчи дарс ўқувчиларни шахсий гувоҳлик концепциялари билан таништириш ва уларга шахсий гувоҳликларини ёзишларига ёрдам бериш учун сарфланади. Иккинчи дарс эса ўқувчилар ўзлари тайёрлаган шахсий гувоҳликларини оғзаки айтиб беришни ўрганишлари учун амалиёт дарси бўлади (режанинг V пункти). Бу икки соат битта дарс қилиб олинган бўлса ҳам, орадаги бир неча кунлик танаффус ўқувчилар учун ўз гувоҳликларини синфда айтиб бериришларидан олдин мукаммал тайёрлаб олишларига имкон беради.

Гувоҳликни айтиш 5 дақиқадан ошмаслиги керак, вақтни қузатиш учун секундомердан фойдаланиш ҳақида ҳам ўйлаб кўринг. Гувоҳликни 5 дақиқа ичida айтиш қийин, лекин кўп вазиятларда гувоҳлик бериш учун вақт чегаралangan бўлади.

I. ГУВОҲЛИКНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

A. Биз гувоҳ бўлишга даъват қилинганимиз

Ҳав.1:8 оятида Раббимиз Ўз шогирдларида Муқаддас Руҳни қабул қилганларида қувват олишларини ва Унинг гувоҳлари бўлишлари ҳақида ваъда беради. Хўш, гувоҳ ўзи ким?

Фуқоролик судида гувоҳ — бу кўрилаётган иш юзасидан билганларини ва шахсан ўзи нималарни кўрганини айтиб бериш учун судга чақирилган одамдир. Бу одам воқеа ва вазиятни қандай қабул қилган ёки кўрган бўлса шундайлигича айтиб беради. Гувоҳдан бўлиб ўтган воқеани ипидан игнасигача, батафсил айтиб бериш талаб қилинмайди. Ундан фақат эслаб қолганларини аниқ ва тўғри айтиб бериш талаб қилинади. Гувоҳнинг айтган гаплари унинг гувоҳлиги дейилади.

Б. Биз гувоҳлик беришга даъват қилинганди

Масихга имон келтирган — бизнинг ҳар биримиз Масих билан шахсий, тақрорланмас ва ўзига хос алоқамизга асосланган гувоҳликка эгамиз. Бизнинг гувоҳлигимиз ҳам худди бармоқ изларидек ёки қор учқунларидек хилма-хил ва ўзига хосдир, аммо бизнинг гувоҳлигимиз мана шу хилма-хиллиги ва ўзига хослиги билан бошқаларга Худонинг одамлар орасидаги ишлари тўғрисида қимматли маълумотларни беради. Имонга келмаганлар учун бу янаям қимматлидир, чунки бизнинг гувоҳлигимиз уларнинг чин дилдан, тушунган ҳолда Худонинг олдига келишлари учун жуда қимматли маълумотлардир. Худони биладиган ва севадиганларни эса, бизнинг бу гувоҳлигимиз уларни янада руҳлантиради, қувватлантиради. Бир одамнинг ҳаётида Масихнинг амалга оширган ишлари тўғрисидаги гаплари бошқаларнинг имонини мустаҳкамланишига ва итоаткор бўлишларига хизмат қиласди.

II. ГУВОҲЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

A. У Хушхабарга бўлган қаршиликларни енгишга ёрдам беради

Одамлар бирон нарса ҳақида эшитишганда танлаб эшитишади. Сиз имонга олиб келмоқи бўлган одам балки, нажот топиш, гуноҳ каби диний мунозараларга умуман қизиқмаслиги мумкин. Аммо бундай одамлар шахсан сизнинг қандай қилиб Масихни қабул қилганингиз тўғрисидаги гапларингизни қизиқиши ва иштиёқ билан тинглашади. Одамлар қизиқарли воқеларни эшитишга иштиёқманд бўлишади. Буни тан олишадими, йўқми, бариси бир улар сиздан имон келтириш учун ишонарли сабаб айтишингизни кутишади. Сизнинг қисқа ва жонли қилиб айтган самимий гувоҳлигингиз Муқаддас Руҳ томонидан одамларга илохий ҳақиқатларни тушунтиришда уларнинг юракларини ва онгларини очища ишлатилиши мумкин.

Б. У руҳий жангда иблис устидан ғалаба қозонишда ёрдам беради

Имонимизни бошқалар билан баҳам кўриб, биз Худо томонида туриб руҳий жангда иштирок этамиз, душманнинг ерига бостириб кирамиз. Вах.12:10-12 оятларида биз қўйидагиларни ўқиймиз:

“...Энди Худойимиз нажоткорлиги, қудрати салтанати ҳамда Унинг Масихи хукмронлиги ўрнатилди. Энди биродарларимизнинг тухматчиси, Худойимзининг ҳузурида уларга кеча кундуз тухмат қилаётган иблис ташқарига отилди. Улар Кўзининг қони шарофати билан ва ўзларининг шаҳодат каломи билан уни енгдилар!”

Биродарларимиз тухматчиси — шайтон енгилган қуролларга эътибор беринг: “Кўзининг қони” ва ”ўзларининг шаҳодат каломи”. Худо томонидан ёвуз шайтонга шикаст етказиш учун фойдаланадиган энг асосий иккита қурол — бу Масихнинг жасорати ва бизнинг У билан муносабатимиздир. Эътибор беряпсизми, бизнинг Масихга бўлган имонимиз ва Унга бўлган севгимиз тўғрисидаги гувоҳлигимиз, шаҳодатимиз — руҳий жангда кучли қуроллардан бири ва жамоат ташкил қилишнинг мухим воситаси экан. Ҳатто агар биз имонимиз туфайли қийинчиликларни ва азобларни бошимиздан кечирсак ҳам (жамоат тарихидан биз биламизки, бундай азоблар ҳатто ўлимгача борган), биз бариси ғалаба қозонамиз — иблис эса мағлуб бўлади! Шунинг учун Худо сизнинг ҳаёtingизда амалга оширган ва ошираётган ишларини одамларга айтиб беринг!

III. ГУВОҲЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБДАГИ НАЪМУНАЛАРИ

Муқаддас Каломда одамларнинг ўз гувоҳликларини айтишларига мисоллар жуда кўп учрайди. Қуйидаги гувоҳлик наъмунларини ўқиб чиқинг ва буларнинг ҳар биридан сиз нималарни ўрганишингиз мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўринг.

- Қудуқ олдидаги аёл (Юҳ.4:28-29).
- Туғма кўр (Юҳ.9:13-34).
- Ҳаворий Павлус (Ҳав.9,22 ва 26).

Қуйида келтирилган лавҳалардан ҳаворий Павлус турли одамлар гуруҳига мурожаат қилганда, доим битта воқеани гапирган, лекин ҳар бир жойда бу воқеанинг турли аспектларига ургу берганига эътибор беринг:

1. Гал. 9-боб — Луқо Павлуснинг имонга келиши ҳақида ҳикоя қиласи.
2. Гал. 22-боб — Қуддусда яхудийлар олдида Павлуснинг гувоҳлиги; қалъа зинапоясида туриб сўзлаган нутқи.
3. Гал. 26:2-23 ояллар — Павлуснинг шоҳ Агриппа қаршисида берган гувоҳлиги Павлуснинг Қуддусдаги воқеалар тўғрисидаги гувоҳлиги (Ҳав.24:10-21).

IV. ШАХСИЙ ГУВОҲЛИКНИ ТАЙЁРЛАШ

Бу дарснинг қолган вақтини 3-5 дақиқа давомида айтиб бериладиган шахсий гувоҳлигинги тайёрлашга сарфланг. Қандай вазиятда, қанай аҳволда ва қай тарзда имонга келганингизни эслатишини Худодан сўранг. Ўз ҳикоянгизга киритмоқчи бўлган ғояларингиз ва оялларни олдиндан ёзиб қўйинг. Шахсий гувоҳлигингида қуйидаги учта қисмнинг бўлиши шарт:

A. Масиҳга келмасингиздан олдинги ҳаётингиз қандай аҳволда эди?

Гувоҳликнинг бу қисмида сиз Масиҳдан излаган муҳтоҷликларингиз, қониқишиларингиз қўрсатилиши керак. Булар сиз билан сиз имонга олиб келмоқчи бўлган одам ўртасида бир-бирингизни тушунишингиз учун кўприк вазифасини ўтайди.

B. Сиз Масиҳга қандай келдингиз?

Нималар содир бўлди? Сиз қаерда эдингиз? Имон томон биринчи қадамларни қандай ташладингиз? Бу нималарда намоён бўлган эди? Муқаддас Рух Муқаддас Каломнинг қайси лавҳаларидан сизнинг ҳаётингизда фойдаланди? Бу жараёнда сизга кимдир ёрдам бердими?

B. Масиҳни қабул қилишингиз ҳаётингизни қандай ўзгартириди?

Масиҳга бўлган имонингиз ҳаётингизга қандай таъсир кўрсатди? Ҳаётингиз амалда қандай ўзгарди? Сиз учун кутилмаган, ғаройиб ўзгаришлар бўлдими? Сиз кутган эҳтиёжлар қониқтирилдими?

V. ШАХСИЙ ГУВОҲЛИКНИ АЙТИШ

Энди, шахсий гувоҳлигинги тайёр бўлгандан кейин, уни бошқа ўқувчилар билан ўртоқлашинг. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўз гувоҳликларини айтиб бериш имкониятига эга бўлиши керак. Ҳар бир гувоҳликни айтиб беришга 5 дақиқадан ва муҳокама учун узоғи билан 10 дақиқа вақт ажратинг. Уларнинг ҳар бирига баҳо беришда қуйидаги режалардан фойдаланинг:

A. Гувоҳлик қуйидаги уч қисмни барчасини ўз ичига олганми:

Масиҳга келмасидан олдинги ҳаёти.

Имонга келиш ҳолати.

Масиҳни қабул қилгандан кейинги ҳаёти.

B. Тушунарлилиги (у қанчалик осон тушунилади)

Гувоҳликни имонга келмаган одам осон тушуна оладими ёки у имонга келмаган одамни эсанкиратиб қўядиган турли диний терминлар билан тўлами?

В. Хушхабар

Гувоҳликда Инжилнинг асосий таълимотлари эсга олинганми? Тўғри, қисқа гувоҳликда буларнинг барчасини батафсил кўриб чиқишнинг иложи йўқ, лекин шундай бўлса ҳам, гувоҳлиқда қўйида келтирилган баъзи бир ҳақиқатлар бари-бир жаранглаши керак:

Худо

Гуноҳ

Масиҳ — Унинг Шахси ва ишлари

Имон

Тавба

Юқоридан туғилиш

Г. Ҳажми

Гувоҳликни айтиш 5 дақиқадан ошмаслиги керак. Гувоҳликда баъзи бир кераксиз деталлар мавжуд эмасми?

САВОЛЛАР

- Сиз ўз гувоҳлигингизни айтиш учун бу ҳафта ичида қаерда ва қачон имкониятга эга бўласиз?
- Сиз умумий тарнспор воситаларидан фойдалана сизми?
- Сиз ишхонадаги танишларингиз билан танаффус пайтида ёки тушлик вақтида мулоқот қиласизми?
- Сиз кимгадир ўз гувоҳлигингизни айтиш имкониятига эга бўлишингиз учун “Худо тайинлаган учрашувлар” ни ташкил қилиб беришини Худодан сўранг.

ТОПШИРИК

- Шахсий гувоҳлигингиз етарлича тушунарли эканига баҳо беришлари учун уни камида учта бошқа масиҳийларга айтиб беринг.
- Шахсий гувоҳлигингизни кейинги дарсда яна айтиб беришга тайёр бўлинг.

6-ҚИСМ: ИБОДАТ

Ибодат

1 Дарс

ИБОДАТГА ДАЪВАТ

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — жамоат ташкил қилувчиларга ибодатнинг жамоатлар ташкил қилишдаги стратегик муҳим ўрнини тушунишларига ёрдам бериш ва уларга жамоатлар ташкил қилиш хизмати учун одамларни ибодат қилишга даъват қилиш бўйича бир нечта амалий кўрсатмалар бериши.

Кутиладиган натижалар:

Дарснинг материалларини ўрганиб ҳар бир ўқувчи:

- Одамларни жамоатлар ташкил бўлишини Худодан сўраб ибодат қилишларига қандай қилиб даъват қилиш ва жалб этишини тушуниши керак;
- Ибодатнинг — жамоатлар ташкил қилиш стратегиясида муҳим ўрни борлигини билиши керак;
- Жамоатлар ташкил қилишдаги ўз хизмати учун қилинадиган ибодатда ва одамларни бу ибодатга даъват қилишда қатнашиши керак;

Дарс режаси:

1. Ибодат — Хушхабарни одамларга етказишида ва жамоатлар ташкил қилишда ўта муҳим ҳаётий аспектдир
2. Ибодатни Хушхабар айтиш ва жамоатлар ташкил қилиш хизмати билан биргаликда олиб бориш
3. Тадқиқот: ибодат ҳақида маълумотлар йиғиши воситаси

Ўқитувчиларга кўрсатмалар:

Бу дарс амалий ишдир. I бўлимда кўриб чиқилган муҳим ғояларни қисқача эсга олинг ва ўқувчилар билан биргаликда одамларни жамоат ташкил қилиш учун ибодатга даъват ва жалб қилишнинг турли вариантларини муҳокама қилинг. Улар илгари ўз хизматлари жараёнида ибодатга даъват ва жалб қилишнинг қайси вариантларидан, йўналишларидан фойдаланишган?

Жамоатлар ташкил қилишда ибодатнинг муҳим ўрнини кўрсатувчи ўз ҳаётингиз ёки хизматингиз тажрибалари билан ўртоқлашинг.

I. ИБОДАТ — ХУШХАБАРНИ ОДАМЛАРГА ЕТКАЗИШДА ВА ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЎТА МУҲИМ ҲАЁТИЙ АСПЕКТДИР

Ҳаворий Павлус, ибодат — Хушхабарни одамларга етказишида ва жамоатлар ташкил қилишда ўта муҳим ҳаётий аспект эканлигини тушунар ва бунга ишончи комил эди. Ўзи ҳам ибодат қиласи ва бошқа имонлиларни ҳам Хушхабарни одамларга етказиш учун ибодат қилишга чақирап эди. Биз буни Инжилдаги жуда кўп лавҳаларда кўришимиз мумкин:

- Павлус яхудийлар ҳам Инжил Хушхабарини қабул қилишларини ҳоҳлаши ҳақида гапириб, Римдаги имонлиларга шундай ёзади: “Эй биродарлар, юрагим орзу-армони ва Худодан ёлворган тавваллойим — исроилликларнинг кутулишидир”(Рим.10:1).
- Павлус Эфеслик имонлилар ҳам дуч келиши муқаррар бўлган руҳий жанг ҳақида уларни огоҳлантиради ва уларга ёвуз шайтоннинг ҳужумларидан сақланиш учун Худонинг қурол-

аслаҳаларини кўтариб юришларини буюради. У бу оятларда Худонинг нажоти ҳақидаги ҳақиқатларини тушуниб олиш ва Худонинг Каломини қилич каби кўтариб юриш ва ҳар доим ибодат қилиш зарурлиги ҳақида гапиради. У Эфеслик имонлиларни шундай деб даъват қиласди: “Ҳар турли ибодат ва ёлворишлар билан, Муқаддас Рухнинг илҳоми билан ҳар доим ибодат қилинглар. Ибодатда хушёр ва саботли бўлиб, барча Худонинг азизлари учун илтико қилинглар” (Эф.6:18)

- Хушхабарни тарғиб қилишга нисбатан эса Павлус имонлилардан шуни сўрайди: “Мен учун ҳам ибодат қилинглар. Мен оғзимни ҳар очганимда, зарур бўлган сўз менга берилсин, Инжил сирини қўрқмасдан баён эта олайин...” (Эф.6:19-20).
- Худди мана шундан илтимос билан, Павлус Колослик имонлиларга ҳам мурожаат қиласди: “Тоат-ибодатга астойдил берилинглар; ибодат қилишда хушёр бўлиб, шукrona қилинглар. Шунингдек бизлар учун ҳам ибодат қилинлар: биз Худонинг Каломини тарғиб қилишимиз ва Масиҳ сирини баён этишимиз учун Ўзи бир эшикни очиб берсин. Мана шу сир туфайли қамоқдаман. Бу сирни муносиб равища изҳор эта олишимни Худодан сўранглар” (Кол.4:2-4).
- Солоника жамоатига ҳам Павлус шундай ёзади: “Хуллас эй биродарлар, Рabbимиз қаломи худди сизларда бўлгани сингари, бизнинг орамизда ҳам тез ёйилиши ва улуғланиши учун ибодат қилинглар. Бузук ва ёвуз одамлардан кутулишимиз учун ҳам ибодат қилинглар; чунки ҳамма ҳам имонли эмас. Рabbимиз эса ишончилидир. У сизларни қўллаб-кувватлаб, ёвуз шайтондан сақлаб қолади” (2Сол.3:1-3).

Ушбу лавҳалар биринчи аср имонлиларининг ибодатлари Хушхабарнинг тарқалиши ва шайтоннинг қаршиликларидан сақлашни сўраш бўлганлигини кўрсатяпти. Бу муҳотожликлар бизнинг вақтимизда ҳам муҳим бўлиб қолмоқда. Жамоатлар ташкил қилиш стратегиясини ишлаб чиқишида ва уни тадбиқ этишида ибодатга жуда жiddий ёндошинг. Ибодатсиз ҳеч нима қилманг. Сизнинг маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш хизматингиз ибодат билан оқсин ва ҳар доим — бошидан охиригача ибодат билан ювилиб турсин.

II. ИБОДАТНИ ХУШХАБАР АЙТИШ ВА ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ХИЗМАТИ БИЛАН БИРГАЛИҚДА ОЛИБ БОРИШ

Бундан олдинги бўлимда биз ҳаворий Павлус, ибодатни Хушхабар тарғиб қилишда ва жамоатлар ташкил қилишда муҳим ҳаётий аспект деб ҳисоблаганини кўриб ўтдик. Хўш, биз амалда қандай қилиб одамларни ўзимизнинг жамоатлар ташкил қилиш хизматимиз учун ибодат қилишларига даъват қилишимиз, жалб қилишимиз мумкин? Бу бўлимда бунинг учун бир нечта кўрсатмалар берилган. Одамларни жамоатлар ташкил қилиш учун ибодат қилишларига чақиришнинг энг асосий негизлари:

- Худодан сизнинг мўлжалдаги жойингизга нисбатан бефарқ бўлмаган одамлар билан учраштиришини сўраб ибодат қилинг.
- Жамоат ташкил қилиш хизмати билан шуғулланаётган одамлар ва сиз учун ибодат қилаётган одамлар ўртасида маълумотлар алманишига эътибор беринг.
- Инжил Хушхабари мақасад учун танлаган худудингизда яшовчи одамлар орасида тарқалиши учун одамларни мунтазам, аниқ ва кучли ибодат қилишларига чақиринг, шунингдек, бу худудда Хушхабарнинг тарқалишига тўсқинлик қиласиган ва одамларни гуноҳ қуллигига ушлаб турадиган ёвуз шайтоннинг таъсирига қарши ҳам ибодат қилишга чақиринг.

A. Ибодат билан қўллаб-кувватловчилар гуруҳи

Ҳар бир миссионер ёки жамоат ташкил қилувчилар гуруҳи, ибодат билан қўллаб-кувватловчилар гуруҳини тузишга ҳаракат қилишлари керак. Бундай одамлар сафига ўз жамоатингиз аъзолари, имонли биродарларингиз ёки оила аъзоларингиз кириши мумкин. Улар мунтазам тарзда сиз учун, сизнинг гуруҳингиз учун, оилангиз учун ва жамоатлар ташкил қилиш хизматингиз учун ибодат қилишлари керак. Одамлардан сиз учун мунтазам ибодат қилишларини сўранг, масалан ҳафтада бир марта, ҳар куни ёки ҳар ойда. Сиз учун ибодат қилишга рози бўлган ҳар бир ҳамкорингизни исмларини ва ибодат қиласиган кунларини календарда белгилаб қўйинг. Бу нарса сиз учун ким ва қачон ибодат қилишини ёдда

сақлашингизда ёрдам беради, чунки агар кимdir сизни шошилинч равища ибодат билан қўллаб-қувватлаши зарур бўлиб қолса, кимга мурожаат қилишни биласиз.

Сизни ибодат билан қўллаб-қувватловчи гуруҳингиз вақти-вақти билан йигилиб сиз учун ва сизнинг хизматингиз учун биргаликда ибодат қилишни келишиб олишлари мумкин — бир ойда бир марта ёки ундан ҳам тез-тез. Ушбу гуруҳнинг битта аъзоси Худонинг ибодатларга бераётган жавоби ва яна қайси янги эҳтиёжлар учун ибодат қилишлари кераклиги ҳақида билиши учун сиз билан доим алоқада бўлиши керак. Бу маълумотлар ибодат билан қўллаб-қувватловчи гурухга етказилиш керак, зоро улар Худонинг ибодатларига бераётган жавоби учун, Унинг бу меҳнатларда бераётган ёрдами учун Уни улуғлашади.

Б. Кичик гуруҳлардаги ибодатлар

“Кичик гуруҳлар” мавзуси бўлиб ўтган дарсларда муҳокама қилганимиздек, бундай гуруҳдаги одамлар Унинг Каломини ўрганиш орқали ва бир-бирлари билан мулоқот қилишлари орқали Худони улуғлашнинг ажойиб имкониятига эгалар. Кичик гуруҳлар ўсиши ва қўпайиши керак. Ҳар сафар йиғилганларида имонга келмаган дўстлари, қариндошлари ва гурух аъзолари иш олиб бораётган одамлар учун ибодат қилишга алоҳида вақт ажратишлари керак. Бундан ташқари гуруҳлар ўз худудларида “ибодат билан юриш” лар ўтказишлари ва Хушхабарни тарғиб қилувчи маҳсус тадбирлар ҳақида ибодат қилишлари мумкин. Бунинг учун гурух раҳбарлари гуруҳнинг аъзоларини бундай тадбирлар ўтказилиши ҳақида хабардор қилишлари керак.

В. Учлик ибодатлари

Учлик ибодати ҳақида биз 1 Қўлланманинг “Хушхабар айтиш” бўлимида ўргангандек. Учлик ибодати уч кишидан ёки учта оиласвий жуфтликдан ташкил топади ва улар мунтазам (ҳар ҳафтада ёки икки ҳафтада бир марта) учрашишади, учлик ибодатининг ҳар бир иштирокчиси имонга келмаган танишлари, ҳамкаслари ёки қўшниларидан уч кишини танлаб уларни имонга келишлари учун биргаликда ибодат қилишади. Агар бу имонга келмаган одамлар учлик ибодати аъзолари тез-тез учрашадиган ва алоқа қиладиган одамлар бўлса янаям яхши бўлади.

Агар сизнинг мақсад учун танлаган худудингизда жамоат тузишингизда ёрдам беришни хоҳлаган бир нечта масиҳий бўлса ҳам бу учликни ташкил қилиш имкониятини беради. Шунингдек, бу янги имонга келганларни ўзларининг имонга келмаган қариндошлари ва дўстлари учун ҳам ибодат қилишларига ундайди. Бунинг яна бир ижобий томони шундаки, учлик ибодатларини ташкил қилиш орқали мавжуд бўлган жамоатларни ҳам Хушхабар тарғиб қилиш ишларига жалб қилиш мумкин.

Г. Ибодат учун мавзулар

Кичик гуруҳлар, “ибодат қилиб юриш”лар, ибодат билан қўллаб-қувватловчи гуруҳлари ибодат учун аниқ мавзуларга муҳтоҷ бўладилар. Қуйида бундай мавзулар наъмуналари келтирилган. Тадқиқот ва текширишлар ўтказганингиздан сўнг, бу ерда саналганлардан ташқари яна бошқа мавзулар ҳақида ҳам билиб оласиз.

- Оилалар ҳақида, уларнинг мустаҳкамланиши ва баракаланаши учун. Худога келишлар ва Уни таниб билишлари учун.
- Ишсизлар ҳақида, иш топишлари учун.
- Жамоатлар ва аниқ бир одамлар ҳақида, уларни Худо билан мулоқотни қидиришлари учун.
- Мактаблар ҳақида, ундаги ўқувчилар ва ўқитувчилар дунёни, Масиҳнинг қувватини ва севгисини таниб билашлари учун.
- Дўкон ва банклар ҳақида, у ердаги пул масалаларида ҳақгўй бўлишлари учун.
- Давлат муассасалари ҳақида, улар тўғри қарорлар чиқариладиган ва куч-қувват эзгулик учун хизмат қиладиган ҳақиқат макони бўлишлари учун.

- Худодан сизни жамиятда ўз мавқие, обрўи бор одамлар билан таништириши ҳақида сўранг ва бундай одамларга мурожаат қилганингизда улар Хушхабарни янада кенг миқёсда тарқалиши учун йўл очиб беришлари учун ибодат қилинг.

ШАДДИҚОТ: ИБОДАТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР ЙИҒИШ ВОСИТАСИ

Жамоатлар ташкил қилишдаги энг биринчи ишларингиздан бири, мўлжаллаган жойингизда тадқиқот ишлари олиб бориш бўлган эди (қар. 1Кўлланма “Тасаввур” мавзуси бўйича “Тадқиқот ишларининг принциплари” дарси). Бу тадқиқот ишларида мўлжаллаган жойингиз тарихи ҳақида иложи борича кўпроқ нарса билишга ҳаракат қилгансиз. Бу шаҳарни ёки қишлоқни ким ташкил қилган? У нима учун ташкил қилинган ва қаерда? Шу ҳудуддаги урф-одатлар, исм, фамилия ва ҳ.злар қандай маънони билдиради? Бу ҳудудда ҳарбий ҳаракатлар, қўзғалонлар, эпидемиялар бўлганми, қандайдир шартномлар тузилганми? Аҳолининг кам сонини ташкил қиласиган миллатларга бўлган муносабат қандай?

Бундан ташқари сиз бу жойда масиҳийликнинг ва масиҳий бўлмаган бошқа динлар қай тарзда ривожланганини текширган эдингиз. Сиз қуидаги саволларга жавоб излашингиз керак эди: Бу ҳудудга масиҳийлик қачон кириб келган ва у айнан қайси жойдан тарқала бошлаган? Бу ҳудудда жамоат ташкил қилиш ижобий қабул қилинганми? Жамоатларнинг бўлинини ёки бирлашиши ҳоллари бўлганми? Жамоат қай тарзда ўстган? Айнан қаерда? Хозирги вақтда бу ҳудудда масиҳий бўлмаган қайси динлар фаол ҳаракат қилмоқда? Бу ҳудудда “Янги давр” марказлари ёки оккультизм, сатанизм гуруҳлари мавжудми? Бу ҳудудда қандайдир яширин жамиятлар мавжуд бўлганми?

Ва ниҳоят, сиз мўлжаллаган жойингизни демографик ва географик ҳолатини текширган эдингиз. Сиз аҳолининг сони, унинг зичлиги, одамларнинг ёшлари ва ҳ.з лар ҳақида маълумотлар йиғдингиз. Шунингдек, қуидаги саволларга жавоб изладингиз: Бу ҳудудда қандайдир географик бўлинишлар мавжудми? Вилоятда анъанавий тарзда ҳамма шундай деб ҳисоблайдиган, масалан камбағаллар, бойлар ёки фоҳишабозлик, жиноятчилик ва ҳ.з марказлар борми?

Бу маълумотлар — мўлжаллаган жойингиз ҳақида аниқ ва кучли ибодат қилишингизда ёрдам берадиган қудратли воситадир. Шунингдек, бу маълумотлар сизга “ибодат қилиб юриш” учун ҳудуд танлашга ёрдам беради ва Хушхабарни одамларга етказиш тадбирлари бўйича янги ғоялар беради. Сиз томондан мана шу тарзда йиғилган маълумотлар ибодат билан қўллаб-қувватловчи гурухга ва бу ҳудуд аҳволи учун бефарқ бўлмаган бошқа имонлиларга етказилиши керак. Олиб борилган тадқиқот ишлари асосида “ибодат билан қўллаб-қувватловчи” гурух аъзоларининг диққат-эътиборлари қаратиладиган ибодат мавзууларини аниқлашингиз мумкин.

ХУЛОСА

Масиҳийлар орасида шундай ибора мавжуд: “Худонинг аскарлари тиззалири билан ғолибона қадам ташламоқдилар”. Бу ибора Худонинг Шоҳлигини ерда ўрнатишда ибодат-ибодатларнинг стратегик муҳим ролини ифодалайди. Жамоатлар ташкил қилиш — бу зулмат ҳукмронларига қарши руҳий курашни ўз ичига олган руҳий курашдир (Эф.6). Бу курашда энг асосий курол ибодат бўлиши керак, бу кураш ибодат билан бошланиши ва ибодат билан олиб борилиши керак. Фақат мана шу ҳолда бизнинг бу меҳнатимиз Худонинг ҳосилини беради.

САВОЛЛАР

- Ҳаворий Павлус биринчи аср имонлиларини даъват қилганидек, сиз ҳам тоат-ибодатга астойдил берилганимисиз (Кол. 4:2-4) ва ҳар доим ибодат қиласизми (Эф. 6:18)?
- Сиз бирон марта бўлса ҳам “ибодат қилиб юриш”да иштирок этганимисиз? Ўз тажрибаларингизни тасвиrlаб беринг. Бу қандай бўлган эди? Сиз қаерда юрдингиз? Нима ҳақида ибодат қилдингиз? Бу сизнинг мана шу ҳудуддаги хизматингизга қандай таъсир кўрсатди?
- Одамларни жамоатлар ташкил қилиш ҳақида ибодат қилишга чақириш бўйича қўшимча таклифларингизни айтинг.

4. Сиз қандай қилиб “ибодат билан қўллаб-қувватловчи ” гуруҳингиз билан алоқада бўласиз, уларни Худонинг ибодатларига берайтган жавоблари ҳақида ва яна нималар учун ибодат қилишлари кераклиги ҳақида қандай қилиб хабардор қиласиз?
5. Хушхабар айтиш билан ибодатнинг боғлиқлиги ҳақида шахсий тажрибаларингиздан мисоллар келтириңг. Улар қандай натижалар келтирган?

ТОПШИРИК

- Агар сиз ҳали ибодат билан қўллаб-қувватловчи гуруҳингизни ташкил қилмаган бўлсангиз, бундай гуруҳни албатта ташкил қилинг. Камида учта имонлидан сизнинг хизматингиз учун ҳар ҳафтада ибодат қилишларини сўранг. Улар билан қандай қилиб алоқада бўласиз?

Ибодат 2,3 Дарслар

Ибодатда бирлашиш

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — ўқувчиларга ўз жамоатларида биргаликда ибодат қилишни тўғри олиб боришга ёрдам бериш учун уларга ибодат қилиш наъмунасини ва биргаликда ибодатлар олиб бориш структурасини тушунтириш.

Кутиладиган натижалар:

Дарс материалини ўрганиб ҳар бир ўқувчи:

- Хазрати Исо Ўз шогирдларини нимага ўргатганини (“Раббим, бизни ибодат қилишга ўргат” деган илтимосларига берган жавобини) тушуниши керак;
- Улуғлаш ибодати учун ҳар доим вақт ажратиши керак;

Дарс режаси:

- Раббимиз ибодати контексти
- Ибодат наъмунаси

Ўқитувчиларга кўрсатмалар:

Бу дарс икки соатта мўлжалланган. Бу дарснинг материалидан ўзингизнинг биринчи ибодат конференциянгиз учун режа сифатида фойдаланинг.

Раббимизнинг “Самовий Отамиз” ибодатини ўрганишда “Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари” қисмининг 2,3-дарсларига мурожаат қилинг ва бу дарсда ўрганилган принциплар, яъни кузатув, шарҳлаш ва қўллаш вазифаларини бажаринг.

СЎЗ БОШИ

Кейинги икки соат давомида биз Раббимизнинг Ибодатини наъмуна сифатида олиб ибодат қиласиз (Мат.6:9-13; Лк.11:1-4). Аввал биз кузатув ва шарҳлаш вазифаларини бажарамиз, яъни бу ибодатнинг олти байтини ҳар бирини ўрганиб чиқамиз, ундан кейин, ўрганилган материалларни амалда қўллаш қисмига ўтамиз, яъни ибодат қиласиз.

I. РАББИМИЗ ИБОДАТИ КОНТЕКСТИ

Матто баён этган Хушхабарда Раббимиз Ибодати машхур “Тоғдаги ваъз”га киритилган. Ундан олдин тўртта кўрсатма берилган: (1) ўз художўйлигини одамларга кўрсатишга ҳаракат қиласиган иккисозламачиларга ўхшамаслик; (2) иложи борича Худога ибодатни яширин, хилватда қилиш; (3) мажусийларга ўхшамаслик ва ортиқча сўзларни тақрорлаб турмаслик; (4) Худо бизнинг барча муҳтожликларимизни биз Унга айтмасимиздан олдин билишини тушуниш.

Ҳаворий Луқо баён этган ҳикоядан биз биламизки, Исо Масиҳ ибодат қилаётган пайтда, Унинг бир шогирди, Яҳё чўмдирувчи ўз шогирдларига ўргатганидек уларга ҳам ибодат қилишни ўргатишини сўрайди. Эътибор беряпсизми, Раббимиз Ўз шогирдларига ибодат қилишни ўргатган, бироқ шогирдларнинг ўзлари Ундан бу ҳақида сўрашганидан

кейингина буни қилди. Шунинг учун ўзингиз ибодат қилишга киришишингиздан аввал, қандай ибоат қилиш кераклигини Унинг Ўзидан сўранг.

Шундай қилиб, Исо Масиҳ шогирдларининг илтимосига кўра уларга ибодат наъмунасини ёки моделини берди ва биз айнан мана шу ибодатни мисраларга ажратган ҳолда синчиклаб кўриб чиқамиз.

II. ИБОДАТ НАЪМУНАСИ

A. “Бизнинг осмондаги Отамиз! Сенинг муқаддас исминг улуғлансин” (Мат.6:9)

1. Кузатув

2. Шархлаш

а) “Бизнинг осмондаги Отамиз”,

Биз барчамиз Худони “отамиз” деб тан оламиз ва бунга сабаб биз Иброҳим фарзандлари бўлганимиз учун эмас, балки Исо Масиҳни тан олиб, Унинг номига имон келтирганмиз учун Худонинг фарзандларимиз(Юҳ.1:12; 3:3; Гал.4:7).

б) “Бизнинг осмондаги Отамиз”

Бу ибора бизнинг ердаги отамиз билан самовий Отамиз ўртасидаги фарқни яққол кўрсатиб турибди.

в) “Сенинг муқаддас исминг улуғлансин “(ёки “исминг муқаддас тутилсан”)

“Пок” ёки ”муқаддас” — асосий маъноси “ажратилган”, яъни ҳар қандай ғубор ва айб-гуноҳдан ҳоли демакдир (Ибт.2:3; Лев.10:3; 11-44). Хўш, бу сўзниг Худога нисбатан маъноси қандай?

(1)Унга тенг келадиган ҳеч ким ва ҳеч нима йўқ.

(2)У ҳар қандай яратилган маҳлуқдан олий, баркамол.

(3)У Ўзининг барча хусусиятлари билан У бутун борлиқда ягона ва бетакрордир.

Мисол учун, Унинг севгиси бошқа ҳар қандай севгидан олий ва юқоридир; бу севгини инсон ўз онгига тасаввур қилаолмайди.

- Худонинг муқаддаслиги сиз ўзингиз қандай тасаввур қилишингизга бошқа мисоллар келтиринг; Худо қандай сифатлари билан “бошқалардан ажралган”?

г) “Сенинг исминг”

(1)Эски Аҳддан эслатмалар:

Эски Аҳдда келтирилган ҳар бир ибора чуқур маънога эгадир. Масалан, яхудийларнинг одатлари бўйича одамнинг исми унинг бутун моҳиятини, хусиятларини ифодаланган. Чик.3:14-15 оятларини ўқинг. Худонинг исми қандай бўлган?

Эски Аҳдда Худо истроил халқига Ўзини турли исмлар билан намоён қилган ва бу исмларнинг ҳар бири Унинг моҳиятининг турли томонларини очиб берган. (Дарсда агар хоҳловчилар бўлса қуйидаги оятларни овоз чиқариб ўқиб беришларини сўрашингиз мумкин):

а) Иегова Ире (Мен — сени барча нарса билан таъминловчи Худоман, Ибт.22:8)

б) Иегова Рофе (Мен — сени шифоловчи Худоман, Чик.15:26)

в) Иегова Куана (Мен — рашкчи Худоман, Чик.34:14)

г) Иегова Нисси (Мен — Худоман, сизларнинг түғингизман, Чик.17:15)

д) Иегова Каддеш (Мен — сизларни покловчи Худоман, Чик.31:13)

е) Иегова Шалом (Мен — Худоман, сенинг тинчлигингман, Суд.6:24)

ж) Иегова Рохи (Мен — Худоман, сенинг чўпонингман, Заб.22)

з) Иегова Тсидкенту (Мен — Худоман, сенинг солиҳлигингман Ис.42:6)

(2) Янги Аҳддан эслатмалар

Юҳанно баён этан Хушхабarda ҳазрати Исо Ўзини ”Мен ҳаёт нониман” дейди (яъни азалдан мавжуд бўлан Калом ёки Иегова). Ҳазрати Исо Ўзининг таълимоти ва мўжизалари билан бизга Худонинг қуйидаги хусиятларини намоён қилган:

а) Мен ҳаёт нониман (Юҳ.6)

б) Мен оламнинг нуриман (Юҳ.8:12)

в) Мен қўйларнинг эшигиман (Юҳ.10:7)

- г) Мен яхши чўпонман (Юҳ.10:11)
- д) Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман (Юҳ.14:6)
- е) Мен тирилиш ва ҳаётдирман (Юҳ.11:25)
- ж) Мен Токман (Юҳ.15:5)

3. Кўллаш

Биргаликда Худони У Ким эканлиги учун улуғланг. Унинг бошқа хусусиятларини билиш учун бошқа оятларни ҳам ўқинг. Буларнинг ҳар бири учун Унга ибодат қилиб миннадорчилик билдиринг. Уни улуғловчи бир нечта ҳамду саноларни қўшиқ қилиб куйланг.

Б. “Сенинг Шоҳлигинг келсин; осмонда бўлгани каби ерда ҳам сенинг ироданг бажо бўлсин” (Мат.6:10)

1. Кузатув

2. Шарҳлаш

Яхудийлар ер юзидаги шоҳликни бошқарувчи подшохни кутишган эди. Ҳазрати Исо эса одамлар қалбидағи руҳий Шоҳликни бошқаришни мақсад қилган эди ва бу ҳақда жон куйдирди. Лк.17:20-21 оятларида Исо Масих Ўз издошларига: “...Худо Шоҳлиги ўз ичингиздадир” деб айтган эди. Лекин биз “Сенинг Шоҳлигинг” иборасини фақат бизнинг Худога бўлган ички мансублигимиз, деб тушунмаймиз. Биз биламиз, бир қун келиб У бу дунёга ҳокимлик қилиш учун албатта қайтади ва бу режанинг амалга ошишини сўраб доим ибодат қиласиз (Вах.11:15).

3. Кўллаш

Уни ўз Шоҳингиз, Ҳукмдорингиз ва ҳаётингиз Эгаси деб тан олиб биргаликда ибодат қилинг. Сиз фақатгина Унинг хизматкорлари эканлигингизни тан олинг. Ундан ўз жамоатингизни бошқаришини, хонадонингизни ва оиласигиз ҳақида ғамхўрлик қилишини, давлатингизни асранини сўраб ибодат қилинг. Ҳар бир вазиятда сизга Ўз иродасини билдиришини сўранглар. Янги жамоат тузиш масалаларини ўйлаганингизда, Унинг хоҳиш иродаси бажо бўлиши учун ибодат қилинг.

В. “Бугунги ризқ-рўзимизни бергин” (Мат.6:11)

1. Кузатув

2. Шарҳлаш

“Ризқ-рўзимиз” — бизнинг барча ҳаётий эҳтиёжларимизни рамзиdir. Биз бугунги эҳтиёжларимиз қондирилишини сўраб ибодат қилишимиз керак.

3. Кўллаш

Муҳтожликларингиз ва эҳтиёжларингиз учун ибодат қилинг.

Г. “Бизга гуноҳ қилганларни биз кечиргандек, Сен ҳам бизни гуноҳларимизни кечиргин” (Мат.6:12)

1. Кузатув

2. Шарҳлаш

Агар Худо бизни кечиришини хоҳласақ, унда биз ҳам бошқаларни кечиришимиз керак.

3. Кўллаш

- а. Ўзингизга маълум бўлан барча гуноҳларингиз учун Худо олдида тавба қилинг (1Юҳ.1:9).
- б. Ўзингиздаги ҳар қандай ёмон ният, гина-кудурат, ҳар қандай қаҳру-жаҳл, нолиш ва фийбатчилик хиссидан халос (озод) бўлинг (Эф.4:31-32).
- в. Ҳозирда ёки илгари сизга қарши гуноҳ қилганларни кечиринг. Бу одамларга нисбатан сизда севги хиссини ўйготишини сўраб Худога ибодат қилинг.
- г) Сиз кимнинг кечиримига айниқса муҳтож бўлсангиз, ўша одамни сиз билан учраштиришини сўраб Худога ибодат қилинг. Имконият бўлганда у одамнинг олдига бориб

албатта кечирим сўранг. Агар зарур бўлса у одамга етказган озорингиз ўрнини, бирон-нарса билан тўлдиришга ҳаракат қилиб кўринг.

**Д. “Бизни васвасага дучор қилмагин, аммо ёвуз шайтондан халос қилгин”
(Мат.6:13)**

1. Кузатув
2. Шарҳлаш

Ёвуз шайтон, иблис — бу бизнинг энг катта душманимиздир. Гарчи шайтон мағлуб бўйлан бўлса ҳам, у ҳозир ҳам Худонинг фарзандларини турли хил ёлғон ва ҳийлалари билан ўз тузоғига илинтиришга ҳаракат қиласди. Бизнинг унга қарши қуролимиз — ҳақиқат ва севгидир (Юх. 17).

3. Қўллаш

Худодан сизни ёвуз шайтондан халос этишини сўранг.

Е. “Салтанат, куч-қудрат ва шон-шуҳрат то абад сеникидир” (Мат.6:13)

1. Кузатув
2. Шарҳлаш

Бу — ибодатнинг якуний жумласидир, зеро биз нимадан бошлаган бўлсак яна шунга қайтамиз, яъни Худони улуғлаймиз ва мадҳ қиласмиз.

3. Қўллаш

Сиз ибодатни қўйидаги сўзлар билан якунлашингиз мумкин, яъни сиз фақат Худонинг Шоҳлиги учун яшаяпсиз ва меҳнат қилмоқдасиз ва сизнинг меҳнатингизни фақат У Ўз қудрати ила қўллаганда ва мадад берганда самара келтиради. Сиз буларнинг барчасини Уни улуғлаш учун қиласпсиз. Омин.

МАЗКУР ҚЎЛЛАНМА БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

I. ИБОДАТ ОРҚАЛИ ТАСАВВУРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Қар. “Хушхабар айтиш” бўлими, Илова 1Б “Учлик ибодати”.

II. АҲОЛИНИНГ МАҚСАДГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ҚИСМИНИ ЎРГАНИШ

Сиз жамоат ташкил қилмоқчи бўлган худудда тадқиқот ишларини олиб боришингиз керак. Тадқиқот ишлари олиб бориш учун худуд танланг (республика, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ...) Керакли бўлган худуднинг харитасини топинг ёки асосий обьектларни киритган ҳолда бу харитани ўзингиз тузинг. Қаерда тадқиқот олиб бормоқчи бўлсангиз харитадан шу жойни белгиланг ва бу худуд ҳақида, бу ерда кимлар ва нималар мавжудлиги тўғрисида иложи бўлган барча маълумотларни тўпланг. Ва, кейин бу худуднинг айнан қаерида жамоат ташкил қилишни ҳал қилинг. Бу жойни харитада белгиланг. Мана шу жой сизнинг мўлжаллаган жойингиз бўлади (тадқиқот олиб бориш мақсадида). Айнан мана шу худуд ҳақида иложи борича қўпроқ нарсани аниqlанг.

“Ҳосил”ни (сиз Хушхабар етказмоқчи бўлган одамларни) текширишни, яъни тадқиқот қилишни бошланг ва “юмушчилар” (Хушхабарни етказишида ва янги жамоат ташкил қилишда сизга ёрдам берадиган одамлар) ҳақида маълумотлар йиғинг.

Сиз ўз тадқиқотларингиз жараёнида фойдаланадиган саволлар ва анкеталарга наъмуналар қўлингиздаги ўқув материалининг “Тасаввур” қисми, Илова 4А да берилган. Сиз булардан ўз анкета ёки сўровномларингизни ишлаб чиқишида наъмуна сифатида фойдаланишингиз мумкин.

Қўшимча маълумотлар ва ёрдамни сиз Рик Уорреннинг “Мақсадга интигувчи жамоат” китобининг 9 ва 10 бобларидан топишингиз мумкин.

III. ШАХСИЙ ИМОННИ ВА ИШОНЧНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1. Оқланиш

Янги имонга келган биродарингиз ёки синглингизга имон билан оқланишнинг маъносини ва мазмунини тушунтириб беринг. Сўнгра ундан сизнинг тушунтирганларингиздан нимани тушунган бўлса шуларни ўз сўzlари билан ёзиб беришини сўранг. Тўғри, ҳамма одамлар ҳам саволларга ёзма жавоб беришга унчалик ҳам рози бўлавермайдилар, лекин умид қиласизки сиз бу топшириқни бажаришга ижодий ёндошасиз. Сиз бўлажак устоз сифатида улардан сизга ёрдам беришларини сўрашингиз мумкин: улардан бундай қийин саволни қандай қилиб яхшироқ тушунтириш кераклигини, ҳамда сизнинг тушунтиришингизда нималарни тушуниш уларга қийин бўлганини айтишларини сўранг. Сиз уларнинг бу ёзма жавоблари ўзингизга муаллим ёки одамларга Муқаддас Китоб ҳақиқатларини тушунтиришга ҳаракат қилувчи одам сифатида баҳо беришингиз учун зарурлигини айтишингиз мумкин.

2. Покланиш

Покланиш нима эканлигини (қандай тушунишингизни) ўз сўzlарингиз билан ёзинг. Бу жараён сизнинг ҳаётингизда қандай содир бўлаётганини тасвиrlант. Ўз таърифингизга қуйидаги бешта тушунчани киритинг: тана, Рух, муқаддаслик (севги билан туғиладиган), имон ва Хушхабар.

3. Руҳий ўсиш кундалиги

Бу топшириқни бажаришнинг энг кам муддати — 3 ҳафтадир. Топшириқни ҳар куни эрталаб ўтган кунингиз ҳақида мулоҳаза қилишга вақт ажратишдан бошланг. Сиз билан кеча нималар содир бўлгани ҳақида ўз кундалигингизга ёзиб боринг. Ҳеч бўлмаса бир нечта гап ёзинг. Санани ва “кеча” сўзини ёзиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- А) Ўтказган қунимда содир бўлган воқеа ва ҳодисалар орқали Худо менинг ҳаётимда қандай фаолият олиб бормоқда?
- Б) Унга хизмат қилишим учун Худо менга қандай кутилмаган имкониятлар берди?
- В) Нима учун мен кечаги қунимни айнан шундай ўтказдим, нима учун айнан мана шу ишларни қилдим, айнан мана шу сўзларни айтдим? Булар менинг ҳаётий мақсадларимга қай даржада мос келади?
- Г) Худонинг мендаги қилаётган меҳнатига мен қандай қилиб ўз миннадорчилигимни изхор қилишим мумкин (Худога нималар учун миннадорчилик билдиришингиз мумкинлигини санаб ўтинг)?
- Д) Муқаддас Китобни ўрганиш жарёнида шахсан менга муҳим ва зарур бўлган нималарни Худо менга очиб берди?
- Е) Менинг аниқ бир ибодатимга Худо қандай жавоб берди?
- Ж) Муқаддас Китобни ўрганиш жараёнида мен ўқиган маълум бир Муқаддас Китоб лавҳасидан мен ўтказган қунимда қандай фойдаландим?

IV. МУҚАДДАС КИТОБНИ ЎРГАНИШДА ШАҲСИЙ МАЛАКАНИ ОШИРИШ

Топшириқ: Неемия китобини ва Филиппийликларга Мактубини ўрганинг ва бунда семинарларда эга бўлан услубингиздан фойдаланинг.

1. Бир ҳафта ичida Неемия китобини уч маротаба ўқиб чиқинг. Китобни бошидан охиригича бир мартаада ўқинг. Сиз китоб ҳақида бутун бир тасаввурга эга бўласиз, бу эса сизга мана шу китобни индуктив ўрганиш жараёни учун яхши тайёргарлик бўлади.
2. Неемия китобини ҳар куни, оятма-оят ўқиб ўрганишни бошланг. Шу тарзда бу китобни 2 ой мобайнида ўрганиб чиқинг. Қуйида келтирилган жадвалдан ўрганиш жараёни учун кўлланма сифатида фойдаланинг:
 - 1-ҳафта, Неемия 1:1-2;10
 - 2-ҳафта, Неемия 2:11-3:32
 - 3-ҳафта, Неемия 4:1-4:23
 - 4-ҳафта, Неемия 5:1-6:19
 - 5-ҳафта, Неемия 7:1-8:18
 - 6-ҳафта, Неемия 9:1-10:39
 - 7-ҳафта, Неемия 11:1-12:47
 - 8-ҳафта, Неемия 13:1-13:31
 Дафтарга барча ўз кузатувларингиз, тушунчаларингиз ва амалий қўллашларингизни ёзиб боринг.
3. Неемия китобини ўрганишнинг бу босқичи (2 ойлик ўрганиш) тугаганидан сўнг, қуйидаги саволларга жавоб беринг:
 - А. Неемия намоён қилган раҳбарликнинг 10 та ўзига хос сифатларини сананг (масалан, севги билан, донолик билан...) Муқаддас Каломдан шуларга таълуқли бўлан оятларни келтиринг.
 - 1) Неемия ўзида намоён қилган раҳбарликнинг ўзига хос 10 та хусусиятлари рўйҳатини тузинг. Сизни яхши биладиган одамлардан ушбу хусусиятлардан қайсиларига сиз ҳам эга эканлигингизни сўранг.
 - 2) Сизнинг имонли биродарларингиз ва ишдаги ҳамкасларингиз бундай хусусиятлардан қайсиларига эгалар?
 - 3) Қайси хусусиятлар сизда йўқ бўлса, уларни белгилаб қўйинг ва бу хусусиятларни ўзингизда ривожлантириш учун режа тузинг. Ўз мақсадингизга қанчалик эришаётганингизни баҳолашингиз учун бу режангиз етарлича аниқ ва пуҳта бўлиши керак.
 - Б. Неемия дуч келган муаммолар ва қийинчиликларни кўрсатинг ва буларга солиштириб кўриш мумкин бўлган ҳозирги даврдаги муаммолар ва қийинчиликларга мисоллар келтиринг.
 - В. Неемия ўзи дуч келган қийинчиликларни қандай енганини текстдан қидириб топинг. Булар асосида сиз ўз стратегиянгизни ишлаб чиқинг, яъни шахсан сиз Муқаддас Китобга таянган ҳолда қандай қилиб ҳаётингизда дуч келадиган шундай муаммоларни ва

- қийинчиликларни енгиб ўтмоқчисиз? Дуч келишингиз мумкин бўлган қийинчиликларни ва бу қийинчиликларни қандай енгмоқчи эканлигингиз ҳақидаги режангизни ёзib қўйинг.
4. Филиппийликларга Мактубини ўрганишни бошланг, уни кунига бир марта, ҳар куни ҳафта мобайнида ўқинг. Китобни бир мартада ҳамма бобини ўқиб чиқинг. Ҳамма мавзулар биргаликда йиғилиб, бир китобни ташкил қилганига эътибор беринг.
 5. Филиппийликларга Мактубини оятма-оят, ҳар куни, икки ой мобайнида ўрганинг ва бунда куйидаги жадвалдан қўлланма сифатида фойдаланинг:
 - 1-ҳафта, Филиппийликларга 1:1-11
 - 2-ҳафта, Филиппийликларга 1:12-20
 - 3-ҳафта, Филиппийликларга 1:21-30
 - 4-ҳафта, Филиппийликларга 2:1-18
 - 5-ҳафта, Филиппийликларга 2:19-30
 - 6-ҳафта, Филиппийликларга 3:1-21
 - 7-ҳафта, Филиппийликларга 4:1-9
 - 8-ҳафта, Филиппийликларга 4:10-23
 Дафтарга барча ўз кузатувларингиз, тушунчаларингиз ва амалий қўллашларингизни ёзib боринг.
 6. Ушбу китобни индуктив ўрганиб бўлганингиздан кейин, куйидаги саволларга жавоб беринг (ҳар бир боб учун алоҳида):
 - A) Павлус бу бобда одамлар ўртасидаги қандай алоқалар (муносабатлар) ҳақида гапирган (алоҳида одамлар билан бир қаторда, у эсга олган одамлар гуруҳини ҳам барчасини санаб ўтинг)
 - B) Бу бобда Павлус дуч келган қийинчиликлар ҳақида гапирилганми? Агар “бўлса”, унда у бу қийинчиликларни қандай енганини тасвирлаб беринг.
 - B) Бу бобда Павлуснинг гапларидан жамоат ҳақида, унинг меҳнатлари ҳақида нимадир билиб олдингизми?
 - C) Бу бобда раҳбарликнинг қайси вазифалари ҳақида гапирилган?
 - D) Бу бобни ўрганар экансиз, Масихнинг қайси сифатларини Павлуснинг ўзида кўрдингиз? Бу сифатлар сизнинг ҳаётингизда қай даражада намоён бўляпди?
 - E) Бу бобдаги қайси оятларни муҳим оятлар деб ҳисоблайсиз (ўз фикрингизча) ва нима учун бундай деб ҳисоблайсиз? Тушунтириб беринг.

V. ЯНГИ ЖАМОАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ УСУЛЛАРИНИ ВА СТРАТЕГИЯСИНИ АНИҚЛАШНИ БОШЛАШ

1. Ният (Мақсад)

Ўз ноҳиянгиз, шаҳрингиз, қишлоғингиз..., яъни мўлжаллаган жойингиз ҳақида ўйланг, мулоҳаза қилинг.

Куйидаги саволга берадиган жавобингиз ҳақида ўйланг: “Худо _____ учун нимани хоҳлади?” (давлатингиз, шаҳрингиз, қишлоғингиз... учун). Ўз ноҳиянгиз (шаҳрингиз...) ҳаётида Худонинг иродасини бажариш учун сиз нималар қилаоласиз, нималар қилишни хоҳляяпсиз ва нималар қиласиз? Буларга бир нечта аниқ мисоллар келтиринг.

2. Янги жамоатни ташкил қилиш

А. Рик Уореннинг “Мақсадга интилувчи жамоат” (“Целеустремленная церковь”) китобини ўқиб чиқинг.

Б. Тузилажак жамоатингизнинг мақсадларини ўйланг ва уларнинг таърифини тузинг. Уларни ёзинг.

(Қар. Ўқув материалининг “Жамоат” бўлимидан, 5-дарс “Мақсад таърифини тузиш”, шунингдек “Мақсадга интилувчи жамоат” китобидан 3-8 ва 11 боблар.)

“Хосил даласига” чиқиб “Жамоат мақсадлари”ни синовдан ўтказинг. Жамоат ташкил қилмоқчи бўлган ҳудудингизда яшовчи 10 та имонга келмаган одамалардан — мақсади сиз баён қилгандек бўлган жамоатга улар келишни хоҳлашадими сўраб қўринг. Мана шундай саволни 10 имонлига ҳам беринг ва барча олган жавобларингизни ёзib қўйинг.

Сиз ёзган “Жамоат мақсадлари” охиригача ишлаб битиришни талаб қилмаяпдими? Тушунтириб беринг — нима учун “ҳа” ва нима учун ”йўқ”.

В) Кўлланманинг “Тасаввур” қисмидаги Илова ЗАда берилган “Янги жамоатлар ташкил қилиш билан шуғулланувчи одамларни энг кўп берадиган саволлари” жадвалида келтирилган саволларга жавоб беринг. Албатта, бу жавоблардан баъзилари тўлиқ бўлмайди, лекин барига ўрганган билимларингизга асосланиб иложи борича аникроқ ва тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилинг.

3. Хушхабар айтиш

А. Хушхабарни одамларга етказишда мавжуд бўлган барча тўсқиларни ва шунингдек ўз ҳаётингизда, хизматингизда дуч келган тўсиқларни рўйхатини тузинг.

Булар ҳақида биродарларингиз билан, рафиқангиз ва шогирдингиз билан гаплашинг.

Б. Сизга ёрдам берадиган қуийдаги Муқаддас Калом оятларини ёд олинг:

1. Адашган одамлар учун ибодот қилиш (1Тим.2:1-4; Рим.10:1)
2. Ўз имонини бошқалар билан баҳам кўриш имкониятлари берилиш учун ибодат қилиш (Эф.6:19).
3. Хушхабар айтиш учун имкониятлар излаш ва ибодат қилиш (1Кор.16:9).
4. Ишда ва хизматда ўзининг инсоний заковати ва сифатларига эмас, балки Муқаддас Рухнинг қудратига таяниш (1Кор.2:4-5).
5. Одамлар билан кўпроқ бирга вақт ўтказиш (муносабатлар кўпригини ўрнатиш) (1Кор.9:22-23).
6. Ҳаёти билан гувоҳлик бериш (1Бутр.3:1).
7. Исо Масих ва Муқаддас Китоб ҳақида гувоҳлик бериб, уларнинг манфаатларини қўллаб-куvvatлаш ва мустаҳкамлаш (Юҳ.9:25).
8. Муқаддас Рух уларнинг ҳаётларида қилаётган ишларига қараб, одамлар Худонинг даъватига жавоб қайтаришларини (беришларини) кутиш (2Кор.5:20)

В. Муқаддас Каломдан оятлар ёдлаш

Қуйида келтирилган лавҳалардан хоҳлаган иккитасини ёдланг (ҳар бир мавзу бўйича):

- ҳамма гуноҳ қилган (Ис.53:6; Рим.3:23; Еккл.7:20; Рим.3:10; Иbt.6:5);
- гуноҳнинг эвази (Рим.6:23; Ибр.9:27; Рим.5:12; Иез.18:4);
- Масих биз учун тўлов тўлади (Рим.5:8; 1Бутр.3:18; 1Юҳ.4:10; 1Бутр.2:24);
- нажот топишимиш ўз ишларимиз туфайли эмас (Эф.2:8-9; Тит.3:5; Рим.4:5);
- Масихни қабул қилиш зарурияти (Рим.6:23; Юҳ.1:12; 14:6; Ҳав.4:12; Вах.3:20; Рим.10:13; Юҳ.3:36);
- нажот топишнинг натижалари (1Юҳ.5:11-13; Юҳ.5:24; 10:27-28; Рим.8:16);

Г. ШАХСИЙ ГУВОҲЛИК

Имонга келмаган одамларга шахсий гувоҳлигинизни айтинг ва бу ҳақида (бу қандай содир бўлгани, сизга қандай саволлар беришгани, одамлар сизнинг гувоҳлигинизни қандай қабул қилишган ҳақида) кейинги семинарда гапириб беришга тайёр бўлинг.